

ЖЕК ЛОНДОН
ХИКОЯМА

82
Л-76

Жек Лондон

# ҲИКОЯЛАР



ОБР

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1958

БССР Давлат ўқув педнашрнинг
1955 йил нашридан
*Фаттоҳ Абдуллаев*
таржимаси



## ШИМОЛ ОДИССЕЯСИ

### I

Чаналарнинг ғижирлаши тинмас, олдинги сафда бораётган итларга тақилган қўнғироқчалар жиринглар ди; лекин итлар ҳам, одамлар ҳам жуда чарчаганлар, шу сабабдан индамай борардилар. Улар узоқдан келишарди, яқинда ёққан қордан кейин эса ҳали йўл очилмаганди, музлаган буғу гўшти ортилган чаналар юмшоқ қордан зўрға судралиб борар ва тинимсиз орқага тортарди. Қоронғу тушиб келаверди, лекин йўловчилар бу кеча тунашга тўхтамоқчи эмаслар. Сокин ҳавода қор уриб турарди, аммо у йирик эмас, майдалаб ёғиб турарди, кун деярли илиқ, бори-йўғи ўн градусгина совуқ эди. Майрес билан Беттлз қулоқчинларини кўтариб олдилар, Мэйлмют Кид эса ҳатто қўлқопини ҳам ечиб қўйди.

Итлар туш пайтидаёқ чарчаб қолган эдилар, лекин ҳозир, нечукдир, янгитдан кучга кириб кетдилар. Итларнинг энг сезгирлари аллақандай чидамсизлик кўрсата бошладилар: улар тоқатсизлик билан чана қайишларини силтаб тортар, ҳавони ҳидлар, қулоқларини динг қилар эдилар. Улар ўзларининг бепарво биродарларидан хуноб бўлар ва уларнинг орқа оёқларидан тишлаб, тезроқ

юришга ундар эдилар. Булари ҳам ўз навбатида безовта бўлиб қолишар ва худди шу тарзда олдиндагиларини қистар эдилар. Ниҳоят олдинги чанага қўшилган етакчи ит шодлик билан вангиллаб юборди-да, илдамроқ ҳаракат қилиб, олдинга интилди. Қолганлари унинг орқасидан эргашдилар. Қайишлар таранг тортилди, чаналар тезроқ юриб кетди. Одамлар эса чана ёғочларига ёпишиб, орқадан тез келаётган чаналар остида қолмаслик учун қадамларини тезлатдилар. Кундузги чарчоқдан асар ҳам қолмади. Одамлар ҳай-ҳайлашиб итларга далда берардилар, итлар эса бунга қувончли вовиллаш билан жавоб қайтариб, қуюқлашиб бораётган қоронғуликда жон куйдириб югурардилар. Чаналар издан чиқиб, худди шамол кучи билан бир томонга оғиб кетаётган кема сингари қийшайиб, агдарилай деганда одамлар:

— Ҳай-ҳай!— деб бараварига ҳай-ҳайлашардилар.

Мана, ёғли қоғоз ёпиштирилган деразасидан ёруғ тушиб турган ва иссиқ уй, ўт ёниб турган ўчоқ ҳамда қайнаб турган чой яқинлигидан дарак бераётган уйга етишларига бори-йўғи юз ярдча қолди. Лекин уй банд экан. Элликтача эскимос итлари вовиллашиб, олдинги чаналарга қўшилган итларга ташландилар. Эшик катта очилиб, уйдан шимол-ғарб полисменлари киядиган қизил мундирли бир киши чиқди. У тиззадан қорга ботиб, жигибийрони чиққан итлар орасига кирди-да, совуққонлик билан қамчи дастасини ишга солиб, дарров тартиб ўрнатди. Кейин эркаклар қўл беришиб кўришдилар, шундай бўлиб чиқдики, Мейлмют Кидни ўз уйида бегона бир одам меҳмондек кутиб олди.

Уни қарши олиши, уйни иситиб, чой қайнатиб қўйиши керак бўлган Стэнли Принс меҳмонлар билан банд эди, улар ўн-ўн икки киши бўлиб, ҳар хил одамлар эди — аммо ҳаммалари ҳам қиролича хизматидаги кишилар эди: баъзилари қиролича қонунларини ҳимоя қилувчилар сифатида, баъзилари эса почтальон ва курьер вазифаларини адо этувчилар сифатида хизмат қилардилар. Улар ҳар хил миллатдан эдилар, лекин кечирган турмуш шароитлари уларни маълум бир типдаги одамлар гуруҳига — озғин, чидамли, чайир, юзлари қуёшда қорайган, қарашлари мулойим, табиатлари юмшоқ кишиларга айлантириб юборган эди. Бу одамлар қироличанинг итлари қўшилган чаналарда юрардилар, қироличанинг душманлари юрагига қўрқинч солардилар ва қиролича иноъом этган озғина



хайр-саховат билан тирикчилик қилардилар-у, ўз турмушларидан зорланмасдилар. Улар кўпни кўрган, қаҳрамонликлар кўрсатган, ҳаётлари ҳар хил ажойиб саргузаштларга тўла эди-ю, лекин буни ўзлари сезмасдилар.

Улар бу ерда ўзларини ўз уйидагидек эркин тутардилар. Улардан иккитаси Мэйлмют Киднинг кроватига чўзилиб олиб, бу ерга энг олдин келган ва ҳинд қизларига уйланган француз ота-боболари айтиб юрган ашулалардан айтмоқда эдилар. Беттзнинг кроватига ҳам учтамитўртта voyageurs[1] чиқиб олибди, улар оёқларини кўрпа остига олиб, Хартум қамали вақтида Вулзли қўмондонлиги остида хизмат қилган бир ўртоқларининг ҳикоясини тингламоқда эдилар. У сўзини тугатгандан кейин ковбойлардан бири Буффало Билл билан бирга Европа пойтахтларига саёҳат қилган вақтларида кўрган сарой ҳаёти, қироллар ва қасрлар, лордлар ва хонимлар ҳақида ҳикоя қилиб кетди. Уйнинг бурчагида икки метис жабдуқларни ямар эканлар, ўзоро ғарб-шимолни кўзғолон алангаси қоплаган ва Луи Риель қирол бўлган замонларни эслаб, гурунглашиб ўтирадилар.

Тез-тез дағал ҳазил-ҳузил гаплар ва аскиянамо қочириқлар эшитилиб турарди; қуруқлик ва денгизда юз берган ажойиб саргузаштларни кунда бўлиб турадиган оддий нарсалардек ҳикоя қилардилар, ўшанда ҳам бирор ўткир сўз ёки кулгили ҳодисани эслаш учунгина сўзлаб берардилар. Ажойиб ҳодисаларнинг жонли шоҳиди бўлган, лекин буюк ва романтик воқиаларга ҳаётнинг оддий ҳодисаси деб қарайдиган бу донғи чиқмаган қаҳрамонларга Принс жуда қизиқиб қолган эди. Ҳаддан ташқари хатамтойлиги тутиб кетган Принс ўзининг жуда ўлчоқли тамакисини аямади, унинг бу сахийлиги эвазига хотиранинг занглаган чигал занжирлари ечилиб, аллақачон ёддан кўтарилиб кетган одиссеяларга жон кира бошлади.

Ҳамма гаплар тамом бўлиб, йўловчилар сўнгги марта трубкаларига тамаки тўлдириб, юнг қопларини ёза бошлаганларида, Принс изоҳ сўраб, ўз дўстига мурожаат қилди.

— Ковбойнинг қандай одам бўлишини ўзинг ҳам биласан, — деб жавоб берди Мэйлмют Кид, мокасинини еча туриб, — кроватда бирга ётган ўртоғининг томирла-

[1] Касби йўл бошловчилик бўлган кишилар, булар асосан канадалик французлардан бўларди.

рида эса инглиз қони оқаётгани сезилиб турибди. Қолганларига келсак, уларнинг ҳаммаси couzeuzsdu bois[1] ларнинг авлодлари, уларнинг қони, худо билсин, яна қандай қон билан қўшилиб кетган экан. Эшик олдида турган анави иккитаси ҳақиқий bois bzules[2]. Бўйнига шарф ўраган анави йигитнинг онаси турган, тутун босган вигвамида қачонлардир шотландиялик йигит меҳмон бўлгани кўриниб турибди, унинг қошлари билан пастки жағига эътибор қил. Шинелини бошига ёстиқ қилиб олаётган мана бу чиройли йигит француз метиси. Гапирганда талаффузига эътибор бердингми? Енида ётган анави ҳиндларни унча назарига илмай қарайди. Мен сенга айтсам, метислар Риель бошчилигида қўзғолон кўтарганларида, асл ҳиндлар уларга кўмак бермадилар. Ўшандан бери булар бир-бирларини ёқтирмайдилар.

— Хўш, печка олдидаги анави қовоғи солиқ ким? У инглиз тилини билмайди шекилли, шу вақтгача ҳатто оғзини ҳам очгани йўқ.

— Янглишдинг. У инглиз тилини жуда яхши билади. Гапга қулоқ солганида, кўзларига қарадингми? Мен қараб турдим. Лекин мана бу ўтирганларнинг ҳаммасига ҳам ёт бўлса керак. Гап шеваларда бўлганда, у тушунмагани билинди. Унинг кимлигини ўзим ҳам билолмай турибман. Кел, билишга ҳаракат қилиб кўрамиз... Печкага иккита ўтин ташлаб қўйсанг-чи,— деди у, баланд овоз билан нотаниш йигитнинг кўзига тикилиб туриб.

Йигит дарҳол буйруқни бажо этишга киришди.

— Уни қаердадир интизомга ўргатиб қўйганлар, — деб қўйди оҳиста Принс.

Мэйлмют Кид буни тасдиқлаб бош ирғитди, кейин пайпоғини ечди-да, ерда ётган одамлар орасидан ўтиб, печкага қараб юрди. У печка атрофига ёйиб қўйилган ўнлаб пайпоқлар қаторига ўзиникини ҳам ёйиб қўйди.

— Доусонга қачон етиб бормоқчисиз?— деб таваккалига сўради у, йигитдан.

Нотаниш йигит бошда унга диққат билан тикилиб қаради-да, кейин жавоб берди:

— Айтишларига қараганда, ҳали етмиш миль йўл бор эмиш. Шундайми? Яна икки кундан кейин борсак керак.

[1] Трапперлар, овчилар.

[2] Айнан таржимаси: куйган дарахт (французча); Канадага энг олдин кўчиб келган французларни шундай деб атардилар, улар айниқса Канада Англияга ўтгандан кейин ўрмонларда овчилик қилардилар.



У сезилар-сезилмас акцент билан, лекин қийналмай, сўз ахтариб ўтирмай гапирарди.

— Сиз бу томонларга илгари келганмидингиз?

— Йўқ.

— Ғарб-шимол томонданмисиз?

— Ҳа.

— Ўша ерликмисиз?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, қаерда туғилгансиз, ахир? Булардан эмаслигингиз кўриниб турибди,— деб Кид қўли билан ит ҳайдовчиларни ва Принснинг кўрпасига кириб ётган иккита полисменни кўрсатди.— Қаёқдан келгансиз? Илгари сизга ўхшаган одамни кўрганман, лекин қаерда кўрганим эсимда йўқ.

— Мен сизни танийман,— деб қолди бирдан нотаниш йигит, пайдарпай берилаётган саволларни кесиб.

— Қаёқдан танийсиз? Илгари учратганмидингиз мени?

— Йўқ. Лекин Пастиликада бир руҳоний сиз тўғрингизда гапириб берган эди. Бунга кўп вақтлар бўлди. У мендан Мэлмют Кидни танийсанми деб сўраган эди. У менга озиқ-овқат берди. Мен у ерда кўп турмадим. У сизга мен тўғримда гапириб бергандир?

— Ҳа, бундай денг. Сувсар терисини итга айирбошлаб юрган одам сизмидингиз?

Нотаниш йигит тасдиқ ишорасини берди ва трубкасини қоқиб тозалади-да, гап тамом деганнинг ишорасини қилиб, ўзининг жун одеялига ўралиб ётиб олди. Мэйлмют Кид чироқни ўчириб, Принс билан бирга одеялга кириб ётди.

— Қани, ким экан у?

— Билмайман. Гапимни шартта кесди-да, худди тошбақа сингари бошини яшириб олди. Аммо бу ғалати йигит. Мен бу йигит тўғрисида унча-мунча эшитганман. Бундан саккиз йил илгари у соҳилда яшовчиларнинг ҳаммасини ҳайрон қолдирди. Қизиқ бир жумбоққа ўхшайди, худо ҳақи. Қаҳратон қиш пайтида у Шимол томондан келди ва худди орқасидан ёв қуваётгандай нимагадир шошиларди. Бу Беринг денгизи қирғоқларида, бу ердан минг миллаб узоқда эди. Унинг қаёқдан келганини ҳеч ким билмасди, ҳар ҳолда жуда узоқдан келган бўлса керак. Голсвин бухтасида у швед миссионеридан озиқ-овқат олган, шунда унинг кўриниши жуда аянч,

ўзи ғоят ҳолдан тойган экан. У жанубга борадиган йўлни сўраган, буни биз кейин билдик. Бухтадан у тўппатўғри Нортон бўғози орқали кетган. Об-ҳаво жуда ёмон эди, қор бўронлари, кучли шамоллар бўлиб турарди, у эса бунга парво ҳам қилмади. Бундай хавфли сафарда бўлганларнинг мингдан бири соғ қайтади. Саломат қайтган ана шу бўлган. У Сент Майкл фортига боролмаган, балки Пастилика ёнидаги қирғоққа етиб олган. Шу ерга етиб келганда ихтиёрида иккитагина ит қолган, ўзи эса очликдан ўлаёзган экан.

У йўлга чиқишга ошиқиб турган экан, Рубо ота озиқ-овқат берибди, лекин ота ит бермабди, чунки ўзи йўлга тушишга ҳозирланиб, менинг келишимни кутиб турган экан. Бу одам шимолда итсиз саёҳат қилиш қандай қийинлигини яхши билганидан бери неча кунгача йўлга чиқолмай жуда ташвиш тортган. Унинг чанасида яхши ийланган денгиз сувсарлари териси уюлиб ётган экан, бундай сувсар териси, билсанг, олтин баҳосида юради. Худди ўша вақтларда Пастиликада рус савдогари қиёфасидаги бир кекса Шейлок яшарди, унда итдан кўпи йўқ эди. Улар кўп савдолашиб ўтирмай, ишни битирибдилар-у, анави тентак яна жанубга қараб жўнаб кетибди. Унинг чанасини ўнтача жуда яхши ит тортиб кетибди, мистер Шейлок эса сувсар териларига хўжайин бўлиб қолибди. Ўша териларни ўзим кўрганман,— жуда асл экан. Ҳисоблаб кўрсак, ҳар битта теридан Шейлок беш юз доллар фойда қилибди. Мистер Улисс терининг баҳосини билмайди деб ўйламай ҳам қўя қол, унинг ўзи ҳинд бўлса ҳам, гапидан оқлар орасида яшагани билиниб турибди.

Денгиз муздан тозалангандан кейин билсак, у Нуниваk оролида экан, унда озиқ-овқат ғамлаётган экан. Кейин зимзиё бўлиб кетди. Саккиз йилгача ундан дом-дарак бўлмади. У қаёқдан келдийкин, бу томонларга яна нима учун келдийкин? У— ҳинд; ҳозир қаерлардан келаётгани номаълум, лекин у интизомли одам экани сезилиб турарди, бу эса ҳиндга жуда ҳам хос бўлмаган бир хислат. Мана, Шимолнинг яна бир жумбоғи, қани, Принс, ечиб кўр-чи уни.

— Кўп раҳмат! Ўзимники ҳам бошимдан ошиб ётибди! — деб жавоб берди Принс.

Мэйлмют Кид хуррак ота бошлади, лекин ёш тоғ инженери кўз юммай қуюқ қоронғуликка қараб ётар ва ўзини келиб босган ҳаяжоннинг босилишини кутарди. Кейин у уйқуга кетди, лекин мияси ишлашда давом этди: хаёлида аллақандай поёнсиз қор ўлкаларида адашиб юрди, узоқ сафарлар вақтида итлар билан ғоят оғир йўлларни босиб, қор довонларни ошди, тушида ҳақиқий одамларга хос ҳаёт билан яшаётган, меҳнат қилаётган ва дунёдан ўтаётган кишиларни кўриб чиқди.



Эртаси саҳар пайтида курьерлар ва полисменлар Доусонга жўнадилар. Қиролича жаноб олийларининг манфаатларини ҳимоя ва кичкина одамларнинг тақдирини ҳал қилувчи ҳукумат амалдорлари курьерларга дам олдириб қўймадилар. Бир ҳафтадан кейин улар оғир почта юклари ортган ҳолда яна Стюарт дарёси соҳилларида пайдо бўлиб қолдилар. Бу юкларни улар Шўрсувга етказишлари керак эди. Тўғри, итлар янгиланган, лекин одамлар ўша-ку.

Одамлар озгина бўлса ҳам дам олишни орзу қилардилар. Бундан ташқари Клондайк Шимолдаги янги марказ эди, одамлар олтин сувдек оқадиган ва танца залларида тўхтовсиз ўйин-кулги бўладиган Олтин Шаҳарда бир оз яшамоқни орзу қилар эдилар. Лекин улар ҳозир ҳам биринчи келганларидагидек, пайпоқларини қуритиб, мазза қилиб трубка чекиб ўтирдилар. Бир нечта довюраклар бу ердан қочиб, шарқ томондаги ҳали текширилмаган қояли тоғлардан кесиб ўтишни, у ердан Маккензи водийси орқали ўз ватанларига — Чиппева ҳиндлари ўлкасига етиб олишни орзу қилардилар. Икки-уч киши хизмат муддати тугагандан кейин худди ана шу йўл билан уйга қайтишга қарор қилдилар. Шаҳарлик дам олиш куни ўрмон сайрига чиқишга қандай севинса, улар ҳам мана бу хатарли сафарни ўшандай завқ билан ўйлардилар.

Сувсар териларининг собиқ эгаси негадир безовтадек кўринар ва гапга аралашмасди. Кейин у Мэйлмют Кидни бир чеккага чақириб олиб, у билан анчагача гапиришди. Принс уларни қизиқиб кузатиб турди. Улар қулоқчин ва қўлқопларини кийиб ташқари чиққанларида, жумбоқ яна ҳам чалкашгандек туюлди. Мэйлмют Кид қайтиб кириб, олтин ўлчаш учун ўртага тарози қўйди. Олтмиш унция олтинни ўлчаб, нотаниш йигитнинг халтасига солди. Ундан кейин ит ҳайдовчиларнинг бошлиғи ҳам кенгашга чақирилди. У билан ҳам шу хилда битим тузилди. Келаси кун одамларнинг ҳаммаси дарё бўйлаб юқорига жўнади,

сувсар териларининг собиқ эгаси эса бир оз озиқ-овқат олиб, Доусон томонга қайтиб кетди.

— Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим,— деб жаваб берди Мэйлмют Кид, Принснинг саволига. Бечора хизматдан бўшашга қатъий қарор берибди. Хизматдан бўшаш унга жуда ҳам зарур бўлса керак, лекин сабабини айтмади. Биласанми, бу ҳам ҳарбий хизматга ўхшаган бир иш-да; у икки йил ишлаш мажбуриятини олган. Муддатдан илгари бўшамоқчи бўлган киши пул тўлаши керак. Борди-ю қочиб кетса, бу ерларда қолиши мумкин эмас. Лекин мана шу ўлкада қолиш нима учундир унга жуда зарур кўринади. Доусондаёқ шунга аҳд қилибди-ю, лекин чўнтагида бир тийин ҳам пули йўқ экан. у ерда уни ҳеч ким танимас экан. У билан бир-икки оғиз гапиришган бирдан-бир одам мен эканман. Шундай қилиб, у бошлиқлар билан гаплашган, ижозат олган, агар у мендан қарзга пул ололса, хизматдан бўшаши мумкин экан. Бир йил ичида қарзини узишга ваъда қилди,— агар истасам, у жуда кўп бойлик сақланган жойни кўрсатмоқчи бўлди. У бойликни ўзи кўрмаган, лекин шундай жой борлигига қатъий ишонар экан.

Ташқарига чиққанимизда, у йиғламоқдан бери бўлиб гапирди. Илтимос қилди, ялинди, оёғимга йиқилиб қор устида юмалади. Мен уни турғизиб қўйдим. Худди жиннига ўхшаб алланималар деб алжирайди. Мана шу мақсадимга етмоқ учун йиллар бўйи ишладим, энди шу фурсатни қўлдан берсам, ўкинч ва ғамдан адо бўламан, деб қасамлар ичди. Қандай мақсадинг бор деб сўрадим, лекин жавоб бермади. Фақат: «Мени ўлканинг бошқа бир томонига жўнатиб юборсалар. Доусонга икки йилсиз қайтиб келолмайман, икки йилдан кейин фурсат қўлдан кетади, мен шундан қўрқаман», деб арз қилди. Одамнинг бундай ҳаяжонга тушганини умримда кўрган эмасман. Қарз беришга рози эканлигимни айтганимда, янгидан оёғим остига йиқилди, уни яна қор ичидан тортиб олишга, ўрнидан турғизишга тўғри келди. «Мени ҳам ўзингга шерик деб қўя қол» дедим, қаёқда дейсиз, ҳеч унамади. Топганимнинг ҳаммасини сизга бераман, сизни бой қиламан деб қасамлар ичди. Одатда бирор одамни ўз ишига шерик қилган киши тақсим вақтида топган нарсанинг ҳатто ярмисини беришга ҳам жуда оғирлик билан кўнади. Бунда бир гап бор, Принс, мени айтди дерсан. Агар у шу ўлкада қолса, ундан яна бирор хабар эшитиб қолармиз.



— Қайтиб келмаса-чи?

— Унда олижаноблигимга путур етди, олтмиш унциям эса йиғлаб кетди деявер.

Яна совуқ кунлар келди, улар билан узоқ қиш тунлари бошланди. Қуёш жануб томонда, қорли уфқ чегараларида ўзининг одатдаги бекинмачоқ ўйинини бошлади. Мэйлмют Киддан қарздор бўлган йигитдан дом-дарак йўқ эди. Кунлардан бир кун, январь ойида, эрталаб оғир юклар ортилган чаналар Стюарт дарёси бўйидаги Киднинг уйи олдига келиб тўхтади. Олдинги чанада сувсар териларининг собиқ хўжайини билан бирга бир одам келарди — бундай одамлар кўпдан бери дунёга келмай қўйган. Омад, ботирлик, эртаклардагидек беҳисоб олтин хазиналари тўғрисида гап очилганда, одамлар ҳамма вақт Аксель Гундерсонни тилга олардилар. Шунингдек, қаҳрамонлик, куч-қувват ва ботирлик ҳақида гап-сўз юрганда ҳам унинг номи албатта тилга олинарди, Суҳбат вақтида гап қовишмай қолса, унинг тақдирига шерик бўлган хотин тўғрисида гап очилса, суҳбат яна қизиб кетаверарди.

Юқорида айтганимиздек, худолар Аксель Гундерсонни яратганларида ўзларининг эски санъатларини эслаб, дунё ҳали ёш бўлган замонларда бунёд қилган одамларга ўхшатиб яратган эдилар. Унинг бўйи роса етти фут, кўкраги, бўйни, қўл ва оёқлари худди девларникидек эди. Чанғиси одатдаги чанғилардан баҳазўр бир ярд узунлик қиларди, бўлмаса оддий чанғи чиройли кийимдар кийиб юрадиган бу Эльдорадо азамати ва қиролининг уч юз қадоқли гавдасини кўтаролмас эди ҳам. Унинг беўхшов юзи, дўнг пешонаси, катта ияги, донм киприк қоқмай тик боқадиган кўм-кўк кўзлари бу одам биргина қонун — зўравонликдан бошқа қонунни тан олмаслигидан дарак берарди. Қиров босиб қотиб қолган, пишган бошоқдек сап-сариқ сочлари худди тундаги шуъла каби ярқираб, айиқ терисидан тикилган камзулининг ёқасидан чиқиб туради. Аксель Гундерсон итларнинг олдига тушиб, тор сўқмоқ йўлдан келаркан, алланарсаси қадимги денгизчиларни эслатарди; у келиб Мейлмют Киднинг эшигини қамчи дастаси билан эски қаср дарвозасини сира тортинмай қоқиб ўрганган қадимги норманд викинглари каби қаттиқ-қаттиқ қоқди.

Принс енгларини шимариб, хотинларникидек нозик қўллари билан хамир қилар ва аҳён-аҳёнда учала меҳ-

монга қараб қўярди. Бу хилдаги учаласи уч хил бўлган меҳмонни бир уйда доим ҳам учратиб бўлмайди. Мэйлмют Кид Улисс деб атаган тентакка ёш ҳинженер ҳали ҳам қизиқиб қарарди, лекин Аксель Гундерсон билан унинг хотинига бундан ҳам кўпроқ қизиқиб қолган эди. Ҳозирги сафар бу хотинни чарчатиб қўйганди, чунки унинг эри муз саҳроларидаги бойликни қўлга киритганидан бери у осойишталик билан ўтроқ ҳаёт кечира бошлаган, бундай ҳаёт эса уни нозик қилиб қўйганди. Энди у эрининг кенг кўкрагига бош қўйиб, худди деворга чирмашган нозик гулдек дам олар ва Мэйлмют Кидниинг ҳазиломуз саволларига эринибгина жавоб берарди. Хотининг қоп-қора чуқур кўзлари Принсга тушганда, йигитни ҳаяжон босарди, чунки Принс йигит киши, шу билан бирга соғлом, бақувват ва сўнгги ойларда бироита ҳам хотин кўрмаган йигит эди. Хотининг ёши ундан каттароқ, бунинг устига у ҳинд аёли эди, аммо Принс шу вақтгача учратган ерли хотин-қизларга ҳеч ҳам ўхшамасди. У кўп саёҳат қилган, ҳатто Принснинг ватанига ҳам борган эди — бу суҳбат вақтида аниқланди,— у оқ танли аёллар билган нарсаларни билар, бундан ташқари улар билмаган нарсаларни ҳам билар эди. У қотирилган балиқдан овқат пиширишни ва қор устига жой солишни биларди. Ҳозир эса у эркаклар аллақачон эсларидан чиқариб юборган ажойиб овқатлар, турли-туман нознеъматлар ҳақида батафсил сўзлаб, суҳбатдошларининг оғизларидан сувини оқизар эди. Бу хотин лось, айиқ ва кичкина ҳаво ранг тулки, умуман шимолий денгизларда бўладиган жониворларнинг қилиқ ва одатларини биларди, ўрмон ва дарёларнинг сиридан хабардор, юмшоқ қор устида одам, қуш ёки ҳайвон қолдирган изларга қараб, бўлган ишларни китоб ўқигандек қийналмай айтиб бера оларди. Лекин ҳозир бу уйда турадиган одамлар учун деворга осиб қўйилган қоидага кўзи тушганда, унинг кўзлари айёрлик билан чақнаб кетганини Принс кўриб қолди. Бу кун тартиб қоидаларини ўзи ёш, қони ҳали қайноқ вақтларда Беттлз тузган бўлиб, бу қоидалар бир оз дағалроқ услубда, аммо жуда содда тилда ёзилганди. Бу уйга хотинлар келганда, Принс, одатда, қоидани терс айлантириб қўярди. Лекин бу ҳинд хотининг саводи бор деб ким ўйлабди дейсиз... Эй, энди бўлар иш бўлди.

Аксель Гундерсоннинг хотини шу экан-да. Бу хотин ҳақидаги довруқ эрининг шуҳрати билан бирликда бу-



тун Шимолга тарқалганди. Дастурхонга ўтиришар экан Мэйлмют Кид эски дўст сифатида унга тегажоғлик қиларди, ўзини бир оз қўлга олиб Принс ҳам Кидга қўшилди. Лекин у хотин бу тенгсиз тортишувда ўзини усталик билан ҳимоя қилар, сўзга нўноқ эри эса фақат бош ирғитиб илжаярди. У ўз хотини билан фахрланиши кўриниб турарди. Унинг ҳар бир қараши, ҳар бир ҳаракати эрининг ҳаётида бу хотин нақадар катта ўрин тутганлигидан гувоҳлик бериб турарди. Сувсар терисининг собиқ хўжайини қизғин суҳбатга аралашмай, худди ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган бир ҳолда бир бурчакда ўтириб, индамай овқат ерди; у бошқалар овқатланиб бўлишидан анча илгари ўрнидан туриб, итлар олдига, ташқарига чиқиб кетди. Бошқалар ҳам кўп ўтмай дастурхондан туриб, қўлқоп ва қулоқчинларини кийиб унинг кетидан ташқари чиқдилар.

Бир неча кундан бери қор ёғмаган эди, шунинг учун ҳам чаналар текис сўқмоқдан, муз устидан юргандек сирғониб бордилар. Улисс олдинги чанани ҳайдаб борарди, иккинчисида эса Принс билан Аксель Гундерсоннинг хотини, Мэйлмют Кид билан олтин сочли дев эса учинчи чанада борардилар.

— Биз тавакалига кетяпмиз, Кид,— деди Аксель Гундерсон,— лекин мен тўғри боряпмиз деб ўйлайман. Ўзи ўша томонларга ҳеч бормаган экан-у, лекин кўпгина қизиқ нарсаларни ҳикоя қилиб берди. У менга бир карта кўрсатди. Бу карта ҳақида мен бундан бир неча йил илгари Кутнейга борганимда баъзи нарсалар эшитган эдим. Сени ўзим билан олиб кетишни жуда истардим, лекин у жуда ғалати одам. Агар биров бизга қўшилгундек бўлса, ҳамма ишни ташлайман-кетаман деб қасам ичди. Қайтиб келай, сенга ўз жойим олдидан энг яхши участкани ажратиб бераман. Бундан ташқари шаҳар қурила бошлаганда, сени ўз пайимга шерик қиламан... Йўқ! Йўқ!— деб қичқириб берди Аксель Гундерсон, Мэйлмют Кид унинг сўзини бўлмоқчи бўлганда.— Бу менинг ишим. Бамаслаҳат иш қилган яхши. Агар иш ўнгидан келиб қолса, бу иккинчи Криппл бўлади. Ҳой менга қара, иккинчи Криппл деяпман-а! У ер қум эмас, тоза яхлит олтин тошлар кони-я. Агар биз ишга астойдил киришсак, ҳаммаси бизники бўлади,— миллион миллионларга эга бўламиз. Ўша ер ҳақида илгари ҳам эшит-

ган эдим, сен ҳам эшитгансан. Биз шаҳар бино қилами-миз... Ишчилар, ажойиб сув йўллари, пароходлар қатновли, савдо-сотиқ... Дарёнинг юқори оқими билан алоқа... Балки темир йўл қуриш ҳам мумкин бўлар. Тахта тилиш заводлари, электростанция қурамиз... Ўз банкимизни очамиз, акционер жамияти, синдикатимиз бўлади... Фақат жим! Мен қайтиб келгунча, дамингни чиқарма!

Юкон бўйлаб кетган сўқмоқ Стюарт дарёсини кесиб ўтадиган жойда чаналар тўхтади. Муз денгизи кўз илғамас узоқларга — шарққа томон чўзилиб кетган. Чаналарга боғлаб қўйилган чанғилар олинди. Аксель Гундерсон хайрлашди-да, биринчи бўлиб йўлга тушди. Унинг каттакон чанғилари қор ичига бир қарич-бир қарич ботиб, йўлни текислар ва итларга йўл очиб берарди. Унинг хотини энг орқадаги чана кетидан қолмай қўпол чанғиларда усталик билан сирпаниб борарди. Хайр-хўш қилиб сокинликни буздилар, итлар вангиллаб юборди-лар, сувсар териларининг эгаси тихирлик қилаётган етакчи итни қамчи билан йўлга солди.

Бир соатдан кейин чаналар узоқдан, худди катта оқ қоғоз устидан аста сурилиб бораётган қора қаламга ўхшаб кўринар эди.

## II

Бир неча ҳафтадан кейин, кечки пайт Мэйлмют Кид билан Принс шахмат масаласини ечиб ўтирар эдилар. Бу масалани аллақандай эски бир журналнинг йиртиб олинган варағидан топиб олдилар. Кид Бонанзедаги ўз участкасидан эндигина қайтиб келиб, дам олар ва ҳатто лось овига чиқиш учун ҳозирлик кўрарди. Принс ҳам деярли қиши билан санқиб юрди, энди бўлса у роҳатланиб, уйда истироҳат қилиб ётарди.

— Қора аспи билан тўсиб, шоҳга кишт бер... Йўқ, бу ярамайди. Кейинги юришни бир ўйлаб кўр...

— Пиёдани нега икки хонага сурасан? Уни кўзидан ўтгани учун уриб олиш мумкин, фил эса ўйнамай турибди.

— Йўқ, тўхта! Мана бу ер ҳимоясиз қолади...

— Йўқ, ҳимоя қилинган. Қани, у ёғини кўравер-чи! Нима бўлишини кўрасан.

Масала жуда қизиқ эди. Кимдир эшикни иккинчи





марта қоқди, Мэйлмют Кид фақат шундан кейингина: «Киринг» деди. Эшик ланг очилиб, аллаким гандираклаб ичкари кириб келди. Принс унга бир қаради-ю, ўрнидан ирғиб турди. Унинг кўзларида акс этган даҳшат Мэйлмют Кидни ўгирилиб қарашга мажбур қилди. У ўз ҳаётида жуда кўп даҳшатли нарсаларни кўрган, лекин ҳозир у ҳам қўрқиб кетди. Ғалати бир махлуқ пайпаслаб улар томон кела бошлади. Принс револьвери осиғлиқ турган девордаги михни пайпаслаб топгунча, орқасига тислана борди.

— Худоё тавба, бу нима ўзи?— деб шивирлади у.

— Билмадим, совуқ урган ва оч қолган одамга ўхшайди,— деб жавоб берди Кид, қарши томонга чекинаётиб. — Эҳтиёт бўл! Эсдан оғиб қолган бўлиши ҳам эҳтимол, — деб Принсни огоҳлантирди-да, шартта эшикни ёпиб олди.

Ҳалиги махлуқ столга яқинлашди. Лампанинг ёруғи унинг кўзига тушди, бундан завқланиб бўлса керак, у қиқирлаб кулиб юборди. Кейин одам — чунки у ҳар ҳолда одам эди — бирдан орқасига ташланди, ўзининг чарм иштонини кўтариброқ қўйди-да, денгиз тўлқинларига жўр бўлиб, экипаж командаси айтадиган бир ашулани бошлаб юборди:

Дарё ичра пастга қараб сузар кемамиз,
Ҳеч бўшашманг, азаматлар, ҳеч ҳам бўш келманг!
Биласизми капитаннинг оти нимадир?
Ҳеч бўшашманг, азаматлар, ҳеч ҳам бўш келманг!
Кентуккилик, унинг оти Жонатан Жонсдир.
Ҳеч бўшашманг, азаматлар...

Қўшиқ тугамай туриб, бирдан овози кесилди. Ҳалиги одам йиртқичларча бўкириб, овқат турган токчага ўзини ташлади. Уни ушлаб қолгунларича, бир парча хом ёғни оғзига тиқди. У Мэйлмют Кид билан олишиб кетди, лекин тез ҳолдан тойди ва заифланиб, ўлжасини қўйиб юборди. Икки дўст уни курсига ўтқаздилар. У кўкрагини стулга тираб ётиб олди. Бир неча томчи виски уни ўзига келтирди. У Мэйлмют Кид суриб қўйган қанддонга қошиқ суқди. Ширинлик еб, бир оз нафси босилгандан кейин, Принс чўчиб сесканиб, унинг олдига бир коса суюқ шўрва қўйди.

У махлуқнинг кўзларида телбалик ўти чақнади; у қо-

шиқни ҳар оғзига олиб борганида, ўша ўт гоҳ ёнар, гоҳ ўчарди. Тўғрисини айтганда, унинг кўзлари киртайган, ёноқлари кириб кетган юзида инсонни эслатувчи бирор нарса қолмаганди. Юзлари совуқ уриб яра-чақа бўлиб кетган, бу яралар остидан эски тиртиқлари билиниб турарди. Қотиб кетган териси тарс-тарс ёрилиб, қони чиқиб ётибди. Устидаги мўйна кийими ифлос ва дабдала бўлиб кетган, бир томондаги юнги мутлақ куйиб битган. Бу унинг гулханга жуда яқин ётганидан бўлса керак.

Мэйлмют Кид унинг камзулидан йўл-йўл қилиб кесиб олинган жойни кўрсатди — бу мудҳиш очлик белгиси.

— Ким бўласиз? — деб секин ва дона-дона қилиб сўради Кид.

Одам унинг гапини эшитмагандек эди.

— Қаердан келдингиз?

Нотаниш киши бунга жавобан титроқ овоз билан ашула айтиб юборди:

Дарё ичра пастга қараб сузар кемамиз.

— Сузса сузаверсин-э, садқаи сар! — деб Мэйлмют Кид тузукроқ жавоб берармикин деган умидда унинг елкасидан ушлаб силкитди.

Лекин одам, оғриқдан бўлса керак, чинқириб юборди ва ёнбошини ушлаб қолди, кейин столга суяниб, оҳиста ўрнидан турди.

— У куларди... Кўзларидан нафрат ўти чақнаб турарди... У... мен билан бирга кетмади.

У жим қолди ва гандиракланиб кетди. Мэйлмют Кид унинг қўлидан ушлаб қичқирди:

— Ким? Ким кетмади?

— Унга-да, Унга. Унга кулиб юборди-ю, мени солиб қолди, мана шундай қилиб, кейин...

— Ҳа, кейин нима бўлди?

— Ундан кейин...

— Кейин нима бўлди, ахир?

— Кейин узоқ вақтгача қор устида ётди. Ҳозир ҳам ўша ерда ётибди.

Икки дўст саросимага тушиб, бир-бирига қарашди.

— Ким қорда ётибди?

— У-да, Унга. У менга қараб ётди, қарашида нафрат бор эди, ундан кейин...



— Хўш, хўш?

— Ундан кейин, Унга пичоқни олиб, мана шундай қилиб, бир-икки тортиб юборди, аммо у ҳолдан тойган эди. Мен жуда секин юрдим, ўша ерда олтин жуда кўп, олтин жуда кўп...

— Унга қаерда қолди?

Эҳтимол, ўша бечора Унга шу яқин орада, бор-йўғи бирор миллик масофада ўлаётгандир. Мэйлмют Кид бечоранинг елкасидан ушлаб силкитар ва:

— Унга қаерда? Унга ким ўзи? — деб такрорлар эди.

— У ўша ерда... Қор устида.

— Гапирсанг-чи ахир! — деб Кид унинг қўлини қаттиқ қисди.

— Мен ҳам... қолардим... қор устида... лекин қарзимни тўлашим керак эди... қарзимни... тўлашим керак..: олтинни... олиб юриш... оғир бўлди... тўлашим керак...— У бир-бирига боғланмаган гапини тўхтатди-да, қўлини чўнтагига суқиб, буғу терисидан қилинган халтача олди.

— Қарзимни... тўлашим керак... беш қадоқ олтин... Мэйлмют Кидга... мен...

У ҳолсизланиб бошини стол устига қўйди, Мэйлмют Кид энди уни оёққа турғизолмади.

— Бу Улисс, — деди шошилмай Кид ва олтин солинган халтачани стол устига ташлади. Аксель Гундерсон билан хотини адои тамом бўлган кўринади. Кел, уни кроватга ётқизиб, кўрпага ўраб қўяйлик. Бу ҳинд йигити, жони қаттиқ, тузалиб кетади ва бор гапни айтиб беради.

Унинг устида музлаб қолган кийимни пичоқ билан кесиб олишар экан, ҳали битмаган, пичоқ зарбидан пайдо бўлган яраларни кўришди.

## III

— Бор гапни билганимча гапириб бераман, ҳаммасини ўзингиз тушуниб оласиз. Энг бошидан бошлайман, аввал ўзим ва аёл ҳақида, ундан кейин эркак ҳақида гапираман.

Сувсар терисининг собиқ хўжайини худди ўт қочиб кетаётгандай печкага яқинроқ сурилди. Унинг ҳаракати иссиқдан узоқ вақт маҳрум бўлгандан кейин уни яна қайтиб топган одамнинг ҳаракатига ўхшарди. Мэйлмют Кид лампанинг пилигини тузатиб, ёруғи ҳикоячининг юзи-



472858.

га тушиб турадиган қилиб қўйди. Принс ўрнининг бир чеккасига ўтириб олиб, ҳикоя тинглашга ҳозирланди.

— Менинг отим Наас, қабила бошлиғининг ўғлиман, ўзим ҳам қабила бошлиғи эдим. Мен кун чиқар билан кун ботар оралиғида, шўх денгиз ўртасида, отамнинг умиакида туғилганман. Тун бўйи эркаклар эшкак тортдилар, хотинлар эса тўлқиндан умиакка кираётган сувларни тўкиб турдилар, ҳамма бўронга қарши курашди. Сачраган шўр сув томчилари онамнинг кўкрагида музлаб қоларди. Охири онамнинг сўнгги нафаси денгиз тўлқини билан бирга тўхтади. Лекин мен — мен ўз овозимни бўрон овозларига жўр қилдим ва тирик қолдим. Бизнинг жойимиз Акатанда эди.

— Қаерда? — деб сўради Мэйлмют Кид.

— Акатан деб Алеут оролларини айтамиз. Акатан Чигникдан, Кардалакдан ва Унимакдан ҳам нарида. Шундай қилиб, биз дунёнинг бир четида, денгиз ўртасига жойлашган Акатанда яшардик. Биз шўр денгизда тюлень, балиқ ва сувсар ови билан шуғулланардик, уйларимиз бир-бирининг пинжига тиқилиб, баланд қирғоққа — ўрмон билан сойлик ўртасига тушган эди. Мана шу сойликда бизнинг қайиқларимиз турарди. Биз унча кўп эмасдик, бизнинг дунёмиз жуда тор эди. Бизнинг шарқ томонда Акатанга ўхшаган аллақандай ёт оролар ётар, биз эса бутун дунё фақат ороллардан иборат экан деб ўйлар ва шундай ўйлашга ўрганиб қолган эдик. Мен ўз қабилам одамларига ўхшамасдим. Қумлоқ саёз жойларда қийшиқ ходалар, парчаланган катта қайиқларнинг тахталари сочилиб ётарди. Бундай қайиқ ясашни менинг халқим билмасди. Эсимда бор, уч томондан денгиз кўриниб турадиган бир оролнинг четида тикка ўсган силлиқ қарағай бор эди. Бундай дарахтлар бизнинг жойларимизда ўсмасди. Бир кун мана шу ерга денгиз томонидан икки киши келиб тушди деб ҳикоя қилардилар. Ана шу икки киши денгизнинг нариги ёғидан қайиққа тушиб келган эканлар. Бу қайиқнинг парчаланган тахталарини ўша сойликда кўрдим. Улар худди сизга ўхшаган оқ танли ва жуда ҳолдан тойган, очарчилик кунларида овчилар тюлень овига бориб, қуруқ қайтиб келганларида, кичик болаларнинг аҳволи нақадар мушкул бўлса, уларники ҳам шундай экан. Мен бу ҳикояни қариялардан эшитганман, улар эса ўз ота ва она-



ларидан эшитган эканлар. Бошда ёт ўлкалардан келган бу оқ одамларга бизнинг урф-одатимиз ёқмаган, лекин бора-бора улар балиқ ва ёғ еб соғайиб кетганлар, кучга тўлганлар. Уларнинг ҳар қайсиси ўзларига уй қуриб, қабиламизнинг энг яхши қизларини хотин қилиб олганлар; кейин улардан болалар пайдо бўлган. Шундай қилиб, отамнинг отасининг отаси дунёга келган экан.

Ҳали айтганимдек, мен ўз қабиламдаги одамларга ўхшамас эдим, чунки менинг томирларимда денгизнинг нариги ёғидан келган оқ танли одамларнинг қони оқарди. Айтишларига қараганда, улар келмасдан илгари бизда бошқача расм-одатлар бўлган экан, лекин у одамлар раҳм-шафқатсиз ва уришқоқ бўлганлар. Улар бизнинг эркаклар билан уришиб, ўзларига қарши чиққанларнинг ҳаммасини ўлдирганлар. Кейин эса бизга қабила бошлиғи бўлиб олганлар, бизнинг эски қонунларимизни бекор қилиб, янги қонунлар ўрнатганлар. Бу қонун бўйича одам, илгариги расмимиздагидек ўз онасининг боласи эмас, балки отасининг боласи ҳисобланган. Бундан ташқари, улар тўнғич бола отага қарашли ҳамма мол-мулкни олиши керак, унинг ука ва сингиллари эса ўз кунларини ўзлари кўришлари керак деб қарор қилганлар. Улар бундан ташқари яна бошқа кўпгина қонунлар чиқарганлар, улар бизга балиқ тутиш ва ўрмонларимиз тўла бўлган айиқларни ўлдиришнинг янги усулини кўрсатганлар. Улар қаҳатчилик бўлиб қолса, қандай қилиб кўп озиқ-овқат ғамлашни ўргатганлар. Бунинг ҳаммаси яхши.

Лекин улар қабила бошлиғи бўлиб, бизда қаршилик кўрсатадиган одам қолмагандан кейин, бир-бирлари билан уриш-жанжал қила бошлаганлар. Менинг томирларимда қони юриб турган одам бошқа бирининг баданига найза санчган. Бу душманликни уларнинг болалари, ундан сўнг болаларининг болалари ҳам давом эттирганлар. Уларнинг орасида даҳшатли адоват ва душманлик ҳукм сурган. Ҳатто менинг вақтимда ҳам ёвуз ишлар бўлар эдики, бир-бирига ота қонини ўтказиш учун ҳар бир оилада фақат биттадан одам қолган эди, холос. Бизнинг оилада мен, бошқа оилада эса онаси билан бир қиз — Унга қолган эди. Унинг отаси билан менинг отам бир кун кечаси балиқ овидан қайтиб келмадилар, лекин денгиз суви кўтарилганда, тўлқин уларнинг танасини

қирғоққа чиқариб ташлаган. Қарасалар, иккиси қумлоқда бир-бири билан қучоқлашиб ётган эмиш.

Одамлар уларга қараб туриб, бошларини чайқаганлар, чунки икки оила ўртасида адоват борлигини улар яхши билганлар. Унга билан менинг болаларим ҳам бу душманликни давом этдирадилар дер эдилар. Улар бу ҳақда менга болалик чоғимдаёқ гапирар эдилар. Кейинроқ мен ҳам Унгага, болаларим душманининг бўлғуси онаси деб қарай бошладим. Мен ҳамма вақт шу тўғрида ўйлар эдим. Ёшим улғайиб, йигит бўлганимда мен нима учун шундай, бунинг сабаби нима деб қариялардан сўрадим. «Билмаймиз, оталаримизнинг замонасида шундай эди» деб жавоб бердилар улар. Мен нима учун келажак авлод дунёдан ўтиб келганларнинг адоватини давом эттириши керак деб ҳайрон бўлардим. Бу адолатдан эмаслигига ақлим етарди. Лекин қабила одамлари шундай бўлиши керак деб таъкидлардилар. Мен у вақтларда ҳали ёш йигитча эдим.

Улар: «Унганинг болаларидан сенинг болаларинг қаттароқ бўлсин, тезроқ вояга етсин» деб мени қистар эдилар. Бу осон иш эди, чунки мен қабила бошлиғи эдим, халқ ота-боболаримнинг қаҳрамонлиги, берган қонунлари, бойликларим учун мени ҳурмат қиларди. Ҳар қандай қиз менга жон деб хотин бўларди. Лекин кўнглимга ёқадиган бирор тузук қизни тополмай юрдим. Чоллар ва қизларнинг оналари мени қистар эдилар: «Кўпгина овчилар Унганинг онаси ҳузурига келиб, Унга учун катта қалин беришни ваъда қилаётирлар. Агар унинг болалари сепикидан илгари ўсиб улғайса, сенинг болаларингни ўлдиради».

Лекин мен ҳамон ўзимга муносиб қизни тополмай юрдим. Бир кун мен балиқ овидан қайтиб келаётган эдим. Қуёш ботиш олдида унинг шуъласи кўзни қамаштирарди. Енгил шабада эсмоқда, қайиқлар тўлқин устида чайқалиб боради. Бирдан Унганинг қайиқчаси менинг олдимдан шувиллаб ўтиб кетди. Унга менинг юзимга тикилиб қаради. Унинг тўзиган сочлари тун каби қора, юзларида сув томчилари маржон каби ялтирайди. Ҳали айтганимдек, қуёш кўзларни қамаштирар, мен эса у вақтда ёш эдим. Бутун вужудим жимирлаб кетди, шунда бирдан ҳамма нарса менга равшан бўлиб қолди. Унгага яна етиб олдим, у менга яна бир қараб қўйди — бундай қараш Унгага хос эди. Аъзойи баданим янгидан титраб кетди. Биз бесўнақай қайиқлардан ўзиб кетганимизда орқамиздан одамлар қичқиришиб қолишди. Унга усталик билан эшкак тортар, менинг юрагим эса кўтарилган елкан сингари типирчилар эди. Лекин мен унинг орқасидан қувиб етолмадим. Шамол борган сари кучайди, денгиз юзини оқ кўпик қоплади. Биз бўлсак, тўлқинлар кўксида худди тюленга ўхшаб, сакраб-сакраб борардик.



Наас худди денгиз устида қайиқни сураётган эшкакчидек стулда ўтирган ҳолда букчайиб олди. Эҳтимол, унинг кўзига қаердадир, печканинг орқасида, тез кетаётган қайиқча ва Унганинг тўзиган сочлари кўрингандир, унинг қулоқлари остида ел гувуллаб, денгизнинг шўр суви димоғига урилгандир.

— Унга қирғоққа етиб олди ва қаҳ-қаҳлаб кулгани ҳолда қум устидан чопиб бориб, ўз уйига кириб кетди. Шу кечаси менинг қалламга Акатан қабиласининг бошлиғига муносиб улуғ бир фикр келди. Ой чиққач, мен Унгаларнинг уйига қараб кетдим. У ерда, Унгаларнинг уйи эшиги олдида Яш-Нуш келтирган совғаларга кўзим тушди. Яш-Нуш яхши овчи бўлиб, Унганинг болаларига ота бўлиш орзусида эди. Кўпгина йигитлар ўз совғаларини келтириб, шу уй эшиги олдига уйиб қўяр, кейин қўл теккизилмаганини кўриб, яна қайтиб олиб кетардилар. Ҳар бир янги келган киши ўзидан илгарисига қараганда кўпроқ мол келтирарди.

Мен ой ва юлдузларга қараб илжайдим-да, уйимга қайтдим. Бутун бойликларим уйимда сақланарди. Менинг совғаларим Яш-Нушникидан бир газ юқори кўтарилгунча, кўп мартабалаб у ёқдан-бу ёққа мол ташидим. Булар ичида дудланган ва қуритилган балиқ, қирқта тюлень териси, йигирмата сувсар териси бор эди, ҳар бир терининг ичи ёғ билан тўлдирилган, оғзи боғланган. Бундан ташқари баҳор пайтда ўз қўлим билан ўлдирган йигирмата айиқнинг териси бор эди. Шунингдек, бу ерда маржон, кўрпа, тўқ-қизил маталар уйилиб ётарди. Мен бу маталарни шарқ томонда яшовчи халқдан айирбошлаб олган эдим, улар эса ўз қаторида ундан ҳам шарқ томонроқда яшовчи халқдан олган эканлар. Мен Яш-Нушнинг келтирган нарсаларига қараб кулиб қўйдим: чунки Атаканда мен қабила бошлиғи эдим, менинг бой-

лигим ҳамма йигитларнинг бойлигидан ҳам кўп эди. Менинг ота-боболарим катта ишлар қилганлар, қонунлар чиқариб, одамлар хотирасида ўз номларини абадий қолдирганлар.

Эртаси эрталаб мен қирғоқ томонга кетаётиб, Унгаларнинг уйига кўз қирини ташладим. Совғаларимга қўл теккизилмабди. Хотинлар бўлса кулишар ва бир-бирларига гап қотишар эди. Мен нима қилишимни билмай қолдим: чунки ҳеч ким шунчалик кўп қалин келтирмаган эди. Ўша кечаси мен молларни яна ҳам кўпайтирдим. Келтирган нарсаларим ичида теридан ясалган ва ҳали сувга туширилмаган қайиқча ҳам бор эди. Келаси кун ҳам менинг молларим қимирламай ўз жойида турар, одамлар эса мени масхара қилиб кулишар эди. Унганинг онаси айёр хотин эди. Мени ўз халқим олдида шарманда қилгани учун ғазабим келди. Кечаси уй эшиги олдига яна бир қанча мол келтириб қўйдим. Булар ичида баҳоси йигирмата қайиққа баравар келадиган, нақшдор қилиб ясалган катта қайиқ ҳам бор эди. Эрталаб қарасам, совғаларим кўздан ғойиб бўлиб қолибди.

Шунда мен тўйга тайёрлик кўра бошладим. Мен қурган базмга ҳатто узоқ шарқ томонда яшовчи одамлар ҳам совға олиб келишди. Бизнинг ҳисобимиз бўйича Унга мендан тўрт қуёш катта эди — бу тўрт ёш демакдир. У замонларда мен ёш йигит эдим, лекин мен қабила бошлиғи ва қабила бошлиғининг ўғли бўлганим сабабли, ёш бўлишимнинг аҳамияти йўқ эди.

Кутилмаганда океан юзида елканли кема пайдо бўлди. Шамол кучайган сари кема яқинлашаверди. Кема шикастланган бўлса керак, матрослар насосни ишга солиб, кема ичидаги сувни чиқариб ташламоқда эдилар. Кеманинг олд томонида азамат гавдали бир киши турарди: у сув чуқурлигини қандай ўлчаётганликларини кўздан кечирар ва момақалдироққа ўхшаган баланд овози билан буйруқлар бериб турарди. Унинг кўзлари кўм-кўк, сочлари худди арслон ёлига ўхшаб ёйилган. У одамнинг сочлари жанубда ўсадиган буғдой каби, ёки матрослар арқон тўқийдиган манил канопидек сап-сариғ эди.

Сўнгги йилларда узоқдан сузиб ўтган кўпгина кемаларни кўргандик, лекин бу Акатан қирғоғига келиб тўхтаган биринчи кема эди. Базмимиз тўхтади, болалар ва



хотинлар уй-уйларига қочиб кетдилар. Биз эркаклар эса, ўқ-ёйларимизни тайёрлаб, қўлларимизга найза олиб, кутиб турдик. Лекин кеманинг тумшуғи соҳилга келиб урилганда, ёт ўлкалик кишилар ўз ишлари билан банд бўлиб, бизга ҳеч эътибор бермадилар. Тўлқин бир оз пасайгандан кейин, улар кемани қийшайтириб, кема остидаги катта тешикни ямай бошладилар. Шунда хотинлар яна ўз уйларидан ўрмалаб чиқдилар, базм ҳам давом этаверди.

Денгиз суви яна кўтарилгач, денгизчилар кемаларини чуқур ерга олиб бориб қўйдилар-да, бизникига келдилар. Улар ўзлари билан совға олиб келдилар, ҳаммамиз билан хушмуомалада бўлдилар; мен уларга ўз ўртамиздан жой бўшатиб бердим ва бошқа меҳмонлар қатори уларга ҳам қўли очиқлик билан совғалар тортиқ қилдим, чунки ўша куни менинг тўйим эди, мен Акатан қабиласининг бошлиғи эдим. Арслон ёлли одам ҳам бизникига келди. У шу қадар баланд бўйли ва бақувват эдики, юрганда оёқларининг остидаги ер титрагандай бўларди. У қўлларини мана бундай қилиб қовуштириб, Унгага узоқ тикилиб ўтирди. У то қуёш ботиб, юлдузлар чарақлагунча шу вазиятда ўтирди. Қоронғу тушганда ўз кемасига қайтди. Мен эсам Унганинг қўлидан ушлаб, уйимга олиб кетдим. Ашула ва қувноқ кулги овозлари эшитилиб турарди. Хотинлар расм-одатимизга таомил қилиб шўхлик билан бизнинг устимиздан кулишар эди. Лекин биз ҳеч нимага эътибор бермадик. Ундан кейин халойиқ уй-уйига тарқалиб, иккаламиз қолдик.

Ҳали қўшиқ овозлари ўчмаган ҳам эдики, бирдан денгизчиларнинг бошлиғи эшигимиз олдида пайдо бўлди. У ўзи билан қора шишалар олиб келди. Биз шишалардаги сувдан ича бошладик, шунда кайфимиз чоғ бўлиб кетди. Ахир мен унда ёш бўлиб, бутун умримни дунёнинг бир чеккасида ўтказган эдим. Қоним қизишди, юрагим эса худди денгиз тўлқинлари қирғоқ тошларига отиб ташлаган кўпик сингари енгил эди. Унга пўстинга ўралиб, бурчакда жим ўтирар, унинг кўзлари қўрқинчдан катта-катта очилган эди. Арслон ёлли одам бўлса унга тикилиб-тикилиб қараб қўярди. Кейин унинг одамлари бир қанча мол келтириб, менинг олдимга тўплаб қўйдилар. Бундай бойлик бутун Акатанда йўқ эди. Бу моллар ичида катта-кичик милтиқлар, милтиқ дори-

лари, ўқ, ярқироқ болталар, пўлат пичоқлар, аллақандай ғалати асбоблар ва ҳар хил бошқа нарсалар бор эди. Мен бундай нарсаларни умримда кўрган эмасдим. У қўли билан ишора қилиб, бу бойликларнинг ҳаммаси меники эканлигини билдирди. Мен унинг бу ишига қараб, фақат улуғ одамгина бундай саҳийлик қила олади деб ўйладим. Шунинг билан бирга у киши Унга мен билан кемага бирга кетиши керак деган ишорани қилди. Тушуняпсизми? Унга у билан кемага бориши керак эмиш! Менда ота-боболаримнинг қони қайнаб кетди. Мен найзамни олиб, унга ташландим. Лекин шиша ичидаги руҳ қўл-оёқларимдаги кучни олиб қўйган экан. Арслон ёлли киши елкамдан ушлаб, мана бундай қилиб, бошим билан деворга урди. Мен янги туғилган чақалоқдек ожиз бўлиб қолган эдим, оёқларим букилиб кетди. Шунда у одам Унгани эшикка судради. Унга эса қичқириб, уйда бор нарсаларга ёпишар эди. Кейин у ўзининг бақувват қўллари билан Унгани ушлади; Унга унинг сариқ сочларини юла бошлаган эди, у худди ургчитиш вақтидаги эркак тюленга ўхшаб гуркураб, қаттиқ кулиб юборди.

Мен соҳилгача эмаклаб бориб, халқимни ёрдамга чақира бошладим, лекин одамлар чиқишга журъат қилолмадилар, фақат Яш-Нушгина эркак экан, у ёрдамга келди, лекин улар Яш-Нушнинг бошига эшкак билан туширдилар, Яш-Нуш қумга йиқилиб тушди-да, жим қолди. Сўнг ёт ўлкалардан келган одамлар ашула айтишиб, елканни кўтардилар, шамол уларнинг кемасини суриб кетди.

«Бу яхши бўлди, чунки Акатанда ортиқ қон адовати тугади» дер эдилар одамлар, лекин мен ҳеч нарса демай, ой тўлишини кутиб қолдим. Ой тўлганда, мен қайиқчамни балиқ билан ёққа тўлдириб, шарқ томонга қараб кетдим. Мен йўлларда жуда кўп ороллар ва одамларни учратдим, ўшандагина дунёнинг бир чеккасида яшаганлигимни ва дунё қанчалик кенг эканлигини англадим. Мен одамлар билан имо-ишора орқали гапиришдим, суриштирдим, лекин арслон ёлли одамни ҳам, кемани ҳам ҳеч ким кўрмаган экан. Кимдан сўрасам, ҳамма шарқни кўрсатар эди. Мен тўғри келган ерда ётдим, емаган овқатларимни едим, ғалати одамларни кўрдим. Кўп одамлар мени жинни деб масхара қилдилар. Лекин баъзи қариялар менинг юзимни ёруғликка ўгириб, дуолар



қилдилар. Ёш хотинлар кема ҳақида, Унга ва арслон ёлли одам ҳақида савол-сўроқ қилганларида, кўзлари ёшга тўлар эди.

Шундай қилиб, мен азамат денгизлар, даҳшатли тўлқинлардан ўтиб, Уналяскага етиб келдим. У ерда иккита кемани кўрдим, лекин мен истаган кема уларнинг ичида йўқ эди. Мен яна шарққа томон кетдим. Унимак оролида ҳам, Кадиакда ҳам, Атоньякда ҳам мен қидирган кема ҳақида ҳеч ким бирор нарса айтиб беролмади. Бир кун мен тоғлик бир ўлкага бориб қолдим, у ерда одамлар тоғ этакларида катта-катта чуқур қазиётган эканлар. Ўша ерда бир кемани кўрдим, лекин у мен истаган кема эмасди, одамлар тоғдан қазиб олган тошларни шу кемага ортар эдилар. Бу менга болалар ўйинига ўхшаб кўринди, чунки тошни истаган ердан топиш мумкин-ку ахир. Улар менга овқат бериб қорнимни тўйдирдилар, кейин ишга солдилар. Кеманинг юки анча оғирлашиб, сув ичига анча ўтириб қолгандан кейин, капитан менга пул берди ва сен энди озод бўлдинг деб айтди. Мен ундан қаёққа борасизлар деб сўрадим, у жануб томонни кўрсатди; мен ундан: мени ҳам олиб кетинглар, деб илтимос қилдим. У аввал кулди, кейин командаси тўла эмаслиги сабабли, мени ҳам ўз кемасига олди. Шу кемада юриб, мен уларнинг тилида гапиришга ўргандим, арқон тортишни, қаттиқ шамол вақтида елкан боғичларини олишни, рулда туришни ўрганиб олдим. Ажабланарли ҳеч нарса йўқ, чунки ота-боболаримнинг томирида денгизчилар қони оққан.

У билан қабиладош бўлган одамлар орасида яшаганимдан кейин, мен уни осонлик билан топиб оламан деб ўйладим. Бир кун биз соҳилга яқинлашиб денгиз дарвозаси орқали портга кирдик, бу ерда кўп кема қўлларимда қанча бармоқ бўлса, шунча кемани учратамиз деб ўйлаган эдим. Лекин кемаларнинг сон-саноғи йўқ, худди балиқ тўдаси сингари ғуж-ғуж, кемалар турган пристань кўп чақиримлар узоқларга чўзилиб кетган эди. Бир кемадан иккинчисига ўтиб, арслон ёлли одамни кўрдингларми деб сўраб юрдим, улар кулиб, мени масхара қилдилар, турли-туман тилларда жавоб қайтардилар. Шунда билдимки, бу кемалар дунёнинг турли бурчакларидан келган экан.

Шаҳар кўчаларида ҳар бир одамнинг юзига диққат

билан қарар эдим. Лекин улар худди денгиз қирғоғи бўйлаб бораётган треска балиғи сингари сон-саноқсиз эдилар. Шовқин-сурондан менинг қулоғим эшитмай қолди. қий-чув, ғовур-ғувурдан бошим айланиб кетди. Лекин йўлимдан қолмадим. Қуёш нурлари остида қўшиқ жаранглаб турган ўлкаларни кесиб ўтдим, далаларда мўл ҳосил етишиб турган мамлакатларни кездим, хотинлар сингари риёкор-ёлғончи эркаклар ва олтин деса жонини берадиган очкўзлар билан тўлган катта шаҳарларни кўрдим. Бу вақтда эса Акатанда менинг халқим ов қилиш ва балиқ тутиш билан овора бўлиб, дунё кичкина деб ўйлар ва дунёдан бехабарлиги билан бахтиёр эди.

Лекин балиқ овидан келаётганда Унганинг ташлаган назари мени таъқиб қилар, мен эса вақти-соати келиб, уни албатта топарман деб умид қилар эдим. Унга ғираширa тушганда кимсасиз муюлишлардан ўтар ва тунги шудринг тушган серҳосил далалар бўйлаб, менга эргашиб юрар эди. Унинг қарашлари алланарсаларни ваъда қилар, бу ваъдага фақат Унга вафо қила олар эди.

Мен минглаб шаҳарларда бўлдим. Бу шаҳарларда яшаган одамлар баъзан раҳм-шафқат қилиб, қорнимни тўйғаздилар, баъзилари масхара қилиб кулдилар, бошқа бирлари мени ҳақорат қилдилар, лекин тилимни тийиб, ҳеч индамадим ва менга нотаниш бўлган урф-одатлар билан яшадим, менга ёт бўлган кўпгина нарсаларни кўрдим. Кўп вақт қабила бошлиғининг ўғли ва қабила бошлиғи бўла туриб қўпол, тош юракли одамлар учун хизмат қилдим. Мен ўз биродарларининг манглай терисидан ва чеккан азоб-аламларидан олтин сиқиб олган шафқатсиз одамларда ёлланиб ишладим. Худди қояли қирғоққа қайтиб келган морж сингари то денгизга қайтиб бормагунимча, ҳеч ердан ўз саволимга жавоб ололмадим. Бу воқеа шимол томондаги бошқа бир портда ва бошқа бир ўлкада рўй берди. Мен ўша ерда сариқ сочли денгиз дайдиси ҳақида ҳикоялар эшитдим. У тюлень овлаб ҳозир океанда сузиб юрибди деган хабар эшитдим.

Мен ялқов сивашлар билан овчилар кемасига чиқиб, йўлга равона бўлдим. У ҳеч ерда из қолдирмаган. Шимол томонда тюлень ови айни қизиган пайт эди. Биз кўпгина оғир ой-кунларни бошимиздан ўтказдик. Шунда биз портларда бошқа кемаларни учратиб, мен қидирган одамни сўроқладик, у одам ҳақида кўп нарса эшитдик,



лекин ўзини кўрмадик. Биз шимолга қараб, Пирибил ороллари томон кетдик, соҳилларда тўп-тўп сувсарларни ов қилдик. Уларни иссиқ ҳолича қайиққа келтирдик. Пировардида палуба ёғ ва қондан шундай сирғончиқ бўлиб кетдики, тик туриш мумкин бўлмай қолди. Орқамиздан бир кема бизни қувлашга тушди. Ундаги одамлар бизга қараб катта замбаракдан ўқ отдилар. Биз ҳамма елканларни ёйиб юбордик, тўлқин палубани ювиб тозалади, шхунамиз эса туман ичига кириб йўқолди.

Кейин эшитсак биз жон ҳовучлаб таъқибдан қочиб кетаётганимизда, сариқ сочли денгиз дайдиси Прибил ороллариға тушиб, тўғри Факторияга келибди. Командасининг бир қисми компания хизматчиларини қамоқда сақлаб турибди, иккинчи қисми эса омбордан ўн мингта ҳўл терини олиб чиқиб кемага юклабди. Бу одамларнинг гапи, лекин бунга мен ишонаман. Санқиб юрган вақтимда мен бирор марта ҳам уни учратмадим, лекин унинг раҳм-шафқатсизлиги, ботирлиги ҳақидаги довруқ бутун шимолга тарқалган эди. Охирида ўша томонларда яшаган уч халқ бирлашиб кемаларини жиҳозлаб унинг орқасидан қувиб кетганлар. Мен Унга ҳақида ҳам хабар эшитдим. Кўпгина капитанлар Унгани осмонларга кўтариб мақтар ва ўз ҳикояларининг биринчи қаҳрамони қилиб кўрсатар эдилар. Унга ҳамма вақт у билан бирга экан. Унга ўша одамларнинг урф-одатларига ўрганиб ўзини бахтиёр ҳисоблар экан. Лекин мен бундай эмаслигини, Унганинг қалби ўз халқига томон, Акатаннинг сариқ соҳилларига томон интилишини билар эдим.

Шундай қилиб, бир қанча вақтлардан кейин океан портига қайтиб келдим, билсамки, сариқ сочли дайди рус сувларидан жанубда бўлган иссиқ ўлкага сувсар овлашга кетибди. Бу вақтда мен ҳақиқий денгизчи бўлиб олиб, унга қардош одамлар тушган кемага хизматга кирдим ва унинг орқасидан сувсар овлаш учун йўлга тушдим. Бу янги ўлкаларга бораётган кемаларнинг сони оз эди, лекин биз сувсар тўдаларига учраб қолиб, бутун баҳор уларни шимолга томон қувладик. Иккиқат бўлган сувсарлар рус сувларига ўтиб кетганларида, бизнинг матросларимиз у ёққа ўтишдан қўрқиб, зорлана бошладилар. Чунки ҳамма ёқни туман босган, қайиқлар ҳар кун ҳалок бўлаверди. Улар хизмат қилишдан бош тортдилар, капитан эса кемани орқага қайтарди. Лекин мен

сариғ сочли дайдининг ҳеч нарсадан қўрқмаслигини ва сувсар қувлаб то рус ороллариғача боришдан қайтмаслигини яхши билардим. У томонларга унча-мунча одам боришга журъат қилолмас эди. Тун қоронғулигида вахта қоровулининг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, мен бир қайиқчани олдим-да, ёлғиз ўзим катта ва иссиқ ўлкага қараб йўлга чиқдим. Мана, мен жанубга, Иеддо кўрфазига келдим. Бу ерда мен кўпгина итоатсиз ва қўрқмас одамларни учратдим, Иошивар қизлари кичкина ва чиройли бўлар экан, уларнинг баданлари худди пўлатга ўхшаган йилтироқ бўлар экан. Лекин мен бу ерларда қололмас эдим, чунки Унганинг тўлқинлар ошиб шимол қирғоқлари томон кетаётганини билардим.

Иеддо кўрфазидаги одамлар дунёнинг ҳар томонидан келган бўлиб, уларнинг на худолари, на ватанлари бор эди; улар япон байроғи остида сузиб юрар эканлар. Ана шулар билан мен Мис ороллари қирғоқларигача сузиб келдим. Шу ерда кемамизнинг омборлари терилар билан лиқ тўлди. Биз мана шу кимсасиз денгизда ҳеч кимни учратмай орқага қайтдик.

Бир кун кучли шамол туманни тарқатиб юборди, биз орқамиздан келаётган бир шхунани кўриб қолдик. Унинг орқасидан тутунлар билан қопланган рус ҳарбий кемасининг трубалари кўриниб қолди. Биз барча елканларни ёйиб, сузиб кетдик, шхуна эса борган сари бизга яқинлашиб келаверди, чунки бизнинг кемамиз икки фут йўл босганда, шхуна уч фут босар эди. Шхунанинг олд томонида арслон ёлли одам турар ва ўз кучига ишонган ҳолда илжаяр эди. Унга ҳам у билан бирга эди. Мен уни дарров танидим. Рус тўплари ўт очганда, у Унгани ичкарига киргизиб юборди. Ҳали айтганимдек, унинг кемаси бизникига қараганда тезроқ юрар эди. Энди ҳар қалқишда сувдан кўтарилиб келаётган шхунани кўрар эдим. Мен лаънатлар ўқиб, штурвални айлантирар ва отаётган рус тўпларига қарши орқамни ўгириб, тик турар эдим. Арслон ёлли бизни қувиб ўтиб кетмоқчи ва рус ҳарбий кемасининг таъқибидан қутулмоқчи эканини яхши тушундик. Унда руслар бизни ушлаб олишлари аниқ. Мачтамизни уриб туширдилар. Кемамиз эса худди яраланган балиқчи қушдек шамолда чайқалиб борар эди. У Унга билан бирга уфқда кўздан ғойиб бўлиб кетди.

Биз нима ҳам қила олар эдик? Янги терилар бизни



айблаш учун гувоҳлик бериб турарди. Бизни рус портига олиб бордилар, у ердан бир саҳрога келтириб, туз конларида ишлашга мажбур қилдилар. Бировлар ўлди, бировлар эса тирик қолди...

Наас елкасидан одеялни олиб ташлаб, яланғоч бўлиб олди, унинг аъзойи-бадани яра-чақа билан қопланган. Шубҳасиз, булар қамчи излари эди. Принс мана шу хунук манзарани кўришдан тезроқ қутулиш учун унинг елкасини дарров одеял билан ёпиб қўйди.

— Биз бу ерда кўп азоб чекдик, одамлар баъзан жанубга қочиб кетар, лекин ҳар гал уларни қайтариб олиб келар эдилар. Биз Иеддо кўрфазидан келганлар бирлашиб, бир кун кечаси қоровуллардан милтиқларни тортиб олдик-да, шимол томонга кетдик. Ҳамма ёқ чалчиқзор ва қалин ўрмон. Совуқлар тушиб, кўп қор ёғди. Орамизда эса ҳеч ким йўлни билмас эди. Ойлар ўтди, биз ана шу поёнсиз ўрмонлар ичида дайдиб юрдик. Ўша вақтда бўлган воқиалар ҳаммаси ёдимда йўқ, чунки бизда овқат оз эди, биз баъзан ётиб ўлим кутар эдик. Пировардида биз совуқ денгизга етиб олдик. Лекин ичимиздан уч кишигагина бу денгизни кўриш насиб қилган экан. Биримиз иоддолик капитан эди. У катта ўлкалар қаерда ва муз орқали бир ўлкадан иккинчи ўлкага қандай қилиб ўтиш мумкин эканлигини билар эди. Капитан бизни бошлаб кетди. Мен қанча йўл босганимизни эслай олмайман, ҳар ҳолда жуда узоқ юрдик, бориб-бориб икки киши қолди. Биз бир ерга бориб қолдик. Бу ерда биз маҳаллий одамлардан бештасини учратдик. Уларнинг итлари ва терилари бор, бизда эса бало ҳам йўқ эди. Биз улар билан қор устида олишдик. Улардан биронтаси ҳам тирик қолмади, капитан ҳам ўлди, итлар билан терилар менга қолди. Мен ёрилиб-ёрилиб кетган муз устидан боравердим, мени муз парчаси олиб кетди. Ғарб шамоли бориб-бориб муз парчасини қирғоққа келтириб урди. Уидан кейин Головин бухтасида, Пастиликада бўлдим. У ерда бир руҳонийни учратдим. Ундан сўнг жанубга, иссиқ ўлкалар томон кетдим. Мен бу ерларда илгари ҳам бўлган эдим.

Денгиз ортиқ кўп ўлжа бермай қўйди, сувсар овловчилар тез-тез хавф-хатарга дуч келиб, оз фойда кўрадиган бўлиб қолди. Кемалар ҳам оз учрар, бу кемаларнинг капитанлари ҳам, матroслари ҳам мен қидириб юрган одамлар ҳақида ҳеч қандай хабар бермадилар. Мен ва-

фосиз океанни ташлаб, қуруқликда саёҳат қилишга тушдим, чунки қуруқликда дарахтлар, уйлар, тоғлар ҳаракатсиз, қимирламай бир жойда турадилар. Мен кўп жойларда бўлдим, кўп нарса ўргандим, ҳатто ёзиш ва китоб ўқишни ҳам билиб олдим. Мен яхши иш қилдим, чунки менинг калламга бир фикр келди: мабодо Унга ҳам шундай нарсаларни ўргатиб олган бўлса, бир кун, вақти-соати келиб, тушунаяпсизми, вақти-соати келиб...

Шундай қилиб, мен худди фақат елкан билан юрадиган балиқчилар қайиғига ўхшаб, дунёни кезиб юрдим. Лекин менинг кўзларим доим очиқ, қулоқларим динг эди. Мен ҳамма вақт кўп саёҳат қилган кишиларга яқинроқ юрдим, чунки улар мен излаб юрган одамларни кўрган бўлишлари мумкин. Мен излаб юрган одамларни бир кўрган киши унутиши мумкин эмас. Пировардида мен тоғдан тушиб келган бир одамни учратдим. Бу одам ўша томондан бир парча тоза тош олиб келган экан. Бу парча тошда нохотдек-нохотдек олтинлар йилтираб турар эди. Бу одам ҳалиги мен қидирган кишилар ҳақида эшитган, уларни кўрган, уларни билар экан. Унинг сўзига қараганда, улар бой бўлиб кетиб, олтин конлари топилган жойларда яшар эканлар.

У жой узоқ ва ваҳший ўлка экан. Мен ўша ерга ҳам етиб бордим ва қурилган лагерларни кўрдим. У ерда одамлар қуёшнинг юзини кўрмай, кеча-ю кундуз ишлар эканлар. Лекин ҳали фурсат келмаган эди. Мен гап-сўзларга қулоқ солиб юрдим. У бу ердан жўнаб кетган, Унга ҳам у билан бирга Англияга кетган экан. Ерли одамларнинг сўзига кўра, бу ерга бой одамларни бошлаб келиб компания тузмоқчи экан. Мен улар турган уйни кўрдим. Бу эски қитъада бўладиган қасрларга ўхшаш бир бино эди. Унгага нималарни эҳсон қилди экан деб кечаси деразадан уйнинг ичига тушдим. Бутун хоналарни айланиб чиқдим, уй шу қадар безатилганки, фақат подшолар ва маликаларгина бундай уйларда яшайдилар деб ўйладим. Одамлар унинг Унга билан қилган муомаласи қироличанинг қироличага қилган муомаласига ўхшайди дер эдилар. Кўплар, Унга қайси халқнинг фарзанди, унинг томирида бошқачароқ қон борга ўхшайди, Унга бошқа Акатан хотинларига ўхшамайди-ку деб сўрар эдилар. Ҳа, Унга ҳақиқий малика бўлиб олган, лекин мен қабила бошлиғи ва қабила бошлиғининг



ўғли эдим, Унга учун қулоқ эшитмаган қалин тўлаганман, тери, қайиқлар, маржонлар берганман.

— Кўп сўзнинг нима кераги бор? Мен денгизчи бўлиб олгандим, кемаларнинг йўлини билардим. Мен Англияга, кейин бошқа ўлкаларга бордим. Баъзан қидириб юрган одамларим ҳақида ҳикоялар эшитдим, газеталарда ёзганларини ўқидим, лекин ўзларини ҳеч кувиб етолмадим. Чунки улар бой бўлганликлари учун бир ердан иккинчи ерга тез ўтиб кетаверардилар, мен эса камбағал эдим. Сўнгроқ эшитсам, улар бахтсизликка учрабдилар: уларнинг бойлиги худди кулга ўхшаб осмонга совурилиб кетибди. Бошда газеталар бу воқиани батафсил тасвирлаб кўп ёздилар, кейин жим бўлиб қолдилар. Лекин у Унга билан бирга олтин топиш кўйида яна орқага қайтиб кетганлигини яхши билар эдим.

Улар камбағал бўлиб, назардан ғойиб бўлдилар. Мен эса қишлоқма-қишлоқ дайдиб юрдим ва Кутнэйда уларнинг изига тушдим. Улар шу ерда бўлган эканлар, лекин кетиб қолибдилар,— биров бу томонга кетди деди, биров у томонга кетди деди, баъзилари эса Юкон томонга кетди дейишди. Ҳамма ерни ахтардим, энг охирида бу таги-туби йўқ дунёда у ёқдан-бу ёққа изғиб юриш мени чарчатди. Мен жуда оғир ва узоқ йўл босиб, яна Кутнэйга бордим. Оч қолган вақтларим ҳам бўлди. Менга йўл кўрсатувчи шимол-ғарб томонли бир метис очликка чидай олмади. Шу метис илгари Юконда бўлган экан. Вақт-соатининг яқинлашиб келаётганини сезиб, менга бир карта берди ва бир яширин жойнинг сирини айтди. Бу ерда катта олтин запаси бор деб ўз худоларининг номига қасамёд қилди. Ўша вақтларда ҳамма шимолга қараб интиларди. Мен камбағал эдим: почта юкларини ташийдиган ит ҳайдовчи бўлиб ёлландим. Қолганларини ўзингиз биласиз. Мен уларни Доусонда учратдим. Унга мени танимади, чунки Акатанда яшаган вақтимда мен ёш йигитча эдим, бу давр ичида унинг кечирган ҳаёти лаззатда, шоншавкатда ўтди! Бир вақтлар унинг учун қулоқ эшитмас қалин тўлаган одамни қаердан ҳам эсласин.

Ундан кейинми? Сен хизматдан қутулишимга кўмаклашдинг. Мен ишни ўз хоҳишимча қилиш учун бу ерга қайтиб келдим; мен жуда кўп кутдим, лекин эндиликда у менинг қўлимда бўлганлигидан, шошилмадим. Яна такрор айтаман, мен ўз билганимча иш қилмоқчи эдим, чун-

ки мен орқамга, ўз кечирган умримга, тортган азоб-уқубатларимга қайрилиб қарасам, рус денгизлари бўйидаги поёнсиз ўрмонларда бўлган қаҳратон совуқлар, оч қолганларим эсимга тушади. Ўзингиз биласизлар, мен уларни, уни ва Унгани, шарққа бошлаб кетдим: у томонга кўп одамлар кетган, лекин жуда оз кишилар қайтиб келган. Мен уларни орқасига тирик қайтиб келолмаган инсон суяклари ётган олтин конлари томонга олиб бордим. Ҳеч ким ҳали бу олтинларни у ердан олиб кетишга муяссар бўлолгани йўқ. Йўл узоқ, поёнсиз қор саҳроларида юриш оғир. Итларимиз кўп, лекин улар кўп овқат ер эдилар. Баҳоргача зарур бўлган ҳамма нарсалар чаналарга сиғмас эди. Биз ариқлар муздан тозалангунча қайтиб келишимиз керак эди. Юкни енгиллаштириш ва қайтишда очдан ўлиб қолмаслик учун биз йўл-йўлакай овқатларимизнинг бир қисмини яшириб боравердик. Мак-Квешченда уч одам яшар экан, уларга яқин бир ерда биз озиқ омбори қурдик. Худди шу ишни Мэйода ҳам қилдик. У ерда Пелли қабиласига қарашли овчиларнинг манзили бор экан. Улар бу ерга жанубдан, тоғ довонидан ошиб келган эканлар. Ундан нарида биз одам боласини учратмадик; бизнинг кўз олдимизда уйқуга кетган дарё, жимжит ўрмон ва оппоқ Шимол сокинлиги ётар эди.

Ҳали айтганимдек, йўлимиз узоқ ва оғир эди. Итлар юриши учун сўқмоқ тайёрлаймиз деб, куни бўйи саккиз-ўн милдан ортиқ йўл босолмаган вақтларимиз ҳам бўлди, кечалари эса тошдай қотиб уйқуга кетардик. Бу одам чеккан ғам-аламлари учун қасос олмоқчи бўлиб юрган Акатан қабиласининг бошлиғи Наас-ку, деган фикр бирор марта бўлсин йўлдошларимнинг хаёлига келмади.

Энди биз оз-оздан запас қолдира бордик, кечалари эса мен осонлик билан текисланган сўқмоқ йўл орқали қайтиб келиб, овқат запасларини бошқа ерга яшириб қўяр эдим. Буни кўрган одам озиқларни ўғри рассомахлар олиб кетган деб ўйлаши мумкин эди. Дарёда фақат сувнинг юзи музлаган жойлари бўлади, музнинг остидан эса ҳайқириб сув оқиб туради. Мана шундай жойларнинг бирида мен ҳайдаб кетаётган чана музнинг остига тушиб кетди. У ҳам, Унга ҳам, бу бахтсиз бир ҳодисадан бошқа нарса эмас деб ўйладилар. Бу чаналарга кўп озиқ-овқат ортилган, янги яхши итлар қўшилган эди.



Лекин у фақат илжаяр эди, чунки ғоят соғлом ва бақувват киши эди. Тирик қолган итларга биз энди жуда оз овқат бера бошладик, бориб-бориб уларни битта-биттадан чиқариб, қолганларига овқат ўрнида бера бошладик.

— Қайтишда чанасиз, итсиз қайтамиз, юкимиз енгил бўлади,— дер эди у.— Бир озиқ омборидан иккинчисига ўтиб, осонгина қайтамиз.

Шундай бўлиши керак эди ҳам, чунки озиқ-овқатимиз жуда оз қолган, суяклар одамлар лаънатлаган олтинлар билан қоришиб ётган ерга борганимизда, энг охирги итимиз кечаси ўлиб қолди.

Тоғларнинг қоқ юрагига етиб олиш учун (карта тўғри кўрсатган эди), тоғ қояларида оёқ сирғаниб кетмаслиги учун музни ўйиб, зинапоя қилишга тўғри келди. Довоннинг орқасида води бор деб ўйлаган эдик, йўқ экан: атрофда текис қор тепаликлари ёйилиб, узоқдаги тоғларнинг баҳайбат оппоқ чўққилари кўкка ўрлаб ётар эди. Мана шу тоғликларнинг ўртасида жарлик бўлиб, худди ер бағрига тушиб кетгандек кўринар эди. Биз денгизчи бўлмаганимизда, бу манзарани кўриб, бошимиз айланиб кетган бўларди. Биз ана шу тубсиз жар устида туриб, пастга тушмоқ учун йўл ахтара бошладик. Довоннинг фақат бир томонида худди кучли шамолдан қийшайиб кетган кема палубасидек қоялар ёнбошлаб пастга қараб тушган. Қандай қилиб юзага келганини билмайман, лекин манзара шундоқ эди.

— Бу жаҳаннамнинг бўсағаси,— деди у,— юринглар, пастга тушамиз. — Биз пастга туша бошладик.

Жарликнинг остида бир уйча бор экан. Бу уйни кимдир ёғочдан солган. Бу ёғочларни у тоғ тепасидан ташлаган бўлса керак. Уй жуда мазаси қочган, эски эди. Одамлар бу ерда якка-якка ўлганлар. Уларнинг турли вақтларда муз тошларига ўйиб туширилган ўлим олди сўзларини ва лаънатларини ўқидик. Бири цинга касали билан ўлган. Бошқа бирининг ўртоғи энг охирги овқат, ўқ-дориларини ўғирлаб қочган; учинчисини айиқ парчалаб ташлаган. Тўртинчиси ов қилмоқчи бўлган, лекин охирида очликдан ўлиб кетган. Ҳаммаси ҳам шу тарзда ҳаёт билан хайрлашган; улар олтиндан ажралгулари келмай, ҳар бири ўз ўлими билан дунёдан ўтган. Уларга энди ҳеч керак бўлмаган олтинлар уй ичида сочилиб ётибди.

Лекин мен шунчалик узоққа олиб борган одамнинг жони қаттиқ, калласи эса яхши ишлар эди.

— Емоқ учун ҳеч нарсамиз йўқ,— деди у.— Шунинг учун биз фақат мана шу олтинларни бир кўрамиз, бу олтинлар қаердан келган, кўпми-озми текшириб чиқамиз. Шундан кейин бу олтинларнинг ярқираши кўзларимизни кўр қилиб, ақлдан оздирмасдан туриб, дарров орқага қайтамиз. Кўп озиқ-овқат ғамлаб, кейин қайтиб келамиз. Бу олтинларнинг ҳаммаси шунда бизники бўлади.

Шундай қилиб, биз олтин беҳисоб бўлган ана шу уйни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқдик, ўлчадик. Тепасидан пастга қараб чизиқ тортдик, қозиқ қоқдик ва ҳуқуқимиз борлигини исбот қилиш учун алоҳида белгилар қилиб қўйдик. Очликдан тиззаларимиз букилар, кўнглимиз айнир, юракларимиз нотинч урар эди. Шундай бўлса ҳам биз тирмашиб, жар тепасига чиқдик ва орқага қайтдик.

Йўлнинг охирги қисмида биз Унгани кўтариб олдик. Ўзимиз ҳам зўрға қадам босиб борар эдик. Пировардида биз биринчи озуқа омборимизга етиб келдик. Ҳайҳот, у ерда озиқ-овқат йўқ эди! Мен усталик билан иш кўрган эдим. У бу россомахларнинг иши деб ўйлади ва уларга, ўз худоларига лаънатлар ўқиди. Лекин Унга руҳан бардам эди, унинг қўлларини ушлаб табассум қиларди. Мен шундай пайтларда сиримни фош қилиб қўйишдан қўрқиб, юзимни ўгирар эдим.

— Биз тунни гулхан олдида ўтказамиз,— деди Унга,— мокасинларимизни қайнатиб, қорнимизга бироз ором берамиз.

Биз этик қўнжларидан тилим-тилим қилиб кесдик ва чайнаш мумкин бўлсин учун кечаси билан қайнатдик. Эрталаб энди нима қилсак экан деб ўйлаб қолдик. Иккинчи омборга етгунча яна беш кунлик йўл босиш керак. У ерга етиб бориш учун бизда мадор йўқ. Ов топиш керак эди.

— Олдинга қараб бораверамиз, йўлда ов қиламиз,— деди у.

— Ҳа, олға қараб бораверамиз ва ов қиламиз,— деб такрорладим мен.

«Унга ўт олдида қолиб кучини сақласин», деб буйруқ берди, у. Биз эса йўлга тушдик. У буғу ахтариб кетди, мен бўлсам овқат яшириб қўйган томонга қараб кетдим. Лекин мен улар қувват пайдо қилганимни билмасин деб

[1] *Мокасин* — буғу терисидан тикилган узун қўнжли этик.



озгина овқат едим. Гулхан ёққан жойга қайтиб келар эканман, уни кўрдим: у тез-тез йиқилар эди. Мен ҳам сирни бой бермасликка тиришиб, ўзимни жуда ҳолдан тойган қилиб кўрсатиш учун чанғида бораётиб, тез-тез қоқилар ва ҳар бир қўйган қадамим энг охири қадамга ўхшар эди. Биз яна мокасин қайнатиб еб, оз-моз қувватга кириб олдик.

У жуда бақувват одам эди. Унинг руҳи сўнгги мунутларгача гавдасини тик ушлаб берди. У зорланмас ва фақат Унга ҳақида ўйлар эди. Иккинчи куни ўлганини кўриб қолай деб унинг орқасидан бордим. У дам олиш учун тез-тез ётиб олар эди. Шу кеча унинг аҳволи жуда оғирлашди, лекин эрталаб туриб, заиф товуш билан сўкинди-да, яна йўлга тушди. У худди мастга ўхшар эди, Мен бир неча марта мана энди — ҳозир жони чиқади деб ўйлардим. Лекин у бақувватларнинг бақуввати эди. Унинг жони гигантнинг жони эди, чунки гавдасини узун кун бўйи кўтариб юрди. У иккита оқ қирғовулни отиб туширди, лекин емади. Қирғовулни ўт ёқиб ўтирмай хомлигича емоқ мумкин эди, шунда у ҳаёт қолган бўлар эди. Лекин унинг фикри-хаёли Унгада эди. У яна туриш жойимизга қараб жўнади. У энди тикка туриб юрмас, балки тўрт оёқлаб қор устида эмаклаб борар эди. Мен унга яқинлашдим, унинг кўзларида ўлим аломатини кўрдим. Агар у ҳалиги қушларни еганда, қутулиб қолиши мумкин эди. Лекин милтиғини улоқтириб ташлаб, худди итга ўхшаб қушларни тишлаб кетаверди. Мен унинг ёнида борардим. У дам олиш учун тўхтаган пайтларида менга тикилиб қарар ва тетиклигимга таажжубланар эди. Мен буни тушундим, чунки у ортиқ сўзлай олмас, лаблари қимирлар, лекин ҳеч товуш чиқара олмас эди. Яна қайтариб айтаман, у жуда бақувват одам эди, менда раҳм-шафқат ҳисси уйғонди, лекин мен бутун умримни кўз олдимга келтирдим; рус денгизлари яқинидаги поёнсиз ўрмонларда юрганларимни, қаттиқ совуқ ва очликда кечирган кунларимни эсимга туширдим. Бунинг устига Унга меники эди, мен Унгага қулоқ эшитмаган қалин тўлагандим,— тери, қайиқ ва маржонлар бергандим.

Хуллас, биз оппоқ ўрмондан ўтиб борар ва худди қуюқ денгиз тумани сингари атрофимизни даҳшатли сокинлик ўраб олган эди. Ўтмишнинг эсдаликлари ҳам кўз ўнгимда намоён бўлди. Акатаннинг сариқ қирғоқлари, балиқ овидан қайтиб келаётган қайиқчалар, ўрмон чети-

даги уйлар кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади. Менинг халқимга қонун берган, кейин халқимга бошлиқ бўлиб олган, менинг ҳамда хотиним Унганинг томирларида қонлари юраётган кишилар ҳам кўз олдимга келди. Шу қаторда бошларига ҳўл қум сочилган ва ҳали ҳам сингган найзани ўз қўлидан қўйиб юбормаган Яш-Нуш ҳам мен билан бир сафда борар эди. Вақт-соат яқинлашганини билдим, лекин Унганинг қарашларида ваъда аломати борлиги ҳам менга маълум эди.

Ҳали айтганимдек, биз ўрмондан бормоқда эдик, кейин гулхандан келаётган тутун димоғимизни қичитди. Мен энгашиб душманим оғзидан қушчаларни юлиб олдим. У айланиб, ҳайрат кўзлари билан менга қаради ва қўли ёнида осилган пичоққа чўзилди. Мен кулиб, унинг кўзига тикилдим ва қўлидан пичоқни тортиб олдим. Шунда ҳам у ҳеч нарса тушунмади. Кейин бир вақтлар мени қора шишалардаги сув билан маст қилганини эсига туширдим, қор устига уйилган молларни, умуман ўша тўйим кечаси нимаики иш юз берган бўлса, ҳаммасини ишоралар билан кўрсатдим. Мен бир оғиз ҳам сўз айтмадим, бу гал у тушунди, лекин қўрқмади. Унинг лабларида масхарали табассум, кўзларида ғазаб ўти ёнар эди. Менинг сўзларим унга янги куч берди. Биз манзилга яқинлашиб қолдик. Қор қалин бўлганлиги учун у зўрға судралиб борар эди. Бир марта у анчагача қимирламай ётди, мен уни ағдариб, кўзига қарадим. Унинг кўзларидаги ҳаёт гоҳ сўнар, гоҳ яна пайдо бўлар эди. Мен уни қўйиб юборган эдим, у яна эмаклаб кетди. Шундай қилиб биз гулханга етиб келдик. Унга унинг қучоғига ташланди. Унинг лаблари қимирлар, лекин ҳеч товуш чиқаролмас эди. Кейин мени Унгага кўрсатди. Энг сўнгида у оҳиста қорга ағдарилди. Ҳозир ҳам шу ҳолича ётибди.

Қушчалар пишиб, тайёр бўлгунча, мен бир сўз ҳам айтмадим. Кейин мен Унга кўп йиллардан бери эшитмаган ўз она тилимизда сўзлай бошладим. Унга тўғриланиб олди ва ҳайрат билан кўзларини катта очиб менга қаради. У мендан ким эканлигимни ва бу тилни қаердан ўрганганлигимни сўради.

— Мен Наасман,— деб жавоб бердим.

— Сен-а?— деб қичқириб юборди у ва менга яқинроқ ўрмалаб келди.

— Ҳа,— деб жавоб бердим мен. — Мен Наасман, Акатан қабиласининг бошлиғиман, ўз уруғимда энг охирги вакил бўлганим каби, сен ҳам ўз уруғингда охирги вакилсан.



У кулиб юборди. Бундай кулгини иккинчи бор асло эшитмай! Даҳшатдан юракларим қиндан чиқиб кетаёзди. Мен Оппоқ Сокинликда ўлим билан, мени масхара қилиб кулаётган ана шу хотин билан ёлғиз ўтирар эдим.

— Тинчлан,— дедим мен, уни алаҳлаяпти деб гумон қилиб, — бир оз қувватга кириб ол; бу ердан кетамиз, Акатан йўли узоқ.

Лекин у мурданинг сап-сариқ ёлларига яшириб олдида, яна кула бошлади. У шундай кулар эдики, назаримда, иш яна бироз шундай давом этса, бошимизга осмон йиқилиб тушадигандай туюлди. У мени кўриб қувончга тўлар ва ўтмишни эсига туширганда яна ўз жойига қайтишни хоҳиш қилар деб ўйлаган эдим, лекин ҳеч ким ўз қувончини бундай ғалати кулги билан изҳор қилмайди.

— Юр!— деб бақириб юбордим мен, қўлидан маҳкам ушлаб. — Тун қоронғулигида узоқ йўл босишимиз керак. Шошилиш керак!

— Қаёққа?— деб сўради Унга, ўрнидан қимирлаб. Унинг юзидаги кулги йўқолди.

— Акатанга,— дедим мен, унга. Шу сўз билан унинг чеҳраси яна очилиб кетар деб кутиб турдим. Лекин Унганинг юзида ҳам масхарали табассум ва ғазаб ифодаси кўринди.

— Ҳа, — деди Унга,— биз қўл ушлашиб Акатанга қайтамиз. Сен билан мен. Яна ифлос уйларда яшаб, балиқ ва тюлень ёғи билан кун кўрамиз, ўзимизга ўхшаган болаларни кўпайтирамиз ва умр бўйи улар билан фахрланиб юрамиз. Биз катта дунёни унутамиз. Биз жуда бахтли бўламиз. Қандай яхши! Қани, кетдик! Шошилиш керак! Акатанга қайтамиз.

Унга ўликнинг сариқ сочларини қўллари билан силади-да, хунук кулгисини яна бошлаб юборди. Унинг кўзларида ваъдадан асар ҳам йўқ эди.

Мен хотинларнинг бундай ғалати қилиқлари бўлишига тушунолмай ҳайрон бўлиб, жим ўтирдим. Тўй бўладиган кечаси у Унгани судраб кетгани, Унга унинг сочларини юлгани эсимга тушди. Ҳозир эса Унга ўз қўлларини унинг сочларидан олгиси келмайди. Яна мен Унга йўлида ўтказган ва интизор чеккан узоқ йилларни эсимга туширдим. Ўша вақтда арслон ёлли Унгани қандай қилиб кўтарган бўлса, мен ҳам шундай қилдим — Унгани даст

кўтариб олиб кетдим. Лекин Унга худди ўша тундаги сингари оёғини тираб ўжарлик қилар ва болаларидан ажралаётган она мушук каби, менга чанг солар эди. Биз билан ўлиб ётган киши ўртасида гулхан тўғри келиб қолди. Мен Унгани қўйиб юбордим. Унга менинг сўзимга қулоқ сола бошлади. Мен унга ҳаммасини ёт денгизларда бошимдан ўтган саргузаштларимни, ёт мамлакатларда кўрган кулгиларимни, изланишларим; очлик билан ўтказган йиллар ва Унганинг биринчи мартаба менга берган ваъдасини эслатиб, ҳаммасини бирма-бир гапирдим. Ҳа, мен унга ҳаммасини; ҳатто ўлган одам билан менинг ўртамда бўлган шу бугунги сўзларни ҳам гапирдим. Мен ҳикоя қилар эканман, унинг катта очилган кўзларида худди ўзига тортувчи тонг шафаги каби, ваъда учқунлари пайдо бўла бошлаганини кўрдим. Мен бу кўзларга қараб, Унганинг кўзларида раҳм-шафқат, меҳр, унинг юзида латофат белгиларини кўрдим, қалбидаги ҳислари юзига чиққандек бўлди. Мен яна ёш йигитга айландим, чунки бу қараш Унганинг қараши эди, бу қараш лабларида табассум сочиб, қирғоқ бўйлаб уйига чопиб кетаётган ўша илгариги қизнинг қараши эди. Барча азоб-уқубатлар, очлик ва оғир интизорлик аламлари бир зумда йўқолди. Вақт-соати етди. Унга мени чақираётгандай бўлди. Фақат унинг тиззасига бош қўйиш ва ҳамма нарсани унутишгина қолган эди. У менга қараб қучоғини очди, мен унга ташландим. Бирдан унинг кўзларида нафрат ўти чарақлаб кетди ва қўли менинг бўйнимга чўзилди. Кейин у мени пичоқ билан мана шундай қилиб бир-икки урди.

— Итвачча!— деб қичқирди у, мени қорга итариб юбориб.— Ит!— Сўнг унинг кулгиси сокинликда яна жаранглаб кетди. Кейин Унга анавининг мурдаси олдига қайтиб борди.

Ҳали айтганимдек, у мени пичоқ билан икки марта урди, лекин очликдан заифлашиб қолгани сабабли тақдир бу гал ҳам менга ўлимни раво кўрмаган экан. Шундай бўлса ҳам мен ўша ерда қолиб, кўзларимни юмиб, абадий уйқуга кетмоқчи эдим. Мени нотаниш йўллардан юргизган, нотаниш ўлкаларга олиб борган, ҳаётлари менинг ҳаётим билан чирмашиб кетган мана шу одамлар билан бирга қолмоқчи эдим. Лекин менинг бўйнимда қарз бор эди, шунинг учун нариги дунёга сафар қилиш ҳақида ўйлашга ҳали вақт эрта эди.

Йўллар узоқ, қаҳратон совуқ, овқат оз эди. Пелли қабиласидан бўлган овчилар ов қилишга ҳеч нарса тополмасдан, менинг озиқ омборимни ўғирлаб кетибдилар. Мен айтган учта оқ одам Мак-Квешчандаги омборни ҳам шундай қилибдилар. Лекин мен уй олдидан ўтиб кетаётиб уларнинг ўлиб ётганларини кўрдим. Ундан кейин мен ҳеч нарсани эслай олмайман — қандай қилиб бу ерга келганимни, қандай қилиб овқат ва иссиқлик топганимни билмайман.

Сўзини тамом қилгач, у печкага яқин сурилди. Ёниб турган қора чироқ қаршидаги деворга алланечук қўрқинчли соя ташлаб турарди.

— Унга нима бўлди?— деди Принс, ҳикоядан даҳшатга тушиб.

— Унгами?—Унга қирғовулни ейишдан бош тортди. Унга унинг бўйнидан қучоқлаб, юзини арслон ёлларига суриб ётиб олди. Мен иссиқ бўлсин деб гулханни унга яқинлаштирган эдим, у бошқа томонга эмаклаб ўтиб олди. Мен бошқа ўт ёқдим, бу ҳам фойда бермади. У овқатдан бош тортди ахир! Иккаласи ҳали ҳам ўша ерда, қор устида ётишибди.

— Хўш, сен-чи?— деб сўради Мэйлмют Кид.

— Мен нима қилишимни билмайман. Акатан кичкина ўлка, у ерга қайтиб бориш ва дунёнинг бир чеккасида яшаш истагим йўқ. Энди яшашимнинг нима кераги бор? Мен капитан Констэнтайнинг олдига қайтиб бораман, у ерда қўлларимга кишан уриб, бўйнимга арқон соладилар-да, мана шундоқ қилиб дорга осадилар; шунда мен абадий уйқуга кетаман... Тўғрисини... йўқ, билмайман.

— Менга қара, Кид!—деди Принс, ғазаб билан.— Бу ахир одам ўлдириш-ку!

— Жим бўл!— деди Кид, жиддий равишда.— Шундай нарсалар борки, уларга бизнинг ақлимиз етмайди. Бунда ким ҳақли, ким айбдор эканини биз билмаймиз. Бу ҳақда ҳукм чиқариш бизнинг ишимиз эмас.

Наас ўтга яна бироз яқинлашди. Ўртага жимлик тушди. Мана шу сокинликда ўтирган уч кишининг кўз олдиларидан кечмишнинг хаёллари бир-бир ўта бошлади.





## АЁЛ КИШИНИНГ МАРДЛИГИ

Кўзлари маъюс мўлтираган бўри калла ит чодир этагини у ёқ-бу ёққа суриб, қиров босган тумшуғини ичкари суқди.

— Эй, Сиваш! Йўқол-е, падарингга лаънат!— деб қичқирдилар порозилик билан чодирдагилар бараварига. Беттлиз тупука лаганча билан итнинг тумшуғига туширди, итнинг боши бир зумда ғойиб бўлди. Луи Савой эшик ўрнини ўтайдиган чодирнинг брезент тўсиғини бостириб қўйди-да, оёғи билан қизиб турган тавани ағдариб, унга қўлини тутиб исита бошлади.

Совуқ жуда қаттиқ эди. Икки кун илгари спиртли термометр олтмиш саккиз градус совуқни кўрсатди-ю, паққа ёрилиб кетди. Совуқ борган сари кучайиб борарди. Бундай совуқлар қачонгача давом этишини айтиб бўлмасди. Шундай вақтларда иссиқ печкадан узоқда бўлишни ва жон ачитувчи муздай ҳаводан нафас олишни душманингга ҳам раво кўрмайсан киши! Мана шундай совуқда ҳам ташқарига чиқишга журъат қилган довюраклар ҳам топилиб қолади, лекин бунинг оқибати ўпкани совуқ олдиришга олиб боради; кишини қуруқ ва кучли йўтал бўға бошлайди, яқин орада ёғ кизитилса, йўтал айниқса ку-



чаяди. Кейин баҳорга ёки ёзга бориб эса музлаган ерни портлатиб, гўр қазийдилар. Мурдани гўрга қўядилар ва устини чим билан ёпиб, шу ҳолича қолдирадилар. Бу мурда совуқда ётиб то қиёматгача бут-бутун сақланиб қолади деб чин юракдан ишонадилар. Қиёматда одамнинг тирилишига ишонмовчи скептикларга ўлиш учун Клондайкдан тузукроқ жойни тавсия қилиш қийин, албатта. Лекин бундан Клондайкда яшаш ҳам яхши экан деган хулосани чиқариб бўлмайди.

Палатканинг ичи ташқаридагидек совуқ бўлмаса ҳам, жуда иссиқ ҳам эмасди. Чодир ичида уй жиҳози деса бўладиган бирдан-бир нарса печка бўлганидан, ҳамма унинг атрофига тўпланган эди. Чодир ичидаги жойнинг бир қисмига қарағай шохлари солинган, ости қор шохларнинг устига юнг одеяллар тўшалган. Чодирнинг бошқа бир томонида, мокасинлар билан босилган қор устида декча, тава ва қутб манзилида зарур бўлган бошқа нарсалар сочилиб ётарди. Қип-қизил чўғ бўлиб кетган печкада ўтин чарс-чурс қилиб ёниб ётар, лекин ундан ниҳояти уч қадам нарида муз парчалари ётарди; улар шундай қаттиқ эдики, худди ҳозиргина дарё юзидан ўйиб келтирилгандек. Ташқаридан ғириллаб совуқ кириб турганидан палаткадаги ҳамма иссиқ юқорига кўтариларди. Печканинг қоқ юқорисида, шипнинг мўри чиқадиган жойида бир парча қуруқ брезент оқариб кўринади. Ундан нарида брезент нам бўлиб ундан буғ чиқиб турибди. Ундан ҳам юқорироқда жиққа ҳўл брезентдан сув томчилаб турарди. Палатка шипининг қолган қисмини ва деворларини бир эллик оппоқ қуруқ қиров қоплаган.

— А-а-ах! О-о-ох. Вой-вой-воой!— деб инграб юборди уйқусида жун одеялга ўралиб ётган йигитча. Унинг орик ва сўлғин юзини соқол босган. У уйқудан уйғонмай туриб оғриқдан борган сари баттар инграрди. Одеялдан чиқиб турган гавдасининг ярми худди тиканак устида ётгандек безовталик билан тўлғанаётгани кўриниб турарди.

— Қани, уни ёнбошига ағдариб қўйингчи!— деб буюрди Беттлз.— Яна тутқаноги тутиб қолди.

Шунда олтита ўртоғи бир бўлиб касалнинг то тутқаноги ўтгунча шафқатсиз равишда у ёқдан-бу ёққа ағдардилар, эздилар ва калтакладилар.

— Падарига лаънат шу қорли йўлларнинг!— деб минғиллади йигит ва устидан одеялини олиб ташлаб, туриб ўтирди.— Уч қишгача сурункасига ўлканинг бошдан

оёғини кезиб чиқдим — жисмоний жиҳатдан кўниккан бўлишим керак эди ахир! Энди мана шу лаънати ўлкага келиб кўрсам, совуққа дош беролмайдиган аллақандай хотинчалишларга ўхшаган нозик эканман.

У печкага яқинлашиб махорка ўрай бошлади.

— Сиз мени ҳадеб ғингшийверадиган одам экан деб ўйламанглар! Йўқ, мен ҳар қандай шароитга ҳам бардош бера оламан. Лекин ҳозир уятга қолиб ўтирибман, кўрмайсизми. Кўп бўлса ўттиз миль йўл босгандирман. Мана энди худди шаҳар атрофига сайрга чиқиб беш миль йўл босиб келган беморга ўхшаб ҳамма ёғим қақшаб кетяпти, касал бўлиб ўтирибман! Шундай ҳам бемазагарчилик бўладими!.. Қимда гугурт бор?

— Қизишма, йигитча!— деб Беттлз гугурт ўрнига касалга чўғ тутди ва насиҳатомуз давом этди.— Сени кечирса ҳам бўлади, ҳамма ҳам шундай синовлардан ўтади. Чарчагансан, қийналгансан! Биринчи қилган саёҳатим ҳали эсимдан чиққани йўқ. Сўлоғим ўйнаб кетган! Музни ёриб ичасан-да, ўрнингдан тургунча анчагача уринасан. Бўғин-бўғинларинг бўшашиб кетади, суякларинг шундай сирқираб оғрийдики, баъзан ақлдан озай дейсан. Томир тортишини айтмайсанми? Баъзан шундай тортиб қоладики, қаддимни ростлагунча бутун манзил ярим кунгача устимда ўлиб бўлади! Ҳали ёшсан, аммо, баракалла, тиришқоқ, ўт йигит экансан! Жуссанг ҳам жойида, асосий масала шунда: сенда ортиқча жир йўқ, ўшани деб кўпгина соғлом йигитлар вақтидан олдинроқ нариги дунёга сафар қиладилар.

— Ёғнинг ортиқлигиданми?

— Ҳа, ҳа. Қимнинг суяклари кўпроқ ёғ ва гўшт билан қопланган бўлса, йўл азобига бардош беролмайди.

— Буни билмас эканман!

— Билмас эдингми? Бу рост гап, шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Шундай девқомат одамлар бўладики, улар бир зумда ўз зўравонликларини кўрсатишлари мумкин, лекин чидамга келганда, қайда дейсан. Бундай одамлардан умид қилма! Серпай, озғин одамларгина пишиқ бўлади. Итнинг оғзидан суякни тортиб олсанг оласанки, улар ёпишган нарсани тортиб ололмайсан. Йўқ, семиз одамлар бу ишга ярамайди.

— Ҳақ сўзни гапирдинг,— деб сўзга аралашди Луи Савой. — Мен қўтасдек бақувват бир кишини билардим. Шимолий чашма томонда участкалар бўлиниб, қозиқ қоқилаётганда, ҳалиги йигит Лон Мак-Фейн билан бирга



ўша томонга жўнади. Лон эсингдами? Кичкина сариқ ирландиялик, ҳамма вақт илжайиб юрарди. Улар йўлга тушибдилар, бир кеча-кундуз йўл босибдилар. Ҳалиги семиз одам ҳолдан тойиб, қорга ётиб олаверган. Нозиккина ирландиялик уни итариб тургазса, судраса, у худди чақалоқдек йиғлар эмиш. Шу тарзда бутун йўл бўйи Лон уни судраб, қистаб борган ва мен турган манзилга олиб келган. Менинг уйимда у уч кунгача кўрпа-ёстиқ қилиб ётди. Эркак киши шу қадар хотинчалиш бўлади деб сира ўйламаган эдим. Ортиқча ёғ мана шундай ёмон оқибатларга олиб келади.

— Аксель Гундерсон-чи?— деб сўради Принс. Ўша скандинавиялик девқомат йигит ва унинг фожиали ўлими ёш инженерга жуда таъсир қилган эди. — У анави тарафда, аллақаерларда ётибди... — деб Принс қўлини ноаниқ силкиб, сирли шарқ томонни кўрсатди.

— Йирик одам эди, Шўр Сув соҳилларидан бу ерларга келиб, лось ови қилган одамлар ичида энг йириги эди,— деб қўшиб қўйди Беттлз.— Лекин у бояги гапимизни тасдиқловчи истисно эди. Унинг хотини Унга эсингдами? Унинг баданида бир мисқол ҳам ортиқча ёғ йўқ, турган-битгани пай эди. У эридан ҳам мардона эди. Ана ўша хотин бошига тушган барча оғирчиликка чидади, фақат эрини ўйлар эди. Эри учун десанг, у ҳеч нарсадан ҳам бош тортмас эди.

— Нима бўлибди шу билан, Унга эрини яхши кўрар эди-да,— деб қўйди инженер.

— Гап унда эмас, ахир! У хотин...

— Менга қаранглар, биродарлар,— деб озиқ-овқат солинган яшик устида ўтирган Ситка Чарли гапга аралашди. — Сиз бу ерда бақувват, соғлом одамларни заиф қилиб қўядиган ортиқча ёғ ҳақида, хотинларнинг мардлиги ва севги ҳақида гапирдинглар; яхши суҳбат қурдинглар. Мен ҳозир бир эркак билан бир аёлни эсладим. Уларни ҳали бу ерлар кам ўзлаштирилган, одамлар ёққан гулханлар осмондаги юлдузлар каби сийрак бўлган замонларда учратган эдим. Эркак гавдали, соғлом эди, лекин унга ҳали сиз ортиқча ёғ деган нарса халақит берарди шекилли. Хотин эса нозиккина, лекин унинг юраги катта эди, буқанинг юрагидек келадиган эркакнинг юрагидан ҳам каттароқ эди. Ўшанинг учун ҳам у аёл жуда мардона эди. Биз Шўр Сув томонга бормоқда эдик, йўл оғир, аччиқ совуқ, қалин қор ва очлик бизнинг

йўлдошимиз эди. Лекин бу хотин эрини буюк муҳаббат билан севарди — бу севгини фақат шундай деб аташ мумкин.

Ситка жим қолди. У болта билан олдида ётган муздан бир неча бўлагини чопиб олди-да, печка устида турган тунука новга ташлади,— шу йўл билан улар ичиш учун сув тайёрлар эдилар. Эркаклар яқинроқ сурилдилар, касал йигит эса тутқалоқдан кейин бадани қаттиқ оғримасин учун зўр бериб ўнғайроқ ўтириб олишга тиришар эди.

— Биродарлар,— деб давом этди Ситка,— менинг томирларимда сивашларнинг қизил қони оқиб ётибди, лекин юрагим оқ танли одамларникидан. Биринчиси оталаримнинг айби, иккинчиси дўстларимнинг яхшилигидан. Ҳали ёш бола эканимдаёқ кўзларим аччиқ ҳақиқатни кўрди. Мен ҳамма ер сизларники эканлигини, сивашлар оқларга қарши курашмоққа қуввати келмаслигини, қорлар орасида худди айиқ ва бўғулар сингари ўлиб кетишини англадим. Ана шундан кейин иссиқ жойга келиб, сизларнинг ўртангиздан, сизнинг ўчоғингиз олдидан жой олдим-да, сиз билан аралашиб кетдим. Мен ўз умримда кўп нарсани кўрдим. Мен ғалати нарсаларни кўрдим, турли қабила одамлари билан кўп йўлларни босиб ўтдим. Одамлар ва қилинган ишлар ҳақида сиз каби ҳукм юритиб, сиз каби ўйлай бошладим. Шунинг учун ҳам, агар мен бирор оқ одам ҳақида ёмон гап гапирсам, мендан хафа бўлмаслигингизни биламан. Борди-ю, оталарим қабиласидан бирор кишини мақтайдиган бўлсам, сиз: «Ситка Чарли — сиваш, унинг кўзлари ҳақиқатни кўрмайди, унинг тили ёлғон сўзларни айтяпти», деб айтмайсиз. Шундоқ эмасми?

Тингловчилар ғўнгиллаб, унинг сўзини тасдиқ қилдилар.

— У аёлнинг оти Пассук эди. Мен уни ўз қабиласидан яхшигина пулга ҳалол сотиб олдим. Бу қабила суви шўр бир кўрфазга яқин жойда, соҳилда яшар эди. Хотин кўнглимга ёқмасди, кўзларим унга қарашни истамасди, унинг кўзи доим ерга тикилган, ёт кишининг қўлига тушиб қолган ва илгари бу одамни ҳеч кўрмаган ҳамма қизлар сингари тортинчоқ ва қўрқоқдай кўринар эди. Мен айтганимдек, бу хотин юрагимдан жой ололмади. Лекин мен узоқ сафарга ҳозирланаётган эдим, менга итларимни боқадиган, дарёда сузганимда эшкак тортишадиган бир



ёрдамчи керак эди. Бир кўрпага икки киши ҳам сиғаверади, шунинг учун мен Пассукни танладим. У вақтларда ҳукумат хизматида эдим деб айтдим шекилли? Шунинг учун ҳам мени чаналар, итлар ва озиқ-овқат запаслари билан бирга ҳарбий кемага олдилар; Пассук ҳам мен билан бирга эди. Биз шимол томонга, Беринг денгизи музликларига томон йўлга чиқдик. Ўша ерда бизни— мени, Пассукни ва итларни кемадан туширдилар. Ҳукумат хизматчиси бўлганимдан менга пул, ўша ернинг ҳали одам қадам босмаган жойларининг карталарини ва хатларни бердилар. Хатлар яхшилаб печатланган ва қор-ёмғирдан сақлаш учун яхшилаб ўралган эди. Мен бу хатларни буюк Маккензи дарёсига яқин жойда музлар орасида қолган кит овловчи кемаларга етказишим керак эди. Дарёларнинг онаси бўлган бизнинг Юконни ҳисобга олмаганда, дунёда Маккензидан каттароқ дарё йўқ.

Лекин гап бунда эмас, чунки кит овловчи кемаларнинг ҳам, Маккензи дарёси соҳилларида мен ўтказган қаҳратон қишнинг ҳам ҳозир сўзлаб берадиган ҳикоямга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Баҳор келиб, кунлар узайиб қолгандан кейин Пассук икковимиз жанубга, Юкон соҳилларига жўнаб кетдик. Бу жуда оғир саёҳат бўлди, лекин қуёш бизга йўлни кўрсатиб турди. Ҳали айтганимдек, бу томонлар у вақтда бўм-бўш, кимсасиз жойлар эди. Биз дарёнинг оқимига тушиб олиб соҳ таёқ, соҳ эшкак ёрдами билан сузиб кетавердик ва ахир Қирқинни Милга етиб бордик. Яна қайтиб оқ танлиларнинг оқ юзларини кўриш биз учун қувончли эди. Биз соҳилга тушдик.

Ўша қиш жуда совуқ бўлди. Совуқ билан бирга очлик ҳам келиб етди. Компаниянинг агенти одам бошига қирқ қадоқдан ун ва йигирма қадоқдан гўшт берди, холос. Ловия мутлақо йўқ эди. Итлар доим зорланиб увиллашар, одамларнинг қорни қапишиб, юзларини ажин босиб кетди. Бақувват одамлар заифлашар, заифлар ўларди. Қишлоқда цинга авж олди.

Бир кун кечқурун биз магазинга бордик ва бўш полкаларни кўриб, қоринларимиз бадтар очди; биз шам ёқмай ўчоққа ёқилган ўт ёруғида аста суҳбатлашиб ўтирдик, чунки шам баҳорга қадар тирик қоладиган одамлар учун сақлаб қўйилган эди. Биз ўзимизнинг қандай оғир аҳволда қолганимизни билдириш учун Шўр Сувга бирор

кишини юбориш керак деган қарорга келдик. Шунда одамларнинг ҳаммаси менга қарашди, улар менинг тажрибали саёҳатчи эканимни билишганидан менга умид билан қарадилар.

— Дарё соҳилидаги Хейс миссияси бу ердан етти юз миль жойда,— дедим мен,— бутун йўлни чанғи билан босиш керак. Менга энг яхши итларингизни ва энг яхши овқатларингизни берсангиз, майли бораман. Пассукни ҳам бирга олиб кетаман.

Одамлар рози бўлишди. Лекин шу вақт гавдали, бақувват америкалик йигит — Новча Жефф ўрнидан турди. У мақтаниб гапирди. У мен ҳам жуда яхши юра оламан, мен худди чанғида юриш учун яратилганман, она қўтаснинг сутини ичиб катта бўлганман деб арз қилди. «Мен ҳам бирга бораман, агар йўлда ҳалок бўлсанг, мен миссияга бориб, топшириқни бажараман», деди у. Мен у вақтда анча ёш эдим, янкиларни яхши билмасдим. Мақтанчоқлик билан айтилган гаплар заифликнинг биринчи белгиси эканини, катта ишлар қўлидан келадиган одам тилини тийиб юришини у вақтларда қаёқдан ҳам билай! Шундай қилиб, биз энг яхши итларни ва яхши овқатларни олиб, Пассук, Новча Жефф ва мен учовимиз йўлга тушдик.

Ҳаммамиз ҳам чанғида қор орасидан йўл очишимиз керак бўлди, музлаб қолган чаналарни ўрнидан силжитишимиз ва муз тўсиқларини ёриб ўтишимиз керак эди. Шунинг учун, мен йўл қийинчиликлари ҳақида кўп гапириб ўтирмайман. Лекин шуни айтайки, баъзан биз ўн миль йўл босдик, баъзи кунлари эса ўттиз миль йўл босдик. Ўн миль йўл босган кунларимиз кўпроқ бўлди. Энг яхши деб берган овқатлари унча ҳам яхши эмас эди, бундан ташқари йўлга тушган кундан бошлаб овқатни тежаб сарфлаш лозим бўлди. Энг яхши итлар зўрға юришар, биз эса уларни куч билан чана тортишга мажбур қилар эдик. Биз Оқ дарёга бориб етганимизда, учта чанамиздан иккитаси қолди, биз эса бор-йўғи энди икки юз миль йўл босгандик. Тўғри, биз ҳеч нарса йўқотмадик: ўлган итлар тирик қолганларига овқат бўлди.

Пеллига етиб келгунимизча на инсон товуши эшитдик, на бирор ўчоқдан кўтарилаётган тутун кўрдик. Ўша ерда мен овқат запасимизни кўпайтириб оламиз, йўлда заифлашиб қолган ва тинмай зорланиб, мингиллаб келаётган Новча Жеффни ўша ерда қолдириб кетамиз деб



ўйлаган эдим. Лекин Пелли факториясининг омборлари деярли бўш эди; компаниянинг агенти қаттиқ-қаттиқ йўталар, нафаси сиқар, безгакдан кўзлари ёнарди. У бизга миссионернинг бўшаб қолган уйини ва қабрини кўрсатди. Уликни итлар қазиб еб кетмасин деб, қабр устига тош уйиб қўйибдилар. Биз у ерда бир тўда ҳиндларни кўрдик. лекин улар ўртасида болалар ва чоллар йўқ эди; буларнинг кўпчилиги баҳоргача тирик қолмаслиги аён эди.

Шундай қилиб, қорнимиз оч, маъюс ҳолда йўлга тушдик. Хейис миссиясига қадар қор саҳроси ва сокинлик денгизидан яна беш юз миль йўл босишимиз керак. Йилнинг энг қоронғу пайтлари, ҳатто туш пайтида ҳам қуёш жанубий уфқни ёритмайди. Лекин йўлимизда муз тўсиқлари энди кам учрарди, шунинг учун йўл юриш анча осонлашди. Мен итларни тўхтовсиз олға ҳайдар эдим. Биз деярли дам олмасдан йўл босардик. Айтганим тўғри чиқди: биз ҳамма вақт чанғида йўл босдик. Чанғида юришдан эса оёқларимиз зирқираб оғрир эди. Оёқларимиз ёрилиб ва яра бўлиб кетди. Кун сайин бу яралар бизга баттар азоб берарди. Бир кун эрталаб чанғиларни оёққа боғлаётган эдик, Новча Жефф худди ёш болага ўхшаб йиғлаб юборди. Мен уни кичик чаналарга йўл очиш учун олдинга юбордим, лекин у енгил бўлсин деб чанғиларини олиб қўйди. Шунинг учун у йўлнинг қори босилмай, мокасинлари билан йўлни ўйдим-чуқур қилиб бораверди, итлар эса чуқурларга тиқилиб қолардилар. Итлар шу қадар ориқлаб кетган эдиларки, жуни остидан суяклари туртиб чиқиб турарди. Улар ғоят қийинчилик билан қадам босардилар. Мен Жеффни роса сўкиб бердим. У чанғиларни энди ечмасликка ваъда берди, лекин сўзида турмади. Шунда мен уни қамчи билан тортиб юбордим, шундан кейин итлар қорга ботмайдиган бўлди. У худди чақалоққа ўхшар эди, — йўл азоби, ундан кейин ҳали сен айтган ортиқча ёг уни кичкина болага айлантириб қўйганди.

Пассук-чи! Эркак киши гулхан олдида йиғлаб ётган пайтларда, Пассук овқат пиширар, эрталаб итларни қўшишга, кечқурунлари эса чанадан чиқаришга менга ёрдамлашарди. Итларимизни Пассук омон сақлаб қолди. У ҳамма вақт олдинда борар ва итларга йўл очиб берарди. Пассук... нима десам бўлади! Мен у вақтда ҳамма нарсага одатдаги бир иш деб қараб, ҳеч нарса устида чуқурроқ ўйламасдим. Фикрим бошқа нарсалар билан

банд эди, бунинг устига, мен у вақтда ҳали ёш эдим, хотинларни билмасдим. Фақат сўнгроқ, ўша вақтларни эсга олиб, хотиним қандай ажойиб одам эканлигини англадим.

Жефф энди бизга фақат ортиқча юк бўлиб қолди. Итлар ҳолдан тойганлигини била туриб, орқада қолган пайтларда яширинча чанага ётиб оларди. Пассук итларни ўзи бошлаб борди, Жеффга ортиқ ҳеч қандай иш қолмаган эди. Мен ҳар кун эрталаб унинг овқатини ҳалол бўлиб берар эдим. Унинг бир ўзи олдинга кетиб қолар, биз эса нарсаларни йиғиштириб чаналарга ортар ва итларни чанага қўшар эдик. Туш пайтларида қуёш хира нур сочаркан, биз унинг орқасидан етиб олар эдик: у йиглаб-сиқтаб судралиб борар, кўз ёшлари эса юзида муз бўлиб қотиб қоларди. Биз эса ундан ўтиб кетаверар эдик. Кечалари биз тунаш учун тўхтаганимизда, Жеффнинг ҳақини олиб қўяр ва жойини солиб берар эдик. Бизни осонлик билан топсин деб, катта гулхан ёқардик. Бир неча соатдан кейин у оқсоқланиб етиб келар, минг оҳ-воҳлар билан овқатини ер, кейин уйқуга кетарди. Ҳар кун аҳвол шу. У касал эмас, чарчаган, қийналган ва очликдан заифлашган эди-ку! Шунга қарамай, ҳамма ишни биз қилардик, у эса ҳеч иш қилмасди. Ҳамма гап Беттлз амаки айтган ортиқча ёгда бўлса керак; ахир биз ҳамма вақт унинг овқатини ҳалоллик билан бериб бордик.

Бир кун биз йўлда, Оппоқ Сокинликда дайдиб юрган икки кўланкага дуч келдик — булар бир эркак билан бир бола эди. Улар оқ танлилар эди. Ле-Барж кўлида муз очилиб, уларнинг ҳамма нарсаси сувга чўкиб кетибди, иккисининг елкасида биттадан одеял қолибди, холос. Кечаси улар ўт ёқиб, эрталабгача ўт олдида ётишаркан. Уларнинг ихтиёрида бир оз ун бўлиб, унни иссиқ сувга қориб ичар эканлар. Эркак менга саккиз чашка ун кўрсатди. Бор овқатлари шу экан, очарчилик бошланган Пеллигача эса ҳали икки юз миль йўл босишлари керак. Йўловчилар, биз билан бир ҳинд келаётган эди, биз қўлимиздаги овқатни ҳалол бўлиб бердик, лекин у орқада қолиб кетди, дедилар. Мен бунга ишонмадим, агар улар овқатни инсоф билан тақсимлаган бўлсалар, нима учун у орқада қолиб кетади?

Мен уларга ҳеч нарса беролмадим. Улар бизнинг энг семиз итимизни ўгирламоқчи бўлдилар (энг семиз итимизнинг ўзи ҳам жуда ориқ эди), лекин мен револьвер



ўқталиб қўрқитдим ва жўнаб қолишларини маслаҳат бердим. Кейин улар худди маст кишилардек сандироқлаб йўлга тушдилар ва Пелли томонга қараб, Оппоқ Сокинлик ичига кириб кўздан ғойиб бўлдилар.

Энди менинг ихтиёримда учта ит билан битта чана қолди; итларнинг ҳам эти бориб устихонига ёпишган эди. Ўтин оз бўлса, ўт ёмон ёнади, уйнинг ичи ҳам совуқ бўлади, биз ана шундай шароитда яшардик. Биз жуда оз овқат ердик, шунинг учун ҳам совуқ бизни жон азобига соларди; юзларимизни совуқ уриб, шундай қорайиб кетган эдикки, меҳрибон онамиз ҳам бизни таниб ололмаган бўларди. Оёқларимиз қаттиқ оғрирди. Эрталаб йўлга тушганимизда, қичқириб юборишимизга оз қоларди,— чанғилар оёғимизни шу қадар оғритарди. Пассук лабларини қисиб, тишини тишига қўйиб, олдинда борар ва бизга йўл очиб бераради. Янки эса ҳали ҳам зорланиб, судралиб борарди.

Ўттиз Миллик дарё тез оқади, баъзи жойларда сув музни ювиб кетган, йўлимизда муз устига сув тошган, муз ёрилган, баъзан муз устини ёппасига сув қоплаган жойлар ҳам учрарди. Бир кун биз анча илгари йўлга тушган Жеффни одатдагидек қувиб етдик. У дам олиб ўтирар экан. Икки ораликда сув ёйилиб ётибди, у муз парчалари устидан айланиб ўтган, лекин чаналар муз парчаси устидан юролмайди. Биз бир катта муз парчасини топдик. Пассук йиқилиб тушсам керак бўлиб қолар деб, қўлига узун таёқ ушлаб олди-да, муз устига биринчи бўлиб қадам қўйди. Пассук енгил, чанғилари энли эди — у эсон-омон ўтиб олди-да, итларни чақирди. Лекин итларда таёқ ҳам, чанги ҳам бўлмаганидан сувга ағдарилдилар, оқим уларни олиб кетди. Мен чананинг орқасидан маҳкам ушлаб тортдим, лекин қайишлар узилиб кетиб, итлар муз остида ғойиб бўлди. Итлар жуда ориқлаб кетганди, лекин мен улар бизга бир ҳафталик овқат бўлар деб ўйлаган эдим,— мана энди улар ҳам асфаласофинга кетди!

Эртаси куни эрталаб мен қолган бутун озиқларни баб-баравар қилиб учга бўлдим-да, Новча Жеффга: «Биз билан кетасанми, орқада қоласанми — ўзинг биласан, бизнинг юкимиз энди енгиллашди, шунинг учун энди биз тез юрамиз» дедим. У оҳ-воҳ қила бошлади, яра оёғи ва бошқа қийинчиликларни рўкач қилиб зорланди, ёмон дўст экансан деб мендан гинахонлик қилди. Пассукнинг

Ўрмонда ҳамма нарса ўлган. Совуқ ҳам худди ҳозиргидек. Кечалари юлдузлар катта ва яқин бўлиб кўринар, сакрашар, рақсга тушар эдилар; қундузлари эса назаримизда қуёш жуда кўпайиб кетгандек бўлиб туюлгунча бизнинг жиғимизга тегарди. Ҳаво ярқирар, қор эса худди олмос зарраларига ўхшарди. На бирор гулхан кўринади, на бирор товуш эшитилади — ҳамма ёқни совуқ ва Оппоқ Сокинлик қоплаган. Биз вақтнинг ҳисобидан адашдик, ўзимиз худди мурдалардек қадам ташлаб борардик. Бизнинг фақат кўзларимиз Шўр Сув томонга тикилган, фикр-хаёлимиз Шўр Сув билан банд. Оёқларимизнинг ўзи Шўр Сув томонга олиб кетаётир. Биз ҳудди Тахкинага бориб тўхтадик, уни танимадик. Бизнинг кўзларимиз Оқ Отга тикилар, лекин уни таниёлмас эди. Оёқларимиз Каньон тупроғига қадам босди, лекин биз буни сезмадик. Биз ҳеч нарсани ҳис қилмасдик. Биз тез-тез йиқилар, лекин йиқилаётиб ҳам Шўр Сув томондан кўзимизни олмасдик.

Биз баб-баравар баҳам кўриб келган овқатимиз тугади, лекин Пассук тез-тез йиқиларди. Бугу довонига яқин келганда Пассук ҳолдан тойди. Эрталаб иккимиз ҳам битта одеялга ўралиб ётар ва йўлга тушишни ўйламас ҳам эдик. Шу ерда қолиб, Пассук билан бирга қўл ушлашган ҳолда ўлимни қарши олишни истадим, чунки мен улғайиб қолган, хотиннинг севгиси нима эканлигига тушуна бошлаган эдим. Хейнис миссиясига яна саксон миль йўл бор эди. Лекин узоқда, ўрмоннинг орқасида, чўққисини бўронлар сидириб кетган Чакут тоғи қад кўтариб турибди.

Шунда Пассук эшитишим осон бўлсин учун оғзини қулоғимга тутиб сўзлай бошлади. Энди у менинг ғазабимдан қўрқмасди, Пассук менга юрагини очиб, ўзининг муҳаббати ва илгари мен тушунмай юрган кўп нарсалар ҳақида гапирди.

— Сен менинг эримсан, Чарли,— деди у,— сенга яхши хотин бўлдим. Ҳамма вақт сенга ўт ёқиб бердим, овқатингни пиширдим, итларингни боқдим, қор кураб, йўл очдим, лекин ҳеч қачон зорланмадим. Отамнинг вигвами иссиқроқ эди, ёки бизнинг Чилкатда овқат кўпроқ эди деб ҳеч таъна қилмадим. Сўзлаганингда, қулоқ солдим. Буйруқ берганингда, ижро этдим. Шундай эмасми, Чарли?

— Ҳа, шундай,— деб жавоб бердим мен.



У давом этди:

— Биринчи мартаба Чилкатга келиб, мени сотиб олганингда, ҳеч бўлмаганда ит сотиб олувчи одамдек бирор марта юзимга боқмадинг. Мени ўзинг билан олиб кетдинг. Ўшанда юрагимда сенга қарши норозилик қўзғалди, бутун вужудимни алам ва қўрқув босди. Лекин бунга кўп замонлар бўлди. Кўнгли юмшоқ одам ўз итини авайлаганидек, сен ҳам менга раҳм-шафқат қилдинг, Чарли. Аммо, юрагингдан менга ўрин бермадинг, лекин ҳамма вақт менга нисбатан одил эдинг, менга лозим бўлганича яхши муомала қилдинг. Сен мардонавор ишлар қилганингда ва катта хавф-хатарга қарши кўкрак кериб борганингда, мен ҳамма вақт ёнингда бирга бўлдим. Мен сени бошқа эркаклар билан солиштириб кўрдим — сен уларнинг кўпидан яхши эдинг, ўз номусингни яхши сақлар эдинг, сўзларинг доно, тилинг эса ростгўй эди. Шунда сен билан фахрлана бошладим. Шундай вақт етиб келдики, менинг бутун юрагимни, фикр-хаёлимни эгаллаб олдинг. Менинг назаримда, сен олтин сўқмоқ бўйлаб юрадиган ва бир зумга ҳам ўз осмонини тарк этмайдиган ёзги қуёш эдинг. Кўзларим қайси томонга қарамасин, ўз қуёшимни кўрар эдим. Аммо сенинг юрагинг, Чарли, совуқ эди. Унда менга жой йўқ эди.

— Ҳа, шундай бўлган эди,— деб жавоб бердим.— Менинг юрагим совуқ эди, унда сенга жой йўқ эди. Аммо илгари шундай эди. Ҳозир юрагим қуёш қайтиб келган баҳор пайтидаги қорга ўхшайди. Юрагимда ҳамма нарса эриётир, унда чашмалар шилдираб оқаётир, ҳамма нарса қулф уриб гуллаётир. Қирғовулларнинг овозлари, қушчаларнинг сайраши эшитиляпти, музика янграяпти, чунки қиш мағлубиятга учради, Пассук, мен бўлсам хотин кишининг севгисини тушундим.

Пассук табассум қилди ва яна ҳам пинжимга тиқилиб олди.

— Хурсандман,— деди у.

Шундан кейин анчагача жим ётди, бошини кўксимга қўйиб оҳиста нафас оларди. Кейин у шивирлади;

— Менинг йўлим шу ерда тамом бўлди, чарчадим. Сенга икки оғиз гап айтмоқчиман. Бундан кўп вақтлар илгари, мен ҳали кичкина қиз эканимда кўпинча отамнинг Чилкатдаги вигвамида ёлғиз қолардим, чунки эркаклар овга кетишар, хотин-қизлар ва болалар ўрмонда ов-ўлжаларини ташир эдилар. Кунлардан бир кун, баҳор

чоғлари эди, тери устида ўтирган эдим. бирдан қишки уйқусидан эндигина уйғонган оч ва ориқлаган тарғил айиқ вигвамга бошини суқиб: «у-уҳ» деб бўкириб юборди. Худди шу вақт акам ов ўлжаларини чанага ортиб келиб қолди. У ўчоқда ёниб турган тўнкани ушлаб, сира тап тортмай айиқ билан олишиб кетди. Итлар эса чаналарни судраган ҳолда айиққа ёпишиб олдилар. Катта жанг бўлди, шовқин-сурон кўтарилди. Улар ўтга юмалаб тушдилар, териларни ҳар томонга ирғитиб ташладилар, вигвамни ағдардилар. Пировардида айиқ жон берди, лекин акамнинг бир бармоғи айиқнинг оғзида қолди, юзида эса айиқ панжаларининг излари қолди. Сен Пеллига кетаётган хиднинг қўлига эътибор бердингми, ўтга тутиб турган қўлининг катта бармоғи йўқ экан... у менинг акам эди. Мен унга овқат бермадим, у овқатсиз Оппоқ Сокинлик ичига кириб кетди.

Мана, биродарлар, Пассукнинг муҳаббати шу қадар кучли эди. Пассук Буғу довонида қор устида ўзилди. Унинг севгиси буюк севги эди. Ахир хотин киши уни оғир йўллар билан бошлаб ҳалокатга олиб бораётган эркак учун ўз акасини қурбон қилди-я. Унинг севгиси шу қадар кучли эдики, ҳатто ўзини ҳам аямади. Қўзлари сўнгги марта юмилишдан олдин Пассук менинг қўлларимни олиб, олмахон терисидан қилинган нимчасининг ичига суқди. Қўлим белида бир нарса тиқилган халтага тегди, шунда ҳамма гапга тушундим. Куи сайин биз овқатни баб-баравар бўлар эдик, лекин Пассук ўзига тегкан овқатнинг ярмисини ер экан. Ярмисини эса мана шу халтачага солиб, менга сақлаб юрар экан.

— Мана, Пассукнинг ҳаёт йўли тугади,— деди Пассук. — Сенинг йўлинг эса, Чарли, ҳали тамом бўлгани йўқ; бу йўл сени буюк Чилкут орқали денгиз соҳилларига, Хейнс миссиясига олиб боради. Бу йўл сени борган сари узоққа олиб кетаверади, қуёш мўл-кўл шуъла сочадиган ёт ўлкалар ва улкан денгизларга олиб боради; мана шу йўлда сени узоқ умр, иззат-икром ва буюк шоншараф кутади. Бу йўл сени кўпгина хотинларнинг уйига, яхши хотинларнинг олдига олиб боради, лекин сен ҳеч қачон Пассукнинг севгиси каби улуғ севгини учратмайсан.

Пассукнинг сўзлари ҳақ эканлигини сезиб турардим. Қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Мен озуқа билан тўлдирилган халтачани улоқтириб ташладим ва менинг йўлим ҳам тугади, мен ҳам сен билан қоламан деб қасам ичдим. Лекин Пассукнинг ҳорғин кўзлари ёшга тўлди ва:

— Одамлар Ситка Чарлини ҳамма вақт виждонли одам деб ҳисоблар эдилар,— деди Пассук. — Унинг ҳар бир сўзи ҳақиқат эди. Наҳотки у ўз номусини унутиб, энди Буғу довонига келганда, бўлмағур гапларни гапириб ўтирса! Наҳотки у ўзларининг энг яхши овқатлари, энг яхши итларини берган Қирқинчи Милдаги одамларни унутган бўлса! Пассук ҳамма вақт ўз эри билан фахрланар эди. Пассук илгаригидек сен билан фахрлансин десанг, ўрнингдан тур, чанғиларингни боғла-да, йўлга туш.

У қучоғимда жон бериб бадани совуганда, ўрнимдан туриб, озиқ-овқат солинган халтачани топиб олдим-да, чанғиларни оёғимга боғлаб, гандираклай-гандираклай йўлга тушдим. Оёқларимнинг мадори кетган, бошим айланар, қулоқларим шанғиллар, кўз олдиларим қоронғулашиб кетар эди. Ёшликнинг унутилган манзаралари кўз олдимдан ўтаверди. Зиёфатда қайнаётган қозонлар олдида ўтирар эдим, қўшиқ айтар ва йигитларнинг қўшиғи, морж терисидан қилинган барабан товушлари оҳангига ўйин тушардим; Пассук бўлса менинг қўлимдан ушлаб, ҳамма вақт мен билан бирга борарди. Уйқуга кетганимда, мени уйғотарди. Қоқилиб йиқилганимда, суяб кўтарарди. Қалин қорларда адашиб қолганимда, тўғри йўлга олиб чиқарди. Мана, маст одамдек кўзимга ғалати нарсалар кўрина бошлади, ана шу тахлитда денгиз соҳилидаги Хейнс миссиясига етиб келдим.

Ситка Чарли ўрнидан туриб, чодирнинг бир томонини кўтариб ташқари чиқди. Туш пайти эди. Жануб томонда, Гендерсон тоғ қирралари устида қуёшнинг ҳароратсиз гардиши муаллақ турарди. Ҳаво йилтироқ қировдан ясалган ўргимчак уясига ўхшарди. Олдинда, йўл устида бўрига ўхшаган бир ит ўтирарди. Юнглари тарашадек қотган бу ит тумшуғини осмонга кўтариб, зорланиб увиларди.





## ҲАЁТГА МУҲАББАТ

Улар оқсоқланиб, сойга томон тушиб борардилар. Ҳамроҳлардан бири, олдинда кетаётгани, тошлоқ ерда қоқилиб, гандираклаб кетди. Иккаласи ҳам чарчаб ҳолдан тойган, юзларидан чидам ва итоаткорлик ифодалари кўриниб туради — бу узоқ вақт қийинчилик чекиш натижаси. Орқаларидаги қайиш билан тортиб боғланган оғир юклари елкаларини эзади. Иккаласида ҳам биттадан милтиқ. Иккаласи ҳам букчайиб, энгашиб, кўзларини ердан узмай борадилар.

— Қани энди яшириб қўйган жойимиздаги ўқлардан ҳозир иккитагинаси бўлса,— деб қўйди улардан бири.

Азбароили мадорсизлигидан овози заиф чиқди. Ўзи беҳафсала гапирар эди; тошларга урилиб, кўпикланиб оқаётган сутдек оппоқ сувга энди оёқ босган шериги эса, унга ҳеч нарса деб жавоб бермади.

Иккинчиси ҳам шериги орқасидан сувга тушди. Сув муздек совуқ бўлишига қарамай, улар оёқ кийимларини ечмадилар, сув шу қадар совуқ эдики, уларнинг оёқлари, ҳатто оёқ бармоқлари ҳам совуқдан увишиб қолди.



Баъзи жойларда сув тиззадан келар, шитоб билан урилганда ўзларини тутолмай гандираклаб кетардилар.

Орқада келаётган йўловчи силлиқ тошга тийраниб кетиб, йиқилишига оз қолди, оғриқдан қаттиқ ихраб юборди-ю, аммо йиқилмади. Боши айланди шекилли, мункиб кетиб, худди ҳаводан таянч топишга интилгандек, бўш қўлини олдинга чўзди. Ўзини ўнглаб олди-да, олдинга қадам босди, лекин яна тойиб кетиб, сал бўлмаса йиқилаёзди. Шундан кейин тўхтаб, ўз шеригига қараб қўйди: шериги эса орқасига ҳам қарамай, ҳамон олдинга кетмоқда эди.

Бир нарсани ўйлаётгандек, бирпас қимирламай турди, кейин:

— Менга қара, Билл, оёғимни чиқариб олдим! — деб қичқирди.

Билл оёқларини судраб сутдек оппоқ сувдан кечиб борарди. У орқасига бирор марта ҳам қайрилиб қарамади. Шериги унинг орқасидан қараб турарди, юзи ҳали ҳам аввалгидек ҳеч нарсани ифода қилмаса-да, кўзларида яраланган буғу сингари чуқур қайғу белгилари пайдо бўлди.

Мана Билл қарши қирғоққа ўтиб олди-да, каловланиб, юриб кетди. Сувнинг ўртасида турган ҳамроҳи ундан кўзини олмай қараб турди. Унинг лаблари шу қадар титрар эдики, ўсиқ сариқ мўйловининг туклари учиб-учиб кетарди. У тилининг учи билан қоқ қуриган лабларини бир ялаб олди-да:

— Билл! — деб қичқирди.

Бу, фалокатга йўлиққан одамнинг жон аччиғидаги ҳайқириғи эди, аммо Билл қайрилиб қарамади. Орқада қолиб кетгани шеригининг орқасидан узоқ вақт қараб турди: шериги лапанглаб, оқсоқланиб, қоқилиб-суқилиб, тепаликда кўринган эгри-бугри уфқ чизиқлари томон аста-секин кўтарилиб борарди, Билл то тепаликни ошиб, кўздан ғойиб бўлиб кетгунча, шериги унинг орқасидан қараб турди. Шундан кейин у тарафдан кўзини узди ва Билл кетгандан кейин ўзи ёлғиз қолган ерни бир-бир кўздан кечириб чиқди.

Худди уфқ тепасида ғира-шира ва чексиз-чегарасиз қуюқ туман пардаси ортидан зўрға кўринаётган қуёш хира нур сочиб турарди. У бутун оғирлигини бир оёғига солиб туриб, соатини олди, соат тўрт эди. Сўнгги икки

ҳафта ичида у ҳисобни йўқотиб қўйди: июлнинг охири ёки августнинг бошлари бўлганидан қуёш шимол-ғарбда бўлиши керак эди. У жануб томонга қаради, мана шу ёқимсиз тепаликлар орқасида аллақаерда Катта Айиқ кўли бор, худди ўша томонда Канада саҳросидан мудҳиш шимолий Қутб доираси ўтади деб ўйлаб қўйди, у турган сой Коппермайн дарёсининг ирмоғи, Коппермайн эса шимол томонга оқиб, Коронация кўрфазига, Шимолий Муз денгизига қуйилади. Унинг ўзи у ерларга ҳеч қачон бормаган, лекин бунинг ҳаммасини бир кун Гудзон кўрфази компаниясининг картасида кўрган.

У ўзи ёлғиз қолган жойни яна бир марта кўздан кечирди. Теварак-атроф совуқдан-совуқ бир манзарани ташкил этарди. Пастаккина тепачалар бир хилдаги эгри-бугри чизиқ ҳосил қилиб, то уфққа туташгунча чўзилиб кетган. На бирон дарахт, на бута, на ўт-ўлан кўринади — поёнсиз ва даҳшатли саҳродан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг кўзларида қўрқув ифодалари кўринди.

— Билл!— деб пичирлади у, кетидан яна:— Билл!— деб такрорлади.

Поёнсиз саҳро гўё қудратли кучи билан босаётгандай, мудҳиш сокинлиги билан эзаётгандай, у лойқаланиб оқаётган сой ўртасида чўққайиб ўтириб қолди. У худди безгак тутаётгандек қалтираб кетди, шу пайт милтиғи шалп этиб сувга тушди. Бу уни ўзига келтирди. У қўрқувни енгиб, эс-ҳушини йиғди, кейин қўлини сувга тиқиб пийпасланди-да, милтиғини топди. Сўнг майиб оёғига оғирлиқ камроқ тушсин учун юкни чап елкасига суриб олди ва ҳар оёқ босганда оғриқдан башарасини буриштириб, зўр эҳтиёт билан секин-аста қирғоққа юра бошлади.

У тўхтамай юраверди. Оғриққа сира эътибор бермай, ўлгудек тиришқоқлик билан шошиб Билл ошиб ўтиб кетган тепалик устига чиқаверди, шунда ўзи каловланиб зўрға оёқ судраб бораётган Биллдан ҳам кулгилироқ ва кўполроқ бўлиб кетди. Тепаликка чиқиб қараса, водийда ҳеч ким йўқ экан! Уни яна қўрқув босди, кейин қўрқувни яна енгиб, қопини чап елкасига яна ҳам суриб олди-да, оқсоқланиб-оқсоқланиб пастга туша бошлади.

Водийнинг пастлиги чалчиқзор бўлиб, чимлик жиққа сув эди. Ҳар қадам босганда сув сачрар, оёғини нам чимликдан ҳар кўтариб босганда шалоп-шулуп этган





товуш чиқарди. У Биллнинг изидан юришга интилиб, кўлобларни айланиб ўтар, ёки чимликлардан худди орол сингари қаққайиб турган тошлар устидан бораради.

У ёлғиз қолган бўлса ҳам, йўлдан адашмади. Яна бироз юргандан кейин атрофини пастаккина нимжон қуруқ пихта ва арчалар ўраб ётган кичкина Титчинничили кўлига етиб боришини биларди, бу кўлнинг исми маҳаллий тилда «Кичик Оғочлар Ўлкаси» деган маънони англатарди. Шу кўлга бир ариқ келиб қуйилади, суви ҳам лойқа эмас. Ариқ бўйларида қамиш ўсади. Бу унинг яхши эсида,— лекин у ерда дарахт йўқ. У ариқ бўйлаб юқорига, соқагача боради. Шу ердан ғарбга оқаётган бошқа бир ариқ ёқалаб Диз дарёсига қадар боради. Худди ўша ерда устига тош бостирилган тўнкариб қўйилган қайиқ остига яшириб қўйилган нарсаларни топади. У ерда милтиқ ўқи, балиқ тутадиган қармоқ ва қармоқ иплари, кичик бир тўр, умуман овқат топиш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси яшириб қўйилган. Бундан ташқари ўша ерда оз бўлса ҳам ун, бир парча гўшт, ловия ҳам бор.

Билл уни ўша ерда кутиб туради, кейин иккиси Диз дарёси билан Катта Айиқ кўлига борадилар, ундан кейин кўлдан ўтиб жанубга, то Маккензи дарёсига етиб олгунча доим жанубга қараб бораверадилар. Жанубга, ҳамма вақт жанубга қараб бораверадилар.— қиш эса уларни қувиб боради. Тез оқар сой ва жилғалар муз билан қопланади, совуқ тушади,— улар эса жанубга Гудзон кўрфазидаги факториялардан бирига етиб оладилар, у томонларда баланд-баланд, азамат дарахтлар ўсади ва озиқ-овқат ҳам истаганча топилади.

Зўрға судралиб бораётган йўловчи мана шулар ҳақида ўйлар эди. Лекин юриш қанчалик оғир бўлмасин, Билл уни ёлғиз ташлаб кетмайди деган фикрга ишониш ундан ҳам қийин эди. Билл ҳеч шубҳасиз уни нарсалар яширинган жойда кутиб ўтиради. У шундай деб ўйлаши керак, акс ҳолда бундан кейин курашни давом эттиришнинг ҳеч қандай маъниси йўқ,— унда оёқни чўзиш-у, ўлиб қўя қолишдан бошқа илож йўқ. Қуёшнинг хира гардиши шимол-ғарб томонга секин- аста яширина борар экан, у Билл билан бирга яқинлашиб келаётган қишдан қочиб, жануб томонга қўйиладиган ҳар қадами-

ни ҳисоблаб чиқди. У нарсалар яширилган жойдаги ва Гудзон кўрфази компаниясининг омборидаги озиқ-овқат запасини қайта-қайта ўз хаёлидан кечирди. Икки кундан бери у ҳеч нарса егани йўқ, лекин ундан илгари ҳам тўйиб овқат емаган эди. У тез-тез эгилиб, рангсиз ботқоқ меваларини узиб оғзига солар ва чайнаб ютиб юборарди. Мевалар жуда серсув, суви ичига кетиб, оғзида фақат таҳир ва қаттиқ уруғларигина қоларди. Бу мевалар қорин тўйғазмаслигини биларди, шундай бўлса ҳам уларни сабр билан чайнар, чунки умид аччиқ ҳақиқат билан ҳисоблашмоқни истамас эди.

Соат тўққизларда у оёғининг катта бармоғини ўткир тош қиррасига уриб олди. Чарчоқ ва дармонсизликдан гандираклаб, йиқилиб тушди. Бир ёнбошига ағнаб, анчагача қимирламай ётди. Ундан кейин орқасидаги қоп қайишини елкасидан чиқариб, ихраб-ихраб ўтириб олди. Ҳали унча қоронғу тушганича йўқ эди, шу гира-ширада тошлар орасини пийпаслаб, қуруқ хас-чўп йиға бошлади. Бир тутам хас-чўп йиғиб ўт ёқди, кейин котелокка сув солиб, тутаб-бурқсиб ёнаётган ўтга қўйди.

У қопни очиб, ҳаммадан бурун гугуртларни санаб кўрди. Ҳаммаси бўлиб олтмиш етти дона гугурт чўпи бор эди. У янглишган бўлмай деб, гугуртни уч марта санаб чиқди. Гугуртни уч бўлакка ажратиб, ҳар бир бўлагини қогозга ўради. Бир бўлагини бўш ҳамёнига солиб қўйди, иккинчисини эскириб кетган шапкасининг астарига тиқди, учинчисини эса кўкрагига яшириб қўйди. Бу ишни тамом қилгандан кейин уни бирдан қўрқув босди: уч бўлак гугуртни яна очиб, қайтадан санаб кўрди. Гугурт аввалгидек олтмиш етти дона эди.

Оёқ кийимини ўтга тутиб қуритди, мокасини йиртилган, одеялдан тикилган пайпоқлари чил тешик, оёқлари бўлса қонталаш бўлиб кетганди. Тўпиғи қаттиқ оғрирди, у тўпиғини кўздан кечирди. Тўпиғи худди тиззасидек йўғон тортиб, шишиб кетганди. У одеялларидан биттасининг четидан узун қилиб йиртиб олди, тўпиғини маҳкам сиқиб боғлади. Кейин яна бир неча парча йиртиб олиб, мокасин ва пайпоқ вазифасини ўтасин деб, оёғини айлантириб ўради-да, қайнаган сувдан ичиб олди, соатини буради, сўнг одеялга ўраниб ётди.

У донг қотиб ухлади. Ярим тунга бориб қоронғу тушди, лекин бу узоққа чўзилмади. Шарқ-шимолдан қуёш



кўтарилди, тўғрироғи, ўша томондан тонг ёриша бошлади, чунки қуёш юзини қуюқ туман қоплаган эди.

Соат олтида у чалқамча ётгани ҳолда уйқусидан уйғонди, кул ранг осмонга қаради ва оч қолганини сезди. Тирсагига суяниб қаддини кўтарди ва қайрилиб қараган эди, қулоғига қаттиқ пишқирган товуш эшитилди. Қараса, сезгирлик ва қизиқиш билан бир буғу унга қараб турган экан. Буғу ундан эллик қадамча жойда турарди. Шу ондаёқ тавада жизиллаб қовурилаётган буғу гўштининг ҳиди димоғига урилгандек, ўзи гўшт мазасини тотгандек бўлди. Беихтиёр ўқи йўқ милтиғини олиб ўқталди, тепкини босиб юборди. Буғу чўчиб бир чеккага ташланди ва туёқларини тапиллатиб қочиб кетди.

Одам сўкиниб, милтиғини улоқтириб ташлади, ихраб-ихраб ўрнидан туришга уринib кўрди. Анча урингандан кейин зўрға туриб олди. Бўғинлари худди занглаб қолгандек эди, уларни тўғрилаш ёки эгиш жуда машаққат эди. Ниҳоят у оёққа босгандан кейин ҳам одамга ўхшаб тик туриб олиш учун роса бир минутча уринди.

У чоғроқ бир тепалик устига чиқиб, атрофга назар ташлади. Бўз ранг чимлик денгизидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Онда-сонда бўз ранг харсанг тошлар, бўз ранг кўлчалар, бўз ранг ариқларгина кўзга ташланади. Осмон ҳам бўз ранг эди. Қуёш на нур сочади, на унинг йилт этган шуъласи кўриниб қолади. У шимол қаёқда эканини, кеча кечқурун бу ерга қайси томондан келганлигини эслай олмади. Лекин у йўлдан адашмаган эди. Буни яхши билади. У тезда Кичик Оғочлар Ўлкасига етиб олади. У ўлка шу яқин орада, чап томонда бўлиши керак, эҳтимол, худди мана шу кўриниб турган тепаликнинг нариги томонидадир.

У қайтиб тушиб, йўлга отланди; тугунини тугди, уч бўлак қилиб қўйган гугуртларим турибдими-йўқми деб пайпаслаб кўрди, лекин санаб ўтирмади. У буғунинг терисидан тикилган халтачага қараб туриб, хаёл сурib қолди. Халта унча катта эмас, ичидаги нарсалари билан бир ҳовуч келарди. Лекин оғирлиги ўн беш қадоқ бўлиб, қолган юкнинг оғирлиги билан тенг эди,— уни мана шу ташвишга соларди. У халтани бир томонга суриб қўйиб, бошқа нарсаларни ўрай бошлади. Кейин халтачага қараб-да, апил-тапил қўлига олди, худди саҳро унинг қў-

лидан олтинни тортиб олаётгандек, хўмрайиб атрофга қаради. Янгидан ўрнидан туриб, йўлга тушганда бошқа нарсалар қатори халтача ҳам унинг орқасида эди.

У чапга томон бурилди. Аҳён-аҳёнда тўхтар ва ботқоқ меваларидан териб ер эди. Унинг оёғи бутунлай қотиб қолди, ўзи борган сари кучлироқ оқсар, лекин оёқ оғриғи қорнидаги оғриқ азобига қараганда ҳеч гап эмасди. Очлик азоби уни ҳаммадан кўпроқ қийнар, қорнидаги оғриқ эса ич-ичдан азоб берарди. Энди у Қичкина Оғочлар Ўлкасига етиб олиш учун қайси томонга юришни ҳам билмасди. Мевалар уни очлик азобидан қутқаролмас, тил ва танглайларини ловиллатиб ачитарди. Қичикроқ бир сойликка етиб борганда, тошлар орасидан қанотларини қоқиб ва қир-қирлашиб бир тўп оқ каклик кўтарилди. У какликларга тош отди, лекин тегизолмади. Кейин у юкини ерга қўйиб, худди чумчуқ пойлаган мушукдек, какликларнинг орқасидан пусиб ўрмалаб бора бошлади. Ўткир тош қирралари унинг шимларини парчалаб ташлади, тиззаларидан оққан қон қонли из қолдириб борди. Лекин очлик азоби шунчалик кучли эдики, у бошқа ҳеч қандай оғриқни сезмасди. У чалчиқзор чимликлар устидан ўрмалаб, кийимлари ҳўл-шалоббо бўлиб кетган, бадани совуқдан қотган эди-ю, лекин фақат овқат ҳақида ўйлар, бошқа ҳеч нарсани сезмасди. Атрофидан ҳадеганда пар этиб учиб кетаётган какликларнинг қир-қири уни масхара қилаётгандек туюлди. У какликларни сўкиб қўйди-да, уларга тақлид қилиб қичқирмоққа бошлади.

Бир марта у бир какликка жуда яқин келиб қолди, қуш чамаси ухлаб ётарди. У қуш тошлар орасидаги ўз уясидан юзига тегиб кетай деб пириллаб учиб чиқмагунча, какликни кўрмади. Каклик бехосдан пириллаб чиқиб қолганига қарамай, у чангал солди. Қўлида қушнинг учта пати қолди. У учиб кетаётган қушнинг орқасидан қараб турди, каклик тўё унинг бошига катта фалокат келтиргандек, одам кўнглида унга нисбатан чексиз нафрат уйғонди. Кейин орқасига қайтиб, юкини кўтариб олди.

Чоштгоҳ пайтида у бир ботқоққа етиб келди, бу ерда ов кўпроқ эди. Худди унга ўчакишгандай олдидан йигирматача буғу ўтиб кетди, улар шундай яқиндан ўтдики, милтиқ ўқи баҳазур етарди. У жониворларни қувла-



гиси келиб кетди, қувласа, ушлаб олишига жуда ишонарди. Унинг олдидан оғзига каклик тишлаган бир қора тулки ўтиб кетди. У қичқириб юборди. Шундай қаттиқ қичқирдики, чўчиб кетган тулки ўзини бир четга урди, аммо какликни оғзидан тушириб юбормади.

Кечқурун у қамишлар орасидан оҳакдан оппоқ лойқаланиб оқаётган ариқча ёқалаб борарди. Бир қамишнинг остидан маҳкам ушлаб, худди пиёзга ўхшаган бир нарсани суғуриб олди. Қамишнинг томири юмшоқ бўлиб, чайнаганда иштаҳа очиб қарс-қарс қиларди. Лекин ўзи мазаси тахир, худди мевага ўхшаган серсув бўлиб, оч қоринни тўйғизмасди. У юкни ерга ташлади-да, худди кавш қайтараётган молга ўхшаб кавшана-кавшана қамишлар орасидан ўрмалаб кетди.

У жуда чарчаган, бир оз ором олгиси, ётиб ухлагиси келарди; лекин Қичик Оғочлар Ўлкасига етиб олиш орзуси, ундан ҳам зўрроқ бўлган очлик азоби унга тинчлик бермасди. У бундай узоқ Шимолда қурт ва қурбақалар бўлмаслигини билса ҳам, чуқурчалардан қурбақа ахтарар ва оёқлари билан ерни титкилаб, қурт қидирар эди.

У ҳар бир кўлмакни синчиклаб қарарди. Пировардида, қош қорайган пайтда, бир чуқурда биттагина балиқча сузиб юрганини кўриб қолди. У елкасигача қўлини сувга тиқди. Лекин балиқча унинг қўлидан сирғалиб чиқиб кетди. Шунда у қўлини сувга тиқиб, бутун чуқурчани остин-устун қилиб лойқалатиб юборди. Бутун фикри-ёди балиқ билан бўлиб, ҳаяжондан сувга тушиб кетди, белигача сувга ботди. Сувни шундай лойқатиб юбордики, балиқни кўриб бўлмай қолди, шундан кейин лойқа сувнинг остига чўккунча кутиб туришга тўғри келди.

У яна балиқни ов қила бошлади-да, сувни яна лойқатиб юборди. Ортиқ кутишга тоқат қолмади. Юкка қўшиб боғланган пақирчани олди-да, чуқурдаги сувни бу ёққа олиб тўка бошлади. Сувни қуритиш учун зўр бериб ишлади, уст-боши шалаббо ҳўл бўлиб кетди, шошилганидан сувни чуқурга шундай яқин тўкардики, сув яна қайтиб чуқурга оқиб тушарди. Сўнгра у қўлининг титраши ва юрагининг қаттиқ уришига қарамай, хотиржам бўлиб ишлашга ҳаракат қилди. Ярим соатдан кейин чуқурчада ҳатто бир ҳовуч ҳам сув қолмади. Бироқ балиқ йўқ бўлиб қолганди. Унинг кўзи тошлар орасидаги бир

тешикчага тушди. Балиқ ўша ердан катта бир чуқурга ўтиб кетибди. у чуқурда сув шу қадар кўп эдики, унинг сувини бир кечаю бир кундузда ҳам тамом қилиб бўлмасди. Тешик борлигини илгари билганда, ҳаммадан бурун уни тош билан беркитиб қўйган бўларди, шунда балиқ унинг қўлидан қочиб қутулолмасди.

Одам ҳолдан тойиб чалчиқ ерга ўтириб олди-да, йиғлаб юборди. Олдин секин-секин йиғлади. Кейин атрофни ўраб ётган шафқатсиз биёбонни уйғотмоқчи бўлгандек борган сари қаттиқроқ, ҳўнг-ҳўнг йиғлайверди; ҳўнграб-ҳўнграб, аъзойи бадани титраб яна узоқ йиғлади.

У ўт ёқди, анча қайнаган сув ичиб, бироз исиди ва кечагидек ётиш учун тош устига жой солди. Ётишдан аввал у гугуртнинг ҳўл-қуруқлигини текшириб кўрди ва соатини бураб қўйди. Одеял ҳўл ва муздек эди. Оғриқдан оёқлари ўтдай ёнар, лекин у фақат очлик азобини сезарди. Кечаси ҳар хил зиёфатлар, меҳмондорчиликлар ва дастурхонга тортилган турли ноз-неъматларни туш кўриб чиқди.

У совуқ қотиб, касал бўлиб уйғонди. Қуёш кўринмасди. Ер осмоннинг бўз ранг туси яна ҳам қуюқлашган; қаттиқ шамол уриб турар, биринчи ёққан қор тепаликларни оппоқ тусга киритган. У ўт ёқиб, сув қайнатгунча, ҳаво яна ҳам қуюқлашгандек, яна ҳам оқаргандек туюлди. Бу ёғаётган қорнинг ҳўл лайлак қорга айланганидан эди. Қор бошида ерга тушган замон эриб турди, лекин бора-бора кўпайиб, ернинг усти қор билан қоплана бошлади-да, қор қуруқ хас-чўпларни ҳўл қилиб, ўтни ўчирди.

Бу унга юкини орқасига кўтариб, боши оққан томонга йўлга чиқиш учун сигнал бўлди. У энди Кичик Оғочлар Ўлкаси ҳақида ҳам, Билл ҳақида ҳам, Диз дарёси соҳилидаги қайиқ остига яширинган нарсалар ҳақида ҳам ўйламасди. Унинг фикри-хаёли овқат бўлиб қолган эди. Очлик уни ақлдан оздирди. У қаёққа кетаётганини ҳам ўйлолмай қолди. Ишқилиб, тўғри ва текис водийдан борса бўлгани эди. У ҳўл қор остидан сersув меваларни пайпаслаб қидирар, қамишларни томири билан суғуриб оларди. Лекин бу бемаза емиш унинг қорнига ором бермасди. Йўлда у мазаси аччиқ бир ўсимлик топди, бу ўтдан қанча топса, ҳаммасини еди, аммо бу ўсимлик жуда оз экан, бу ўрмаловчи бир ўсимлик бўлиб, қор тагида қолганди.



босарди, боши айланганда, ҳушдан кетмаслик учун кўзларини ишқалар эди.

Қаклик орқасидан қувиб, пастликдаги бир чалчиқзорга бориб қолди. Кўзи ҳўл чимликда одам изига тушди. Бу излар уники эмаслиги равшан эди. Биллнинг излари бўлса керак. Лекин у тўхтаб туролмасди, чунки каклик борган сари ундан узоқлашиб қочиб кетмоқда эди.

У қушни қувлай бериб чарчатди, лекин ўзининг ҳам тинкаси қуриди. Қаклик ёнбошига ағдарилиб, оғир-оғир нафас олиб ётарди, лекин у ҳам ўн қадамча берида энтикиб ётар, қушга етиб олишга сира мадори қолмаган эди. Одам бир оз дам олди, лекин қуш ҳам нафасини ростлаб олганди. У қўл узатган замон қуш типирлаб қочди. Қувиш янгитдан бошланди. Қоронғу туша бошлагач, қуш кўздан ғойиб бўлди. Жуда чарчаганидан қоқилиб, орқасидаги юки билан йиқилди-да, юзлари шилиниб кетди. У узоқ вақтгача қимирламай ётди, кейин ёнбошига ағдарилиб, соатини бураб қўйди-да, тонг отгунча шу ҳолатда ётиб қолди.

Яна туман. Одеялнинг ярмиси оёғини ўрашга кетди. Биллнинг изини у қайтиб тополмади, лекин унга бари бир эди. Очлик уни ҳамон олға ҳайдарди. Борди-ю... Борди-ю. Билл ҳам адашиб қолган бўлса-чи? Тушга бориб, у жуда ҳам ҳолдан тойди. У яна олтинни иккига бўлди. Бу гал ўлчаб ўтирмай, ярмисини ерга тўкиб қўя қолди. Кечга бориб, одеялнинг ярмини, пақирча ва милтиқни олиб қолиб, олтиннинг ҳаммасини ерга тўкиб ташлади.

Унга бир хомхаёл ёпишиб олди. Тасаввурида милтиқда худди бир ўқ қолгандек, буни кўрмай қолгандек эди. Шу билан бир вақтда милтиқда ўқ йўқлигини яхши биларди. Лекин хомхаёл уни сира тинч қўймади. Бир неча соатгача мана шу хомхаёлга қарши курашди. Пировардида милтиғини қараб, ўқнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Шундай ҳафсаласи пир бўлдики, гўё у ҳақиқатан ҳам ўқ борлигини кутган эди.

Ярим соат ўтди, кейин бояги хомхаёл яна пайдо бўлди. У хомхаёлга қарши курашиб, енголмади-да, ўзини бир оз овутиш учун, яна милтиғини текшириб чиқди. Аҳён-аҳёнда мияси ишламай қолар, ўзи эса жонсиз бир нарсадек беихтиёр каловланиб борарди; ғалати хаёллар ва бемаъни тасаввурлар унинг миясини айнитар эди. Ле-

кин у тез ўзига келарди, чунки очлик азоби уни ҳамма вақт ҳақиқатга қайтишга мажбур қиларди. Бир марта кўз ўнгида шундай ғалати бир манзара пайдо бўлдики, ҳушидан кетиб қолишига сал қолди. У ўзини тутолмай қолди ва йиқилиб кетмаслик учун маст кишидек гандираклаб кетди. Унинг олдида от турарди. От! У кўзларига ишонмасди. Кўз олди жимирлашиб, атрофни туман босгандек бўлди. У зўр бериб кўзини ишқалади, кўз олди равшанлашганда қараса, қаршисида от эмас, каттакон бир тарғил айиқ турган экан. Айиқ унга ёв қараш қилиб турар эди.

У милтиғини елкасидан олди-ю, шу ондаёқ эсини йиғди. Милтиқни қўйиб, мунчоқ қадалиб тикилган қиндан пичоғини суғурди. Унинг олдида гўшт ва ҳаёт турар эди. У бош бармоғи билан пичоқнинг тиғини пайпаслаб кўрди. Пичоқнинг тиғи ҳам, учи ҳам ўткир эди. У ҳозир айиққа ташланиб, уни ўлдиради. Лекин унинг юраги худди хавфдан огоҳлантираётгандек дук-дук-дук ура бошлади. Кейин бирдан юраги қинидан чиқиб кетар даражада сакраб кетди; мияси худди исканжага олгандек қаттиқ оғриди, кўз олди қоронғулашди.

Ҳозиргина жўш уриб турган ботирлиги ўрнини қўрқув эгаллади. У шундай заиф эдики, айиқ ҳужум қилса, унда нима бўлади? Мумкин қадар ҳайбатлироқ бўлиб кўриниш учун қаддини ростлади, пичоқни қўлига олиб тўғри айиқнинг кўзларига тикилди. Йиртқич лапанглаб олдинга бир қадам босди, икки оёғини кўтариб, ўкириб юборди. Одам қочиб берганда, айиқ унинг орқасидан қувган бўларди. Лекин одам қўрқувнинг кучлилигидан ботирланиб, ўрнидан қимирламади; у ҳам йиртқич ҳайвон сингари ваҳшиёна овоз билан ўкириб юборди, бу ўкирик қўрқув ифодаси эди, чунки қўрқув яшаш учун кураш билан чамбарчас боғлиқ эди.

Айиқ ундан қўрқмай тик турган мана шу сирли махлуқдан ҳайиқиб ўкириб-ўкириб бир томонга чекинди. Лекин одам ўрнидан қимирламади. У хавф ўтиб кетгунча қаққайиб тек турди, кейин худди безгак тутгандек қалтираб, ҳўл чимликка йиқилди.

У бир оз ўзига келиб, қўрқув азобидан қийналган ҳолда яна йўлга тушди. У энди очдан ўлишдан эмас, балки ҳаёт учун курашнинг сўнгги интилишлари сўнгунча йиртқич ҳайвонлар қўлида ўлишдан қўрқарди. Атрофда бўрилар изғиб юрарди. Саҳрода ҳамма ёқдан уларнинг увиллаган товушлари эшитиларди, атроф-теваракда хавф шу қадар кўп эдики, у ўша хавфни бартараф қилмоқчи бўлгандек беихтиёр икки қўлини юқори кўтарди.



Бўрилар иккита-иккитадан, учта-учтадан бўлиб тез-тез унинг йўлини кесиб ўтардилар. Лекин улар одамга яқинлашмадилар. Улар жуда ҳам кўп эмасди. Бундан ташқари улар қаршилик кўрсатмайдиган буғуларни овлашга ўрганган эдилар, икки оёқли бу ғалати махлуқ эса чанг солиб қолса ҳам, тишлаб олса ҳам ажаб эмасди.

Кечга бориб, у ерда сочилиб ётган суякларни кўриб қолди. Бўрилар худди мана шу ерда овни қўлга туширган эдилар. Бундан бир соат илгари тирик бўлган буғуча сакраб, югуриб, маъраб юрганди. Одам топ-тоза қилиб қўйилган ярқироқ қизғиш суякларга қараб турди. Суякларнинг ранги қизғиш эди, чунки ундаги ҳаёт ҳали сўнмаганди. Кечқурунга бориб, эҳтимол, унинг тақдири ҳам шундай бўлар. Ҳаёт шунақа, ҳаёт бевафо ва бебақо. Лекин ҳаёт алам чектиради. Ўлимда қийналиш йўқ. Ўлмоқ — ухламоқдир. Ўлим — ором олмоқдир. Бўлмаса, нима учун у ўлишни истамайди?

Лекин у узоқ ўйлаб ўтирмади. Кўп ўтмай у чўккa тушиб олиб суякларни орзига солди, суякларга қизғиш тус бериб турган ҳаётнинг охирги нишоналарини сўрарди. Гўштнинг ўтмишдан қолган хотира сингари туюлган сезилар-сезилмас мазаси уни ўзини йўқотар даражада ҳаяжонга солди. Суякни тишлари орасига олиб, ғажий бошлади. Гоҳ суяк синар, гоҳ унинг тиши синарди. Кейин у суякни тош билан янчиб, очкўзлик билан юта бошлади. Шошилганидан тошни бармоқларига урар, аммо қанча ҳовлиқмасин нима учун оғриқни сезмаётирман, деб ажабланиб қўярди.

Қор ва ёмғирли энг оғир кунлар етиб келди. У энди қачон ётиб, қачон йўлга тушганини эслай олмасди. Вақтни суриштирмай, кечаю кундуз йўл боса борди, йиқилган ерида дам олди, ундаги сўнаётган ҳаёт сал жонланди дегунча яна олдинга қараб ўрмалади. Ҳаёт учун энди одам курашмай қўйди. Ундаги ҳаётнинг ўзи ўлишни истамас ва уни илгари ҳайдарди. У ортиқ азоб чекмасди. Унинг асаблари уйишиб қолган, ўтмаслашган, мияси эса ғалати хаёллар, ширин тушлар билан тўла эди.

У битта қўймай йиғиб, ўзи билан олиб кетган суякларни тинмай сўрар ва чайнар эди. У ортиқ тепаликларга кўтарилмас, ариқларни кечиб ўтмасди, у энди кенг водийдан оқиб ўтаётган анҳор ёқалаб борарди. Унинг кўзига хаёлий манзаралар кўринарди. Унинг тани билан жони бирга борарди-ю, шундай бўлса ҳам бир-бирларидан ажралгандек эди: уларни бир-бирларига боғлаб турган ҳаёт риштаси шу қадар ингичка эди.

Бир кун эрталаб ясси бир тош устида ётганида ҳуши ўзига келди. Қуёш нур сочиб, иситиб турарди. Узоқдан унинг қулоғига буғуларнинг маъраган овозлари эшитилди. Ёмғир, шамол, қор ёғиб тургани ёдида, лекин ёғингарчилик неча кун бўлганини, икки кун бўлдими, ё икки ҳафта давом этдими,— буни билмасди.

У узоқ вақтгача қимирламай ётди, қуёш мўл-кўл нур сочиб, унинг аянчли баданига иссиқлик бағишлар эди. «Яхши кун»— деб ўйлади у. Эҳтимол, қуёшга қараб, қаерда эканини аниқлаб олар. У минг азоб-уқубат билан бир ёнбошига ағдарилди. Пастда катта сокин бир дарё оқиб ётарди. Бу дарё йўловчига нотаниш эди, бу уни ажаблантирди, шошилмай, сувнинг оқишини кўздан кечира бошлади. Дарё шу вақтгача у кўриб келган тепалардан ҳам яланғочроқ ва ёқимсиз тепаликлар орасидан буралиб-буралиб оқаётганига қараб ётди. У шошмасдан, бепарво ва сира қизиқмай нотаниш дарёнинг оқимини то уфққа қадар кузатди-да, дарё ўз сувини узоқда яркираб турган денгизга қуяётганини кўрди. Шундай бўлса ҳам бунга ҳаяжонланмади. «Қизиқ, — деб ўйлади у. — Бу ё сароб, ёки ўтмаслашган тасаввурнинг меваси». Ярқироқ денгизда турган кемани кўрганда, бу фикрининг тўғри эканлигига яна бир марта ишонди. У бир зум кўзларини юмиб, яна очди. Ажаб хаёлий манзара йўқолмайди. Ҳайрон қоладиган ҳеч гап йўқ эди ҳам. Унинг милтиғида патрон бўлмаганидек, мана шу саҳронинг қоқ ўртасида денгизнинг ҳам кеманинг ҳам бўлиши мумкин эмаслигини биларди.

Орқадан хириллаган бир товуш эшитилди, бу хўрсинишми, йўталми — билиб бўлмасди. Ғоят заифлик ва карахтликни жуда секинлик билан енгиб, у иккинчи ёнбошига ағдарилди. Яқинида ҳеч нарса кўринмади, у сабр билан кута бошлади. Яна хириллаган ва йўтал товуши эшитилди. Нигирма қадамча нарида ўткир қирра-



ли икки тошнинг орасидан бир бўрининг кул ранг боши кўринди. Унинг қулоқлари бошқа бўриларникидек тик эмас, кўзлари хира ва қон қуйилган. боши заиф равишда солинган. Бўри касал бўлса керак: у ҳамма вақт акса урар ва йўталар эди.

«Ҳеч бўлмаганда бунисиғ ҳақиқатдир»,— деб ўйлади у ва тасаввур оламидаги дунёни эмас, ҳақиқий дунёни кўриш учун бошқа ёнбошига ағдарилди. Лекин, денгиз ҳали ҳам илгаригидек узоқда ялтираб турар, ўртасидаги кема ҳам аниқ кўзга чалинарди. Эҳтимол, бу ростдан ҳам ҳақиқатдир? У кўзларини юмиб ўйлай бошлади.— пировардида ҳамма нарса аён бўлди. У шарқ-шимолга қараб юрган ва Диз дарёсидан узоқлашиб Коппермайн дарёси водийсига келиб қолган. Сокин оқаётган мана шу кенг дарё Коппермайн дарёсининг худди ўзгинаси. Ялтираб турган денгиз — Шимолий муз денгизи. Бу кема кит овчилари кемаси бўлиб, Маккензи дарёси денгизга қуйиладиган жойдан шарқ томонга анча кетиб қолган. Бу кема Коронация кўрфазида турибди. У бир вақтлар кўргани Гудзон кўрфази компаниясининг картасини эслади-ю, бор гап равшан, тушунарли бўлиб қолди.

У ерга ўтириб олди-да, энг зарур ишлар ҳақида ўйлаб кетди. Оёқларини ўраб боғлаган одеял парчалари тирналиб кетганди, бу сабабдан оёқлари шилиниб қипқизил гўшт бўлиб қолганди. Энг сўнгги одеялни ҳам ишлатиб бўлган. Милтиқ билан пичоғи йўқолган. Қалпоғи ҳам тушиб қолибди, у билан бирга астарига яширилган гугурт ҳам йўқолганди, лекин қоғозга ўраб, ҳамёнига солиб қўйган гугурт ҳали ҳам қуруқ турибди. У соатига қаради. Соати юриб турар ва ўн бирни кўрсатарди. Ҳамма вақт у соатини бураб турган бўлса керак.

Ўзи тинч, ақли жойида эди. Жуда ҳолдан тойганига қарамай, оғриқни сезмас, овқат егиси ҳам келмасди. Овқат ҳақидаги фикр уни қизиқтирмасди ҳам. Ҳар бир ҳаракатни идрок ҳукми билан қиларди. У шимининг почасидан то тиззасигача йиртиб олди-да, тўпиғини ўраб боғлади. Челакчасини нима учундир ташламади: кемага қараб йўл олишдан аввал сув қайнатиб ичиши керак,— бу сафарнинг жуда оғир бўлишини у олдиндан биларди.

У жуда секин ҳаракат қилар, шол одамдек қалтирар эди. Қуруқ йўсин йиғмоқчи бўлди, лекин ўрнидан туролмади. Бир неча марта ўрнидан туришга интилиб кўрди, бўлмагач, эмаклаб кетди. Бир марта ҳатто касал бўри-

нинг олдига жуда яқин бориб қолди. Бўри истар-истамас ўзини четга олди ва зўрға тилини қимирлатиб тумшуғини ялади. Унинг тили соғлом бўриникидек қизил эмас, кул ранг-сарғиш бўлиб, елим сингари қуюқ шиллиқ билан қопланган. Одам бир оз қайнаган сув ичиб олди-да, деярли куч-қувватдан қолган бўлса ҳам, ўрнидан туришга, ҳатто юришга ўзида етарли куч борлигини ҳис қилди. Минут сайин тўхтаб дам оларди. Заифлик билан ҳаккам-дуккам қадам ташлар, бўри ҳам унинг орқасидан худди шу хилда судралиб борарди.

Қоронғу тушиб, ярқираб турган денгиз зулмат ичига ғарқ бўлганда, у ораликдаги масофа кўп эмас, тўрт милга қисқарганини англади.

Тун бўйи касал бўрининг йўталиши ва баъзан буғу болаларининг маърашн эшитилиб турди. Атрофда ҳаёт қайнамоқда, аммо у ҳаёт куч-қувватга тўла, соғлом ҳаёт. У эса орқасидан касал бўри эргашиб келаётганини, касал одам аввал ўлади деган умидда эканлигини тушунар эди. Эрталаб туриб қараса, бўри унга ғамгин ва очкўзлик билан кўз тикиб турибди. Бўри думини қисиб, худди тинкаси қуриган ғариб ит каби, бошини қуйи солиб турарди. Бўри совуқ шамолда қалтирар, одам унга хириллаган товуш билан сўз қотганда, тишини тиржайтириб ириллар эди.

Уфқдан ёрқин қуёш кўтарилди. Одам чошгоҳга қадар қоқилиб-суқулиб ялтироқ денгизда турган кемага қараб юрди. Ҳаво жуда яхши, шу штатларга хос бўлган эрта куз кунлари эди. Бундай кунлар кўпи билан бир ҳафта давом қилар, эрта ё индин тамом бўлиши ҳам мумкин эди.

Тушдан кейин у бир изга дуч келди, бу бошқа бир одамнинг изи бўлиб, у одам юриб эмас, эмаклаб юргани билиниб турарди. Эҳтимол, бу Биллнинг изидир деб ўйлади у ҳеч қандай ҳаяжонсиз. Унга барибир эди. Тўғриси, у бирор нарсани сезиш ва ҳаяжонланиш туйғусини йўқотиб қўйган эди. У ҳатто оғриқни ҳам сезмасди. Қорни билан асаблари гўё мудраб кетгандек. Лекин ҳали сўнмаган ҳаёт учқуни уни олға ҳайдарди. У жуда чарчаган, лекин ундаги ҳаёт ўлишни истамасди. Ундаги ҳаёт ўлишни истамаганлиги учун ҳам у чалчиқзордан мева териб ер, танга балиқ овлар, сув қайнатиб ичар ва олазарак бўлиб, касал бўрини кузатар эди.

У ўрмалаб ўтган бошқа одамнинг изидан борарди.



Кўп ўтмай у ўзидан олдинги одамнинг манзилига етиб келди. Ҳўл чимлик устида кемириб ташланган суяклар ва бўриларнинг изига кўзи тушди. Ерда худди ўзиникита ўхшаш, ўткир тишлар тортқилаб йиртган буғу терисидан тикилган халта ётарди. Бундай оғир юкни кўтаришга мадори келмаса ҳам кучсиз бармоқлари билан қопни ердан кўтариб олди. Билл олтинларини сўнгги минутларга қадар ташламаган экан. Ҳа-ҳа-ҳа! У ҳали Биллнинг устидан масхара қилиб кулади. Тирик қолади ва халтани ярқираб турган денгиздаги кемага олиб кетади. У худди қарғанинг қағиллашига ўхшаган бўғиқ ва беўхшов овоз билан куларди. Касал бўри ҳам унга тақлид қилиб хириллаган товуш билан увуллади. Одам дарҳол жим бўлди. Агар мана шу суяклар Биллники бўлса, шу тоза кемирилган, қизғиш суяклар Биллники бўлса, қандай қилиб унинг устидан куляпти-я!

У юзини ўгириб олди. Нима қилсин, Билл уни ташлаб кетди, лекин у Биллнинг олтинларини олмайди, унинг суякларини кемирмайди. Агар менинг ўрнимда Билл бўлганда шундай қилган бўларди деб ўйлаб қўйди у ва каловланиб йўлга тушди.

У кичкина бир кўлга дуч келди. Балиқ йўқмикан деб чуқурчага энгашиб қаради-ю, худди илон чаққандек сесканиб ўзини орқага ташлади. Сувда у ўз аксини кўриб қолди. Унинг башараси шу қадар қўрқинчли эдики, ҳатто тўпослашиб қолган онгини ҳам уйғотиб юборди. Кўлчада учта балиқ сузиб юрарди, лекин кўлча каттагина бўлиб, сувини қуритишга унинг қурби етмасди. У балиқларни челакча билан тутишга уриниб кўрди, кейин бу фикрдан қайтди. Ўлгундек чарчаганидан сувга йиқилиб, чўкиб кетаман деб қўрқди. Худди шу сабабга кўра у қумлоқ соҳилда ёғоч ходалар кўп бўлса ҳам, сол ясаб, дарёдан сузиб кетишга журъат қилолмади.

Ўша куни у кемагача бўлган масофани уч милга қисқартди, эртасига эса икки мил йўл босди. Энди у худди Биллга ўхшаб ўрмалаб борарди. Бешинчи кун кечқурун кемага етиш учун яна етти мил йўл қолган эди; энди бир кунда бир мил йўл босишга ҳам мадори қолмади. Эрта кузнинг илиқ кунлари ҳали тугамаганди, у эса гоҳ ўрмалар, гоҳ ҳушидан кетиб йиқиларди, касал бўри эса йўталиб, акса уриб, унинг орқасидан қолмай судралиб борарди. Одамнинг тиззалари қип-қизил гўшт бўлиб кетган, товонлари бундан ҳам бадтар эди. Кўйлагидан йиртиб

олиб, тизза ва товонларини ўраб боғлаган бўлса ҳам, орқасидан чимлик ва тошлар устига қонли из қолдириб борарди. У бир марта орқасига қайрилиб қараб, бўри очкўзлик билан қонли изларни ялаётганини кўриб қолди. Агар бўрини бир ёлиқ қилмаса, ўзининг умри нима билан тугашини яхши тасаввур этди. Шундан кейин ҳаётда учраши мумкин бўлган курашларнинг энг шиддатлиси бошланди: эмаклаб бораётган, касал одам, унинг орқасидан судралаётган касал бўри, иккиси ҳам чала ўлик ҳолда, бир-бирини пойлашиб, саҳродан судралиб бордилар.

Бўри соғ бўлганда, одам бунчалик қаршилик кўрсатиб ўтирмаган бўларди, лекин мана шу энг бадбуруш, деярли ўлакса бўлиб қолган разил махлуқнинг қорнига тушишини ўйласа, кўнгли айнир эди. У яна алаҳлай бошлади, яна кўзига хомхаёллар кўрина бошлади, онги равшанлашган вақтлар борган сари қисқариб ва тобора сийраклашиб борарди.

Бир марта худди қулоғи остида кимдир тез-тез нафас олаётганини эшитиб, ҳушига келди. Тепасида турган бўри ўзини орқага ташлади ва қоқилиб кетди-да, заифликдан йиқилиб тушди. Бу кулгили бир манзара эди, лекин одам кулмади. У ҳатто қўрқмади ҳам. У энди қўрқиш нималигини ҳам сезмай қолганди. Унинг онги бир минутга равшанлашди, у ўйлаб кетди. Кемага қадар энди кўпи билан тўрт мил йўл қолганди. У туман босган кўзларини ишқалаб, кемани жуда равшан кўрди, ярқираб турган денгизни кесиб ўтаётган оқ елканли қайиқчани ҳам кўрди. Лекин бу тўрт миллик масофани босишга асти мадори қолмаганди. Одам буни биларди, шунинг учун ҳам безовталанмади. Ярим миллик йўлни ҳам боса олмаслигига ақли етарди. Шундай бўлса ҳам яшашни истарди. Шунча азоб-уқубатлар чеккандан кейин ўлиб кетиш бемаънилик бўларди. Тақдир ундан жуда кўп нарса талаб қиларди. Ўлаётиб ҳам у ўлимга бўйсунишни истамас эди. Эҳтимол, бу ақлсизлик эди, лекин ўлимнинг чангалига тушиб қолган бўлса ҳам унинг чангалидан қутулиб кетиш учун курашни давом эттирди.

У кўзларини юмиб, минг эҳтиёт билан кучларини тўплади. Худди тўлқин сингари унинг бутун вужудини қоплаб олаётган ҳушидан кетиш хавфини енгиш тилагида у ўзига далда берарди. Бу тўлқин ўқтин-ўқтин кўтарилиб, унинг онгини хиралаштирарди. Баъзан у чора-



сиз типирчилаб, ҳушсизлик денгизига ботиб кетар, онгнинг қандайдир номаълум кучи таъсирида яна қайтадан иродасини зўрға тўплаб, ҳушсизлик денгизидан сузиб чиқди.

У қимирламасдан чалқанча ётган ҳолда касал бўрининг хириллаган товуши тобора яқинроқ эшитилаётганига қулоқ солди. Онлар жуда секин ўтар, лекин одам бирор марта ҳам қимирламасди. Бўрининг нафаси жуда яқинлан эшитила бошлади-ю, қурғоқ қолган тил худди шилдироқ қоғоз сингари унинг юзини тимдалади. Унинг қўллари юқорига чўзилди, бармоқлари худди чангак сингари букилди, лекин меҳнати зое кетди. Тез ва ишонч билан ҳаракат қилиш учун куч керак, унда эса куч йўқ.

Бўри сабрли эди, лекин одам ундан ҳам сабрли эди. У ҳушдан кетиб қолмаслик учун уринib ва бўрини пойлаб, ярим кун қимирламасдан ётди. Бўри уни емоқчи эди, қўлидан келса, одам ҳам бўрини емоқчи эди. Вақт-вақти билан у ҳушдан кетиб қолар, шунда у узоқ-узоқ тушлар кўрар эди; лекин ҳамма вақт: тушида ҳам, ўнгида ҳам, мана хозир бўрининг хириллаган товуши эшитилади, ғадир-будур тили билан мени ялайди деб кутиб ётарди.

Нафас товушини эшитмади, лекин бўри унинг қўлини ялаётганлигини сезиб ўзига келди. Одам кутиб ётди. Бўри унинг қўлини тишлари орасига олиб сўнгги кучларини сарф қилиб қисди, кейин тишларини борган сари у қаттиқроқ ботира берди, у шунча вақтдан бери кутган овқатига эришган эди. Лекин одам ҳам шу пайтни кўпдан бери кутарди, унинг тишланган қўллари бўрининг жағини қисди. Бўри заифлик билан ўзини ҳимоя қиларкан, одам бир қўли билан унинг жағини қисарди, иккинчи қўлини ҳам узатиб бўрининг томоғидан бўға бошлади. Беш минутдан кейин одам ўзининг бутун оғирлиги билан бўрини босиб тушди. Бўрини бўғиб ўлдириш учун унинг кучи етмасди, шунда одам тиши билан бўрининг томоғига ёпишди, унинг оғзи юнгга тўлди. Ярим соат ўтди, одам ўз томоғига иссиқ қон қуйилаётганини сезди. Худди унинг оғзига эритилган қўрғошин қуйилаётгандек, уни ютиш қийин эди. Лекин фақат ирода кучи билан ўзини чидашга мажбур қилди. Кейин одам чалқанчасига ағдарилди-да, уйқуга кетди.

Кит овловчи «Бедфорд» кемасида илмий экспедиция

аъзолари бор эди. Улар кема палубасида туриб, қирғоқда ғалати бир махлуқни кўриб қолишди. Бу махлуқ қум устида зўрға ўрмалаб, денгиз томонга келарди. Олимлар бунинг нима эканлигини билолмадилар, табииётшунос бўлганликлари учун қайиқчага ўтириб қирғоққа сузиб кетдилар. Улар тирик бир махлуқни кўрдилар, лекин уни одам деб аташ мумкинмиди? У ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани тушунмас, қум устида улкан қурт сингари буралар эди. У олдинга деярли силжимас, лекин орқага ҳам чекинмасди ва буралиб-буралиб олдинга қараб ҳаракат қилар ва соатига йигирма қадамдан йўл босарди.

Уч ҳафта ўтгандан кейин у «Бедфорд» кемасида кроватда ётган ҳолда кўз ёшларини оқизиб, ўзининг кимлиги ва қандай машаққатларни бошидан кечиргани ҳақида ҳикоя қилиб берди. У бир-бирига қовушмаган ҳикоясида ўзининг онаси, серқуёш жанубий Калифорния, апельсин дарахтлари ва гуллар орасига кўмилган уйи ҳақида гапириб берди.

Бир неча кун ўтгандан кейин у олимлар ва капитан билан бирга кают-компанияда ўтирарди. У овқатнинг сероблигидан қувонар, бошқаларнинг оғзига тушиб йўқ бўлиб кетаётган ҳар бир луқма уни зўр ташвишга соларди. Унинг ақли жойида, лекин стол атрофида ўтирган одамларга нафрат билан қарарди. Овқатнинг тамом бўлиб қолишидан қўрқиб, безовта бўларди. У ҳадеб ошпаздан, хизматчи боладан, капитандан овқат запасини суриштирарди. Улар юз марталаб тасалли берсалар ҳам ишонмас, ўз кўзи билан кўриб ишониш учун овқат омборига тез-тез тушиб турарди.

Кемадагилар унинг семираётганлигини сезиб қолдилар. Кун сайин унинг этига эт қўшиларди. Олимлар бош чайқаб турли тахминлар қилишарди. Унга овқатни камроқ бера бошладилар. Лекин шунда ҳам борган сари семириб кетаверди, қорин сола бошлади.

Матрослар бунга кулишарди, улар гапнинг нимада эканини билишарди. Олимлар унинг орқасидан пойлаб, сирни билиб олдилар. Эрталаб нонуштадан кейин у, бакка чиқар ва худди тиланчи сингари матросларга қўл чўзарди. Матрос кулиб, унга сухари берарди. У очкўзлик билан сухарини олар ва худди олтинга кўзи тушган



хасисдек, нонни қўлтиғига урарди. Бошқа матрослардан ҳам худди шундай йўл билан садақа оларди.

Олимлар индамадилар ва уни ўз ҳолига қўйиб қўйдилар. Улар ўзига билдирмай унинг кроватини текширдилар. Кроватнинг ости сухари билан тўла эди. Тўшакнинг ичига ҳам сухари тўлдирган экан. Ҳар бир бурчакка сухари яширилган. Лекин унинг мияси жойида эди. У фақат иккинчи марта оч қолмаслик чорасини кўрарди, холос. Олимлар бу касаллик тез ўтиб кетади деган фикрда эдилар. Ҳақиқатан ҳам «Бедфорд» кемаси Сан-Франциско лимонига лангар ташламасданоқ бу касаллик ўтиб кетди.





## ИСЁНЧИ

Тураман. Меҳнатга чақирар кундуз.
Ялқовликни ато қилмагин, ёраб!
Кундузи танамдан агар чиқса жон,
Қилган меҳнатим-чун айлагил эҳсон!

*Омин*

— Тур ҳозир, Жонни. Бўлмаса овқат бермайман!

Бу гап болага таъсир қилмади. Бола уйғонишни сира ҳам истамас, хаёлпараст ўз хаёлий орзуларидан ажралишни истамагандек, ширин уйқудан ажралгуси келмасди. Бола муштларини қисиб, заиф ва тартибсиз равишда ҳавони муштларди. Бу зарблар онасига қарши қаратилган, аммо онаси бунга одатдагидек чаққонлик билан чап берар ва боланинг елкасидан ушлаб, уни қаттиқ-қаттиқ силкитар эди.

— Бер-е-е!..

Бола уйқу аралаш бўғиқ ингради-ю, аммо бу инграш тезда ғазабли қичқириққа айланди, кейин бола жим бўлди-да, кетидан алланарсалар деб ғўлдиради. Бу жон аччиғидаги қичқириқ, жаҳаннамда жон азоби чекиб ётган одамнинг аламли қичқириғи эди.

Аммо она бунга эътибор бермади. Кўзлари ғамгин,



юзлари ҳорғин бу хотин кунда бўладиган бу машмашага ўрганиб қолган эди. Она кўрпанинг бир учидан тутиб, боланинг устини очиб ташламоқчи бўлди. Лекин бола мушт солишдан воз кечиб, жон-дили билан кўрпага ёпишиб олди. У кроватнинг оёқ томонида ғужанак бўлиб олиб, кўрпадан ажралишни истамасди. Ундан кейин онаси кроватдаги кўрпа-тўшакнинг ҳаммасини ерга тортиб туширмоқчи бўлди, бола бунга ҳам қаршилик кўрсатди. Онаси бутун кучи билан тортди, зўрлик қилди, кўрпа бола билан бирга ерга сирғалиб туша бошлади. Бола одатдагидек кўрпага маҳкам ёпишиб, иситилмаган уйдаги совуқдан жон асрамоқчи бўларди.

Бола кроватнинг чеккасида осилиб, полга йиқилай-йиқилай деб турарди, шунда уйқуси ўча бошлади. У дик этиб ўрнидан туриб, ўтириб олди-ю, йиқилмади; кейин оёқларини полга осилтирди. Шу заҳоти онаси уни елкасидан тутиб силкитди. Бола яна муштларини ишга солди, бу гал у мўлжалига кучлироқ ва бехатароқ мушт урди. Унинг кўзлари очилди. Онаси уни қўйиб юборди — бола уйғонган эди.

— Хўп, хўп,—деб минғиллаб қўйди у.

Онаси стол устидан лампани олди-да, уни қоронғуда қолдириб, ошхонага чиқди.

— Ойлигингдан ушлаб қолишади, ўшанда биласан!— деди она, чиқиб кетаркан.

Қоронғулик унга халақит бермади. Бола кийиниб, ошхонага чиқди. Унинг оғир қадам ташлаши ориқ, нозик гавдасига ҳеч мос келмасди. Бола оёқларини оғир судраб босарди, бу эса ғалати кўринарди: унинг оёқлари ингичка ва қоқ суяк эди. У стол олдига синиқ стулни сурди-да, ўтириб олди.

— Жонни! — деди онаси, норозилик билан.

Бола индамай жаҳл билан ўрнидан турди-да, чаноқ олдига келди. Бу чаноқ ифлос, мой босиб кетган, унинг тешигидан ёмон ҳид келиб турарди. Бола буни сезмасди. Чаноқдан сассиқ ҳид келиб турганлиги, шунингдек ювинди сингиб кетган совуннинг кўпирмаслиги ҳам унга табиий бир ҳол эди. Тўғрисини айтганда, совун билан ювинишга ҳафсаласи ҳам йўқ. У юзига бир неча марта сув сепди-да, шу билан ювинишни тамом қилди. У тишларини тозаламади, тиш чўткасини умрида кўрмаган. Дунёда тиш тозалашга ҳам вақт сарф қилиб ўтирадиган аҳмоқ одамлар бўлади деб ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

— Ҳеч бўлмаса кунда бир марта ювинишни одат қилсанг эди,— деди ўпка қилиб онаси.

Кофейниқнинг синиқ қопқоғини бир қўли билан ушлаб туриб, онаси иккита чашкага кофе қуйди. Бола онасининг таънасига жавоб бермади, чунки бу она-бола ўртасидаги ҳар кунги савдо бўлиб, она фақат бир нарсани — ҳеч бўлмаса кунда бир марта ювинишни қатъий талаб қиларди. Жонни юзини ёғ босиб кетган, йиртиқ сочиққа артди. Унинг бетига сочиқ иплари ёпишиб қолди.

— Уйимиз ишхонадан жуда узоқ-да,— деди она, бола стол ёнига ўтирганда. — Биласан-ку ахир, қўлимдан келганича тиришаман. Лекин уйимиз кенг, ижара ҳақи бир доллар кам. Ўзинг биласан, бир доллар ҳам кўчада ётмайди-да.

Онанинг сўзларига у деярли қулоқ солмасди. Бу гапларни у жуда кўп эшитган. Онанинг фикр доираси жуда тор бўлиб, доим унинг бошини қотирган нарса — турмушнинг ноқулайлиги ва турган жойларининг фабрикадан узоқлиги эди.

— Ортиқча доллар — ортиқча овқат деган гап,— деди бола, бурролик билан. — Узоқроқ йўл юрсам ҳам, кўпроқ овқат ейиш яхши-да.

У нонни шошиб-пишиб ямлаб ютар, устидан қайноқ кофе ичарди. Иссиқ лойқа суюқлик кофе ўрнини босарди. Лекин Жонни буни ҳақиқий ва энг яхши кофе деб ўйларди. У умрида ростакам кофени ичмаганди.

Бир бурда нондан ташқари унга бир парча яхна тўнғиз гўшти ҳам тегди. Онаси яна бир чашка кофе қуйиб берди. Жонни нонини еб бўлиб, яна бирор бурда нон бермасмикан деб онасининг қўлига қаради. Онаси унинг мақсадига тушунди. — Бундай очкўз бўлма,— деди онаси. — Ўз тегишингни олдинг. Укаларинг нимани ейди?

Жонни жавоб бермади. Умуман у жуда камгап бола эди. У очкўзлик билан энди овқатга тикилмади. Бола зорланмади, бу итоаткорлиги шунга мажбур қилган ҳаёт мактабидан ҳам баттар эди. У кофени ичиб оғзини қўли билан артди-да, ўрнидан турди.

— Шошма,— деди онаси, шошилиб.— Нон четидан юпқа қилиб яна бир бурда кесиб бера қолай.

Она эпчиллик қилмоқчи бўлди. У бир бўлак нонни олиб, гўё четидан кесаётгандай пичоқ урди, кейин нонни қайтиб саватга солди-да, ўз нонидан бир бурдасини боласига берди. Она уни алдадим деб хаёл қилди, лекин



у онасининг қувлигини сезди, шундай бўлса ҳам, нонни ҳеч тортинмай олди. Онам касалманд бўлгандан кўп овқат ея олмайди деб ўйлар эди у.

Боланинг қуруқ нон чайнаётганини кўриб, онаси унга ўз кофесини ҳам қуйиб берди.

— Бугун нима учундир кофе кўнглимни айнитиб турибди,— деб қўйди она.

Узоқдан эшитилган чўзиқ ва қаттиқ гудок иккаласини ҳам ўриларидан сакратиб турғазиб юборди. Онаси токчадаги тунука соатга қаради. Соат беш ярим. Барча фабрика ишчилари энди уйқудан уйғонмоқдалар. Она рўмолини елкасига ташлади, бошига эски ғижимланган шляпани кийиб олди.

— Елиб юрмасак бўлмайдиган кўринади,— деди у, лампанинг пилигини ичига тортиб пуфлаб ўчирар экан.

Улар пийпасланиб хонадан чиқиб, зинапоядан пастга тушдилар. Ташқари совуқ, осмонда булут йўқ. Жонни совуққа чиқиши билан жунжикиб кетди. Юлдузлар ҳали чарақлаб турибди. Шаҳар қоронғу. Она-бола оёқларини оғир судраб, пиёда борардилар. Оёқни қаттиқ-қаттиқ босишга мадор йўқ.

Ўн беш минутлардан кейин онаси ўнгга бурилди.

— Эҳтиёт бўл, кеч қолма!— деб қоронғулик ичидан сўнгги марта огоҳлантирди она.

Жонни индамай кетаверди. Ишчилар маҳалласи жонланиб, эшиклар очилиб-ёпила бошлади. Кўп ўтмай Жонни ошиқиб ишга кетаётган одамларга қўшилди. У фабриканинг ҳовлисига кирганда, иккинчи гудок чалинди. Жонни шарққа кўз ташлади ва уйлар устида эндигина оқариб келаётган тонг ёругини кўрди. Кундузги ёруғликдан Жоннига қисмат бўлгани ана шу ғира-шира ёруғ эди. Жонни ёругликка орқасини ўгириб, бошқа ишчилар қатори цехга кириб кетди.

Жонни узунасига қатор тизилган машиналарнинг бири олдига келиб, ўз жойини эгаллади. Унинг олдида ип ғалтаклари солинган яшик туради, ундан тепароқда жуларга кичик ғалтаклардаги ипларни улаб туриши керак.

Иш қийин эмас, лекин чаққонлик талаб қилади. Кичкина ғалтаклар ипни тез-тез чуватадилар, дуглар ипни шундай тезлик билан ўрайдиларки, анқайдинг — иш чатоқ.

Жонни беихтиёр, тез ишларди. Кичик ғалтаклардан бири бўшаганда, у чап қўли билан дугларнинг ҳаракати-

ни тўхтатар, айни вақтда икки бармоғи билан ипнинг учини ушлаб оларди. Ўнг қўли билан эса худди шу вақт бошқа ғалтакдаги ипнинг учини тутиб олиб, икки ипни бир-бирига уларди. Бу ҳаракатлар икки қўл билан бир вақтда жуда тез бажарилиши керак. Кейин Жонни тез ҳаракат қилиб ипларнинг учини тугиб, дугни қўйиб юборади. Тўқувчилик ипларни улаш осон иш. Жонни бу ишларни жуда осон ва хатосиз бажаради, бундай тугунчаларни қилишга у жуда уста бўлиб қолганди, бир марта ҳатто у тушимда ип улай оламан деб мақтанган эди. Ҳақиқатан ҳам Жонни кечалари тушида мана шундай тугун тугиб чиқарди.

Баъзи болалар иш ёқмаслик қилиб, ғалтакларни ўз вақтида алмаштирмай, машиналарнинг бўш ишлашига йўл қўярдилар. Аммо мастер бундан доим кўз-қулоқ бўлиб турарди. Бир кун мастер Жонни олдида ишлаб турган болани худди шу айби учун қулоқ чаккасига қўйиб юборди-да:

— Жоннига бир қара! Нега унга ўхшаб ишламайсан?—деб дўқ қилди. Жоннининг дуглари тез ва тўхтовсиз айланарди, лекин у мастернинг мақтовидан хурсанд бўлмади. Ваҳоланки бир вақтлар... Лекин бунга жуда кўп вақтлар бўлди. Мастер уни бояги болага ибрат қилиб кўрсатганда, боланинг бепарво юзи мутлақо ўзгармади. Ҳа, у ибрат бўларли ишчи, буни ўзи ҳам биларди. Бу ҳақда ўзига ҳам айтишарди, айтганда ҳам кўп марталаб айтишган эди. Лекин одат тусига кириб қолган бу мақтовларнинг унга ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Аста-секин у намунали ишчидан намунали машинага айланиб кетди. Унинг ишида бирор камчилик юз берса, бунга хом ашёнинг ёмонлиги сабаб бўларди. Энг яхши дастгоҳ ёмон маҳсулот чиқармагандек, у ҳам сира хато қилмай ишларди.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. У умри бўйи мана шу машиналар билан бирга яшади. Уни машиналар тарбиялади деса ҳам бўлади. Ҳар ҳолда у машиналар ичида катта бўлди. Бундан ўн икки йил бурун шу фабриканинг тикув цехида бирдан қий-чув кўтарилди. Жоннининг онаси ҳушидан кетиб йиқилди. Онани гувуллаб турган машиналар орасида ерда ётқизиб қўйдилар. Дарҳол иккита тўқувчи хотинни чақириб олдилар. Уста ҳам ёрдам берди. Бир неча минутдан кейин тўқувчилик цехида битта жон ортди. Бу машиналар ғуввоси, шовқин-сурони ичида ту-



ғилган бола Жонни эди. У биринчи бор нафас олганда учиб юрган чанг аралаш қуюқ, иссиқ ҳаво боланинг ўпкасига кирди. Биринчи кундаёқ ўпкасини тозалаш учун Жонни йўтала бошлади. Шу-шу бўлди-ю, ҳали ҳозиргача йўталишини қўймайди.

Жоннининг олдида ишлаётган бола бихиаб йиғлар ва шилқ-шилқ бурнини тортарди. У ҳали ҳам узоқдан олайиб-олайиб қараб қўяётган мастерга нафрат билан хўмрайиб қарарди; аммо энди машинасида бўшаб қолган ғалтаклари йўқ эди. Бола олдида айланаётган ғалтакларни овозини барала қўйиб сўкади, лекин унинг алам билан ёғдирган сўкишлари узоққа эшитилмас, худди деворга урилгандек, машиналар ғуввоси орасида йўқолиб кетарди.

Жонни ҳеч нарсага эътибор бермай қуйганди. Содир бўлаётган ҳодисаларга у бепарво қарашга ўрганган. Шу билан бирга ҳамма нарса ҳадеб такрорланаверса, жонга тегиб қолади. Бундай ҳодисаларни у кўп марталаб кўрган. Мастерга қарши бирор нарса дейиш—машинага қаршилик кўрсатишдек фойдасиз иш деб ўйларди у. Машиналар маълум қолипда ҳаракат қилади ва маълум бир вазифани адо этади. Мастер ҳам худди шундай.

Соат ўн бирга бориб, цехда аллақандай ҳаяжон бошланди. Қандайдир сирли йўл билан бу ҳаяжон бир зумда ҳамма ёққа тарқалди. Жоннининг бошқа ёнида ишлаётган бир оёқли бола қўлтиқ таёғи билан бир зумда бўш вагонетка ичига яшириниб олди. Шу вақт эшикдан фабрика иш бошқарувчиси кириб келди. Унинг орқасидан яхши кийинган бир йигит келмоқда эди. Йигитнинг эгнида крахмалланган кўйлак, ўзи яхши кийинган бўлиб, Жонни бундайларни жентльмен деб ҳисобларди, бунинг устига у яна инспектор ҳам эди.

Инспектор болалар ёнидан ўтиб бораркан, ҳар бирини диққат билан кўздан кечирди, баъзан тўхтаб бир-икки савол ҳам берарди. Шундай пайтларда у овози борича бақирарди, шунда унинг юзлари кулгили бир тусда буришиб-тиришиб кетарди.

У Жонни ёнидаги машинанинг бўш турганлигини кўриб қолди, лекин ҳеч нарса демади.

Инспектор Жоннининг олдига келиб тўхтади, унинг тирсагидан ушлаб машинадан бир қадам четга тортди-да, таажжуб билан яна қўйиб юборди.

— Бир оз ориқроқ — деб ташвиш аралаш илжайди иш бошқарувчи.

— Қоқ суяк-ку!— деди унга инспектор.— Оёқларига қаранг. Раҳит бўлса керак, тўғри, ҳозир касалнинг бошланғич даври, лекин касал эканлиги шубҳасиз. Агар уни тутқалоқ тамом қилмаса, демак, сил олдинроқ тамом қилади деган гап.

Жонни айтилган гапларнинг ҳаммасини эшитди, лекин ҳеч нарса тушунмади. Бундан ташқари, қачонлардир бўладиган, келажакдаги касаллар уни қўрқитмади. У инспекторнинг ўзидан кўпроқ қўрқиб турарди.

— Қани, бола, тўғрисини айт,— деб қичқирди инспектор, Жоннининг қулоғига эгилиб...—Ёшинг нечада?

— Ўн тўртда!— деди Жонни ёлғондан, кучи борича бақириб.

Қаттиқ бақирганидан ўткир, қуруқ йўтали қўзғалди. Эрталабдан бери унинг ўпкасига ўтириб қолган чанг йўтални яна ҳам кучайтирди.

— Афти-башарасига қараб, ўн олтида деса ҳам бўлади,—деди иш бошқарувчи.

— Олтмишда деса ҳам бўладиган кўринади,—деб жаҳли билан гапни шарт кесди инспектор.

— У доим шунақа.

— Кўпдан берими?— деб тез сўради инспектор.

— Бир неча йилдан бери. Ўзи ҳеч улғаймайди.

— Яшармайди денг. Шу йиллар ичида у ҳамма вақт сизда ишладими?

— Ҳамма вақт эмас. Лекин бу бола янги қонун чиқарилмасдан анча илгари ишлар эди,— деб шошиб тушунтирди иш бошқарувчи.

— Бу ерда ҳеч ким ишламайдими?— деб қизиқиб сўради инспектор, Жонни ёнидаги машинани кўрсатиб. Машинада ярмигача ип ўралган дуглар жуда тез айланмоқда эди.

— Шунақага ўхшайди,— деб иш бошқарувчи имлаб мастерни чақирди-да, машинани кўрсатиб нимanidир қичқириб сўради.

— Машина бўш экан,— деди у, инспекторга қараб.

Улар нари ўтиб кетдилар. Жонни хавф ўтиб кетганлигига суюниб, машинаси олдига қайтди. Лекин бир оёғи йўқ бола бахтсизликка учради. Ҳамма ёққа диққат билан кўз ташлаб бораётган инспектор уни кўриб қолди-да, вагонетка ичидан тортиб туширди. Боланинг лаблари титраб, бошига оғир кулфат тушгандек кўзларини ғамгин мўлтиратиб турарди. Мастер чўлоқ болани худди умрида



биринчи марта кўраётгандек таажжуб билан бақрайиб қолди. Иш бошқарувчининг юзида ўнғайсизланиш ва норозилик аломатлари пайдо бўлди.

— Мен уни биламан,— деди инспектор.— У энди ўн иккига кирган. Шу йилнинг ўзида менинг кўрсатмам билан учта фабрикадан бўшатдилар, бу тўртинчиси.

— Мактабга бораман деб ваъда бериб эдинг-ку?— деб сўради у, боладан. Бола йиғлаб юборди.

— Кечиринг мени, инспектор жаноблари, биз жуда камбағал одамлармиз. Уйимизда иккита кичкинамиз ўлиб қолди, емоққа ҳеч нарса йўқ.

— Нега йўталяпсан?— деб сўради инспектор, йўталгани учун уни гўё жинояткор қилаётгандай.

— Э-э, ҳечқиси йўқ,— деди бола, ўзини оқлаётгандай бўлиб.— Мен ўтган ҳафта шамоллаб қолган эдим, бўлгани шу, инспектор жаноблари.

Иш инспектор болани олиб чиқиб кетиши билан тугади. Ташвишланган иш бошқарувчи ҳам унинг орқасидан ғойиб бўлди. Шундан кейин цехда ҳамма нарса эски изига тушиб кетди.

Ниҳоят, узундан узоқ эрталаб, ундан ҳам узоқ кун ўтди-да, иш тугаганидан дарак бериб, гудок чалинди. Жонни фабрика дарвозасидан чиққанда, қош қорайиб қолган эди. Бу вақт ичида қуёш ўзининг олтин йўлидан осмонга кўтарилган, ёркин нурлари билан дунёни иситган, ундан кейин шаҳардаги биноларнинг паст-баланд томлари орқасига ўтиб, ботиб ҳам кетган эди.

Кечки овқат оиланинг барча аъзоларини жам қиладиган бирдан-бир восита эдики, шунда Жонни ўз укалари билан тўқнаш келарди. Бу учрашув чинакам эди, чунки Жонни жуда қари, улар эса кишига алам қиларли даражада ёш эдилар. Бу ажойиб ва эришиб бўлмас ёшлик унинг асабига тегиб, жаҳлини чиқарарди. У ёшлик нима эканлигини тушунмасди, унинг ёшлиги энди жуда узоқ ўтмиш бўлиб қолган эди. Болаларнинг ўйин-шўхликларига совуққонлик билан қараб туролмайдиган асабий ва жаҳли тез чолга ўхшарди. Жоннининг назарида, бу ўта кетган аҳмоқлик эди. У қовоғини солиб ўтириб овқат ер экан, улар ҳам тез орада ишга борадилар-ку, деб ўзига тасалли берарди. Иш уларни ипакдек қилиб қўяди, улар ҳам Жоннига ўхшаб вазмин ва жиддий бўлиб қоларлар. Барча мўмин бандалар сингари Жонни ҳам ҳамма нарсани ўз аршини билан ўлчарди.

Овқат устида онаси болаларини боқиш учун қўлидан келганича тиришаётганини ҳар хил шаклга солиб қайта-қайта пеш қиларди. Шунинг учун ҳам у қашшоқона дастурхон йиғиштирилиши билан енгил тортиб, ўрнидан турди. Етиб ухласаммикан ё бирпас кўчага чиқсаммикан деб бир зум иккиланди, сўнг кўчага чиқишга аҳд қилиб, ташқарига юрди. Лекин узоққа кетмади, елкаларини букчайтириб, тирсакларини тиззаларига тираб, икки кафти билан иягини тираб, эшик олдидаги зинапояга ўтириб олди.

У ҳеч нарсани ўйламас, фақат ором оларди. Унинг онги мудрарди. Шу вақт укалари ҳам ташқари чиқиб, бошқа болалар билан шовқин-сурон кўтариб ўйин бошлаб юбордилар. Электр фонаридан тушаётган шуъла ўйнаётган болаларга ёруғ тушириб тураради. Улар Жоннининг асабий ва сержаҳл эканлигини биладилар, лекин шундай бўлса ҳам болаларга хос шўхлик билан унинг жиғига тегабошладилар. Улар қўлларини тутишиб, бир маромда чайқалиб, Жоннининг шаънига тегизиб бемаза ашула айта бошладилар. Бошда у ғижиниб, болаларни мастерлардан ўрганиб олган ёмон сўзлар билан сўкди. Лекин бунинг бефойда эканлигини кўриб ва ёши катталиги эсига тушиб қолиб, обрўсини сақлаш учун яна жим бўлиб қолди.

Бу шўхликни бошлаб берган ўзининг укаси ўн яшар Вилли эди. Жонни уни яхши кўрмасди ҳам. Болаликданоқ Виллини деб доим кўп нарсалардан воз кечишга, ўз ҳиссасини унга беришга тўғри келарди. Шунинг учун ҳам Жонни Вилли мендан кўп қарздор, яхшиликни билмайдиган бола деб ўйлар эди. Бундан кўп замонлар илгари, Жонни айни ўйнаб юрадиган вақтларда Виллига қараб умри ўтган эди. Вилли у вақтларда чақалоқ эди. Онаси ҳозиргидек кун бўйи фабрикада ишларди. Жонни ҳам оталик, ҳам оналик вазифасини адо этарди.

Жонни укасини деб ўзини сиққани ва нафсини тийгани, афтидан, Виллига жуда фойдали бўлиб чиққанди. Юзлари қип-қизил, бақувват Вилли энди унга кирган бўлишига қарамай, бўйи ўн икки яшар Жоннининг бўйи билан баравар, ҳатто ундан бақувватроқ эди. Гўё акасининг ҳам ҳиссаси укасидан чиққандек эди. Ўшанда ҳам фақат жисмоний хислатдан эмас. Жонни ҳолдан тойган, руҳан эзилган, жонсиз, укаси эса соғлом, ўзини қаерга қўйишини билмайди.

Бемаъни қўшиқ борган сари авж олди: Вилли сакраб-ўйноқлаб унга яқинлашди-да, тилини чиқариб Жоннини



масхара қилди. Шунда Жонни чап қўли билан укасининг бўйнидан ушлаб олди ва тумшуғига бир мушт туширди. Унинг мушти кичкина, қуруқ суяк эди, аммо шунда ҳам оғриғган бўлса керакки, бола чинқириб йиғлаб юборди. Болалар қўрқиб кетиб, фарёд кўтардилар. Жонни билан Виллининг сингланси Женни уйга югурди.

Жонни Виллини ғижиниб юборди-да, жаҳл билан бир тепди, кейин йиқитиб бурнини ерга ишқалади. Шу вақт югурганча онаси келиб қолди-ю, ожизлик билан Жоннидан гинахонлик қилди ва бутун оналик ғазабини сочди.

— Нега ўзи тегажоғлик қилади!— деб жавоб берди Жонни.—Чарчаганимни кўрмаяптими?

— Мен ҳам сендек катта бўлиб қолдим!— деб қичқирарди Вилли, онаси қучоғида типирчилаб. Унинг лой ва қонга белангган юзларидан кўз ёшлари оқиб тураради.

— Мен ҳам сен билан тенг бўлиб қолдим,—деди йиғлаб Вилли.—Сендан ҳам катта бўлиб кетаман ҳали, ўшанда кўрасан, адабингни бериб қўяман!

— Шундай катта бўлиб қолган бўлсанг, ишга бор,— деди Жонни, ижирғаниб.—Ишла энди—ишга кирадиган вақтинг келди. Ойим ишга киргизиб қўйсин.

— Ҳали у ёш бола, ахир,— деди норозилик билан она.— У ҳали жуда кичкина-ку, қандай ишлайди?

— Мен ишга кирганимда ундан ҳам ёш эдим.

Жонни яна хўп гапириб, аламидан чиқмоқчи эди-ю, лекин шаштидан қайтди. Кейин у қовоғини солиб ўрнидан турди-да, уйга кириб кетди. Ошхонадан иссиқ кирсин учун хонанинг эшиги очиб қўйилган эди. У коронғуда ечинаркан, онасининг қўшни хотинга арз қилаётганини эшитди. Онаси йиғлар ва йиғи орасида гапини ҳам қўймасди.

— Жоннига нима бўлганини ҳеч тушуна олмай қолдим,—дерди у,—бола ҳеч бундай эмасди. У доим фаришта сингари юввош ва мулойим эди. Тўғриси, у ҳозир ҳам яхши бола,— деб шошилиб қўшиб қўйди онаси, Жоннини оқлашга тиришиб.— У ишдан қочмайди, фақат жуда ёшликдан фабрикада ишлай бошлади, бунисн тўғри. Наҳотки мен айбдор бўлсам? Ҳар нима бўлганда ҳам дуруст бўлсин деб ўйлайсанда киши!

Яна онасининг ҳиқиллаб йиғлагани эшитилди. Жонни кўзини юмаркан:

— Ҳа, баракалла, ишдан ҳеч қочган эмасман,—деб минғиллаб қўйди.

Эртаси кун саҳарда онаси уни яна ширин уйқусидан қўярда қўймай уйғотди. Кетидан қорни тўяр-тўймас нонушта қилди-да, тун қоронғусида уйдан чиқиб, ишга жўнади. Жонни фабрика ҳовлисига кирганда, ғира-шира тонг отиб келарди, у ўша ёруғлиққа орқа ўгириб, цехга кириб кетди. Бири бирига ўхшаган сон-саноқсиз кунлардан яна бири келди.

Лекин Жоннининг ҳаётида янгиликлар ҳам бўлиб турарди: бу бошқа ишга ўтганида ёки касал бўлганида юз берар эди. Олти ёшида у Вилли ва бошқа укаларини боқарди. Етти ёшида фабрикага ишга кириб, ғалтакларга ип ўрай бошлади. Саккиз ёшида бошқа фабрикадан иш беришди. Унинг янги иши жуда енгил эди. Жонни қўлида таёқ билан бир жойда ўтирар ва олдидан узлуксиз ўтиб турган газламанинг тахи бузилган ерини таёғи билан тўғриларди. Бу газлама оқими машиналар ичидан чиқиб, иссиқ барабанлар устидан қаёққадир, нарига ўтиб кетарди. Жонни доим кундузги ёруғдан маҳрум ярим қоронғу бир жойда, кичкина газ рожак остида ўтирарди, шу тарзда у аста-секин механизмнинг бир қисмига айланиб борди.

Жонни ўтирган ернинг ҳавоси рутубатли ва иссиқ бўлишига қарамай, ўз ишидан жуда хурсанд эди, чунки у ҳали ёш бўлиб, ажойиб умид ва хаёллар денгизида сузиб юрарди. У тўхтовсиз ўтиб турган газлама оқимини кузатаркан, ширин-ширин хаёлга ботарди. Иш ҳеч қандай ҳаракат қилишни, ақлни ишлатишни талаб қилмасди; шу туфайли у борган сари камроқ хаёл сурадиган бўлди, онги борган сари ўтмасланиб, тўпослашиб борди. Ҳар ҳолда, у ҳафтасига икки доллар ишлар, бу пул эса очдан ўлмаслик учун бир амаллаб етиб турарди.

У тўққиз ёшга кирганда бу ишдан маҳрум бўлди, бунга сабаб қизомиқ билан оғриб қолгани эди. Соғайгандан кейин шиша заводига ишга кирди. Бу ерда кўпроқ пул тўлар эдилар, лекин бу ишда уқув талаб қилинарди. Бу ерда ҳақни ишлаган ишига қараб тўлар эдилар. У қанчалик тез ишласа, шунча кўп пул оларди. Бу иш уни жуда рағбатлантирди. Мана шунинг таъсири остида у тез фурсатда энг яхши ишчилар қаторига ўтиб олди.

Бу иш ҳам унча қийин эмасди: шишадан ясалган пробкаларни кичик шиша-бутилкаларга боғлаш керак эди. Жонни белига бир тутам ип боғлаб олиб, икки қўли билан ишлаш учун шишаларни тиззаси орасига қисиб



оларди. Мук тушиб ўтириб ишлаш натижасида елкалари туртиб чиқиб, букчайиб қолди. Кўкрак қафаси эса бир кунда ўн соатлаб сиқилиб турарди. Бу унинг ўпкасига таъсир қилди. Бир кунда у уч юз дюжина шишага пробка боғларди.

Завод ишлаб чиқарувчиси у билан жуда рурурланиб юрар ва заводга келган одамларни бошлаб келиб, унинг ишлашини кўрсатарди. Ўн соат ичида унинг қўлидан уч юз дюжина шиша ўтарди. Бу эса у машинадек такомилга етишди деган сўз эди. Ў бирорта ҳам ортиқча ҳаракат қилмасди. Ориқ қўлларининг ҳар бир ҳаракати, қоқ суяк бармоқларининг ҳар бир қимирлаши тез ва аниқ эди. Бундай иш зўр диққатни талаб қиларди, шунинг учун унинг асаблари секин-аста бузила борди. Кечалари ухлаб ётганда ирғиб-ирғиб тушар, кундузлари эса на кўнгил очар, на дам оларди. У доим асабий бўлар, қўллари томир тортишарди. Ранги касалларники сингари заҳил бўлиб кетди, йўтали кундан-кунга кучая борди. Охири у ўпкасини шамоллатиб қўйиб, шиша заводидаги ишдан ажраб қолди.

Ундан кейин Жонни яна қайтиб жут фабрикасига ишга кирди. Бу ерда Жонни тузукроқ ишга ўтказишларига умид қилса бўларди. У яхши ишчи эди. Уни аввал крахмал цехига, кейин тўқувчилик цехига ўтказишлари мумкин. Кейин гап иш маҳсулотини орттиришда бўлиб қолади.

Шу йиллар ичида машиналар тезроқ, Жоннининг мияси эса секинроқ ишлай борди. У энди бир вақтлардаги сингари ширин хаёлларга чўммас эди. Бир марта у ошиқ ҳам бўлган эди. Бу воқиа газлама оқимини таёқча билан тўғрилаб юрган пайтларида содир бўлганди. У ошиқ бўлган қиз иш бошқарувчининг каттагина бўлиб қолган қизи эди. Жонни қизни узоқдан беш-олти марта кўрди, холос. Аммо бунинг аҳамияти йўқ эди. Уз олдидан ўтиб кетаётган мата устида келажакнинг порлоқ манзарасини тасаввур қиларди,— у ишда ажойиб ҳунар кўрсатар, ғалати машиналар ихтиро қиларди. У фабриканинг директори бўлади, охири ўз маъшуқасини қучоқлаб, аста пешонасидан ўпади...

Буларнинг ҳаммаси бир вақтлар, Жонни ҳали унча қариб қолмаган бир замонларда, унда севиш қобилияти ўлмаган замонларда бўлиб ўтган эди. Қиз эрга тегиб, қаёққадир кетиб қолди, унинг сезгилари эса ўтмаслашди.

Ҳа, у вақтлар ажойиб замонлар эди. Одамлар ўзларининг ҳурларга ишонган ёшлик чоғларини эслаганларидек, Жонни ҳам у вақтларни тез-тез эслаб турарди. Жонни эса ҳурларга ҳам, Санта Клаусга ҳам ишонмасди; у соддалик билан ўз олдидан ўтаётган материя устида кўзига кўринаётган ўша хаёлий келажакнинг гўзал манзараларига ишонарди.

Жонни жуда эрта улғайди. Етти ёшида, биринчи марта ойлик олиб келганда, унинг ўспиринлик даври бошланганди. Унда маълум мустақиллик туйғуси уйғонди ва она билан ўғилнинг муносабати ўзгарди. У ўз нонини ўзи топадиган, ўз меҳнати билан кун кўрадиган ва, демак, онаси билан тенгдек бўлиб қолди. Ўн бир ёшида у ярим йилгача тунги сменада ишлаб, чинакам йигитлар қаторига ўтди. Кечалари қолиб ишловчи боланинг болалиги қоладими.

Унинг ҳаётида бир неча муҳим ҳодиса рўй берган эди: бир марта онаси Калифорния олхўриси олиб келди. Икки марта онаси қайнатма крем қилиб берди. Булар унинг ҳаётидаги чинакам ажойиб ҳодисалар эди. Буларни у жуда мамнуният билан эслади. Ўша вақтларда онаси унга нодир бир овқат тайёрлаб беришни ваъда қилганди. Онаси бу овқатни «сузувчи орол» деб атарди. Бу овқат қайнатма кремдан ҳам ширинроқ нарса деган эди онаси. Ўша куни Жонни кўп йиллар кутди. Бу умиди ҳам кўп бошқа ширин хаёллари сингари пучга чиққунча, Жонни «сузувчи орол» қўйилган дастурхонга ўтиришни узоқ йиллар кутиб юрди.

Бир кун у кўчадан йигирма беш сентли танга топиб олди. Бу ҳам унинг ҳаётидаги йирик, ҳатто фожиали бир ҳодиса эди. Танга унинг кўзларига ярқираб кўринган замоноқ, у бу пулни нима қилишини ўйлаб қўйган эди. Одатда уйда ейдиган ҳеч нарса бўлмайди. Бу пулни ўз ойлиги каби онасига бериши керак. Нима қилиши аниқ, лекин Жонни ҳеч қачон чўнтагида пул олиб юрмаган, у ширинликни жуда соғиниб қолган эди. Юраги эзилиб конфет егиси келар, конфет ейиш эса фақат бирор тантанали кунларда муяссар бўларди.

Жонни ўзини алдамоқчи эмасди, гуноҳ иш қилаётганини биларди, шундай бўлса ҳам ўн беш сентни ялло қилиб сарфлади. Ўн сентини бошқа бир кунга сақлаб қўйди. Лекин пул сақлашга одатланмаганидан пулини йўқотиб қўйди. Бу бахтсизлик Жонни виждон азобига



тушиб юрган пайтларда содир бўлди. У буни тасодифий бир нарса эмас, худонинг қаҳрига учрадим деб ўйлади. Қаҳри келган илоҳий кучларнинг ғазабига учраши яқинлашиб келаётганини сезди. Гуноҳини худо кўриб турган эди, гуноҳ қилишга сабаб бўлган пулидан ҳам маҳрум қилиб худонинг ўзи унга жазо берди.

Жонни бу ҳодисага ўзининг бирдан-бир қилган жиноятидеб қарарди. Ўша гуноҳи ҳар эсига тушганда виждон азоби янгитдан қийнарди. Бу унинг жиноий сирри бўлиб қолди. Шу билан бирга Жоннидек одам бундай шароитда афсусланмай иложи йўқ эди. Топиб олган пулни яхшилаб сарф қилолмаганидан норози эди. Ўша пулга кўпроқ нарса олса бўларкан; худонинг бундай тез қаҳри келишини билганида йигирма беш сентнинг ҳаммасини сарф қилиб, худони алдаб қўя қолган бўларди. Ўша йигирма беш сентни у хаёлида минг марталаб қайта-қайта сарф қиларди, ҳар гал қилинган сарф бир-биридан ўринли бўлиб чиқарди.

Отасининг раҳмсиз оёқлари боланинг қалбида мангуга қолдирган, узоқ ва туманли ўтмишдан қолган яна бир эсдалик бор эди. Бу воқиий эсдаликдан ҳам кўра кўпроқ даҳшатли бир босинқирашга, одамзоднинг тушига кириб, бобои бобокалонлари дарахтларда яшаган замонларга олиб кетадиган аллақандай қўрқинчли атавистик хотираларга ўхшаган бир нарса эди. Бу эсдалик кундузлари, Жонни уйғоқ пайтларда сира хаёлига келмасди. Бу хотиралар уни кечаси, уйқуга кетар пайтларда келиб босарди. У қўрқиб уйқусидан уйғонар, шунда дастлаб кроватнинг оёқ тарафида кўндаланг ётгандай туюларди. Кроватда отаси билан онасининг кўз илғар-илғамас қораси кўзига кўрингандек бўларди. Отасининг қандай одамлиги эсида йўқ эди. Отасининг бир нарсаси эсида қолган: унинг оёқлари ўлгидек қаттиқ, туртгани-туртган эди.

Унинг ёдида ёш болалик вақтларидан баъзи нарсалар сақланиб қолган, кейинги йиллардан эса ҳеч нарса эсида қолмаган. Ҳамма кунлар бир хил эди. Хоҳ кечаги куни, хоҳ ўтган йилни минг йил деса ҳам, бир минут деса ҳам бўлади. Ҳеч қачон ҳеч қандай ҳодиса рўй бермасди. Замон юришини белгиловчи бирор ҳодиса рўй бермасди. Вақт юришини тўхтатган, бир жойда турарди. Фақат тиниб-тинчимаган машиналар ҳаракат қи-

лар, лекин тобора тезроқ айлансалар-да, барибир ҳеч қаерга жилмасдилар.

Жоннининг ёши ўн тўртга кирганда крахмал цехига ишга ўтди. Бу жуда катта ҳодиса эди. Бу шундай катта ҳодиса эдики, уни бир кечада, ҳатто бир ҳафтада ҳам унутиб бўлмасди. Унинг ҳаётида янги давр бошланди. Бу давр Жонни учун бир олимпиададек гап эди, янги даврнинг бошланиши эди. Энди Жоннининг оғзидан: «Крахмал цехига ўтганимда», ёки «Крахмал цехида ишлай бошлаганимдан кейин» ё «олдин» деган сўзлар тушмай қолди.

Жонни ўзининг ўн олтига тўлган кунини, тўқув цехига, тўқувчилик дастгоҳига ўтиш билан нишонлади. Бу ишда ҳам манфаатдорлик бор эди, чунки ишлаганига қараб ҳақ тўланарди. Жонни бу ерда ҳам ўзини кўрсатди, чунки фабрика шароити уни аллақачон такомиллашган машинага айлантирган эди. Орадан уч ой ўтгач, у икки дастгоҳда, сўнг уч, ҳатто тўрт дастгоҳда *ишлайдиган бўлди.*

Шу цехда икки йил ишлагандан кейин у бошқа барча ишчиларнинг ҳар биридан анча кўпроқ мата тўқийдиган, ўзига нисбатан камроқ эпчил ўртоқларига қараганда икки баравар ортиқроқ маҳсулот берадиган бўлиб қолди. Мана энди, бутун кучини сарф қилиб ишлай бошлагач, уйда ҳам тирикчилик яхшилана борди. Лекин шундай бўлса ҳам унинг иш ҳақи оила эҳтиёжини тўла қоплай олмас эди. Укалари улғайди, энди кўпроқ овқат ейишарди, мактабга қатнашарди, дарсликлар эса пулга келади. У қанчалик ғайрат билан ишлаган сари нарх-наво, тирикчилик ҳам нима учундир тобора қимматлаша борарди. Йиқилиб кетай-йиқилиб кетай деб турганига қарамай ижарага олиб туришган уй ҳақи ҳам ошиб кетди.

Жонни катта бўлиб қолди, шу сабабдан у яна ҳам ориқроқ кўринарди. Унинг асаблари жуда бузилган, ўзи сиркаси сув кўтармайдиган ва сержаҳл бўлиб қолган эди. Болалар аччиқ тажрибада кўриб, ундан ҳайиқадиган ва ундан нарироқ юрадиган бўлиб қолдилар. Онаси оиланинг боқувчиси деб уни ҳурмат қилар, шу билан бирга ундан бир оз қўрқар ҳам эди.

Унинг ҳаётида севинч деган нарса бўлмасди. У кун-



дуз ёруғини кўрмас, кечалари эса бехаловат ухларди. Қолган вақтини у иш билан ўтказарди, унинг онги ҳам машинага ўхшаб қолганди. Бундан ташқари у ҳеч нарсани кўрмас, ҳеч нарсани билмас эди. У ҳеч нарсага қизиқмас, ҳеч нарсага интилмасди, фақат битта ширин хаёлга — ҳар куни ажойиб кофе ичаман деган хом хаёлга қаттиқ ишонарди. У руҳий ҳаётдан маҳрум бир иш ҳайвони бўлиб қолганди. Қаердадир, онгининг бир бурчида, унинг ўзи ҳам сезмаган ҳолда, қилган ишларининг ҳар бир соатидан, ҳар бир ҳаракатидан аллақандай бир асар йиғилиб қола бошладики, буларнинг ҳаммаси йиғилиб, унинг ўзини ҳам, кичкина дунёсини ҳам ҳайрон қолдирган оқибатга олиб келди.

Бир куч, кеч кўклам чоғида, Жонни ишдан одатдагидан ҳам кўра чарчаган ҳолда қайтди. Дастурхон ёнида ўтирганларнинг жуда вақти чоғ эди. Лекин у ҳеч нарса сезмади. У жим ва қовоғи солиқ ҳолда ўтириб, апилтапил овқат еди. Болалар эса ҳайҳайлашиб, томоқларини тақиллатиб маза қилганларини билдиришар эди. Лекин Жонни ҳеч нарса сезмади.

— Нима еётганингни биласанми?— деб сўради ниҳоят сабри чидамаган онаси. У товоққа паришонлик билан кўз ташлади, кейин онасига қаради.

— «Сузувчи орол» — деди онаси, ғурур билан.

— Ҳа-а, — деди Жонни, бепарвогина.

— «Сузувчи орол!»— деб баравар қичқиришди болалар.

— Ҳа-а,— деб такрорлади у ва яна бир-икки қошиқ овқат ичгандан кейин:— Нима учундир бугун овқат егим келмаяпти,— деб қўшиб қўйди.

У қошиғини қўйиб, стулни нари сурди-да, базўр ўрнидан турди.

— Мен бир оз ётай.

Ошхонадан чиқаркан, Жонни оёғини одатдагидан ҳам мадорсизлик билан зўрға судраб босарди. Ечиниш ундан ҳам қийин бўлиб кетди. Ҳолсизликдан йиғлаб юборди ва бир оёғидаги бошмоғини ечмай, ўрнига ётди. Унинг бошида аллақандай шиш пайдо бўлгандек, у тобора ўсиб кетаётгандек туюлар, бундан эса фикрлари сочилиб борарди. Унинг ингичка бармоқлари худди билагидек йўғон тортиб кетгандек, бармоқларининг учи эса пахтадек юмшоқ туюлар, фикрлари сингари бармоқлари ҳам итоат қилмасди. Бели зирқираб оғрирди,

ҳамма суяклари сирқирарди, аъзойи бадани қақшаб оғрирди. Миясида миллионлаб машиналар чийиллашар, гувиллашар ва ғижирлашарди. Бутун борлиқни тўхтовсиз югуриб турган мокилар босиб кетгандай. Ўйлар ярқираб турган юлдузлар орасида у ёқдан-бу ёққа гир айланишади. Унинг якка ўзи минглаб дастгоҳни бошқаради, дастгоҳлар эса борган сари тезроқ ишлар, мокилар тобора тезроқ айланарди, унинг мияси эса тобора тезроқ чўзилиб, ингичка ипга айланиб борар, бу ипни эса минглаб дастгоҳлар дугларга ўраб, тортиб кетмоқда эди.

Эртаси куни Жонни ишга бормади. У бошқа иш билан, унинг миясида гувиллаётган минглаб дастгоҳлар билан банд бўлиб қолди. Онаси фабрикага кетди, аммо олдин докторга одам юборди. Доктор Жонни қаттиқ тумов бўлибди деди. Акасига Женни қараб турди, доктор айтганларининг ҳаммасини қилди.

Касали оғир кўчди, фақат бир ҳафтадан кейингина Жонни кийиниб, уй ичида гандираклаб зўрға юра бошлади. Яна бир ҳафтадан кейин ишга чиқса бўлади деди врач. Якшанба куни тўқувчилик цехининг мастери уни кўргани келди. Ўша куни Жонни анча енгиллашган эди.

— Цехдаги энг яхши тўқувчимиз у,— деди мастер, Жоннининг онасига. — Ўрнига ҳеч кимни олмай турамиз. Яна бир ҳафтадан кейин, янаги душанбага ишга чиқса ҳам бўлади.

— Ҳеч бўлмаса раҳмат ҳам демайсан, Жонни, — деди ташвишланиб она.— Аҳволи шу қадар оғир кўчдики, ҳалигача ўзига келгани йўқ,— деб тушунтирди у, мастерга.

Жонни букчайганича ерга тикилиб ўтирар эди. Мастер кетганидан кейин ҳам у анча вақтгача шу вазиятда ўтирди. Ташқарида қоронғу тушди, овқатдан кейин Жонни бир оз ўтириш учун эшик олдига чиқди. Баъзан унинг лаблари қимирлар эди. Унинг мияси сон-саноқсиз ҳисоб билан банддек туюларди.

Эртасига ҳаво исиган эди, у яна эшик олдига чиқиб ўтирди. Унинг қўлида қалам билан қоғоз бор эди. У анчагача зўр бериб нималарнидир ҳисоблаб ўтирди.

— Миллиондан кейин нима келади?— деб сўради у, чошгоҳда Вилли мактабдан қайтиб келгандан кейин.— Уни қандай санашади?



Кечга бориб ҳисоб-китобни тамом қилди. У энди ҳар кун қоғоз-қаламсиз, эшик олдига чиқиб ўтирарди. У кўчанинг нариги томонида ўсган якка-ёлғиз дарахтга узоқ тикилиб ўтирарди. У бу дарахтни соатлаб кузатар ва айниқса шамолдан шохлари қимирлаганда, барглари шитирлаганда чуқур қизиқиш билан кузатар эди. Бу ҳафтани у худди ўз ўзи билан суҳбат қилаётгандай бир тарзда ўтказди. Якшанба куни у эшик олдида ўтирарқан кўп йиллардан бери катта ўғлининг кулганини эшитмаган онасини зўр ташвишга солиб, бир неча марта хахолаб кулиб ҳам юборди.

Эртасига душанба куни онаси Жоннини уйғотиш учун кровати олдига келди. Касал бўлгандан бери Жонни яхшилаб уйқуга тўйиб олганди, шунинг учун у қистатиб ўтирмади. дарров уйғонди. У онасини қийнамади, илгаригидек кўрпага ёпишмади, у тинч ётар эди.

— Овора бўлма, ойижон,— деди у, хотиржамлик билан.

— Вой, кечга қоласан ахир. — деди онаси, уни ҳали уйқудан турмаган гумон қилиб.

— Ухлаётганим йўқ, ойи, бекорга овора бўляпсан. Яхшиси мени ўз ҳолимга қўй. Барибир, турмайман.

— Ишдан ажраб қоласан ахир! — деди онаси.

— Турмайман дедим-ку, — деб такрорлади Жонни, овози ҳам аллақандай ёт ва совуқ эди.

Ўша куни онасининг ўзи ҳам ишга бормади. Боланинг касали маълум бўлган касалларнинг ҳаммасидан ҳам бадтарроқ эди. Она безгакни, босирқиш касалларини кўрган, лекин бу жиннилик-ку. Она ўғлининг устини ўраб қўйди-да, қизини докторга юборди.

Доктор келганда, Жонни тинчгина ухлаб ётар эди. У ўшандай тинчгина уйғонди, доктор унинг томирларини ушлаб кўрди.

— Ҳечқиси йўқ.— деди доктор.— Болангиз жуда заифлашиб қолган, албатта. Қоқ суяг-у, териси қолибди.

— У ҳамма вақт ҳам шундай эди, — деди онаси.

— Бор энди, ойижон, мен бир ухлаб олай.

Жонни буни жуда беозор ва мулойимлик билан айтди. худди шу тарзда бепарво бошқа ёнбошига агдарилди-да, яна уйқуга кетди.

Соат ўнда уйқусидан уйғонди ва ўрнидан туриб, ошхонага чиқди. Онаси унга чўчиб қаради.

— Мен кетяпман, ойи,— деди у,— кел, хайрлашайлик.

Она пешбанди билан юзини бекитди, стулга ўтирди-да, йиғлаб юборди.

Жонни сабр билан кутиб турди.

— Қандай кунларга қолдим! — деди ниҳоят кўз ёшини оқизиб туриб она. Кейин пешбандини тушириб, қўрқув аралаш Жоннига қаради. Унинг қарашида ҳатто қизиқиш ҳам йўқ эди. — Ахир қаёққа борасан?

— Билмайман... бирор жойга кетарман.

Кўчанинг нариги томонида ўсган ёлғиз дарахт Жоннинг кўз олдига келди. Бу дарахт унинг миясига шундай қаттиқ ўрнашиб қолган эдики, у истаган вақтда дарахтни тасаввур қила оларди.

— Ишинг нима бўлади?— деб титроқ товуш билан сўради она.— Энди ишламайман.— Нималар деяпсан, Жонни!— деди онаси.— Сенга нима бўлди ўзи?

Она ўғлининг гапини куфрга йўйди. Ўғлининг худога қарши айтган сўзи диндор онани қандай даҳшатга солса, Жоннининг гаплари ҳам онанинг кайфини худди ўшандай учириб юборди.

— Ахир сенга нима бўлди— деди у, ўз ҳукмини ўтказишга сал бўлса ҳам тиришиб кўриб.

— Рақамлар, рақамлар...— деб жавоб берди у.— Рақамлар, холос. Мен кейинги ҳафта ичида роса ҳисоблаб кўрдим — ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

— Тушунмаяпман, рақамларинг нимаси? — деди йиғламсираб она.

Жонни тоқат билан илжайди. Онаси ундаги асабийлик мутлақо йўқ бўлиб кетганидан ҳайрон қолди.

— Ҳозир тушунтириб бераман,— деди у.— Мен тинкам қуриб. ишдан чиқиб қолдим, нима сабабдан? Ҳаракатдан. Туғилган кунимдан бери ҳаракат қиламан. Жуда чарчадим, ортиқ қимирлашга тоқатим йўқ. Шиша заводида қандай ишлаганим эсингдами? Ҳар куни уч юз дюжина шишани қўлдан ўтказардим. Ҳисобимга кўра ҳар бир шиша ўн марта ҳаракат қилишни талаб этади. Бу ҳар кун ўттиз олти минг ҳаракат деган сўз. Ўн кунда — уч юз олтмиш минг, бир ойда бир миллион саксон минг ҳаракат бўлади. Саксон мингни ҳатто олиб ташлай қолинг,— деди у, сахийлик билан. — Ўшанда ҳам ойига бир миллион ёки, йилига ўн икки миллион ҳаракат бўлади. Тўқимачилик дастгоҳи ёнида мен икки мартаба



кўп ҳаракат қилдим, бу бир йилига йигирма беш миллион ҳаракат бўлади. Назаримда, мен миллион йилдан бери тўхтовсиз ҳаракат қилаётгандекман.

Мана шу ҳафта ичида мен ҳеч қандай ҳаракат қилмадим, баъзан бир неча соатлаб мутлақо ҳаракатсиз ўтирдим. Ишламасдан бекор ўтириш, шундай жим ўтириш қандай яхши! Мен шу чоққача бахт нима эканлигини билмадим. Ҳеч қачон бўш қолмаганман. Бутун умрим ҳаракатда бўлди. Бунда қандай шодлик бўлсин?. Энди ишламайман. Ҳамма вақт мана шундай ўтираман, доим дам оламан... кейин яна дам оламан.

— Вилли, бошқа укаларинг нима бўлади? — деб ожизлик билан сўради она.

— Ҳа-я, Вилли, укаларим...— деб такрорлади у.

Унинг овозида ўкинч йўқ эди. Онасининг кичик укасидан умиди зўр эканини Жонни кўпдан бери биларди, лекин ҳозир унга бу ҳам алам қилмади, энди унга барибир эди.

— Ойи, Виллини нима қилмоқчи бўлиб юрганингни биламан. У мактабни битириб, бухгалтер бўлишини истайсан. Э-э, бас энди. Бошқа ишламайман. Энди у ишласин.

— Мен эса сени парвариш қилиб, вояга етказдим, оқибат шу бўлдими? — деди-да, онаси яна йиғлаб юборгач, пешбандини кўтарди-ю, аммо юзини бекитмади.

— Мени сен ўстирган эмассан,— деди Жонни, ювошгина ва ғамгинлик билан.— Мен ўзимни ўзим ўстирдим. Виллини ҳам мен ўстирдим. У мендан бақувватроқ, соғломроқ ва баландроқ. Мен ёшлигимдан бошлаб тўйиб овқат емадим. Ундан кейин Вилли оч қолмасин деб ҳам ишладим. Энди бас. Энди менга ўхшаб Вилли ишласин, ишламаса — очдан ўлсин, менга барибир. Бўладиганим бўлди. Мен энди кетаман...

Она жавоб бермади. У юзини пешбанди билан беркитиб, яна йиғлади. Жонни эшик олдида бир оз тўхтади.

— Ахир мен қўлимдан келганини қилдим-ку,— деди она, кўз ёшларини оқизиб.

Жонни уйдан чиқди-да, кўчадан юриб кетди, Ёлғиз турган дарахтга қараб, секин илжайиб қўйди.

— Энди ҳеч ишламайман,— деди у, ўз-ўзига аста ва қироат билан. Кейин ўйчан ҳолда осмонга қаради-ю, кўзини юмди: қуёш шуъласи кўзларини қамаштирди.

Унинг босадиган йўли узоқ, лекин у шошилмасди. Мана жут фабрикаси. Қулоғига тўқувчилик цехидан гувиллаган шовқин эшитилди. У илжайиб қўйди. Бу ювошгина ва мулойим табассум эди. У ҳеч нарсадан гина қилмас, ҳеч нарсадан кеки йўқ эди, ҳатто тақирлаётган ва ғижирлаётган машиналарга қарши ҳам унда нафрат ҳисси йўқ эди. Кўнглида алам, армон йўқ, унинг бирдан-бир орзуси, чексиз истаги — ором олиш эди.

Шаҳардан ташқари чиққан сари кенг далалар ёйилиб борарди. Фабрикалар, уйлар сийраклашиб бориб, охири шаҳар орқада қолди. У темир йўл ёқалаб салқин хиёбондан борарди. Унинг қадам ташлаши одамнинг қадам ташлашига ўхшамас, умуман ўзи ҳам одамга ўхшамасди, у одамнинг кулгили бир тасвири, ҳолдан тойган, абжақ бўлган бир махлуққа ўхшарди. Худди касал маймундек қўллари икки ёнига осилган, букчайган, кўкрак қафаси тор, даҳшатли бир вужуд гандираклаб борарди.

Кичик бир темир йўл станцияси олдидан ўтиб, дарахт остидаги майсага чўзилди. У кун бўйи ўша ерда ётди. Вақти-вақти билан у уйқуга кетар ва уйқусида мускуллари ирғиб-ирғиб кетарди. Уйқудан кўзини очиб, яна қимир этмай ётар, қушларни кузатар ёки боши устидаги шохлар орасидан осмонга қararди. Бир-икки марта у, ҳеч қандай сабабсиз хахолаб кулди ҳам.

Ғира-шира қуюқлашиб, ҳамма ёқни қоронғулик босганда, шовқин-сурон солиб станцияга товар поезди келиб қолди. Паровоз вагонларнинг бир қисмини запас йўлга ўтказиб бўлгунча, Жонни секингина поездга яқинлашди. У бўш вагонлардан бирининг эшигини очди-да, бир амаллаб вагон ичига кириб олди. Кейин вагоннинг эшигини ёпди. Паровоз ҳуштак берди. Жонни қоронғуда қимирламай ётар ва илжаяр эди.





## БУЮК СЕҲРГАР

Қишлоқ аҳолиси зўр ташвишда. Хотин-халаж чинқиришиб, лаби-лабига тегмай тўхтовсиз жовраша ди. Эркакларнинг қовоғи солиқ, улар шубҳа билан атроф-теваракка қарайдилар, ҳатто итлар ҳам безовталаниб, дайдиб юрадилар, улар ҳам бутун қишлоқни қоплаб олган ҳаяжонли ташвишни ғира-шира сезиб, фалокат юз берган ҳамон ўрмонга қараб қочишга тайёрланадилар. Ҳамма шубҳада. Ҳеч ким ўз қўшнисига ишонмас, қўшниси ҳам шу хилда унга шубҳа билан қараётганлигини биларди. Ҳатто болалар ҳам ювош бўлиб қолган, бутун ҳодисанинг айбдори кичкина Ди-Йа онаси Гуниядан, кейин отаси Боундан роса калтак еб, қирғоқдаги тўнкариб қўйилган қайиқ остига яшириниб олди, энди аҳён-аҳёнда бир шилқиратиб бурнини тортиб атрофга қараб ўтирар эди.

Энг ёмони шундаки, шу қишлоқлик шаман Скунду одамлар назаридан қолган, шунинг учун унинг машҳур сеҳргарлик санъатини ишга солиб, жиноятчини топиб бўлмайди. Бундан бир ойча илгари қабила аъзолари Тонкинга меҳмондорчиликка боришди, у ерда Чаку-Жим йигирма йил давомида тўплаган бойлигини сарф қилиб, зиёфат берди. Шунда шаман Скунду жанубдан йўловчи шамол юради деб башорат қилган эди. Охирида нима

бўлди? Белгиланган кун бирдан шимол томондан шамол уриб берди. Шамол шу қадар кучли бўлдики, энг олдин йўлга чиққан учта қайиқнинг бирини денгизга суриб кетди. Қолган иккиси қирғоқ тошига урилиб, парча-парча бўлди, бир кичкина бола сувга ботиб ўлди. Кейин Скунду пол очганимда хатога йўл қўйибман, зарур бўлган ип тортилмаган экан деб тушунтирди. Лекин одамлар унга қулоқ солмадилар; унга ҳеч ким гўшт, балиқ ва тери совға қилмай қўйди. Кейин одамлар уни ўз уйига кириб олиб, кунларини рўза тутиш ва қайғу-аламда ўтказаётган бўлса керак деб ўйладилар. Ҳақиқатда эса Скунду яшириб қўйган жойидаги бой овқат запасларини еб ётар ва одамларнинг бевафолиги ҳақида ўйлар эди.

Гуниянинг одеяли йўқолди. Жуда яхши, қалин, иссиқ одеял эди. Гуния бу одеялни деярли сув текинга олганлиги учун ҳам доим мақтаниб юрарди. Қўшни қишлоқлик Ти-Куон жуда гўл одам экан, бўлмаса шундай одеялни арзон-гаровга бериб қўя қолармиди. Тўғриси, Гуния бу одеял ўлдирилган бир инглизники эканлигини билмасди. Бу инглиз ғойиб бўлганда, Қўшма Штатларга тегишли полиция катери узоқ вақт қирғоқдан узоқлашмай турди. Қайиқлари эса бўғозлар ва бухталарнинг энг яширин жойларини ҳам ағдар-тўнтар қилиб, роса ахтардилар. Шунинг учун ҳам Ти-Куон ҳукумат қабиладошларимни жавобгар қилмасин деб, бу одеялни тезроқ сотиб юборишга ошиққанди. Лекин Гуния бундан хабарсиз бўлиб, одеялни мақташ билан овора эди. Ҳамма хотинларнинг одеялга ҳаваси келганидан Гуниянинг шуҳрати ортгандан ортиб борди ва довруғи қишлоқдан ҳам ташқари чиқиб, бутун Аляска қирғоқлари бўйлаб Датч-Харбордан то муқаддас Мария бухтасигача бориб етди. Ҳамма ерда унинг одеялини мақташар эди. Ҳар ерда унинг антиқа ўлжаси тўғрисида гап бўларди, эркаклар қаерда тўпланмасин — балиқ овидами, зиёфатдами—ҳамма ерда, Гуниянинг одеяли огиздан тушмас, унинг қалинлиги ва иссиқлиги тўғрисида гурунг кетарди. Бу одеялнинг йўқолиши жуда ғалати ва сирли иш бўлди.

— Мен уни эндигина худди уйим олдига офтобга ёйиб қўйган эдим,— деб мингинчи марта зорланар эди Гуния, Тлинкет қабиласи хотинларига.— Одеялни ёйиб, эндигина ўгирилган эдим, негаки анови ярамас ўғри Ди-Йа хом хамирдан еб кўрмоқчи бўлиб, бошини катта қозонга суқибди, қозонга йиқилиб тушибди-да, хамирга боши билан шўнғиб кетибди, оёқлари худди шамолда қимирлаган дарахт шохлари каби қимирлаб турибди. Уни хамирдан суғириб ақл кирсин деб бошини эшикка бир-икки ургунимча йўққи, қарасам, одеял йўқ-да.



— Одеял йўқолди дегин!— деб шивирладилар қўрқиб кетган хотинлар, унинг гапини илиб олиб.

— Ёмон бўлди,—деди Гуния.

— Шундай одеял-а!— деди бошқа бир хотин.

Лекин хотинлар ҳамма ҳавас қилиб юрган лаънати одеял йўқолганидан ич-ичидан хурсанд бўлдилар.

— Эндигина офтобга ёйиб қўйган эдим-а,—деб гап бошлади Гуния, минг биринчи марта.

— Ҳа, ҳа,—деб унинг сўзини кесди бу ҳикоя жонига теккан Боун.—Лекин қишлоқда ёт одам йўқ эди. Шунинг учун ҳам одеялни ўғирлаган одам ўз қабиламиздан эканлиги аниқ.

— Қўйсангчи бўлмағур гапларни, Боун!—деб норозилик билдиришди хотинлар.—Бизнинг орамизда бундай одам йўқ.

— Бўлмаса, биров жодугарлик қилган,—деди Боун, совуққонлик билан ва атрофдаги хотинларга муғомбирлик билан қараб қўйди.

— Жодугарлик!—деган сўз айтилиши биланоқ хотинлар жим бўлиб қолишди ва қўрқа-писа бир-бирларига қарашди.

— Ҳа,—деб қасос ҳисси бир зумга уйғонган Гуния хотинларни чақиб олди.—Клок-Но-Тонни олиб келгани кучли бир эшкакчи юборилди. Кечқурунги сув кўтарилганда шу ерда бўлади.

Халқ тарқала бошлади, бутун қишлоқни қўрқув босди. Фалокатларнинг энг ёмони — жодугарлик. Шайтон хоҳлаган одамнинг ичига — хоҳ эркак, хоҳ хотин, хоҳ ёш бола ичига кириб олган бўлиши мумкин, лекин ҳеч кимга аён эмас. Кўзга кўринмас, тутқич бермас кучларга қарши шаманларгина кураша олади, ўлкадаги шаманларнинг ичида жин-ажиналарга даҳшат соладигани эса қўшни қишлоқлик Клок-Но-Тон эди. Жин-ажиналарни ҳеч ким ундек кўп топа олмайди, ҳеч ким гуноҳкорларни у қадар мудҳиш қийноқларга сололмайди. Бир марта иблис ҳатто уч ойлик чақалоқнинг ичига кириб олган экан. Бу ажина жуда ҳам ўжар экан. Уни ҳайдаб чиқариш учун чақалоқни бир ҳафтагача ажриққа ағнатиб қўйишга тўғри келди.

Чақалоқнинг ўлигини денгизга ташладилар, лекин тўлқин худди бутун қишлоқ аҳлига лаънат ўқиётгандек, уни ҳадеб қирғоққа улоқтириб ташлайверди. Иккита бақувват эркак сув қайтаётган пайтда ғарқ бўлиб кетганларидан кейингина, боланинг ўлиги қайтиб чиқмади.

Гуния мана шу Клок-Но-Тонни олиб келиш учун одам юборибди. Ўзимизнинг шаман Скунду назардан қолмаган бўлса ҳам гўрга эди. У одатда бу қадар кескин чораларни кўрмасди, бир кун у, бир эркакнинг ичига кириб олган иккита шайтонни ҳайдаб юборди, ўғил киши кейин еттита бола туғдириб, ҳаммасини боқиб катта қилди. Клок-Но-Тончи! Уни эсга олганда, ёмон бир фалокат келишидан қўрқиб одамларнинг капалаги учар эди. Қишлоқдаги ҳар бир киши ҳам ҳамма менга шубҳа билан қараётир деб ўйлар, шундай деб ўйлаган одамнинг ўзи ҳам бошқаларга худди ўшандай шубҳа билан қарарди. Симэдан бошқа ҳамма шуни ҳис қилар эди, лекин Симэ худосиз одам эди, бора-бора у катта бир фалокатга учраши турган гап, албатта. Лекин шу вақтгача у бирор фалокатга учрагани йўқ.

— Ҳо-ҳо,— деб кулар эди у.— Иблис эмиш! Клок-Но-Тоннинг ўзи ҳар қандай иблисдан баттар-ку, ундай ёвуз одамни бутун тлинкетлар тупроғидан тополмайсиз.

— Вой тентак-э! Шошмай тур ҳали, ҳадемай бутун сеҳр-афсунлари билан етиб келади. Яхшиси, тилингни тий, бу гапларнинг касофати уриб, умринг қисқариб қолмасин яна!

Алдоқчи деб лақаб берилган Ла-Лах шундай деди, лекин Симэ бунга жавобан кулиб қўя қолди.

— Мени Симэ дейдилар, қўрқув нималигини билмайман, жаҳолатдан қўрқмайман. Марҳум отамдек кучлиман, каллам ҳам жойида. Ахир жин-ажиналарни на мен, на сен кўрган эмасмиз-ку, ҳеч ким ҳам кўрмаган!

— Скунду эса кўрган,— деб эътироз билдирди Ла-Лах.—Клок-Но-Тон ҳам кўрган. Биз буни биламиз.

— Сен қаёқдан биласан буни, вой аҳмоқ-э!— деб шанғиллаб берди Симэ, унинг ҳўкизникидек йўғон бўйни қон қуйилиб, қизариб кетди.

— Мен буни уларнинг ўз оғзидан эшитганман,—шунинг учун биламан.

Симэ пиқ этиб кулиб юборди.

— Шаман ҳам бир одам-да. Унинг сўзлари ҳам меники ёки сеникига ўхшаб ёлғон бўлиши мумкин эмасми?



Туф-э! Туф! Яна бир марта туф! Мана, жин-ажиналар-у, шаманларингга берадиган жавобим шу! Мана сенга! Мана сенга!

Шундай деб Симэ бармоқларини қарсиллатиб, ўз йўлига кетаверди, оломон эса унга ҳурмат ва қўрқув аралаш йўл бўшатиб берди.

— Яхши овчи, уста балиқчи-ю, лекин ёмон одам,— деди одамлардан бири.

— Шундай бўлса ҳам ҳамма вақт унинг омади юрган,—деди бошқаси.

— Сен ҳам ёмонлар қаторига қўшила қол, сенга ҳам омад келади,— деб қайрилиб қарамай гап ташлади Симэ.—Агар ҳаммамиз ёмон бўлсак, шаманларга иш қолмасди. Уфф! Ҳаммангиз ҳам ёш болаларга ўхшаб бўлмағур нарсалардан қўрқиб юрасизлар.

Кечқурун денгиз суви кўтарилган пайт Клок-Но-Тон тушган қайиқ соҳилга келиб урилганда ҳам Симэ одобсизлик қилиб куларди, ҳатто шаман қирғоққа туша туриб қоқилиб кетганини кўриб, уни аския қилиб ҳам қўйди. Клок-Но-Тон қовоғини солиб, унга бир қараб қўйди-ю, ҳеч нарса демасдан ғоз юриш қилиб, кутиб турган одамлар олдидан ўтиб кетди ва тўғри Скундунинг уйига қараб юрди.

Бу учрашув пайтида нима гаплар бўлгани қабила сдамларига номаълум қолди, чунки икки буюк сеҳргар ўзаро суҳбатлашар эканлар, одамлар одоб сақлаб узоқроқда туришар, ҳатто шивирлаб гапиришар эдилар.

— Салом, Скунду!— деб дўриллади Клок-Но-Тон, у Скунду қандай қаршилашини аниқ билмаганидан бир оз хавотирда эди.

Клок-Но-Тон девқомат одам бўлиб, кичкина Скундуга қараганда уни минора деса бўларди. Скунду алик олганда, узоқдан қора чигиртка чириллагандек бўлди.

—Салом, Клок-Но-Тон,— деди у. — Қадамларингга ҳасанот.

— Ҳалиги тўғрими...— деди-ю, Клок-Но-Тон тутилиб қолди.

— Ҳа, ҳа,—деб чидамсизлик билан унинг сўзини бўлди кичкина шаман.— Тўғри, бошимга оғир кунлар келди; акс ҳолда менинг вазифамни бажаришга келган одамга ташаккур айтиб турган бўлмасдим.

— Бу хабар мени жуда хафа қилди, дўстим Скунду...

— Мен эса хурсандман.

— Топганимнинг ярмиси сенга.

— Йўғ-э, ҳурматли Клок-Но-Тон,— деди Скунду, қўлини кўтариб, норозилик билдирар экан.—Аксинча, шу бугундан бошлаб қулинг ва қарздорингман, умримнинг охиригача сенга хизмат қилишга тайёрман.

— Мен ҳам...

— Ҳозир менга хизмат қилишга тайёр турганинг каби.

— Бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Менга қара, Гуния деган хотин одеялини ўғирлатибди, буни қийин иш деб ўйлайсанми?

Янги келган шаман калаванинг учини топишга шошилиб, хато қилди. Скунду мийиғида кулиб қўйди, у одамларнинг кўнглидаги гапларни билиб туришга ўрганиб қолганди, шунинг учун ҳеч кимни назар-писанд қилмасди.

— Ҳамма вақт кескин чоралар кўриб келгансан,— деди у.—Ўғрини бирпасда топиб олишингга сира шубҳам йўқ.

— Ҳа, бир зумда топаман, фақат бир назар ташласам—бўлгани,—деди-ю, Клок-Но-Тон яна тутилиб қолди.— Бирор бегона одам йўқмиди бу ерда?—деб сўради у.

Скунду бош чайқади.

— Бунга қара! Ажойиб нарса-а, нима дединг?— деб Скунду буғу ва морж терисидан тикилган чойшабни кўрсатди. У меҳмоннинг чойшабга қизиқиш билан кўз қирини ташлаб қўяётганини сезиб қолганди.

— Жуда арзон тушириб олганман,—деб қўшимча қилди у.

Клок-Но-Тон диққат билан қулоқ солар экан, тушундим дегандек бош иргатди.

— Мен буни Ла-Лах деган одамдан олдим. Бу одам жуда эпчил йигит. Шунда миямга лоп этиб бир фикр келди...

— Қани, қани,—деб юборди сабрсизлик билан Клок-Но-Тон.

— Миямга бир фикр келди,—деб гапини тугатди у, бирпас жим туриб:—Кескин чоралар кўришга устасан, қадамларингга ҳасанот, Клок-Но-Тон,— деб қўшиб қўйди.

Клок-Но-Тоннинг юзи ёришиб кетди.

— Буюк одамсан, Скунду, шаманлар шаманисан. Сени сира эсимдан чиқармайман. Энди борай. Ла-Лах эпчил одам дегин?

Скунду яна мийиғида кулиб қўйди, меҳмонни чиқариб юбориб эшикни ёпди, эшикка икки қават тамба солиб қўйди.



Клок-Но-Тон Скундунинг уйидан чиққанда, Симэ қирғоқда қайиғини тузатиб ўтирган эди. У ишини тўхтатиб, ҳамманинг кўз олдида милтиғини ўқлаб ёнига қўйди.

Шаман буни кўз остига олиб қўйди-да:

— Қабиланинг ҳамма одамлари мана шу ерга йиғилсин,— деб қичқирди.— Шундай деб жин-ажиналарни топа оладиган ва уларни қува оладиган мен Клок-Но-Тон буюраман.

Клок-Но-Тон бошда одамларни Гуния уйига тўпламоқчи эди, лекин у Симэнинг буйруққа итоат қилишига ишонмасди; жанжал кўтаришни эса истамасди. Симэга ўхшаган одамлар билан, яхшиси, ади-бади айтишиб ўтирмаслик керак, айниқса, шаман бундан эҳтиёт бўлиши зарур деб ўйлайди у.

— Гуния деган хотинни чақиринглар, — деб буюрди Клок-Но-Тон, атрофга йиртқичларча назар ташлаб. Унинг қарашларидан ҳамманинг бадани жимирлаб кетди.

Гуния ҳеч кимга қарамай, бошини қуйи солиб ўртага чиқди.

— Одеялинг қани?

— Эндигина офтобга ёйиб қўйган эдим, бир зумда йўқ бўлиб қолди,— деб кўз ёши қилди Гуния.

— Ҳа-ҳа!

— Ҳаммасига Ди-Йа сабабчи.

— Ҳа-ҳа!

— Ўзини ҳам роса адабини бердим, яна бераман ҳали, чунки бошимизга фалокат келтирди, биз эса камбағал одамлармиз.

— Одеялдан гапир!—деб бўғиқ товуш билан ўкирди Клок-Но-Тон, у Гуниянинг жодугарлик хизмат ҳақини камайтиришга уринаётганини англаб қолганди.— Одеялдан гапир, ҳай хотин. Бойлигинг ҳаммага маълум.

— Одеялни эндигина офтобга ёйган эдим,— деб пиқиллаб такрорлади Гуния.— Ўзимиз камбағал одамлармиз, ҳеч вақомиз йўқ.

Бирдан Клок-Но-Тоннинг мускуллари таранг тортилди, юзлари буришиб-тиришиб кетди, Гуния эса орқага тисарилди. Лекин дам ўтмай Клок-Но-Тон шундай шаҳд билан олдинга сакрадики, Гуния гандираклаб кетиб, унинг оёғи остига йиқилди. Шаманнинг кўзлари олайиб, жағи пастга осилиб қолди. У қўлларини чўзиб, жони-

жаҳди билан ҳавони муштлайверди. Унинг бутун гавдаси худди қаттиқ оғриётгандек бураліб-бураліб кетарди. Бу ҳаракатлари тутқаноғи тутиб қолган одамнинг ҳолатини эслатарди. Лабларида оппоқ кўпик пайдо бўлди, аъзойи бадани қалтирай бошлади.

Хотинлар жазаваси тутиб, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб турдилар-да, маҳзун куй бошлаб юбордилар, эркаклар ҳам бирин-кетин умумга қўшилдилар. Бунга фақат Симэ аралашмади. У ағдарилган қайиққа миниб олиб, атрофида бўлаётган ишларга истеҳзо билан қараб ўтирди, лекин унинг томирларида қони бўлган боболарининг овози борган сари кучайиб, уни ҳам шунга ундарди. Симэ эса қўрқувни енгиш учун ўзи билган ҳамма болохонадор сўкишларни оғзига олиб, тўнғиллай бошлади. Клок-Но-Тонга қараб, одам қўрқиб кетарди. У ўзи ўралиб олган одеялни улоқтириб урди, бутун кийимларини ечиб ташлаб, қип-ялангоч бўлиб олди, белида бургут чангалини тизиб ясалган лунги қолди, холос. У у ёқдан-бу ёққа чопар, давра ўртасида гир айланар, бақириб-чақирарди, узун, қоп-қора сочлари ёйилиб кетган, худди зулмат қоронғуликнинг бир парчасига ўхшарди. Лекин жазаваси тутган Клок-Но-Тоннинг ҳаракатлари қандайдир қатъий бир ритмга бўйсунган эди. Теварак-атрофдагиларнинг ҳаммаси мана шу ритмга эргашиб, шаманнинг овозига жўр бўлганларидан кейин у бирдан тўхтади-да, бургутининг тирноғига ўхшаган узун кўрсаткич бармоғини очиб қўлини олдинга чўзган ҳолда ерга ўтириб олди-ю, қотди. Оломон орасидан гўё жон узилиш пайтидаги сингари инграқ овоз кўтарилди,—одамлар жон ҳовучлаб, титраб-қақшаб, давра-ни секин-аста айланаётган даҳшатли кўрсаткич бармоқ-дан кўзларини олмай турдилар. Чунки бу бармоқ билан бирга ўлим айланар, бармоқ кўрсатмай ўтиб кетган одам ҳаёт қоларди. Ўлимдан қутулганлар енгил тортиб, энди нима бўлишини диққат билан кутиб турардилар.

Пировардида шаман қаттиқ қичқириб юборди, унинг бармоғи Ла-Лахга қадалиб тўхтади. Ла-Лахни титроқ босиб кетди. У ўлдим энди деб ўйлади, мол-мулки талон-торож қилингани, хотини эса укасига теккани кўзига кўриниб кетди. У гапиришга уриниб кўрди, ўзини оқламоқчи бўлди, лекин тили танглайига ёпишиб, томоғи қақ-раб қолди. Клок-Но-Тон ишини қилиб бўлгач, худди беҳушдек бўлиб қолди. Лекин кўзи юмуқ ҳолда қулоқ солиб турарди: мана ҳозир таниш овоз юз ва минг мар-



талаб эшитган буюк қасос қичқириғи кўтарилади деб кутарди. У сеҳр қилиб бўлгандан кейин одатда одамлар худди оч бўрилардек, титраб турган гуноҳкорга ташланар эдилар. Аммо ҳозир ҳамма жим турарди; кимдир пиқиллаб кулиб юборди, давранинг бошқа томонидан кимдир унга эргашди, кейин кулги борган сари кучайиб борди-да, қаҳ-қаҳа овози ҳамма ёқни титратиб юборди.

—Нима гап ўзи?—деб қичқирди шаман.

Бунга жавобан одамлар:

— Ҳа-ҳа-ҳа!— деб хахолаб кулишарди.— Сеҳргарлигинг ўтмади, Клок-Но-Тон.

— Мана саккиз ой бўлдики, Севаш қабиласидаги овчилар билан тюлень овига кетган эдим,—деди дудуқланадудуқлана Ла-Лах,—бугунгина қайтиб келиб, одеял ўғирланганини эшитиб турибман.

— Бу тўғри гап,— деб ҳамма бир оғиздан Ла-Лахнинг сўзини тасдиқлади.— Гуниянинг одеяли йўқолганда, Ла-Лах қишлоқда йўқ эди.

—Сенга ҳеч нарса тўламайман, сеҳргарлигинг тўғри чиқмади,—деди Гуния. У аллақачон ўрнидан турган ва ишнинг шармандалик билан тугаганидан жони чиқиб кетганди.

Клок-Но-Тоннинг кўз олдига мийиғида кулиб турган Скунду келди, қулоғига худди қора чигиртканинг чийиллашига ўхшаган ингичка овози эшитилиб кетди, у: «Мен бу одеялни Ла-Лах деган одамдан олдим, миямга бир фикр келди... Кескин чоралар кўришга устасан. Қадамларингга, ҳасанот» деган эди.

Клок-Но-Тон Гунияни итариб ташлади-да, олдинга отилди, одамлар бенхтиёр унга йўл бердилар. Ўз қайиғида ўтирган Симэ ёмон сўзларни айтиб, уни аския қилди, хотинлар унинг юзига қараб қаҳ-қаҳлаб кулардилар, одамлар уни ҳар томондан масхара қилиб кулишарди. Лекин Клок-Но-Тон ҳеч нарсага эътибор бермай, кучининг борича Скундунинг уйига чопиб бораверди. У Скундунинг эшигини итарди, қўллари билан уриб қоқди, қичқириб лаънатлар ўқиди. Лекин ичкаридан жавоб бўлмади. Жимлик тушгандагина уйдан Скундунинг дуо-сеҳр ўқиётган овози эшитилди. Клок-Но-Тон жиннларга ўхшаб бақириб чақирди, бу ҳам бўлмагач, катта бир тошни олиб, эшикни уриб синдирмоқчи бўлди, бироқ одамлар орасида норозилик овозлари кўтарилди. Шунда Клок-Но-Тон ўзининг шуҳрати ва кучидан маҳрум бўлгани ҳолда

бошқа қабила одамлари орасида турганини эслади. У бир кишининг ерга энгашиб тош олаётганини кўриб қолди, унинг орқасидан яна бир киши ердан тош олди, шаманни қўрқув босди.

—Скундуга тегма, у сенга ўхшаган алдоқчи эмас, у, ҳақиқий сеҳргар,— деб қичқирди бир хотин.

— Яхшиси, жўнаб қол бу ердан, — деб дўқ аралаш маслаҳат берди бир киши.

Клок-Но-Тон ғоят ўсал бўлиб ва ғазабдан бўғилиб, қирғоққа йўл олди. Орқамга бирортаси тош билан тушириб қолмасин яна деб қўрқиб борар эди. Бироқ орқасидан бирорта ҳам тош отилмади. Болалар қилпанглашиб, унинг оёқлари остида ўралишиб борардилар, орқадан хахолаб кулган одамларнинг овози эшитиларди, холос. Шундай бўлса ҳам у тушган қайиқ очиқ денгизга чиққандан кейингина эркин нафас олди ва тик турган ҳолда қишлоқ аҳолисига лаънатлар ёғдирди, уни шарманда қилишда бош айбдор бўлган Скундуни айниқса кўпроқ қарғади.

Қирғоқда эса одамлар бақириб-чақириб, Скундуни талаб қилмоқда эдилар. Қишлоқнинг бутун аҳолиси Скунду эшиги олдида тўпланиб олиб, қийин-қистоқ қилар ва ожизлик билан унга ялинар эдилар. Пировардида кичкина шаман эшик олдига чиқиб, қўлини юқори кўтарди:

— Сиз менинг болаларимсиз, шунинг учун ҳам гуноҳларингизни кечирдим,— деди у. — Лекин бу энг сўнггиси. Мақсадингизга етасиз, чунки мен сирни топдим. Бугун кечаси, ой осмон гардиши орқасига ботиб, улуғ мурдаларни кўздан кечираётганда, ҳамма Гуниянинг уйи олдига тўпласин. Ўша ерда жиноятчининг ким экани ҳаммага маълум бўлади. Жиноятчи қилмишига кўра жазосини тортади. Гапим шу.

—Унинг жазоси ўлим,— деб қичқирди Боун.— Чунки у бизнинг бошимизга ғам-ғусса солишдан ташқари шармандаҳам қилди.

— Шундай бўлсин!— деб жавоб берди Скунду ва эшигини тақ этиб ёпиб олди.

—Энди ҳамма нарса равшан бўлади, тинчлик ва тартиб ўрнатилади,— деб тантанали равишда эълон қилди Ла-Лах.

— Ҳаммаси шу жиккак Скундунинг иродаси билан бўладими?— деб истеҳзо билан сўради Симэ.



— Буюк сеҳргар Скундунинг иродаси билан,— деб унинг гапини тўғрилади Ла-Лах.

— Тинкетлар — аҳмоқлар қабиласи!— деди Симэ, сонига шапиллатиб уриб.— Қап-катта хотинлар, забардаст эркаклар аҳмоқ бўлиб бўлмағур эртакларга ишониб юришганига ҳайрон қолади киши.

— Мен кўпни кўрган одамман,—деб эътироз билдирди Ла-Лах.—Мен денгизларда саёҳат қилдим, ҳар хил аломатлар ва кўп муъжизаларни кўрдим, буларнинг ҳаммаси ҳақ гап. Мен Ла-Лах...

—Алдоқчисан...

— Баъзи кишилар менга шундай лақаб таққанлар, лекин менга Сайёҳ деб ҳам тўғри ном қўйганлар.

— Мен унча кўп нарса кўрган эмасман-у...— деб бошлади Симэ.

— Демак тилингни тийиб юр,— деб унинг сўзини кесди Боун; кейин улар бир-бирларидан норози ҳолда, ҳар томонга тарқалишиб кетишди.

Қуёшнинг сўнгги кумуш нурлари осмон гардиши орқасида ғойиб бўлгач, Скунду Гуниянинг қаршисида тўпланган одамлар олдига келди. У тез ва дадил қадам босиб келарди. Жинчироқнинг хира ёруғида кўрсаларки, унинг қўли бўш, ниқобсиз, шалдур-шулдур асбоблар ва умуман сеҳргарлик ишида зарур бўлган нарсалар йўқ. Фақат қўлтиғига мудраган катта бир қарғани тиқиб олибди.

— Гулхан қилиш учун ўтин тўплаб қўйдиларингми?— деб сўради Скунду.— Ўгри топилганда ҳамма уни кўриши керак.

— Ҳаммаси тайёр,— деб жавоб берди Боун.— Ўтин етарли.

— Бўлмаса қулоқ солинглар. Гапим қисқа бўлади. Мен бу ерга Желксни олиб келдим, бу қарға ҳамма сирларни билади, ҳар қандай ишдан хабардор. Мен мана шу қора қушни Гуниянинг уйидаги энг қоронғу бурчакка ўтқазиб, устига катта қора тоғора тўнкариб қўяман. Биз жинчироқни ўчириб, қоронғуда қолишимиз керак. Бу жуда осон иш. Ҳар бирингиз навбат билан уйга кириб, қўлингизни тоғорага теккизасиз, қўлингизни бир марта чуқур нафас олгунча тоғорадан олмайсиз, кейин чиқиб кетасиз. Желкс жиноятчи ўзига шу қадар яқин эканлигини сезиб, қағиллаб юбориши керак. Ёки бошқа бир йўл билан ўзининг авлиёлигини кўрсатар. Тайёрмисиз?

— Тайёрмиз!—деб жавоб берди ҳамма, бир оғиздан.

— Ундай бўлса, бошладик. То ҳамма аёллар ҳам, эркаклар ҳам уйга кириб чиққунча битта-биттадан отингизни айтиб чақираман.

Биринчи бўлиб уйга кирган Ла-Лах бўлди. Ҳамма ҳаяжон билан қулоқ солар, жимликда унинг оёғи остидаги омонат ётқизилган тахталарнинг ғижирлаши эшитилиб турарди. Желкс қағилламади, бирор белги ҳам бермади. Кейин навбат Боунга келди. Чунки ўз одеялини ўзи яшириб, қўшниларини шарманда қилишга қасд этган бўлиши ҳам ажаб эмасди. Унинг орқасидан навбат Гунияга келди, кейин бошқа хотинлар, болалар кирдилар, лекин қарға ҳеч овоз бермади.

— Симэ!— деб чақирди Скунду,— Симэ!— деб яна такрорлади у. Аммо Симэ қимирламади.

— Ҳа, қоронғудан қўрқяпсанми?—деб чақиб олди уни айбсизлиги исбот қилинганидан ғурурланиб Ла-Лах.

Симэ пиқ этиб кулиб қўйди.

— Мана шу майнавозчиликларга қараб, кулгим қистаяпти. Лекин мен муъжизага ишонганимдан эмас, қўрқмаслигимни исбот қилиш учун кираман.

У дадил қадам босиб уйга кирди, одатдагидек жилмайиб қайтиб чиқди.

— Қараб тур ҳали, лоп этиб ўлиб қолганингни билмай ҳам қоласан,— деб шивирлади унинг қулоғига аччиқ устида Ла-Лах.

— Эҳтимол,—деб енгилтаклик билан жавоб берди худосиз. — Ичингизда шаманлар ва ҳар хил бемаъни гапларга ишонадиган одамлар кўп, лекин ўз уйида ўз ажали билан ўлганлар кўпми?

Қишлоқ аҳолисининг ярмиси омон-эсон синовдан ўтиб бўлди. Кўпчилик ўртасида ҳаяжон борган сари кучайиб борди, бу ҳаяжонни босиб туриш зарурияти уни яна ҳам кучайишига туртки берди. Уйга кирмаган одам жуда оз қолди, шу вақт тўнғич боласига иккиқат бир ёш хотин тоб келтиролмай, шайтонлаб қолди.

Охирида синовдан ўтмаган битта одам қолди. Қарға ҳамон овоз бермасди. Бу — Ди-Йа эди. Демак жиноятчи Ди-Йа бўлиши керак. Гуния қўлларини осмонга кўтариб, мадад сўрай бошлади, қолганлар жин урган боладан ўзларини олиб қочдилар. Ди-Йанинг капалаги учиб, оёқлари қалтиради. У уйга кираётиб, қоқилиб кетди-да, йиқилишига оз қолди. Скунду уни ичкарига итариб юбориб эшикни ёпди. Орадан анча вақт ўтди, боланинг пиқиллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди. Кейин қадамнинг узоқлашаётган товуши эшитилди, кейин ичкари жимжит бўлиб қолди, кейин яқинлашаётган қадам товуши эшитилди; эшик очилди-да, бола ташқари чиқди. Ҳеч нарса бўлмади. Синовдан ўтказадиган бошқа одам ҳам қолмади.



— Гулханни ёқинглар!— деб буюрди Скунду.

Аланга юқори ўрлади ва одамларнинг юзига ёруғ тушди. Қўрқув, шу билан бирга эсанкираш белгиси ҳали одамларнинг юзидан йўқолмаган эди.

— Яна ҳеч нарса чиқмади!— деди Гуния, бўғиқ товуш билан.

— Ҳа,— деб унинг гапига қўшилишди Боун,— Скунду қариб қолди, биз энди бошқа шаман топишимиз керак.

— Ҳамма сирни биладиган Желкснинг авлиёлиги қани?— деди истеҳзо билан Симэ, Ла-Лахнинг қулоғига.

Эсанкираб қолган Ла-Лах пешонасини сийпалади-ю, жавоб бермади.

Симэ кўкрагини кериб, кичкина шаманнинг олдига келди.

— Ҳа-ҳа-ҳа! Бу ишлар бефойда деб айтмабмидим!

— Балки, эҳтимол,— деб ожизона жавоб берди Скунду.— Муъжизалардан хабарсиз бўлган кишилар шундай деб ўйлаши мумкин.

— Масалан сен,— деб қўшиб қўйди Симэ, дағал қилиб.

— Мен ҳам хабарсиз бўлишим мумкин,— деди у. Скунду жуда секин гапирарди. Унинг қовоқлари аста, жуда асталик билан пастга туша борди-да, ахир кўзларини қоплади.— Лекин яна битта синов қолди. Ҳамма эркаклар, хотинлар, болалар қўлларини юқори кўтарсинлар! Тез, ҳамма бирдан кўтарсин!

Бу буйруқ шу қадар кутилмаган, шу қадар амирона оҳангда берилдики, ҳамма сўз қайтармай бўйсунди. Ҳамманинг қўли юқори кўтарилди.

— Энди ҳар бир киши бошқаларнинг қўлига қарасин,— деб буюрди Скунду.— Ҳамманинг қўлига қарасинки...

Лекин кўтарилган қаҳ-қаҳа унинг сўзларини кесиб қўйди, бу қаҳ-қаҳада дўқ ҳам бор эди. Ҳамма Симэга қаради. Ҳамманинг қўли қора куя, фақат Симэнинг қўли Гуниянинг тоғорасига тегиб қора бўлмаган эди.

Бир тош ҳаводан визиллаб келиб, Симэнинг юзига тегди.

— Бўлмаган гап! — деб бақирди у. — Нотўғри! Мен Гуниянинг одеялига текканим йўқ!

Иккинчи тош келиб, пешонасини ёрди, учинчиси унинг боши устидан визиллаб ўтди. Атрофни буюк қасос қичқириқлари босиб кетди, одамлар унга жазо бериш учун ерни пайпаслаб, тош қидирар эдилар. Симэ гандираклаб кетди, тиз чўкиб қолди.

— Ҳазиллашгандим! — деб қичқирди у. — Ҳазил қилиш учунгина олган эдим.

Скундунинг:

— Одеялни қаёққа қўйдинг? — деб чийиллагани худди пичоқ сингари шовқинни кесиб ўтди.

— Одеял уйимда, боғлаб қўйилган терилар орасида, шипга осиб қўйганман, — деб жавоб берди Симэ. — Лекин мен фақат ҳазиллашган эдим, мен...

Скунду бошини бир томонга қийшайтирди, тош бўрондан ҳамма ёқ қоронғу бўлиб кетди. Симэнинг хотини бошини тиззаси орасига яширив йиғларди, лекин унинг ўғилчаси чийиллаб кулиб, бошқалар билан бирга отасига тош отарди.

Гуния қиммат баҳо одеялни елкасига ташлаган ҳолда талтайиб келарди. Скунду уни тўхтатди.

—Биз камбағал одамлармиз, бизда ҳеч нарса йўқ,— деди Гуния, ҳиқиллаб. — Бизни хафа қилма, Скунду.

Одамлар қимирлаб турган тош уюмидан узоқлашдилар, ҳамма жиккак шаманга назар ташлади.

— Мен ўз болаларимни хафа қилганманми ҳеч, азиз Гуния? — деб жавоб берди у Гунияга, одеялга қўл чўзиб. — Мен бундай одамлардан эмасман. Бунинг далили учун сендан мана шу одеялдан бошқа ҳеч нарса олмайман.

— Доно эканманми, болаларим? — деб сўради Скунду, одамларга қараб.

— Ҳақиқатан ҳам доносан, Скунду! — деб ҳамма бир оғиздан жавоб берди. Шундан кейин елкасига одеялни ташлаб олган, қўлтиғига мудроқ Желксни қисган Скунду қоронғулик қўйнига кириб, кўздан йўқолди.

---



## КИШ ЎҒЛИ КИШ

— Мана мен катта ва иссиқ олтита одеял, катта ва пишиқ олтита арра, Гудзон компанияси ишлаган ўткир ва узун олтита пичоқ; буюк уста Могума ишлаган иккита қайиқ; чанага қўшадиган ўта кучли, чидамли ит ва учта милтиқ бераман, биттасининг тепкиси синиб қолган, лекин жуда яхши милтиқ, тузатса бўлади.

Киш жим бўлди ва диққат билан унга тикилиб ўтирган одамларга кўз ташлади. Буюк балиқ ови пайти келганди, шунда у Гнобдан қизи Су-Суни ўзига хотинликка сўради. Бу илтимосни у Юкондаги муқаддас Георгий миссиясида қилди, бу ерга ўшанда юз миллаб узоқликда яшайдиган қабила одамлари тўпланганди. Улар шимолдан, жанубдан, шарқдан ва ғарбдан, ҳатто Тоцикакатдан ва узоқ Тана-наудан келганлар.

— Сўзимга қулоқ бер, эй Гноб! Сен Тана-нау қабиласининг бошлиғисан, мен Киш ўғли Киш бўлсам, тлунгетлар қабиласининг бошлиғиман. Шунинг учун ҳам қизинг менга хотин бўлиб, бола туғса, қабилаларимиз ўртасида дўстлик пайдо бўлади, тана-наулар билан тлунгетлар узоқ йилларгача қон-қардош бўладилар. Мен гапимни айтдим, айтганимни албатта бажараман. Сен нима дейсан, эй Гноб?

Гноб гердайиб бошини ирғатиб қўйди. Ёноқ суяклари чиққан, ажин босган юзида ҳеч қандай фикр ифодаси кўринмади, лекин у дўриллаган йўғон овоз билан:

— Бу билан ҳали гап тамом бўлмайди, — деганда кўзлари чўғдек чақнаб кетди.

— Яна нима керак?— деб сўради Киш.— Наҳотки мен яхши қалин бермаган бўлсам? Наҳотки Тана-нау қабиласида бирон қизга бундан ҳам кўпроқ қалин берилган бўлса? Ўшандай қиз бўлса, номини айт менга!

Даврани масхарали шивир-шивир босиб кетди-ю, Киш кўпчилик олдида шарманда бўлганлигини сезди.

— Йўқ, йўқ, дўстим Киш, гапимни бошқача тушундинг,— деб Гноб мулойимлик билан қўлини кўтарди.— Яхши ҳақ бердинг. Ҳақиқий баҳоси шу. Мен ҳатто тепкиси синиқ милтиққа ҳам розиман. Лекин гап бунда эмас. Куёвнинг ўзи қандай одам?

— Ҳа-ҳа, ўзи қандай одам?— деб ғазаб билан такрорладилар даврада ўтирган кишилар.

— Айтишларига қараганда,— деб яна хириллаган овоз билан гап бошлади Гноб,— айтишларига қараганда, Киш ота-боболарининг йўлидан кетмаётган эмиш. Айтишларича, ёт худоларни ахтариб, зулматда адашиб юрганмиш, у қўрқоқ бўлиб қолганмиш.

Кишининг рангги ўчди.

— Ёлғон!— деб қичқирди у,— Киш ҳеч кимдан қўрқмайди.

— Айтишларича,— деб давом этди кекса Гноб,— Киш Катта уйдаги оқ танли одамнинг гапига кирармиш, оқ танли одамнинг тангрисига бош эгармиш, оқ одамнинг тангриси эса қонни ёмон кўрармиш.

Киш бошини қуйи солди, жаҳлдан унинг қўллари мушт бўлди. Даврада ўтирганлар уни масхара қилиб хахолаб кулиб юбордилар, қабиланинг фолбини, буюк коҳини шаман Мадван Гнобнинг қулоғига бир нарсалар деб пичирлади. Кейин у пулхан ёритиб турган жойдан қоронғуликка шўнғиди-да, у ердан хушбичим бир болани етаклаб чиқди, уни Кишнинг ёнига олиб келиб, Кишнинг қўлига пичоқ тутқизди.

Гноб олдинга эгилди.

— Киш! Эй Киш! Сен одам ўлдиришга журъат қила оласанми? Бунга қара, бу бола Киц-Ну, менинг қулим. Ўлдир уни. Кучли қўлларинг билан бу боланинг қонини тўк.



Киц-Ну унинг пичоқ уришини кутиб, дир-дир титрар эди. Киш болага қараб турди, мистер Брауннинг олижаноб таълимлари эсига тушди-да, мистер Браун айтган дўзахида аланга уриб турган оловни очиқ кўрди. Пичоқ қўлидан тушиб кетди. Бола енгил тин олиб, гулхан ёритиб турган даврадан чиқди, бечоранинг тиззалари букилиб-букилиб кетарди. Гнобнинг олдида катта бир ит ётарди, бу ит тишларини иржайтириб болага ташланмоқчи бўлди. Лекин шаман уни тепиб юборди, буни кўриб турган Гнобнинг миясига янги фикр келди.

— Менга қара, эй Киш! Сен билан мана бундай муомала қилсалар, нима қилардинг?— деди-да Гноб итга бир парча балиқ тутди, ит овқатга оғиз очган эди, Гноб тумшуғига калтак билан бир солди.—Шундан кейин, эй Киш, сен мана бундай қилардингми?

Ит ерга чўзилиб, Гнобнинг қўлини ялади.

— Менга қара!— Гноб Мадванинг қўлига суяниб, ўрнидан турди. — Мен жуда қариб қолдим; жуда қари бўлганлигимдан сенга шундай демоқчиман: отанг Киш буюк одам эди, у ёйдан отилган ўқларнинг куйини яхши кўрарди, унинг қандай найза отишини, душманларининг калласини узганларини ўз кўзим билан кўрганман. Сен отангга ўхшамабсан. Сен Қарға йўлидан қайтиб, Бўрига сажда қила бошлаганингдан бери қондан қўрқадиган бўлиб қолдинг, халқим ҳам қондан қўрқсин дейсан. Бу яхши эмас. Мен Киц-Нудек бола чоғимда бизнинг тупроғимизда бирорта ҳам оқ танли одам йўқ эди. Лекин улар, оқ танли одамлар, бирин-кетин келавердилар, ҳозир кўпайиб кетишди, улар тиниб-тинчимаган одамлар. Улар қоринлари тўйгандан кейин эртаги кунни ўйламай гулхан олдида ётмайдилар. Худди қарғиш теккандек, доим заҳмат чекадилар, ўзларини азоб-уқубатга гирифтор қилиб юрадилар.

Киш эсанкираб қолди. У мистер Брауннинг бир вақтлар яшаган Одам деган киши ҳақидаги ҳикоясини салпал эслади. Демак, мистер Браун ҳақ гапни айтган экан-да.

— Бу оқ танлилар ҳамма ёққа суқилаверадилар, нимани кўрсалар, шунга чангал соладилар, кўзлари эса кўп нарсаларни кўради. Борган сари кўпайиб кетяпти улар; биз индамай қараб ўтираверсак, улар ватанимизни босиб оладилар, бу тупроқда Қарға қабиласига жой қолмайди. Ана шунинг учун улардан бирортаси ҳам қол-

магўнча, уларга қарши курашмоғимиз керак. Шундагина барча йўллар, ерлар бизники бўлади, ана шунда, эҳтимол, бизнинг болаларимиз, болаларимизнинг болалари фаровонликда яшайдилар, уларнинг суяклари ёғ билан қопланар. Ўша пайт келганда Бўри билан Қарға куч синашиб кўради, буюк ҳарб-зарб бўлади, лекин Киш ҳамма билан бирга жангга чиқмайди, ўз қабиласини жангга олиб кирмайди. Шунинг учун қизимни унга беролмайман. Гнобнинг, Тана-нау қабиласининг бошлиғининг сўзи шу.

— Лекин оқ танлилар мурувватли ва қудратлилар,— деб жавоб берди Киш.— Оқ танли одамлар бизни кўп нарсага ўргатдилар. Оқ танлилар бизга одеяллар, пичоқлар ва милтиқлар бердилар, илгари бу нарсаларни ўзимиз қилолмасдик. Улар келмасдан илгари қандай яшаганимиз эсимда. Мен у вақтларда ҳали туғилмаган эдим, буни отам сўзлаб берган. Овда найза билан лось ови қилиш учун унга яқин ўрмалаб борардик. Энди қўлимизда оқ танлилар милтиғи бор, биз энди овни шундай узоқдан туриб ўлдира оламизки, бундай масофадан чақалоқнинг чинқириб йиғлагани ҳам эшитилмайди. Балиқ гўшти ва ҳар хил ўсимликлар мевасини ердик, бошқа егулик нарса йўқ эди, овқатни тузсиз ердик. Энди орангизда хоҳ балиқни, хоҳ гўштни тузсиз ейдиган бирорта одам борми?

Орага жимлик чўкмасиданоқ Мадван ирғиб ўрнидан турмаганда, бу сўзларга кўп одамлар ишониши мумкин эди.

— Аввал бир саволга жавоб бер, Киш. Қатта уйда яшайдиган оқ танли сенга одам ўлдириб бўлмайди деган Оқ танлилар қон тўкаётганини билмаймизми? Наҳотки Койокукедаги, ёки Нуклукайтодаги буюк жангни эсимиздан чиқарсак! Нуклукайтодаги жангда учта оқ танли Тоцикакат қабиласидан йигирма кишини ўлдирмаганмиди? Оқ танли Мэклрот Тана-нау қабиласининг уч одамини ўлдиргани наҳотки ёдимиздан кўтарилган деб ўйласанг! Энди айт, эй Киш, нима учун шаман Браун одам ўлдириб бўлмайди деб таълим берадию, унинг биродарлари қон тўкадилар?

Киш бу мушкул саволга қандай жавоб бериш тўғрисида ўйлар экан, Гноб чийиллаб қолди:

— Йўқ, йўқ, жавоб бермай ҳам қўя қол, бунинг ҳеч даркори йўқ, бошқалар патини юлиб тамом қилгунча,



Браунинг Қарғани қўлида маҳкам тутиб турмоқчи.— Гнобнинг овози кўтарила борди.— Тана-нау қабиласида курол кўтаришга қобил бирорта одам қолгунча, ёки ўғил туғиб беришга қобил бирорта қиз қолгунча, Қарғанинг битта ҳам пати юлинмайди.

Гноб гулхан олдида ўтирган баланд бўйли, бақувват йигитга юз ўгирди.

— Су-Сунинг акаси Макамук, сен нима дейсан?

Макамук ўрнидан турди. Унинг юзида узунасига тушган яра ўрни бор эди, юқори лаби буришиб, доим иржайиб турарди, бу эса кўзларининг ваҳшиёна чақнаб турганига сира мос тушмас эди.

У қувлик қилиб, очиқ жавоб беришдан ўзини олиб қочди:

— Бугун,— деди у,— савдогар Мэклротнинг уйи олдидан ўтиб қолдим. Эшигида қуёшга қараб кулиб турган бир болани кўрдим. Бола менга худди Мэклротникига ўхшаган кўзлари билан қаради-да, қўрқиб кетди. Онаси югуриб келиб, болани овута бошлади. Унинг онаси — Зиска, Тлунгетлар қабиласининг қизи.

Унинг сўзларини кўпчиликнинг ғувури босиб кетди. Лекин Макамук қўлини кўтариб, ҳаммани жим қилди-да, кўрсатгич бармоғи билан Кишни кўрсатди.

— Кунингиз шунга қолдими! Сиз тлунгетлар ўз қизларингизни бошқаларга бериб, хотин олиш учун Тана-нау қабиласига, бизнинг олдимизга келасизларми? Қизларимиз ўзимизга керак, Киш, Қарға Бўри билан жангга чиқадиган кунгача ўзимиз жуда кўп йигитларни ўстиришимиз керак.

Ҳамманинг маъқуллаган овози орасида Гнобнинг чинқириғи эшитилди.

— Сен нима дейсан Су-Сунинг севган акаси, Носса-бок?

Носсабок баланд бўйли, хушбичим йигит, тоза қонли ҳинд эди, унинг бурни чўзиқ, пешонаси кенг, лекин худди кўз қисаётгандек, бир кўзи доим учиб турарди. Ўрнидан турганда ҳозир ҳам қовоғи туртиб, кўзини ёпиб қўйди. Бироқ бу гал Носсабокка қараб ҳеч ким кулмади, ҳамма жиддий вазиятда ўтирарди.

— Мен ҳам савдогар Мэклротнинг уйи олдидан ўтдим, — деди у, синглисининг товушига ўхшаган ингичка ёқимли овоз билан.— Ўша ерда ҳиндларни кўрдим. Юзларидан тер оқар, чарчаганларидан оёқлари титрар-

ди; такрор айтай: мен ҳиндларни кўрдим; елкаларидаги ходаларнинг оғирлигидан улар инграр эдилар. Бу ходалардан савдогар Мэклрот ўзига омбор қурдирипти. Ўз кўзим билан кўрдим буни, уларнинг ўтин ёраётганларини ҳам кўрдим, шаман Браун бу ўтинларни узун қиш кечалари ёқиб ўзининг Катта уйини иситади. Бу хотинлар иши, Тана-нау қабиласининг эркаклари ҳеч вақт бундай ишларни қилмайдилар. Биз эркаклар билан қариндош бўлишга тайёрмиз, лекин тлунгетлар эркакми, хотин-ку улар.

Орага оғир сукунат чўкди. Ҳамманинг кўзи Кишда эди. У теварак-атрофига қаради, даврадагиларнинг ҳарбиттаси юзига узоқ тикилди.

— Хўп,— деди у, пинагини бузмай.— Хўп,— деб такрорлади у, яна. Кейин шарт орқасига бурилди-ю, бошқа ҳеч нарса демай, қоронғуликда гойиб бўлди.

Киш ерда ўрмалаб юрган болалар ва ириллаб ётган итлар орасидан ўтиб, манзилнинг бир бошидан иккинчи бошигача кезиб чиқди, шунда гулхан олдида ишлаб ўтирган бир аёлни кўрди. У ёввойи ток томиридан шилиб олинган толадан қармоқ ипи эшмоқда эди. Киш чигил толаларни тартибга тушираётган эпчил қўлларнинг ишига узоқ қараб турди. Бақувват, кўкракдор, қаддиқомати келишган ва серфарзанд бўла оладиган қизнинг ишлаб ўтиришини кўриш кишига завқ берарди. Энди унинг қорача юзи сўнаётган гулханнинг ҳира ёруғида олтин каби ялтирарди, унинг сочлари қарға қанотларига ўхшаб кетар, кўзлари эса худди ҳақиқ каби чарақлаб турарди.

— Эй, Су-Су!— деди, у, ниҳоят.— Бир вақтлар менга кулиб қарар эдинг, бунга кўп бўлгани йўқ, яқиндагина эди...

— Шунинг учун кулиб қарар эдимки, у вақтларда сен тулунгетлар қабиласининг бошлиғи эдинг,— деб тез жавоб берди қиз,— у вақтларда азамат ва кучли йигит эдинг...

— Ҳозир-чи?

— Бунга анча бўлди, у балиқ овининг биринчи кунларида эди,— деди шошиб Су-Су.— Шаман Браун ёмон йўлга бошламасдан олдин эди.

— Ахир айтдим-ку сенга...

Су-Су бас дегандек қўлини кўтарди, бу ишора Кишга Су-Сунинг отасини эслатди.



— Нима дейишингни билиб турибман, эй Киш! Жавоб ҳам қиляпман. Сувдаги балиқ ҳам, ўрмондаги ҳайвон ҳам ўзига ўхшатиб бола туғиши одат. Бу яхши. Хотинлар ҳам шундай. Улар ҳам ўзига ўхшатиб туғиши керак, аёллар ҳали қизлик чоғиданоқ оналик азобини, кўкракларининг оғриғини сезади, митти қўллар унинг бўйинини қучаётганини туяди. Мана шу сезги уни енгган вақтда, қиз ўз болаларининг отаси бўла оладиган бирор йигитни махфий танлайди. Сени кўрганимда, азамат ва кучли йигит эканингни кўрганимда, мен ҳам ўзимни шундай сезган эдим. Икки киши учун овқат топиб беришга қобил овчи ва ожизлик пайтларимда мени ҳимоя қила оладиган жангчи эканлигингни билардим. Лекин шаман Браун ўлкамизга келмасдан ва сени ёмон йўлга бошламасдан олдин шундай эдинг...

— Бу тўғри эмас-ку, ахир Су-Су! Мен ундан фақат яхши нарсалар ўргандим...

— Одам ўлдириб бўлмаслигинимми? Шундай дейишингни билардим. У вақтда ўзингга ўхшаган қон тўкмайдиганларни туғдиравер, лекин бундай гаплар билан тана-наулар олдига келиб юрма, кўп ўтмай Қарға Бўрига қарши жангга отланадиган кун келиши аён. Бунинг қачон бўлишини мен билмайман, бу эркаклар иши, лекин шу кунгача мен жангчиларни туғиб, ўстиришим кераклигини биламан.

— Су-Су,— деб яна гап бошлади Киш.— Сўзимга қулоқ сол...

— Йигит киши мени таёқ билан уриб бўлса ҳам гапига қулоқ солдирган бўларди,— деб уни масхара қилиб кулди Су-Су.— Сен бўлсанг... ма, мана буни ол,— деб Су-Су бир сиқим толани унинг қўлига тутқизди. — Мен ўзимни Кишга бахшида қилолмайман, лекин у мана буни ола қолсин. Бу унга мос келади. Бу хотинлар иши.

Киш толаларни улоқтириб урди, газабдан қорача юзига қон қуйилди, қорайиб кетди.

— Яна бир гапни ҳам айтиб қўяй,— деб давом этди Су-Су.— Эскилардан қолган бир одат бор, сенинг отанг ҳам, менинг отам ҳам шундай қилиб келганлар. Жангда ким ўлса, ғолиб унинг скальпини[1] шилиб оларди. Бу жуда яхши. Лекин сен Қаргадан юз ўгирганинг

[1] Скальп — америка ҳиндларининг ўзи ўлдирган одам бошидан сочи билан терисини шилиб олиш одати бўлган. Сочи билан бирга шилиб олинган бош терисини скальп дейишарди.

учун бундан ҳам зиёдроқ қидишинг керак: менга скальп эмас, одамнинг бошини, икки кишининг бошини олиб келасан, ана ўшанда қўлингга тола эмас, гулдор камар билан қин бераман, узун рус пичоғи ҳам совға қиламан. Шунда сенга яна кулиб қарайдиган бўламан, кейин ишларимиз юришиб кетади.

— Хў-ўп,— деди ўйланиб Киш.— Хў-ўп...

Кейин ўгирилди-ю, қоронғулик ичига кириб ғойиб бўлди.

— Йўқ, Киш,— деб қичқирди Су-Су, унинг орқасидан. — Иккита эмас, камида учта калла олиб келасан.

Лекин Киш ўз ақидасидан қайтмади; янги йўлидан чиқмади, ўз қабила одамларини руҳоний Жексон Браун таълим берган йўлдан юришга мажбур қилди. Балиқ ови давом қиларкан, у Тана-нау қабиласи одамларига ҳеч эътибор бермади, ҳақоратларга қулоқ солмади, бошқа қабила хотинларининг масхара қилиб кулишларини писанд қилмади. Балиқ ови тугагач, Гноб куйдирилган ва қотирилган балиқдан запас қилиб, ўз қабиласи билан Тана-нау дарёсининг юқори оқими томон овга жўнади. Киш уларнинг йўлга отланишини кузатиб юрди, лекин миссияда бирорта ҳам ибодатни тарк қилмади, бу ерда Киш доим ибодат қилар ва йўғон, жарангли овози билан хорга қўшилар эди.

Унинг йўғон товуши ҳам, бошқа бир қатор фазилатлари ҳам Жексон Браун ҳазратларини жуда қувонтирарди, у янги динга кирганлар ичида Кишни энг ишончли киши деб ҳисобларди. Мэклрот эса бунга шубҳа қиларди; у маъжусийларнинг янги динга кирганлигига ишонмас ва буни яшириб ўтирмас ҳам эди. Лекин мистер Браун масалага кенг қарарди. Бир кун, кузнинг узоқ тунларидан бирида у ўзининг ҳақли эканлигини шундай қизғинлик билан исбот қила бошладики, нима дейишини билолмай қолган савдогар:

— Худо ҳақи, Браун, агар Киш яна икки йил шу диндан қайтмаса, мен ҳам ҳақиқий христиан бўлиб кетаман,— деди.

Пайтдан фойдаланиб, мистер Браун суҳбатдошининг қўлини маҳкам қисди, энди ўлгандан кейин Мэклротнинг жони қаёққа кетиши Кишнинг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолди.

Кунлардан бир кун, биринчи қор ёққанда муқаддас Георгий миссиясига бир хабар келди. Тана-нау қабиласидан ўқ-дорига келган бир киши, Су-Су кўнглини жасур, ёш овчи Ни-Куга берди деган хабарни келтирди. Бу йигит қари Гнобга катта қалин берибди. Худди ўша кун Жексон Браун ҳазратлари дарё тарафга олиб борадиган сўқмоқ йўлда Кишни учратди. Кишнинг чанасига унинг энг яхши итлари қўшилган, чанада бир жуфт энг катта ва чиройли чанғи турарди.

— Йўл бўлсин, эй Киш? Овга эмасми?— деб сўради мистер Браун, ҳиндлар нутқига тақлид қилиб.

Киш анчагача унинг кўзларига тикилиб турди, кейин, итларини ҳайдади. Лекин бир неча қадам босгандан кейин, у орқасига қайрилиб, миссионерга яна тикилиб қаради-да:

— Йўқ, овга эмас, тўппа-тўғри жаҳаннамга кетяпман!— деди.



Ўрмон ичидаги кичик бир майдончада учта ғариб вигвам кўзга ташланади, улар гўё бир хилдаги, ёқимсиз манзарадан яширинмоқчи бўлгандек, қор ичига кўмилиб олган. Майдонча атрофи қалин ўрмон билан ўралган. Уларнинг устидан оппоқ мовий кўк юзини тўсиб, қуюқ туман пардаси босиб ётади. Қор ва сокинликдан ўзга на ғир этган шамол бор, на тиқ этган товуш. Бу манзилда ҳатто одатдагича ивирсиб юрган одамлар ҳам кўринмайди, чунки овчилар бир гала буғунинг изидан тушиб, яхши ов қилиб келдилар. Анча вақтгача чўзилган муҳтожлик ўрнини фаровонлик эгаллади, овчилар буғу терисидан ёпилган ўз вигвамларида куппа-кундуз куни уйқуни уриб ётардилар.

Вигвамлардан бири олдидаги гулхан ёнида беш жуфт чанғи турибди. Мана шу гулхан олдида Су-Су ўтиради. Бошида олмахон терисидан тикилган қулоқчин, қулоқчиннинг боғичи бўйнидан айлантириб маҳкам боғланган. Лекин қиз қўлқопсиз, чевар қўллари билан игна санчмоқда; Су-Су оч-қизил ҳошияли қайиш камарга чизилган нақшнинг сўнгги гулларини тикиб тугатмоқда эди.

Қаердадир, вигвамлар орқасидан итларнинг қаттиқ-қаттиқ ҳургани эшитилди-да, яна дарров жимлик чўкди. Су-Су ўтирган жойга яқин турган вигвам ичида, отасининг уйқусираб хириллаб қўйгани эшитилди. «Ёмон туш кўряпти», деб ўйлади Су-Су ва кулиб қўйди. —

Отам қариб қоляпти, унга буғунинг кейинги курагини бермаслик керак эди, шундай ҳам жуда кўп овқат еганди.

У камарга яна битта мунчоқ қадади, ипнинг учини тугди-да, гулханга шох ташлади. Кейин анчагача гулханга қараб ўтирди, бирдан аллакимнинг қорни ғарчғурч босиб келаётганини эшитиб, бошини кўтарди.

Қаршисида оғир юк кўтарганидан сал эгилиб, Киш турарди. Юк ошланган буғу терисидан тикилган қопга солинган эди. Елкасидаги юкни тап этиб қор устига ташлади-да, гулхан олдига ўтирди. Улар бир-бирларига қараб, анчагача жим ўтирдилар.

— Узоқ йўлдан келдингми, эй Киш!— деди Су-Су, ниҳоят.— Юкондаги муқаддас Георгий миссиясидан келдингми-а?

— Ҳа,— деб паришонлик билан жавоб берди Киш, камарга кўз ташлаб, унинг катта-кичиклигини чамалаб кўрар экан.— Пичоқ қани?— деб сўради у.

— Мана,— деб Су-Су пичоқни қўйнидан олиб кўрсатди, пичоқнинг тиғи ўт ёруғида ярақлаб кетди.— Яхши пичоқ.

— Бер бу ёққа,— деди Киш, амирона.

— Йўқ, эй Киш,— деб кулиб юборди Су-Су.— Бу пичоқни тақиб юриш сенга қисмат қилмагандир, эҳтимол.

— Бер бу ёққа,— деди яна боягидек Киш.— Менга қисмат қилган.

Су-Су кўзларини сузиб, буғу терисидан тикилган қопга қаради-ю, унинг остидаги қор аста қизараётганини кўриб қолди.

— Бу нима, қонми, Киш?— деб сўради Су-Су.

— Ҳа, қон. Камар билан рус пичоғини бу ёққа бер.

Киш унинг қўлидан пичоқни шартта тортиб олганда, бирдан Су-Суни қўрқув, шу билан бирга аллақандай ширин ҳаяжон босди. Қиз унга меҳр билан қаради ва бирдан кўкраги оғриб кетгандек, митти қўллар бўйнини қучиб олгандек бўлди.

— Камар ориқ одамга аталган экан,— деди қовоғини солиб Киш, қорнини ичига тортиб, камарни белига боғлар экан; камар унинг қорнига зўрға учма-уч келди.

Су-Су илжайди, кўзларида яна ҳам кўпроқ меҳр кўринди. Яна жажжи қўллар бўйнидан қучаётганини сезгандек бўлди. Киш чиройли йигит эди, камар эса кал-



талик қилди, ахир у анча озғин одамга аталган эди-да. Эй, барибир эмасми. Су-Су ҳали кўп камар тикиб бериши мумкин.

— Қончи?— деб сўради у, борган сари умидвор бўлиб.— Қончи, Киш? Бу, ахир... булар... каллами?

— Ҳа.

— Бу каллалар ҳозир танидан жудо қилинганга ўхшайди-ку, а? Бўлмаса қон қотиб қолган бўларди.

— Ҳозир совуқ эмас, қон иссиқ, янги оқизилган қон.

— Эй Киш!— деди севинчга тўлиб Су-Су.— Буларни менга олиб келдингми?

— Ҳа, сенга.

Киш буғу терисининг бир четидан тутиб, уни очиб юборди, кесилган бошлар қор устида думалаб кетди.

— Учтами?— деб шивирлади зўр ҳаяжонда у.— Йўқ, камида тўртта.

Су-Су донг қотиб қолди. Мана оёғи остида каллалар ётибди. Бири чиройли Ни-Кунинг калласи, бири юзини ажин босган кекса Гнобнинг, яна бири юқори лаби қийшайиб қолган Макамукнинг калласи, энг кейингиси доим кўзини қисиб турадиган Носсабокники. Мана улар гулхан ёруғида ерда ётибди, ҳар бири атрофидаги қор эса тобора қизариб борарди.

Гнобнинг калласи остидаги қор гулхан иссиғида эриб кетди-да, отасининг боши Су-Сунинг оёғи остига думалаб келди. Лекин қиз қимирламади, Киш ҳам кўзларини қиздан узмасдан қимир этмай ўтирарди.

Ўрмон ичида аллақаерда дарахтдан тўп этиб ерга қор тушди, дарага акс садо тарқалди. Лекин улар ҳали ҳам жим ўтирардилар. Бир тутам кун тез тугаб борарди, манзилни аста-секин қоронғулик босиб борди. Шу вақт Гнобнинг ити гулхан олдига ўрмалаб келди. У ҳайдаб юборишмасмикан деб нарироқда тўхтади, кейин яқин келди. Итнинг бурун тешиклари керилди, юнглари тикайди. У ҳид тарафга бехато борди ва хўжайиннинг калласи олдида тўхтаб, уни эҳтиёт билан ҳидлаб кўрди-да, қип-қизил узун тили билан яланди. Кейин ерга ётиб, тумшуғини осмонга кўтарди-да, бўрига ўхшаб узоқ увуллади.

Шунда Су-Су ўзига келди. У рус пичоғини яланғочлаб, диққат билан қизга тикилиб турган Кишга қаради. Кишнинг юзида жиддият ва қатъият ифодалари бор эди, унга қараб Су-Су тақдири ҳал бўлганлигини англа-


ди. Су-Су қулоқчинни ечиб ташлади-да, бўйнини очиб, ўрнидан турди. Кейин атрофга: ўрмонга, осмонда милтираб турган юлдузларга, манзилгоҳга, қорда турган чанғига,— умрида ҳар кун кўриб келган мана шу қадрдон нарсаларга бир-бир назар ташлади. Енгил шамол қизнинг сочларини тўзитди, у оғир тин олди ва юзини шамолга тутди.

Кейин Су-Су энди ҳеч вақт туғилмайдиган болалари ҳақида ўйлади-да, Киш олдига келиб:

— Мен тайёрман!— деди.







## МЕКСИКАЛИК

### I

Ҳеч ким унинг ўтмишини билмас, Хунта[1] одамлари эса буни мутлақо билмасдилар. Бу бола уларнинг «кичкина сири», «улуғ ватанпарвар» эди, у ҳам яқинлашиб келаётган Мексика революциясига қўлидан келганча ҳисса қўшиш учун худди хунтачилар сингари астойдил ишларди. Буни анча кейин эътироф қилдилар, чунки Хунтадагилар уни ёқтирмасдилар. У хунтачиларнинг тор ва одам тўла уйига биринчи марта кириб келганда, уни Диаснинг[2] сотқин ва махфий агентларидан бири деб шубҳа қилдилар. Ахир Қўшма Штатларнинг турли жойларидаги граждан ва ҳарбий турмаларида қамалиб ётган ўртоқлар озмиди! Кўпгина ўртоқларнинг оёқ-қўлларига кишан урдилар, уларни ҳатто кишанланган ҳолда ҳам чегарадан олиб ўтишар ва девор тагига тизиб, бир чеккадан отиб ташлашарди.

Биринчи қарашда бола ёмон таассурот қолдирди. У

[1] Хунта — Испания ва Латин Америкасида ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг номи.

[2] Диас, Порфирио (1830—1915). Мексиканинг реакцион ҳукмдори. Халқ оммасининг революцион ҳаракати натижасида 1911 йилда Диас диктатураси ағдарилди.

ростдан ҳам ёш бола, энди ўн саккизга кирган бўлиб, жуссаси ёшига нисбатан кичикроқ эди. У отим Фелипе Ривера, революция фойдасига хизмат қилмоқчиман деди. Унинг айтгани фақат шу бўлди, бошқа бир оғиз сўз ҳам, изоҳ ҳам бермади. У кутиб тураверди. На лабларида табассум, на қарашларида бирор ифода бор эди. Қизиққон, новчадан келган Паулино Вэранинг аъзойи бадани жимирлаб, сесканиб кетди. Бу йигитча унга аллақандай жирканч, қўрқинчли, сирли кўринди. Унинг қора кўзлари жуда совуқ боқар, назари аллақандай заҳарли эди. Бу кўзларда поёнсиз ғазаб, чексиз кек ўти ёниб турарди. Йигитча кўзларини қўзғолон бошлиқларидан олиб, машинкада хунта қоғозларини тиқирлатиб ёзиб ўтирган жажжигина миссис Сэтбига қаради. У хотинга бир қараб қўйди, миссис Сэтби буни кўриб қолди-ю, алланечук бир ҳолга тушиб, ишлай олмай қолди. Хотин ишини давом эттириш учун ёзаётган хатни бошқатдан ўқиб чиқишга мажбур бўлди.

Паулино Вэра савол назари билан унга, кейин Ареллано ва Ромосга қаради, улар ҳам йигитчага савол назари билан қараб олдилар-да, кейин бир-бирларига қарадилар. Бу ориққина бола тушуниб бўлмас бир муаммо эди, муаммо бўлганда ҳам жуда чигал муаммо эди. Мана шу оддий, виждонли революционерлар, ғазабли, ўткир нафрати фақат Диас ва унинг истибдодига қарши қаратилган, оддий ва софдил ватанпарварлар тушунолмайдиган бир бола эди. Бу ерда қандайдир бир сир бор эди, лекин бу сир уларга қоронғу қолди. Пировардида бошқаларга қараганда сергайрат ва ҳаракатчан бўлган Вэра жимликни бузди:

— Жуда соз,— дели совуққина қилиб у.— Революция учун хизмат қилмоқчиман дегин? Камзулингни еч, мана бу ерга осиб қўй. Бери кел, кўрсатаман. Челак билан латта қани? Бу ер ифлос. Сен ўз ишингни мана шу хоналарнинг полини ювиб тозалашдан бошлайсан. Туфдонларни тозалаш керак, сўнгра дераза ларни ювасан.

— Революция учунми бу?— деб сўради бола.

— Ҳа, революция учун,— деб жавоб берди Вэра.

Ривера совуқ, шубҳали назар билан ўтирганларнинг ҳаммасини бир-бир кўздан кечирди-да, камзулини еча туриб:

— Яхши,—деб қўйди.

Бошқа ҳеч нарса демади. Ҳар кун ишга келиб, хона-



ларни супурди, қирди, ювди, тозалади. У печкадаги кулларни олди, кўмир ва тутантириқ келтирди. Революционерларнинг энг фаоллари келиб, ўз жойларига ўтирмасдан анча илгари печка ёқиб, уйни иситиб қўярди.

— Мен шу ерда ётиб қолсам майлими?— деб сўради бир кун у.

.Ҳа-а! Шундайми ҳали, мана бу Диаснинг қўли энди Хунта биносида тунаб қолиш, унинг сирлари, одамларнинг рўйхати, Мексика территориясида бўлган ўртоқларнинг адресларини билиб олиш демакдир. Унинг илтимоси рад қилинди; бу илтимосини ортиқ такрорламади. Риверанинг қаерда тунашини, овқатни қаердан топиб ейишини улар билмас эдилар. Бир кун Ареллано унга бир неча доллар берди, Ривера бош чайқаб, пулни олмади. Вэра ол деб қистайвергач у:

— Мен революция учун ишлаётирман,—деб жавоб берди.

Яна революция кўтариш учун кўп пул керак. Хунта ҳамма вақт пулга муҳтож эди. Ташкилот аъзолари кўп вақт оч қолишар, лекин иш деганда ўз кучларини аямас эдилар; энг узун кунлар ҳам улар назарида жуда қисқа бўлиб кўринарди. Баъзан революциянинг тақдири бир неча долларга қараб қолгандек туюларди. Бир кун бино хўжайини, ижара пули икки ойдан бери тўланмади, уйни бўшатасизлар деб туриб олган эди, эски кийим хизматкор Фелипе Ривера олтмиш доллар келтириб, Сэтби столига қўйди. Шундан кейин у тез-тез пул олиб келадиган бўлди. Машинисткалар томонидан ташкилотга ёрдам кўрсатиш ҳақида ёзилган илтимосномалар, газеталарнинг ёлғон ва туҳматларига қарши ёзилган норозилик хатлари, Қўшма Штатлардаги судларнинг революционерларга нисбатан қилган қабиҳ муносабатларига қарши ёзилган хитобномалар марка бўлмагани сабабли жой-жойига юборилмай ётарди. Вэранинг отасидан қолган эски олтин соати сотилиб кетди. Мэй Сэтбининг ўрта бармоғидаги олтин узуги ҳам ғойиб бўлиб қолди. Аҳвол оғир эди. Рамос билан Ареллано умидсизланиб, ўзларининг ўсиқ мўйловларини юлқар эдилар. Хатлар жўнатилиши керак, почта эса қарзга марка бермайди. Шунда Ривера шляпасини кийиб, чиқиб кетди. Қайтиб келиб, Мэй Сэтби столига мингта икки сентли марка қўйди.

— Бу яна Диаснинг лаънати олтинларига келган бўлмасин?—деди Вэра, ўртоқларига.

Улар қошларини чимирдилар-у, жавоб бермадилар. Революция фойдасига хизмат қилаётган Фелипе Ривера зарур бўлиб қолганда, Хунта эҳтиёжи учун олтин, кумуш келтириб бераверди.

Шундай бўлса ҳам, улар Риверани яхши кўрмас эдилар. Унга ҳеч тушуниб бўлмайди, ўзи очилиб гапирмайди. Қилиқлари бошқаларникига ўхшамайди. У билан яхшироқ танишиб олиш мақсадида берилган саволлар жавобсиз қолади. Ундан ҳадеб сўрайверишга эса ботинолмайдилар.

— Эҳтимол, буюк ва ёлғиз бир руҳдир... билмайман, билмайман,— деб Ареллано қўлларини ёзар эди.

— Унда инсонга хос ҳеч нарса йўқ,— деб қўйди Рамос.

— Вужудидаги барча сезги аъзолари ўтмасланган,— деди Мэй Сэтби.— Ундаги эзгу ҳислар ва кулги худди куйдириб ташлангандек. У худди мурдадек совуқ, шу билан бирга унда қандайдир мудҳиш ҳаёт кучи бор.

— Ривера жаҳаннам оловларидан ўтиб келган,— деди Паулина.— Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотимаган, азоб-уқубатли йўлларни босиб ўтмаган одам бундай бўлмайди. У ҳали ёш бола-я тағин.

Шунга қарамай, улар Риверани ҳамон севмас эдилар. У ҳеч гапиришмайди, ҳеч нарса сўрамайди, дилидагини очиб айтмайди. Улар ҳаяжон ва баланд руҳ билан революция ҳақида гапирганларида, совуқ боқиб турган кўзларини ҳисобга олмаганда, худди жонсиз буюмдай, қимир этмай тик туриб қоларди. Бу кўзлар худди тобланган буровга ўхшаб санчиларди ва кишини довдиратиб, безовта қилади.

— У жосус эмас,— деди Вэра, Мэй Сэтбига,— у ватанпарвар. Хўп деяверинг, у биздан кўра ўткирроқ ватанпарвар. Мен бунга ишонаман. Мен буни ўз онгим билан ҳис қиб, юрагим билан сезиб турибман. Лекин мен бу йигитга ҳеч тушунолмай доғдаман.

— Унинг характери ёмон,— деди Мэй Сэтби.

— Гапингиз тўғри,— деди Вэра,— у бутун менга бир қараш қилди денг. Бундай назари оғир одамнинг қалбида севги ҳисси бўлмайди. Бу кўзлар қўрқинчли, йўлбарс кўзлари каби даҳшатли. Борди-ю, мен хоинлик қилгундай бўлсам, у мени албатта ўлдиради, мен буни яхши биламан. Унда шафқат деган нарсадан асар йўқ. У пўлат каби аёвсиз, муз каби совуқ. У худди одам ёлғиз ўзи тоғ чўққисида қолиб совуққа қотаётган пайтда, қиш кечасини



ёритиб турган ой шуъласига ўхшайди. Мен Диасдан ҳам, унинг барча жаллодларидан ҳам қўрқмайман. Аммо бу боладан қўрқаман. Гапнинг тўғрисини айтаётирман. Ундан қўрқаман. У худди ўлим фариштасига ўхшайди.

Шунга қарамай, Риверага биринчи масъулиятли вазифа топширишга бошқаларни Вэранинг ўзи кўндирди.

Лос Анжелос билан қуйи Калифорния орасидаги алоқа узилган. Ўртоқлардан уч киши ўзлари қазиган гўр ёқасига келтирилиб, отиб ташланган эди. Бошқа иккитаси Америка Қўшма Штатларининг асирлари сифатида Лос Анжелосда турмада ётишибди. Федераль қўшинларининг бош қўмондони Хуан Альварадо разил одам бўлиб чиқди. У революционерларнинг барча планларини барбод қилди. Улар қуйи Калифорниядаги маслакдошлари билан ортиқ хабарлашолмай қолдилар.

Ёш Ривера тегишли инструкцияларни олиб, жанубга жўнади. У қайтиб келганда, алоқа ўрнатилди, Хуан Альварадо эса ўлдирилган эди. Уни ўз ётоғида кўкрагига то сопига қадар ханжар тиқилган ҳолда топибдилар. Риверага бундай вазифа топширилгани йўқ эди. Лекин Риверанинг барча ҳаракатлари, ҳар бир босган қадами Хунта аъзоларига аниқ маълум эди. Улар Риверадан ҳеч нарса сўрамадилар. У ҳам ҳеч нарса демади. Улар бир-бирларига қарашдилар-у, масалага тушундилар.

— Айтдим-ку сизга,— деди Вэра,— Диас ҳаммамиздан кўра мана шу йигитчадан ҳайиқиши керак. У — шафқатсиз, жазо берувчи қудратли куч.

Риверанинг Мэй Сэтби шубҳаланган ва кейинроқ бошқалар ҳам сезган ёмон характери энди амалда, яъни жисмоний далиллар билан исбот қилина берди. Йигитча гоҳ лаблари ёрилган, пешонаси ғурра бўлган, гоҳ қулоқлари, юз-кўзлари шишган ҳолда келар эди. Маълум бўлар эдики, у еб-ичиб ва ухлаб юрган, пул топадиган ва уларга номаълум бўлган йўлларда тентираб юрадиган ўша ташқи дунёда муштлашар, жанжаллашар эди. Астасекин у ҳафтада бир марта чиқадиган революцион варақа босишни, ҳарф теришни ўрганиб олди. Ҳарф теришга ҳоли-қудрати келмайдиган вақтлари ҳам бўларди: баъзан унинг қўллари шишган, катта бармоқлари яраланган, унинг ўнг ёки чап қўли майиб бўлиб шалвираб қолган вақтлар ҳам бўларди. Бундай вақтларда унинг юзлари кучли алам чекаётганлигини ифода қилиб турар эди.

— Дайди,— дер эди Ареллано.

— Ёмон жойларда санқиб юради,— дер эди Рамос.

— Ажаб, пулни у қаёқдан олади?— деб тушуна олмас эди Вэра.

— У худди шу бугун қоғоз учун счёт бўйича бир юз қирқ доллар пул тўлабди, мен буни ҳозиргина билдим.

— Бу унинг йўқ бўлиб кетиши натижаси,— деди Мэй Сэтби.—Бу ҳақда у ҳеч нарса гапирмайди.

— Унинг орқасидан пойлаш керак,— деб таклиф қилди Рамос.

— Унинг орқасидан жосуслик қилишни мен асло истамас эдим,— деди Вэра.— Шундай қилсам, мени тобутда ётганимда кўрмасангиз, бу дунёда тирик кўролмассиз деб ўйлайман. Менинг фикримча, унинг худога ҳам номаълум бўлган сирли бир мақсади бор. Бу сирни билишга интилганларни ўзига ҳеч ҳам яқинлаштирмайди.

— Унинг қаршисида мен ўзимни кичкина боладек ҳис қиламан,— деб бўйнига олди Рамос.

— Менимча, бу болада қандайдир ибтидоий куч бор. У ҳужумга отланган йўлбарс, аждаҳо, заҳарли мингоёқ!— деди Ареллано.

— Унга қараб туриб, йиғлаб юборай дейсан киши,— деди Мэй Сэтби,— унинг ошна-оғайниси йўқ. У ҳаммани ёмон кўради. Истаги, мақсадига шерик бўлганимиз учун ҳам бизга ёмон кўз билан қарамайди. У ёлғиз, ёппа-ёлғиз.—Хотинининг ўпкаси тўлиб, овози кесилди, назари хиралашди.

Риверанинг вақт ўтказиши ҳақиқатан ҳам сирли эди. Бир ҳафталаб йўқолиб кетган вақтлари ҳам бўларди. Бир марта у бутун бир ой йўқолиб кетди, лекин қайтиб келгандан кейин ҳеч гап-сўз қилмасдан, Мэй Сэтби столига албатта пул келтириб қўярди. Ундан кейин узоқ вақт Хунта ихтиёрида қоларди. Яна бир неча вақтдан кейин кун бўйи йўқ бўлиб кетар ва Хунта идорасига фақат эрта азонда бир, кечқурун бир келарди. Бир гал Ареллано ярим кечада унинг ҳарф териб ўтирганини кўриб қолди. Унинг бармоқлари шишган, ёрилиб кетган лабларидан қон сизиб турарди.

## II

Ҳал қилувчи пайт яқинлашмоқда эди. Қандай бўлса ҳам революция Хунтага боғлиқ, Хунта эса маблағ жиҳатдан сиқилиб қолган эди. Пулга бўлган эҳтиёж бошқа



вақтдагига қараганда ҳозир кучлироқ, пул топиш эса жуда ҳам қийин эди.

Ватанпарварлар ўзларининг энг охирги центларигача қоқиб бердилар, беришга энди ҳеч нарса қолмади. Мексикадан қочиб келган ишчилар арзимаган ойликларининг ярмисини келтириб бериб турдилар. Бироқ яна пул, яна ҳам кўпроқ пул керак эди. Кўп йиллик оғир меҳнат, яширин ташкилотда ишлаш энди ўз мевасини бериш олдида. Вақт етиб келди. Революциянинг тақдири тарози палласига қўйилган. Яна бир туртки, яна бир қаҳрамонона интилиш бўлса, тарози палласи ғалаба томонга босиб кетади. Хунта ўз Мексикасини билади. Революция бошланиб кетса, у ўз-ўзини таъмин қила олади. Диас томонидан қурилган сиёсий машина худди пайрахадан ясалган уйдек парча-парча бўлиб кетади. Чегара қўзғолонга тайёр. «Жаҳон индустриал ишчилари» ташкилотидан юзлаб ишчилар бир янки бошчилигида Жанубий Калифорния учун жанг бошлашга тайёр ҳолда чегарада буйруқ кутиб турибди. Лекин қуролга муҳтож. Ҳамма қуролга муҳтож — социалистлар, анархистлар, умидсизланган касаба союз аъзолари, Мексикадан қувғин қилинганлар, қулликдан қутилиб қочган батраклар, шиддат билан олишувни чин кўнгилдан истаган Кер д'Ален ва Колорадо кон ишчилари, ниҳоят, бахт изловчи ўта авантюристлар, бандитлар,— ғоят мураккаб дунёнинг барча хор-зорлари ва мурдадлари — ҳамма қуролга муҳтож. Хунта шуларнинг ҳаммаси билан алоқа боғлаб иш кўради. Милтиқ ва ўқ-дори, ўқ-дори ва милтиқ, деган тўхтовсиз ва муттасил қичқириқ Атлантик океани соҳилларидан келаётган фарёд овозлари эди.

Қасос истаги билан ёнаётган мана шу кучлар чегарадан ўтса борми,— революция бошланган ҳисоб; таможня, Мексика портлари қўлга олинади. Қаршилик кўрсатишга Диаснинг қурби етмайди. У ўз армиясининг асосий кучларини буларга қарши қўйишга ботинолмайди. У жанубни ҳимоя қилишга мажбур, лекин шунга қарамай, аланга жанубга ҳам тарқалади. Халқ қўзғолон кўтаради, шаҳарлар мудофааси ёриб ўтилади, шаҳар орқасидан шаҳар, штат орқасидан штат қўзғолончиларнинг қўлига ўтади. Пировардида революциянинг ғолиб армияси Диаснинг сўнгги таянчи бўлган Мексика пойтахтини қуршаб олади.

Аммо пулни қаердан олиш керак? Революция ихтиёрида курашга интилаётган ва қуролни ишлата билади-

ган одамлар кўп. Хунта бошлиқлари қурол сотадиган ва уни етказиб берадиган савдогарларни билади. Лекин революцияга тайёрлик кўриш Хунтанинг мадорини қуритиб қўйди. Энг охирги доллар сарфланди, энг охирги манба қуриди, энг охирги ватанпарвар ҳам қоқланди. Буюк революция иши тарози палласида муаллақ турибди. Милтиқ ва ўқ-дори! Қашшоқ батальонлар қуролланиши керак, ахир. Лекин қандай қилиб? Рамос мусодара қилинган ўз бойликларини ўйлайди, Ареллано ўз ёшлигида бойликни ўринсиз сарф қилганидан хафа бўлади. Мэй Сэтби эса, Хунта аъзолари бошда иқтисод қилиш — тежашни ўйлаганларида, яхшироқ бўлмасми эди деб куйинади.

— Ўйлаб кўринг, Мексиканинг озодлиги лаънати бир неча минг долларга қараб қолса-я!— деди Паулино Вэра.

Уларнинг юзларидан, қарашларидан умидсизлик ифодасини уқиш мумкин эди. Уларнинг энг сўнгги умиди Хосе Амарильода. Бу одам яқинда революция томонига ўтиб, пул беришга ваъда қилган эди. Амарильо ўз уйи олдида қамоққа олиниб, ўз уйи олдида отиб ташланди. Бу ҳақдаги хабар ҳозиргина келиб етди. Тиз чўкиб пол юваётган Ривера бошини кўтарди, унинг шимарилган қўлларидан кир сув томчилари оқиб турарди.

— Беш минг бўлса етадими?— деб сўради у.

Ҳамма таажжубланиб, унга қаради. Вэра бош ирғатиб, тасдиқ ишорасини берди. Унинг нафаси тиқилар эди. Бир сўз айтишга ҳам мадори қолмаганди. Бирдан унда умид учқуни пайдо бўлди.

— Ундай бўлса, милтиқларни буюртиравериглар,— деди Ривера, умрида узоқ нутқ сўзлагани шу бўлди.— Вақт танг, уч ҳафтадан кейин мен сизга беш мингни келтириб бераман: ўшанда яхши бўлади, об-ҳаво қулай бўлади. Уруш учун қулайроқ. Бундан ортиқ мен ҳеч нарса қилолмайман.

Вэра ўзида уйғонган умид учқунини босишга тиришди. Бу умид ҳақиқатга зиддай туюлди. У революцион ўйинни бошлагандан бери жуда кўп орзу-умидлар кул бўлиб, кўкка совурилиб кетди. У мана шу революция учун пол юваётган ва жулдур кийинган болага ишонар, шу билан бирга ишонишга қўрқар эди.

— Жинни бўлиб қолибсан!— деди у.

— Уч ҳафтадан кейин,—деди Ривера, бепарво.— Милтиқларни буюртиравериг.



У ўрнидан туриб, шимарилган енгларини туширди ва камзулини кия туриб:

— Милтиқ буюртиравериг,— деб такрорлади.— Мен кетдим.

## III

Бир қанча ур-сур, тўполон, саноқсиз телефон қоқиш ва сўкишлардан кейин Кэллининг конторасида тунги кенгаш бўлмоқда эди. Кэллининг иши бошидан ошиб ётибди; бунинг устига иши ўнг келмади. Бундан уч ҳафта илгари у Нью-Йоркдан Денни Уордни чақириб олган, у билан Вилли Карти ўртасида бокс матчи ўтказмоқчи эди. Лекин мана икки кун бўлди, Карти қўли синиб ётибди. Буни газеталардан махфий сақламоқдалар, лекин унинг ўрнини босадиган ҳеч ким йўқ. Кэлли енгил вазнли барча боксёрларга телеграммалар юборди. Лекин уларнинг ҳаммасидан ҳам умид узилди, қай бирлари матч билан банд, қай бирлари эса шартнома қилиб қўйганлар.

Шундай бир пайтда умид шуъласи хира нур сочгандай бўлди.

— Юрагингга балли,— деди Кэлли, Риверага қия боқиб.

Риверанинг кўзларида ғазаб ва нафрат ўти ёниб турар, лекин юзи эскича ҳеч нарса ифода қилмасди.

— Мен Уордни енгаман.— Унинг айтган гапи шу бўлди.

— Сен қаёқдан биласан буни? Унинг бокс тушганини бирор марта кўрганмисан ўзинг?

Ривера жавоб бермади.

— У кўзини юмиб туриб, ағдариб ташлайди сени.

Ривера елкасини қисиб қўйди.

— Нима бало, тилинг йўқми?— деб минғиллади импрессарио.

— Мен уни енгаман.

— Илгари бирорта киши билан олишганмисан?— деб сўради Майкл Кэлли.

Майкл импрессарионинг акаси бўлиб, Иеллоустоундаги бир тотализаторнинг хўжайини эди. Ўша ерда у бокс жангларини ташкил қилиб, катта-катта пул ишларди. Ривера унга жавобан бир ғазабли қараш қилиб қўйди.

Кўринишда спортсменга ўхшаган бир йигит — импрессарионинг секретари «пиқ» этиб кулиб юборди.

— Хўп, Робертсни биласанми?— деб нохуш жимликни биринчи бўлиб бузди Кэлли.— Мен унга одам юбордим, кутиб ўтир. Лекин енгиб чиқишингга ҳеч ҳам кўзим етмайди. Мен томошабинларга масхарабозлик кўрсатмоқчи эмасман. Биринчи қатордаги жойлар ўн беш доллардан сотилаётир ахир.

Робертс ширакайф ҳолда кириб келди. У новчадан келган, ориқ, қадамларини санаб босадиган, териб-териб гапирадиган бир одам эди.

Кэлли тўппа-тўғри ишга киришди.

— Қулоқ беринг, Робертс, сиз мана шу мексикаликни топдим деб мақтанган эдингиз. Ўзингизга маълум, Карти майиб бўлиб ётибди. Энди мана шу мексикалик итвачча Картининг ўрнига мен чиқаман деб безбетлик қилаётир. Сиз бунга нима дейсиз?

— Жуда соз, Кэлли,— деб жавоб берди Робертс, битта-битта қилиб,— у Деннн билан бемалол олишади.

— Эҳтимол, сиз ҳали Деннини енгиб чиқади ҳам дерсиз,—деб кесатди Кэлли.

Робертс бир оз ўйланиб қолди.

— Йўқ, мен бундай демайман. Уорд тажрибали жангчи, марди майдон йигит. Бироқ у Ривераии тезда енголмайди. Мен бу мексикаликни биламан. У асабсиз одам. Унинг икки қўли ҳам баббаравар ишлайди. У ҳар қандай позициядан туриб ҳам сизни ағдариб ташлайди.

— Бунинг ҳаммаси бекор гап. Бироқ у томошабинларнинг талабига жавоб бера оладими, масала шунда. Сиз ўз умрингизда жуда кўп боксёр тарбияладингиз. Сизнинг фикрингиз мен учун жуда қимматли. Лекин ўз пуллари эвазига одамлар томоша кўришни истайди. Томошабинларга ҳеч қандай завқ бера оладими бу?

— Албатта беради. Бундан ташқари, кўрарсиз ҳали, у Деннини тоза тинкасини қуритади. Бу йигитни билмайсизлар, мен бўлсам яхши биламан. Уни кашф қилган одам мен бўламан. Унинг заиф жойи йўқ. У девдек олишади. Мана кўрарсиз. У билан учрашгандан кейин Уорд ҳайрон қолади ҳали, ҳаммангиз ҳам ҳайрон қоласиз. Мен Уордни албатта енгиб чиқади демайман, лекин бу бола ўзини кўрсатади. Бу боланинг донғи чиқади ҳали.

— Жуда соз,— деди Кэлли ва секретарига қараб деди.— Уордга телефон қилинг. Мен унга керак бўлсангиз, чақириб олармиз деган эдим. У узоқда эмас, Иеллоустоунда. Деннн ўша ерда томошабинлар орасида олифталик қилиб, шуҳрат орттириб юрибди.



— Ичасизми?— деб мурожаат қилди у, Робертсга.

Робертс вискидан бир оз ичди-да, сўзлаб кетди:

— Мен бу болани қандай топганлигимни ҳикоя қилиб бермадим шекилли? Бундан бир неча йил илгари бу бола машқ залларида пайдо бўлди. Ўша вақтларда мен Прэйнни Дилэнига қарши тайёрлаш билан машғул эдим. Прэйн ёвуз одам, унда шафқат деган нарсанинг уруғи ҳам йўқ. У машқ пайтида ўзига қарши чиққан одамни калтаклаб, сулайтириб ташлайди. Мен ўз ихтёри билан унга қарши чиқадиган одамни тополмадим. Аҳвол оғир эди. Мен одам қидириб, айланиб юрган эдим, оёқ остида ивирсиб юрган мана шу мексикалик болани кўриб қолдим. дарров унга ёпишдим, қўлига қўлқоп кийдириб, ишга солдим. У худди ийланган теридек, лекин кучи камроқ эди. Бошда у ҳатто бокснинг нималигидан мутлақо бехабар эди. Прэйн уни сулайтириб ташлади. Зўрға оёққа босиб турса ҳам, икки раундга чидаб берди. Кейин ҳушидан кетиб қолди. Унинг шу қадар дабдаласи чиққан эдики, шу ҳолда кўрса меҳрибон онаси ҳам таниёлмасди. Кейин билсам, у оч экан. Мен унга ярим доллар пул бериб, қорнини тўйдирдим. Вой-бў-ўй, унинг овқат ейишини кўрсангиз! Икки кундан бери туз тотимаган экан. Мен энди бола бу ерларга ҳеч йўламас деб ўйлаган эдим. Йўқ, қайда дейсиз, эртасига эрталаб у ёғочдек қотган, аъзойи бадани мўматалоқ бўлиб кетган ҳолда кириб келди. У яна бир марта ярим доллар ва яхши овқат ишлашга қатъий қарор қилган экан. Бора-бора у ўзини ушлаб олди. У туғма боксёр, ғоят шафқатсиз. Унда раҳмдиллик деган нарса йўқ. У бир парча муз. У билан танишганимдан бери ўнта сўзни бирга қўшиб айтганини эслай олмайман.

— Мен уни биламан,— деди секретарь,— у сизга кўп пул ишлаб берди.

— Машҳур боксёрларнинг ҳаммаси унда ўз кучини бир синаб кўрган,— деб тасдиқ қилди Робертс.— Бу бола улардан таълим олди. Кўпгина боксёрларни уриб ташлаши мумкин эди ҳам. Лекин бу йигит нима учундир боксни яхши кўрмайди. У бизнинг касбимизни ёмон кўради деб ўйлайман.

— Сўнгги ойлар ичида у кўпгина кичик клубларда олишиб юрди,— деди Кэлли.

— Тўғри, лекин бунга уни нима мажбур қилди экан,

билмадим. Ёки ғурури қўзғаб қолдимикан? Мана шу вақт ичида у кўпгина боксёрларни уриб ташлади. Пулга муҳтож бўлса керак; анчагина пул ишлаб олди ҳам. Лекин унинг устидаги кийимини кўриб, ҳеч ким уни пулдор одам демайди. У ғалати бола. Унинг нима иш қилишини, қандай вақт ўтказишини ҳеч ким билмайди. Иш билан банд бўлганда ҳам, иш тугаши биланоқ дарров ғойиб бўлади. Онда-сонда ҳафталаб йўқ бўлиб кетади. У ҳеч кимнинг маслаҳатига қулоқ солмайди. Уни ким йўлга сололса, катта пул ишлайди. Лекин у бунга ҳеч эътибор бермайди. Ҳали қараб туринг, шартнома тузганда, нақд пул устида тортишади.

Шу вақт совлат ва тантана билан, қувноқлик ва хушчақчақлик билан Денни Уорд кириб келди. Унинг орқасидан менаджер ва тренер кириб келишди. Денни ҳамма билан саломлашар, ҳазил-мутойиба қилар, ўткир, қочирик сўзлар айтар, табассуми эса барчага баравар эди. Бу қилиқлар жуда ҳам самимий бўлмай, кўпи сохта эди. Уорд уста актёр, шунинг учун ҳам очиқ чеҳрали бўлиш муваффақият қозонишнинг энг зарур приёмларидан деб ҳисобларди. Тўғрисини айтганда, у эҳтиёт билан иш кўрувчи боксёр ва бизнесмен эди. Қолганларининг ҳаммаси ниқоб эди. Уни билган ёки у билан пул муносабатида бўлган кишилар иш ҳисоб-китобга келганда, у жуда хасис дердилар. Барча ишларда унинг ўзи шахсан қатнашади, унинг менаджери эса қўғирчоқдек гап дейишарди.

Ривераниинг феъл-атвори бутунлай бошқача эди. Унинг баданида ҳинд қони оқарди. У бурчакда қимирламай жим ўтирар, фақат қора кўзлари бир кишининг юзидан иккинчисига ўтиб, ҳамма нарсани кўриб турарди.

— Э-э, мана шу киши экан-да,— деди Денни, рақибини бошдан-оёқ кўздан кечириб.— Аҳволингиз қалай, йигитча?

Ривераниинг кўзлари ғазаб билан чақнаб кетди. Деннининг саломига ҳатто жавоб ҳам бермади. Гринголарнинг ҳаммасини жуда ёмон кўрарди. Деннини эса ўлгудай ёмон кўриб қолди.

— Ана холос!— деди Денни, ҳазилюмуз матч бошлиғига қараб.—Мени, нима, соқов билан олишади деб ўйлаганмидингиз?— деб кулги тўхтагандан кейин, у душманини яна чақиб олмоқчи бўлди.

— Нима бало, Лос-Анжелос шунақанги камбағал бўлиб қолганми? Қидириб топганларинг шуми ҳали? Буни қайси болалар боғчасидан топиб келдинглар?



— У яхши йигит. Денни, ишонавер менга!...— деб Робертс Риверани ёқлаб чиқди.— Сен ўйлаганча, уни осонлик билан енгиш қийин.

— Бундан ташқари, билетларнинг ярмиси сотилиб бўлди,— деди ялтироқ оҳанги билан Кэлли.— Энди нима ҳам қиласиз, шу йигит билан олишасиз-да. Бошқа илож имиз йўқ, Денни. Топганимиз шу бўлди.

Денни Риверага яна бир масхарали қараш қилди-да, оғир тин олди.

— Ўйлашимча, мен у билан узоқ олишиб ўтирмайман. Агар у бирор айёрлик ишлатиб қўймаса.

Робертс пиқ этиб кулиб юборди.

— Сиз унга эҳтиёт бўлинг,— деб танбиҳ берди менаджер, Деннига.— Номаълум рақиб бирор ҳунар кўрсатиб қўйиши мумкин.

— Хайр, майли, эҳтиёт бўламан,— деб илжайди Денни.— Мен муҳтарам томошабинларни мамнун қилиш учун у билан майнабозчилик қила тураман. Ўн беш раундга чўзсам бўладими? Кейин поқ этиб, нокаут қиламиз, қалай бўлади, Кэлли?

— Жуда соз,— деб жавоб берди Кэлли.— Лекин томошабинлар буни сезмаслиги шарт.

— Ундай бўлса, ишга ўтайлик,— деди Денни ва ўзича ҳисоб қилиб, бир оз ўйлаб қолди.— Ўз-ўзидан маълумки, Карти билан қилган шартномамизда кўрсатилганидек, даромаднинг олтмиш беш процентини мен оламан. Лекин бўлишни бошқача қиламиз. Саксон процентини мен олсам — бас. Тўғри келадими?— деб сўради у, менаджердан.

У тасдиқ ишорасини қилди.

— Гапга тушундингми?— деб сўради Кэлли, Риверага мурожаат қилиб.

Ривера бош чайқади.

— Мана шундай, қулоқ сол,— деди Кэлли.— Даромаднинг олтмиш беш проценти иккингизники. Сен ҳали янгисан, сени ҳеч ким билмайди. Сен билан Денни бу пулни бўлиб оласизлар. Саксон проценти унга, йигирма проценти сенга. Шундай қилсак адолатли бўлади, шундай эмасми, Робертс?

— Жуда яхши, Ривера,— деб унинг фикрига қўшилди Робертс,— ҳали сенинг номинг чиқмаган.

— Даромаднинг олтмиш беш проценти қанча бўлади?— деб сўради Ривера.

— Эҳтимол беш минг, балки саккиз минг ҳам бўлар.— Ёки шунга яқин,— деб тушунтирди Денни.— Сенга тахминан бир минг, ёки бир минг олти юз тегади. Менга ўхшаган уста боксёрдан енгилиб, шунча пул олсанг, ёмон эмас, ахир. Нима дейсан?

Шунда Ривера ҳаммани шошириб қўйди.

— Енгиб чиққан ҳаммасини олади,— деди Ривера, қатъий қилиб.

Ҳамма бир зумга жим қолди.

— Бу ахир муттаҳамлик-ку,— деди менаджер, сокинликни бузиб.

Денни бош чайқади.

— Ҳаммангиз биласизки, мен бокснинг пириман. Мен судьядан ҳам, бу ердагилардан ҳам шубҳаланаётганим йўқ. Баъзан учраб қоладиган ҳар хил шантаж ва қўрқитишлар ҳақида гапирмайман. Бирдан-бир айтадиган сўзим шуки, бу шарт мени қаноатлантирмайди. Мен кучимга ишонганим ҳолда жангга кираман. Ким билади, тўсатдан қўлим синиб қолар? Ёки бирортаси мени заҳарлаб қўяр, унда нима бўлади? Ютишми ёки ютқизишми — барибир, менинг ҳақим саксон процент. Мексикалик нима дер экан бунга?

Ривера бош чайқади. Деннинг жиғибийрони чиқиб, гапни бошқа томондан олди.

— Хўп, мексикалик итвачча! Сен ҳали қараб тур, тумшуғингни бир ерга ишқаб қўяй.

Робертс оҳиста ўрнидан туриб, иккисининг орасига тушди.

— Енгган ҳаммасини олади,— деб такрорлади Ривера, қовоғини солиб.

— Нега бундай деяпсан?— деб сўради Денни.

— Мен сизни енгаман.

Денни пальтосини ечмоқчи бўлди. Лекин менаджер бу ҳаракат хўжа кўрсинга қилинаётганлигини биларди. Пальто нима учундир ечилавермади ва Денни лутф айлаб, ўзини тинчлантиришга ижозат берди. Ҳамма унинг тарафдори эди, лекин Ривера четроқда турган эди.

— Менга қара, аҳмоқ бола,— деб унга гап уқтирмоқчи бўлди Кэлли.— Сен кимсан ўзинг? Ҳеч ким! Сўнгги вақтларда нима иш қилиб юрганингни биламиз — майда маҳаллий боксёрларни уриб юрдинг. Лекин Денни машҳур боксёр. У бундан кейин чемпионликни олиш учун



жанг қилади. Сени эса томошабин билмайди. Лос-Анжелосдан ташқарида ҳеч ким номингни ҳам эшитмаган.

— Эшитиб қолар,— деб елкасини қисди Ривера.— Шу матчдан кейин эшитар.

— Наҳотки бир зумга бўлса ҳам мени енгаман деб хаёл қилсанг?— деб бақириб юборди Денни, ўзини тутолмай.

Ривера бош ирғатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Ҳай йигитча, ўйлаб кўрсанг-чи ўзинг,— деб уни кўндиришга уринарди Кэлли.— Довруғинг кетишини бир ўйлаб кўрсанг-чи!

— Менга пул керак,— деб жавоб берди Ривера.

— Мени минг йилда ҳам енголмайсан,—деди ишонч билан Денни.

— Ундай бўлса, нега тортишиб ўтирибсиз?— деб сўради Ривера.— Агар пул: «Мана, мени олинг» деб турган бўлса, нега уни рад қиласиз?

— Яхши, мен розиман,—деб қолди бирдан қатъий қилиб Денни.— Мен сени рингда ўлгудек калтаклайман, қарғим. Ҳазил қиладиган одамингни топибсан-ку роса. Шартномани ёзинг, Келли. Енгиб чиққан, пулнинг ҳаммасини олади. Буни спорт газеталарида эълон қилинг. Шунингдек, бу ерда шахсий ғаразгўйлик ҳам бор деб айтинг. Мен бу боланинг адабини бериб қўяман.

Кэллининг секретари ёза бошлаган эди, Денни уни тўхтатди.

— Тўхта!— деб у Риверага ўгирилди.— Оғирликни қачон ўлчаймиз?

— Олишувдан олдин,—деб жавоб берди Ривера.

— Ҳеч-да, безбет бола. Агар енгиб чиққан ҳаммасини оладиган бўлса, оғирликни эрталаб соат ўнда ўлчаймиз.

— Шунда енгган ҳаммасини оладими?— деб сўради Ривера.

Денни бош ирғатиб, тасдиқ ишорасини берди. Масала ҳал. У бутун куч-қувватини йиққан ҳолда рингга чиқади.

— Оғирлик шу ерда соат ўнда ўлчанади,— деб шарт қилди Ривера.

Секретарнинг қалами яна қоғоз устида юриб кетди.

— Бу беш қадоқ ошиқча оғирлик демакдир,— деб норозилик билдирди Робертс, Риверага қараб.— Бунда ютқизасан. Бой бердим деявер. Денни ҳўкиздай бақувват бўлади. Жинни бўлибсан. Бўлса-бўлмаса у сени енгиб чиқади. Ютиб чиқиш учун сенда ҳеч қандай умид йўқ.

Жавоб бериш ўрнига Ривера унга совуқ ва нафратли қараш қилди. Бошқаларга қараганда дурустроқ деб билган мана шу грингодан ҳам у жирканарди.

IV

Риверанинг рингда пайдо бўлиши назар-эътибордан деярли четда қолди. Уни у ер-бу ердан чапак билан қарши олдилар. Томошабинлар унга ишонмадилар. У буюк Денни олдига луқма қилиш учун ташланган қўзичоқ эди. Шунингдек, томошабинларнинг ҳафсаласи пир бўлиб қолди. Улар Денни Уорд билан Билли Карти ўртасидаги ажойиб жангни кутган эдилар, энди бўлса, мана шу аянчли ёш боланинг олишувини томоша қилиш билан қаноатланишлари керак. Улар ўзларининг норозиликларини ўйнаган гаровлари билан ҳам ифода қилдилар: Деннига бирга қарши икки, ҳатто уч ҳисса пул қўйдилар. Гаров ўйнаган пулни қайси томонга қўйган бўлса, унинг юраги ҳам шу томонда бўлади.

Ёш мексикалик ўз бурчагида ўтириб, кутмоқда эди. Минутлар оҳиста ўтмоқда. Денни куттириб қўйди. Бу эски қувлик, лекин бу усул ёш боксёрларга сўзсиз таъсир кўрсатган бўларди. Тажрибасиз ёш боксёрлар тоқатсизланиб, борган сари хавфлари ортади, папирос тутунига кўмилиб бепарво ўтирган томошабинларга қарши юзма-юз туриб, ўзларидаги ишончни йўқотиб қўядилар. Лекин бу гал синалган қувлик ўзини оқлай олмади. Робертс ҳақли эди: Ривера қўрқиш нима эканлигини билмасди. Шу ердагиларнинг ҳаммасидан ҳам кўпроқ ўзини қўлга ола биладиган, асабийроқ ва таъсирчанроқ бўлган Ривера учун қўрқиш ҳисси ёт эди. Илгаридан тайёрлаб қўйилган маглубият атмосфераси унга таъсир кўрсатмади. Унинг секундантлари ярамас кишилар, мана шу қонли ўйиннинг ифлос супуриндилари бўлган виждонсиз гиринголар эди. Уларнинг ўзлари ҳам Риверанинг енгилишига ишонар эдилар.

— Эҳтиёт бўл,— деб огоҳлантирди Риверани, унинг бош секунданти Спайдер Хагерти.— Олишувни кучинг борича кўпроққа чўз. Кэлли шундай деб буюрди. Акс ҳолда газеталар бу олишувни майнабозлик деб бутун Лос-Анжелосга жар соладилар.

Буларнинг ҳаммаси руҳни кўтаришга ёрдам бермасди, албатта. Лекин Ривера ҳеч нарсага эътибор бермай ўтираверди. У боксни жуда ёмон кўрарди. Бу лаънати



гринголарнинг бемаъни ўйини. Ривера бу ўйинни очдан ўлмаслик учун машқ майдончаларида нишон вазифасини адо этишдан бошлади. У худди бокс учун дунёга келгандай, лекин унинг учун бу аҳамиятсиз бир нарса эди. Ривера Хунтага келмасдан бурун пул учун жанг қилган эмас, кейин бокс пул топишнинг осон йўли эканлигини англади. Ўз истагига қарши жирканч касб билан шуғулланувчи одам фақат унгина эмас, ахир.

Тўғриси, Ривера бу масала устида бош қотириб ўтирмади. У мана шу жангда ғолиб чиқиши кераклигини яхши биларди. Бошқа йўл йўқ. Мана шу залда лиқ тўлиб ўтирганлар Риверани қандай қудратли куч ишга солаётганини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Денни Уорд пул учун олишади, ҳаётда унга мамнунлик, осойишталик туғдириб берувчи пул учун бокс қилади. Ривера ҳам пул учун олишаётир, аммо асл мақсад бошқа; бу мақсад унинг бутун вужудини қоплаб олган. У кураш майдонида ўтириб, ўз рақибини кутар экан, унинг катта очилган кўзлари олдидан кўз қамаштирувчи ва даҳшатли манзаралар ўта бошлади.

У Рио-Бланкодаги гидростанция биносининг оқ деворларини кўрди. Очлик ва жаҳаннам азобида яшаётган олти минг ишчи ва кунига ўн сент олиб, кун бўйи ишлаётган 7—8 яшар болаларни, ранглари заъфарон бўлган тирик мурдаларни — бўёқхонада ишловчи ишчиларни кўз олдига келтирди. Унинг отаси бу бўёқхоналарни «ўлим камераси» деб атагани эсида, чунки бу ерда бир йил ишлаш ўлим билан баравар эди. У ўзларининг кичкина ҳовличаларини, доим уй ишлари билан ивирсиб, тиришчилик кетидан тинмай югуриб юрадиган онасини эслади. Онаси шу қадар банд бўлишига қарамай, ўғлини эркалатиб, суйишга вақт топарди. Унинг кўз олдида отаси гавдаланади. Отаси чорпахил, шомўйлов, мулойим табиатли бир киши эди. У шу қадар оққўнгил, меҳри дарё каби шу қадар кенг эдики, унинг меҳридан она ҳам, ҳовличанинг бир бурчида ўйнаб юрган ўғилчаси ҳам баҳраманд бўлардилар. Ўша замонларда унинг оти Фелипе Ривера бўлмай, Фернандес эди; у ўз отаси ва онасининг фамилиясида юрарди. Унинг оти Хуан эди. Кейин ўз отини ҳам, фамилиясини ҳам ўзгартирди. Фернандес деган фамилия полиция префектлари ва жандармлар учун нафратли ном эди.

Азамат гавдали, мулойим табиатли Хуакин Фернан-

дес! Риверанинг фикри-хаёли кўп вақт отаси билан банд бўлар эди. У замонларда бола ҳеч нарсани тушунмасди. Ҳозир эса у ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлига қараб, ҳаммасини тушуниб олган. Отасининг кичик бир матбаада ҳарф тераётганини, ёки қўл ёзмалар уйилиб ётган стол олдида шошилиб нималарнидир ёзаётганини кўз олдига келтирди. Тун қоронғулигида ишчиларнинг худди ёвуз кишилардек яширинча келганлари ва унинг отаси билан учрашиб, узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирганлари яна қайтиб унинг хаёлидан ўта бошлади. Шунда у кичкина бола бўлиб, ўз бурчагида ухламай ётарди.

Унинг қулоғига қаердандир узоқлардан Хагертининг овози эшитилгандай бўлди.

— Зинҳор дарров ерга ётиб олмайсан. Инструкция шундай. Пул оладиган бўлганингдан кейин, калтагини ҳам еморинг керак.

Ўн минут ўтиб кетди, Ривера эса ҳамон ўз бурчагида ўтирарди. Деннидан дарак йўқ. Найрангбозликни то охиригача олиб боришга қарор берган бўлса керак.

Риверанинг кўз олдидан янги манзаралар ўта бошлади. Иш ташлаш, ёки тўғриси локаут натижасида, Рио-Бланкодаги ишчилар Пуэблода иш ташлаган биродарларига ёрдам берганлари учун ҳаммалари ишсиз қолиб, кўчага ҳайдалган эдилар. Оч қолдилар, мева ва ўсимлик томирларини ахтариб тоққа чиқдилар, ўсимлик томирларини еганлари учун ич оғриқ касалига гирифтор бўлдилар. Ундан кейин даҳшатли манзара: Компания дўкони олдидаги майдон; минглаб оч қолган ишчилар; генерал Росальо Мартинес ва Порфирио Диаснинг солдатлари; ўлим пурковчи милтиқлар. Отилаётган милтиқ овозлари то ишчилар қилган гуноҳларини ўз қонлари билан ювиб, тозаланмагунча тўхтамайдигандек кўринар эди. Аравaларга уйиб ортилган ўликлар — кўрфаздаги акулаларга овқат сифатида Вэра Крусга жўнатилмоқдалар. Ҳозир ҳам у мана шу даҳшатли жойларда эмаклаб, ўз ота-онасини ахтариб юрибди. Энг охири уларни қийма-қийма қилиб ташланган ҳолда топиб олди. У айниқса онасини унутолмайди: онасининг фақат юзи кўринади, гавдаси эса бошқа гавдалар орасига кўмилган. Порфирио Диас солдатларининг милтиқлари янгидан отила бошлади, янгидан бола ерга ётиб олиб, худди овчилар қувган қуёндек, эмаклаб қочди.

Денгиз шовқинига ўхшаган гувуллаган овоз Риверанинг қулоғига кирди. У Деннини кўрди. Денни бир қа. тренер ва секундантлар билан бирга келмоқда эди. Томошабинлар қий-чув кўтариб, машҳур боксёрни олқишладилар. Денни арғамчи остига чаққонлик билан шўнғиб, майдонга чиққанда, ҳатто Риверанинг секундантлари ҳам хурсанд бўлиб кетдилар. Денни илжаяр, илжайганда юзининг ҳар бир чизиғи, ҳатто кўзлари четидаги ажинлари, кўз ичларигача табассум сочар эди. Бундай боксёрни ҳеч ким ҳеч қаерда ва ҳеч қачон кўрган эмас. Унинг юзи яхши реклама хизматини ўташи, соғломлик, самимият ва хушчақчақлик намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. У ҳаммани танийди. У ҳазиллашар, табассум сочар ва чегара қилиб қўйилган арғамчи ичида туриб, танишлари билан саломлашарди. Орқароқда ўтирганлар, ўз қувончларини изҳор қилиш имкониятини тополмай, «Алло, Денни»,— деб қичқирар эдилар. Умумий хурсандлик ва олқишлар беш минутча давом этди.

Риверага ҳеч ким эътибор бермади. Томошабинлар учун у йўқ гап эди. Спайдер Хагерти Ривера олдига келди.

— Қўрқма,— деб далда берди Спайдер.— Инструкцияни эсда тут: бирдан ётиб олма. Агар ётиб оладиган бўлсанг, нариги ёққа чиққанингда ўлгунча дўппослаймиз. Жанг қиласан, вассалом!

Зални қарсаклар босиб кетди, Денни ўз рақиби томон келмоқда эди. У энгашди, икки қўли билан Риверанинг ўнг қўлини ушлаб, чин юракдан маҳкам сиққан бўлди. Денни кулиб турган юзини унинг юзига жуда яқин олиб борди. Томошабинлар Деннининг мард боксёр эканлигига қойил қолиб, унга таҳсин ўқидилар: у ўз рақиби билан худди ўз укасидай кўришаётир. Деннининг лаблари қимирлади. Томошабинлар ўзлари эшитмаган бу гапни иссиқ саломлашув деб ўйладилар. Шовқин яна кучайди. Денни айтган сўзларни фақат Ривера эшитди.

— Ҳазир бўл, мексикалик итвачча,— деб шивирлади Денни, ҳамон юзидан кулги аримай.— Ҳозир бутун томирларингни суғуриб оламан!

Ривера қимир этмади. Ўрнидан турмади. Унинг қарашида нафрат ўти ёнарди.

— Тур ўрнингдан, лаънати!— деб қичқириб юборди кимдир, орқадан.

Ўтирганлар унинг беодоблигини қоралаб, ҳуштак чала бошладилар, лекин у ҳамон қимирламай ўтирар эди. Ден-

дес! р
бў орқасига қайтганда, яна уни қаттиқ чапаклар билан табрикладилар.

Денни ечинган эди ҳамки, «О-о-о, э-эҳ» деган қувончли овозлар янгради. Деннининг бадани ихчам, соғлом ва кучдан дарак бериб турарди. Унинг териси хотинларникидек оппоқ ва силлиқ. Унда латофат, ихчамлик ва зўр қувват бирлашган эди. У кўпгина курашларда буни исбот қилди. Унинг фотографияси барча спорт журналларида босилган.

Спайдер Хагерти Ривера устига ёпилган яктакни олганда, залда инграш овозига ўхшаган кучли товуш кўтарилди. Мексикаликнинг бадани буғдой ранг бўлгани учун у яна ҳам ориқроқ бўлиб кўринди. Унда мускул бор, лекин Деннинiки сингари бўртиб чиқмаган. Томошабинлар Риверанинг кўкрак қафаси кенглигини эътибордан четда қолдирган эдилар. Шунингдек, залда ўтирганлар унинг чайирлигини, мускул ҳужайраларидаги тез ҳаракатни, баданини жанговар механизмга айлантириб юборган нерв системасининг пишиқ эканлигини ҳам ҳисобга ола билмаган эдилар. Томошабинлар фақат жажжи бир ўсмирнинг буғдой ранг баданини, ўн саккиз яшар болани нг гавдасини кўрдилар, холос. Денни эса бутунлай бошқа гап. Денни йигирма тўрт ёшлик йигит. Унинг бадани ҳақиқий эркак бадани. Улар майдон ўртасига чиқиб, судьянинг сўнгги инструкциясини эшитиб турганларида, иккиси ўртасидаги фарқ айниқса кўзга ташланиб турди. Ривера Робертснинг судьялар орасида ўтирганини кўрди. У одатдагидан ҳам мастроқ, шунга кўра унинг гаплари ҳам дона-дона эди.

— Қўрқма, Ривера,— деб чўзиб гапирди Робертс.— У сени ўлдириб қўймайди, шуни эсингда тут. У сенга бирдан ташланади, аммо қўрқма. Ўзингни ҳимоя қил, кейин клинч усулини ишлат. У сени жуда ҳам чалпак қилиб ташламайди. Бу ерни машқ зали деб фараз қилавер.

Ривера унинг сўзларини эшитмасликка солди.

— Ужар шайтон!— деб шивирлади Робертс, ёнида ўтирган қўшнисининг қулоғига.— У ҳамма вақт шундай.

Риверанинг қарашида одатдаги ғазаб-нафрат белгиси йўқ эди. Қаторлашиб турган сон-саноқсиз милтиқлар кўзига кўриниб, назари хиралашди. Энг олдинги қаторда ўтирганлардан тортиб, то орқа томонда бир долларлик ўринларда ўтирган ҳар бир томошабин унга милтиқ бўлиб кўринди. У қуёшдан жизғинаги чиққан унумсиз



Мексика чегараларини кўз олдига келтирди, бу чегара бўйлаб милтиқ топиш умидида ҳаракат қилаётган ярим яланғоч одамлар гавдаланди.

Ривера ўрнидан туриб, кутмоқда эди. Унинг секундантлари арғамчи остидан ўрмалаб кириб, майдондан Ривера ўтирган брезент курсини олиб чиқиб кетдилар. Унинг қаршисида Денни Уорд қараб турарди.

Гонг чалинди-да, бокс бошланиб кетди. Томошабинлар завқ билан қичқириб юбордилар. Улар ҳеч қачон бокснинг бундай бошланганлигини кўрмаганлар. Газеталар ҳақли эдилар. Бу курашга шахсий ғараз ҳам аралашган. Денни ўзи билан рақиб ўртасидаги ораliқнинг тўртдан уч қисмини бир сакрашда босиб ўтди. Унда мексикалик йигитни тириклайин еб қўйиш истаги борлиги очиқ кўриниб турарди. Унинг ҳужуми бир, икки, ўн мушт тушириш билан чекланмади. Бу ҳужум аллақандай қуюн ёки гирдобни эслатарди. Ривера кўздан ғойиб бўлиб кетди. Тушаётган сон-саноқсиз мушт зарби остида у бамисоли кўмилиб кетгандай эди. Ўз ҳунарининг ажойиб устаси Денни унга ҳамма ёғидан ва турли позициядан туриб ҳужум қиларди. Ривера калтак зарбидан арқон ёнига улоқтириб ташланди. Судья уларни ажратиб қўйди, шу ондаёқ у яна арқон ёнига улоқтирилди.

Буни ҳеч ким жанг деб айта олмас эди. Бу калтаклаш, дўппослаш эди. Бокс жангини томоша қилувчилардан бошқа ҳар қандай томошабин ҳам биринчи минутдаёқ бундай манзарани кўраркан, энтикиб, нафасини ололмай қолар эди. Денни қўлидан нима келишини ажойиб усталик билан кўрсатиб берди. Томошабинларнинг жанг нима билан тугашига бўлган чуқур ишончи, Деннига тарафдорлик ҳисси шу қадар кучли эдики, улар мексикаликнинг ҳамон [illegible] босиб турганлигини эътибордан четда қолдирдилар. Томошабинлар Риверани эсдан чиқариб юбордилар. Улар Деннининг мушти зарби остида қолган Риверани деярли кўрмасдилар. Бир-икки минут ўтди. Сўнг рақиблар бир нафасга ажралганларида, ҳамма мексикаликни кўрди. Унинг лаблари ёрилган, бурнидан қон оқмоқда эди. У орқасини ўгириб клинч қилганида, арқонга урилиш натижасида ҳосил бўлган қонли чизиқлар очиқ кўзга ташланиб турарди. Лекин бир нарсани томошабинлар сезмадилар: унинг кўкраги нафас олишда тез-тез кўтарилмас, кўзлари эса эскича ўт

бўлиб ёниб турибди. Чемпион унвонини оламан деб юрган жуда кўп боксёрлар уни мана шундай даҳшатли ҳужумларга бардош беришга ўргатиб қўйганлар. Аввал у бир марта муштлашгани учун ярим доллар, ҳафтасига ўн беш доллар олиб, бундай қақшатғич зарбаларга бардош беришга ўрганди. Бу оғир мактаб эди, лекин бу мактаб унга катта, жуда катта фойда берди.

Кейин ҳайратда қоларли бир ҳодиса рўй берди. Қуюнга ўхшаган мушт зарблари бирдан тўхтади. Рингда Риверанинг ёлғиз ўзи турарди. Денни, бадҳайбат Денни чалқанча тушиб ерда чўзилиб ётарди. У гандиракламади, ерга секин йиқилмади, балки гумбурлаб тушди. Унг мушт билан ёндан туриб туширилган қисқа зарб уни худди ўлим каби ағдариб ташлади. Судья Риверани бир қўли билан итариб юборди ва йиқилган гладиатор устида туриб секундларни битта-битта санай бошлади. Деннининг ҳуши ўзига кела бошлаганда, унинг бадани дирдир қалтиради. Томошабинлар одатда қойил қилиб туширилган мушт натижасида рақиб ерга ағдарилса, ғолибни олқишлар билан табриклар эдилар, лекин бу гал чапак чалинмади. Ҳодиса бир зумда, қўққисдан рўй берди. Томошабинлар жиддий вазиятни сақлаб, секундларнинг саналишига қулоқ солар эдилар. Мана шу сокинликда Робертснинг:

— Унинг икки қўли ҳам баравар ишлайди деб айтмаганмидим,— деган мағрур овози эшитилди.

Бешинчи секундда Денни мукка тушди; судья етти деганда, у бир тиззаси билан туриб дам ола бошлади, тўққизга борганда у туришга тайёр эди. Агар унинг тиззаси «тўққиз» деганда ердан узилмаган бўлса, у енгилган ва чиппакка чиққан хисобланади. Унинг тиззаси ердан кўтарилиб келаётганда ўз вақтида бўлса, у турган ҳисобланади. Мана шу пайтда Ривера уни яна ағдариб ташлашга ҳаққи бор. Лекин Ривера тавакқал билан иш кўришни истамади. Деннининг тиззаси кўтарилиб келаётганда, мексикалик уни яна бопламоқчи бўлди. У Деннининг атрофида айланиб юрди, у билан бирга судья ҳам айланиб, рақибларнинг ўртасида туриб олди. Ривера секундларнинг жуда секин, чўзиб саналаётганини аниқ эшитди. Гринголарнинг ҳаммаси, ҳатто судья ҳам унга қарши эди.

«Тўққиз» дейилганда судья Риверани итариб ташлади. Бу қоидага хилоф эди. Судьянинг бу ҳаракати Деннининг



туриб олишига имкон берди. Унинг лабларида яна табассум пайдо бўлди. Денни икки букилиб, қўллари билан юзи ва қорнини ҳимоя қилиб, Риверанинг пинжига тиқилиб олди. Қоидага мувофиқ судья уни дарров тўхтатиши керак эди, лекин ундоқ бўлиб чиқмади. Денни Риверага ёпишиб олди. У секунд сайин ўз кучини қайтармоқда эди. Раунднинг сўнгги минутлари тугаб бормоқда. Агар Денни раунднинг охиригача туриб берolса, бир минутли танаффусда ўзига келиб олади. У ўз аҳволининг нақадар аянчли бўлишига қарамай, раунд охиригача чидаб берди, шу билан бирга илжайишни ҳам тарк қилмади.

— Ҳали ҳам кулади-я! — деб қичқирди кимдир, орқадан. Томошабинлар енгил тортиб кулиб юбордилар.

— Бу мексикаликнинг зарби ёмон экан!— деб шивирлади. Денни, ўз тренерига. Секундантлар зўр бериб уни елпир эдилар.

Иккинчи ва учинчи раунд унча қизиқ бўлмади. Бокс жангининг тажрибали устаси айёр Денни маневр қилар, биринчи даврада еган зарбдан тугал ўзига келиш учун интилиб, ҳийла ишлатар эди. Тўртинчи раундда у тугал ўзига келди. Қаттиқ зарб еб ҳар жиҳатдан ҳам эзилишига қарамай, соғлом бадандаги куч-қувват туфайли кучини йиғиб олди. Лекин илгаригидек ёвуз тактикасини ишлатмай қўйди. Мексикалик ҳимоя қилишнинг ажойиб санъатига эга экан. Энди Денни ўзининг бой тажрибасини ишга солди. Зўр уста, чаққон ва ишчан жангчи рақибга ҳал қилувчи зарба беришга қурби етмай, аста-секин унинг қувватини емириш пайига тушди. Риверанинг ҳар бир зарбига у уч зарб билан жавоб берар, лекин бу зарблар рақибни чиппакка чиқарувчи кучли зарб бўлмай, ўч олиш учун туширилаётган муштлар эди. Хавф туширилаётган зарбларнинг миқдорида эди. Энди Денни, ёнидан туриб икки қўли билан бараварига қисқа зарб туширишда ажойиб қобилиятга эга бўлган мана шу болага қарши жуда эҳтиёткорлик билан иш кўра бошлади.

Мудофаада Ривера рақибини эсанкиратиб, чап қўл билан қайта зарб бериш усулини қўлланди. Деннининг бурни ва лаби учун хавфли бўлган бу усулни Ривера қайта-қайта такрорлади. Лекин Денни турли-туман усул ишлатишда уста эди. Мана шунинг учун ҳам уни чемпион бўлади деб айтар эдилар. У жанг қилаётиб, бир

усулдан иккинчисига ўтаверар эди. Энди у душман билан яқин туриб олишувга қарор берди. Айниқса мана шу услубни қўллашда у жуда уста бўлиб, бу услуб Риверанинг қақшатғич зарбасидан қочишга ёрдам берди. У бир неча марта қуйидан жаққа зарб тушириш усулини қўллаб мексикаликни осмонга кўтариб ерга ағдарди, мана шундай пайтларда томошабинлар завқланиб, қаттиқ қарсаклар билан Деннини табрикладилар. Ривера бир тиззасида туриб, судьянинг саноғини тинглаб, дам оларди. Унга келганда судья секундларни жуда тез санашини яхши билар эди.

Еттинчи раундда Денни мана шу даҳшатли усулини яна такрорлади. Лекин Ривера гандираклаб кетди, холос; шу ондаёқ Денни рақибнинг ўзига келишига имкон бермай, қақшатғич зарб билан уни арғамчидан четга уриб ташлади. Ривера пастда ўтирган репортёрлар устига чалпак бўлиб тушди, улар эса ўз қаторида уни доиранинг четига улоқтирдилар. Судья секундларни санагунча, Ривера шу ерда дам олиб турди. У энди энгашиб арқоннинг остидан ўтиши керак, доира ичида эса уни Денни кутиб турибди. Лекин судья аралашмади, Деннини орқасига итариб ташламади. Томошабинлар завқдан терисига сиғмас эди.

— Ур уни, Денни, ур!— деб бирдан бақириб юборди кимдир.

Юзлаб овозлар, худди бўри галасидек, бу қичқириққа эргашди.

Денни қўлидан келган бутун чораларни кўрди, лекин Ривера «тўққиз»ни кутиб ўтирмай, «саккиздаёқ» лип этиб арқон остидан ўтди-да, Деннини қучоқлаб олди. Судья яна ишга киришди ва Деннининг зарб беришига қулай бўлсин учун уни ажратиб олди. Судья Денни томонини олгани учун унга барча имкониятларни туғдириб беришга интиларди.

Ривера илгаригидек хотиржам эди. Унинг кўз олдидаги туман тарқалиб кетди. Бу ярамас гринголарнинг ҳаммаси виждонсиз. Таниш хаёлий манзаралар яна унинг кўз олдидан ўта бошлади; саҳродаги темир йўл рельслари; жандармлар ва Америка полисменлари; турмалар ва карцерлар; водокачка олдидаги дайдилар — ҳаммаси Рио-Бланко ва забастовкадан кейинги даҳшатли ва ифлос эпизодлар унинг кўз олдидан бир-бир ўтди. Унинг кўзига нур бераётган ва ватан бўйлаб тантана билан қулоч



отаётган қизил революция кўринди. Милтиқлар! Мана, унинг олдида сон-саноқсиз милтиқлар ётибди! Ўтирган лаънатиларнинг ҳар бири бир милтиқ. У милтиқ учун ҳозир жангга киради. Унинг ўзи милтиқ! Унинг ўзи — революция! У бутун Мексика учун курашмоқда!

Риверанинг хатти-ҳаракати томошабинларнинг жиғига тега бошлади. Нима учун у енгилиб қўя қолмайди? Барибир енгилади-ку, лекин нега бунчалик ўжарлик қиляпти? Ўтирганларнинг жуда оз қисми Ривера томонида. Улар Денни енгиб чиқишига шубҳа қилмасалар ҳам, Риверанинг томонини олиб гаров ўйнадилар. Тўққизга қарши тўрт, учга қарши бир. Уларнинг кўпчилиги, Ривера неча даврагача бардош бера олади, деб гаров қўйганлар. У олтинчи ёки еттинчи раундгача ҳам бардош беролмайди деб гаровга катта-катта пул қўйдилар. Энди бу гаровни ютиб олганлар, ўзларининг қалтис ўйинлари муваффақият билан тугалланган, хурсандликдан Деннини олқишлар эдилар.

Ривера енгилишни истамас эди. Саккизинчи даврада унинг рақиби апперкот усулини яна такрорлайман деб кўп ҳаракат қилди. Тўққизинчи даврада Ривера томошабинларни яна довдиратиб қўйди. Клинч пайтида у енгил, ихчам ҳаракат қилиб Деннидан ажралди-да, ўнг қўли билан қақшатғич зарба берди. Денни ерга юмалаб тушди. Томошабинлар ақлдан озаёздилар. Денни ўз қуроли билан ўзи жазоланган эди. Унинг машҳур «пастдан ўнг томонга» зарба бериш усули ўзига қарши ишлатилди. У «тўққиз» деганда ўрнидан туриб келаётган эди, Ривера унга зарб туширишга қасд қилмади. Денни кўтариларкан, судья очиқдан-очиқ ўртада ғов бўлиб туриб олди. Лекин Ривера йиқилганда, у аралашмай четда турган эди.

Тўққизинчи раундда Ривера икки марта апперкот усулини, яъни Деннининг жағига пастдан зарб бериш усулини қўлланди. Деннининг эси оғиб қолаёзди. Ҳамон унинг юзидан табассум аримас эди. У яна ўзининг даҳшатли атакасини бошлади. Лекин қуюн каби қилинган бу ҳужумлар Риверани сафдан чиқаролмади. Ривера бўлса мана шу қизғин олишув ва чир айланиш пайтида Деннини бирин-кетин уч марта ерга ағдарди. Денни энди илгаригидек тез ўзига келолмай қолди. Ўн биринчи раундга келиб унинг аҳволи анча жиддийлашди. Лекин то ўн тўртинчи раундгача у ўз техникасини жуда уста-

лик билан ишлатиб борди ва ўз кучини авайлаб сарфлашга ҳаракат қилди. Бундан ташқари у шундай разил приёмларни ишга солдики, бундай приёмлар фақат тажрибали боксёрларгагина маълум эди. У барча ҳийла-найрангларини то охиригача ишлатди: гоҳ рақибнинг биқинига тирсагини ботирар, нафас олишини қийинлаштириш учун унинг оғзини бекитар; клинч усулини қўллаганда, тилиниб кетган, лекин табассум сочиб турган лабларини қимирлатиб, ёмон сўзлар билан Риверани ҳақорат қилар эди. Ҳамма, судьядан тортиб томошабинларгача Денни томонида; Деннининг мақсадини яхши билганлари ҳолда, унга ёрдам берардилар.

Бундай кутилмаган рақибга учраган Денни энди ўзининг бутун кучини энг сўнгги, ҳал қилувчи зарба беришга сафарбар қилди. У ён берар, чанг солар ва ўз рақибига қатъий зарба бериш учун пайт пойлар эди. Шу билан у тақдир ғилдирагини буриб юбормоқчи эди. Бир вақтлар ундан ҳам машҳурроқ бўлган бир боксёр ишлатган усулни қўллаб, ҳам ўнгдан, ҳам чапдан — мия билан қуйи жаққа бир вақтда зарба тушириши керак эди. Денни мана шу приёмни ишлатиши мумкин, чунки у ҳали оёққа босиб турибди, қўлларида ҳали куч бор.

Риверанинг секундантлари парвойи-палак раундлар оралигида ўтирар эдилар. Улар, сочиқни хўжа кўрсинга елпитиб-елпитиб қўяр ва зўрға нафас олаётган Риверанинг ўпкасига кўпроқ ҳаво киришига ёрдам бермасдилар. Спайдер Хагерти унга маслаҳат беришни қўймас, Ривера эса бу маслаҳатларнинг бир пулга қиммат эканлигини билиб, унга қулоқ солмасди. Ҳамма унга қарши. У хоинлар орасига тушиб қолган. Ўн тўртинчи раундда у Деннини яна ағдариб ташлади ва секундларни санаб бўлгунларича қўлларини икки ёнига кучсиз равишда осилтириб дам олиб турди. Қарши томонда у шубҳали шивир-шивир қилаётганларини сезиб қолди. Майкл Кэлли Робертснинг ёнига келиб, унинг қулоғига бир нарсалар деб пичирлаётганини кўрди. Риверанинг эшитиш қобилияти худди ёввойи мушукникидек ўткир эди. Гапнинг бир учи унинг қулоғига чалинди. У кўпроқ эшитиб олишни истарди. Денни ўрнидан турганда, олишув арқонга яқин, четроқда бўлсин учун рақибини ўша томонга қараб судради. У Майклнинг:

— Енгиши керак,— деган овозини эшитиб қолди. Робертс бош иргатиб тасдиқ ишорасини берди.— Денни енгиб чиқиши керак, акс ҳолда мен хонавайрон бўламан... Мен бунга бутун бойлигимни тикканман. Агар мексикалик ўн бешинчи раундгача туриб берса, менинг уйим куйди, хароб бўлдим деяверинг. Бола сизга қулоқ солади. Қандай бўлмасин, бир аралашиб кўринг.— Бундан кейин Риверанинг миясини хаёлий фикрлар чулғамади. Уни тириклайин сўймоқчилар. У яна бир марта Деннини ерга ағдариб, қўлларини икки ёнига ташлаган ҳолда дам оларкан, Робертс ўрнидан турди.

— Тамом,— деди Робертс,— ўз жойингга бор.

У Риверага машқ майдонидаги сингари оҳанг билан сўз қотди. Лекин Ривера Деннининг ўрнидан туришини кутаркан, нафрат билан Робертсга қараб қўйди. Ундан кейин бир минутлик танаффус вақтида Ривера ўз ўрнига келиб ўтирди. Шу пайт Кэлли Риверанинг олдига келиб, сўзлай кетди:

— Ҳазилингни ташла, аҳмоқ бола!— деб шивирлади у.— Енгилиб қўя қол, Ривера. Менинг сўзимга кир, мен сени бой қилиб юбораман. Келаси учрашувда Деннини енгишга имкон туғдириб бераман. Бугун сен енгилишинг керак.

Риверанинг кўзлари гапга қулоқ солганини билдирса-да, «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам.

— Нега жавоб бермайсан?— деди жаҳли чиқиб Кэлли.

— Барибир сен ютқизасан,— деб қўшиб қўйди Спайдер Хагерти.— Денни ғалабани сенинг қўлингга бериб қўймайди. Кэллига қулоқ бер, йиқилиб қўя қол.

— Йиқилиб қўя қол, йигитча,— деб қистар эди Кэлли.— Мен сенга чемпион бўлишга ёрдам бераман.

Ривера жавоб бермади.

— Худо ҳаққи, ўз сўзимда тураман! Ҳозир эса менга сен ёрдам бер.

Занг чалиниши Ривера қулоғига машъум бир садодек эшитилди. Томошабинлар ҳеч нарсани сезмас эдилар. Хавф нимадан иборат эканлигини Риверанинг ўзи ҳам билмасди, бу хавф мана шу залнинг ўзида эканлигини биларди. Лекин бу хавф яқинлашиб келаётганини очиқ сезди. Деннининг илгариги ишончи қайтиб келгандек бўлиб кўринди. Риверани қўрқитиб юборган нарса шу бўлди. Унга қарши қандайдир ҳийла ишлатмоқчилар.

Денни унга ташланди, лекин Ривера чаққонлик билан чап берди. Унинг рақиби клинч усулини қўлламоқчи. Ўйлаб қўйилган ҳийлани ишлатиш учун бу усул нима учундир керак. Ривера чекинар, чаққонлик билан чап берар, лекин ҳозирми, кейинроқми, рақибнинг клинчидан ҳам, ҳийласидан ҳам қутула олмаслигини биларди. У мана шу ҳийлани тезроқ ишлатишга Деннини мажбур қилмоқчи бўлди. Денни унга ташланган эди, Ривера олишмоқчидай бўлиб турди, лекин энг сўнгги дақиқада, уларнинг баданлари бир-бирларига тегай деганда, Ривера жуда чаққонлик билан тисарилди; шу ондаёқ Денни тарафдорлари: «Нотўғри» деб қичқириб юборишди. Ривера уларни аҳмоқ қилди. Судъя иккиланиб тўхтади. Унинг айтмоқчи бўлган сўзлари оғзида қолди, чунки бир боланинг: «Ғирромлик бўлмасин!» деган қийқириғи жаранглади.

Денни эшитиладиган қилиб Риверани сўкди-да, унга қарши ҳужумга отилди. Ривера тисарила бошлади. У ўзича, энди ён томонга зарб урмаслик керак деб ўйлаб қўйди. Тўғри, бу билан ғалабанинг ярмиси бой берилади. Лекин ғалаба қозониш учун рақибдан ажралиб зарб бериш кераклигини Ривера билар эди. Барибир, сал нарсага улар Риверани ғирромликда айблайверадилар. Денни энди ҳар қандай эҳтиётни ҳам бир томонга йиғиштириб қўйди. У билан яқин туриб олишувдан қочаётган мана шу болани икки раундгача тоза калтаклади.

Ривера ҳалокатли клинчдан қочиб, зарб устига зарб ер эди. Деннининг бу калтаклашидан завқланган томошабинлар ўринларидан туриб кетдилар. Ҳамма ақлдан озди деб ўйлаш мумкин эди. Ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмасди. Улар фақат бир нарсани — Деннилари енгаётганлигини кўрардилар, холос.

— Жангдан қочма,— деб Риверага қутуриб гапира бошладилар.— Қўрқоқ итвачча! Ур уни, Денни. Тушир тумшуғига! Ошиғинг олчи, Денни!

Томошабинлар залида биргина Ривера бепарво. У ўз мажози, табиати билан шу ўтирган одамларнинг ичида энг тез қизиб кетадиган, энг эҳтиросли киши эди, лекин у шундай жаҳон оловларидан ўтиб келганки, ўн минглаб одам бўғизидан отилиб чиқаётган ғазабли овозлар денгиз тўлқинлари сингари кўтарилиб келаётган



бўлса ҳам, у ўзини ёз оқшомларида эсган салқин шабадада тургандек енгил ҳис қилар эди.

Ўн еттинчи раундда Денни ўз ўйинини ишлатди. Ривера мушт зарбидан букулиб қолди. Унинг қўллари сусайиб, осилиб тушди. Денни ҳал қилувчи пайт келди деб ўйлади. Бола энди унинг ихтиёрида. Лекин Ривера бу билан рақибининг сезгирлигини бўшаштирди ва боплаб туриб унинг жағига қақшатғич зарба туширди. Денни ағдарилиб тушди. Ривера бу зарбни уч марта қайтарди. Ҳар қандай судья ҳам бу зарбаларни нотўғри деб айта олмас эди.

— Вой, Билл, Билл!— деб зорланди Кэлли, судьяга мурожаат қилиб.

— Менинг қўлимдан нима келарди?— деб жавоб берди у.— Баҳона қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ.

Денни тоза калтак еди. Лекин ҳар гал ҳам дадил ўрнидан турарди. Кэлли ва майдонга яқин ўтирган бошқа одамлар бу дўппослашни тўхтатмоқ учун полицияни чақира бошладилар. Аммо Деннининг секундантлари ҳали ҳам сочиқларини елкаларига ташлаб турар эдилар. Ривера, семиз бир полисмен, арғамчи остидан энгашиб ўтишга ҳозир турганини кўриб қолди. Бу нима гап ўзи? Бу гринголар қандай айёрликларни ишлатмайдилар! Ўрнидан турган Денни худди маст кишидай чайқалиб, аянчли бир вазиятда турарди. Судья билан полисмен баравариga Риверанинг олдига югуриб келдилар, аммо шу онда у охирги зарбани туширган эди. Энди курашни тўхтатиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, чунки Денни ортиқ ўрнидан турмади.

— Сана!— деб бўғиқ товуш билан қичқирди Ривера.

Саноқ тамом бўлганда, секундантлар Деннини кўтариб, ўз бурчагига олиб кетдилар.

— Ким ғолиб? — деб сўради Ривера.

Судья истар-истамас унинг қўлқоп кийган қўлини ушлаб, юқори кўтарди.

Риверани ҳеч ким табрикламади. У ёлғиз ўзи ўз бурчагига борди. Ҳалигача унинг секундантлари ҳатто стул ҳам қўймаган эдилар. У арқонга суяниб, нафрат билан секундантларига қаради, кейин назарини узоқларга, мана

шу ўн минглаб грингони қамраб олгунча узоқларга қарай берди. Унинг тиззалари қалтирар, ўзи эса ҳолсизликдан ўпкаси тўлиб, азоб чекар эди. Унинг кўз олдида жирканч башаралар сузар ва тебранар эди. Бирдан Ривера буларнинг ҳаммаси милтиқ эканлигини эслади. Бу милтиқларнинг ҳаммаси уники. Революция давом этади.





## МОХОВ КУЛАУ

— Қасал бўлганимиз учун бизни озодликдан маҳрум қилаётирлар. Биз қонунга итоат қилдик. Биз ҳеч кимни хафа қилмадик. Бизни турмага қамаб қўймоқчилар. Молокаи-турма. Буни биласизлар. Мана Ниули,— синглисини Молокаига сургун қилишганига етти йил бўлди. Ўшандан бери синглисини кўргани йўқ. Кўрмайди ҳам. У ўла ўлгунча Молокаида қолиб кетади. У Молокаига боришни истамади. Ниули ҳам буни истамаган эди. Бу, ўлкамизда хўжайинлик қилаётган оқ танлиларнинг ҳукми билан бўлди. Ким ўзи улар, ўша оқ танлилар?

Буни биламиз. Улар ҳақида ота ва боболаримиз гапириб берганлар. Улар келганларида қўзичоқдек ювош эдилар, ширин-ширин сўзлардилар. Бу тушунарли: унда биз кўп эдик, кучли эдик, у вақтларда барча ороллар бизга қарашли эди. Ҳа, улар бу ерга ширин сўз билан келганлар. Улар биз билан турлича гапиришдилар. Баъзи бирлари худонинг ҳақ сўзларини тарғиб қилишга ижозат беришни, лутф-карам айлаб ижозат беришни сўрадилар, баъзилари эса биз билан савдо қилишга ижозат беришни, мурувват юзасидан ижозат беришни илтимос қилдилар. Лекин бунинг ҳаммаси ишнинг бошлан-

ғичи эди. Ҳозир эса улар ҳамма нарсани ўзлариники қилиб олдилар — ороллар, ҳамма ерлар, барча чорва-моллар — ҳаммаси уларники. Жаноб худонинг қуллари билан жаноб ромнинг қуллари бир бўлиб иш кўрдилар ва катта хўжайин бўлиб олдилар. Улар подшолардек ишлайдилар, кўп хонали уйларда турадилар, уларнинг тўда-тўда хизматкорлари бор. Уларда ҳеч нарса йўқ эди, энди ҳамма нарсага хўжайин бўлиб олдилар. Менми, сизми ёки кайфлардан бошқа бирортаси оч қолгудек бўлса, улар кулиб: «Ишла-да. Плантациялар нима учун яратилган» дейдилар.

Кулау жим қолди. У қўлини кўтарди ва тортишиб қолган, бўғин-бўғинга ажралган бармоқлари билан бошидан қора сочлари устида турган, гулхайрилардан ясалган гулчамбар тожини олди. Ой дарага мўл нур сочиб турарди. Тун тинч ва ором билан нафас олади. Кулауга қулоқ бериб ўтирганлар шиддатли жангда яраадор бўлган жангчиларга ўхшайди. Уларнинг юзлари арслоннинг тумшуғини эслатади. Бирисининг бурни ўрнида катта тешик пайдо бўлган, бошқасининг елкасидан тўмтоқ таёқдек бир нарса осилиб турибди. Бу чириб кетган қўлнинг қолдиғи. Улар ўттиз киши эдилар, ўттизта эркак ва аёл,— ўттизта таҳқирланган ғариб, мискинлар эдилар, улар йиртқич ҳайвонларга ўхшаб қолган эдилар.

Улар гулларга ўралиб, ой нурига кўмилган ҳолда ўтирар ва хириллашиб Кулауниинг сўзларини маъқуллардилар. Бир вақтлар улар одам эдилар, лекин ҳозир маййиб бўлган ва абжағи чиққан бадбашара махлуқларга айланганлар. Гўё уларни асрлар бўйи жаҳаннам азобида қийнаганлар, уларда инсонлик турқи асло қолмаган. Бармоғи сақланиб қолганларининг бармоқлари йиртқич қушнинг панжаларига ўхшарди; юзларига қарасанг, бу одамларни бундай бадбашара қилиб бирор ақлдан озган худо яратибди деб ўйлайсан киши. Ана ўша телба худо баъзи бирларининг бетидан ярмисини шартта ўйиб ташлабди, бир хотиннинг бир вақтлар кўзи ўрнашган жойда чуқурлик пайдо бўлиб, у ердан тўхтовсиз юм-юм кўз ёшлари оқиб турибди. Баъзилари қаттиқ азоб чекар ва оғриқдан инграр эдилар. Бошқа бирлари йўталар, йўталганларида гўё латта йиртилгандек тар-тарр этган товуш чиқади. Иккиси ақлдан озган бўлиб, улкан маймунга ўхшайди, лекин бу телбалар шу қадар абжақ яратилганки, уларга нисбатан маймунни фариштa деса бўлади. Ой нури уларни ёритиб турибди. Улар гулдасталардан тож қилиб кийиб олганлар, афти-башараларини буриштириб, алланарсалар деб алжирайдилар. Бирининг қулоғи шишиб, елкасигача осилиб тушибди; бечора чиройли, оч-қизил рангли гулни юлиб олди-да, ҳаракат қилганда силкиниб турган бадбуруш қулоғини безаб, уни қулоғи устига тақиб қўйди.



Кулау мана шу махлуқлар устидан подшо эди. Гуларга кўмилган, қиррали тоғ чўққилари орасига жойлашган ва ёввойи эчкилар маъраши эшитилиб турган мана шу дарада ҳукмрон эди. Уч томондан кўтарилиб турган баҳайбат деворлар ранго-ранг тропик ўсимликлар билан безалган, қоп-қора бўлиб ғор оғизлари кўриниб туради, бу унинг фуқаролари яшайдиган тоғ маконлари. Тўртинчи томондан водий таг-туби йўқ жарликка келиб тақалган, узоқда ундан пастроқ тоғ чўққилари кўринади. Шу тоғларнинг этагида океан пишқириб, кўпик сочиб ётади. Ҳаво очиқ ва тинч бўлган чоғларда Калалау водиси яқинидаги тошлоқ соҳилга қайиқда келиб тушса бўлади. Фақат об-ҳаво яхши бўлган пайтлардагина шундай водининг юқори қисмига — тоғ оралиғидаги Кулау ҳукмдорлик қилаётган дарага соҳил томондан ботир, тоғлик одамгина ўта олади; аммо бундай одам жуда довюрак бўлиши, шу билан бирга кўзга чалинар-чалинмас эчкилар сўқмоғини кўра олиши лозим. Кулау қабилини ташкил қилган аянч ва ожиз мажруҳлар ҳушни бошдан учирадиган мана шу сўқмоқдан юриб, метиндек мустаҳкам қалъага қандай қилиб ўтиб олганликлари кишини ҳайрон қолдиради.

— Биродарлар,— деб гап бошлади Кулау.

Шу вақт маймунсимон, бадбашара соқовлардан бири йиртқичларга ўхшаб ҳайқириб юборди. Кулау жим қолди ва тош деворлар оралиғи бўйлаб кетган бу қаттиқ ҳайқириқнинг акс-садолари узоқларда, сокин тун қоронғулигида тингунча кутиб турди.

— Биродарлар, бу қандоқ бўлди? Бу ерлар илгари бизники эди, ҳозир эса бизники эмас. Жаноб худо билан жаноб ромнинг одамлари ерларимиз эвазига нима бердилар? Орамизда ҳеч ким ўз ери учун бирор доллар, ҳеч

бўлмаганда бир доллар пул олдими? Энди улар хўжайин бўлиб олиб, ерларда, энди уларники бўлиб қолган ерларда ишланглар деб айтаётирлар; меҳнатимизнинг маҳсули ҳам уларники бўлади. Илгари вақтларда биз меҳнат қилмас эдик. Бунинг устига улар мана бундай касаллик балосига йўлиққанимиздан кейин, бизни озодликдан ҳам маҳрум қилаётирлар.

— Хўш, бу касални бизга ким келтирди, Кулау?— деб сўради озғин, пайлари бўртиб чиққан Килолиана. Унинг юзи қаҳ-қаҳ уриб кулаётган фавнга[1] ўхшар, шунга кўра оёқлари ўрнида туёқ ҳам бўлиши керакдек туюларди. Лекин бу туёқ эмас, оёқ эди, фақат катта-катта яралар қоплаган, йиринг оқиб ётган оёқ эди. Бир вақтлар Килолиана тоғларга тирмашиб чиқишга жуда эпчил йигит эди, ёввойи эчкилар туширган сўқмоқ йўлларни яхши биларди. Кулауни ва унинг бахтсиз қабиласини Калалаунинг мана шу хавфсиз ерига бошлаб келган ҳам шу Килолиана эди.

— Бу ҳақ гап,— деб жавоб берди Кулау. — Илгари отларимиз ўтлаб юрган жойларда яратилган қанд плантацияларида ишлашни истамадик, шунинг учун улар денгизнинг нариги томонидан хитой қулларини келтирдилар, мана шу касаллик ҳам ўшалар билан бирга келди. Биз мана шу касалга гирифтор бўлдик, шу касаллик учун Молокаига бизни сургун қилмоқчилар. Биз Кауаида туғилганмиз. Биз бошқа оролларга ҳам борганмиз — ҳар ким ҳар ерга — биров Охауга, биров Мауи, Гавайга, яна биров Гонолулу оролларига борган. Аммо биз қаерга бормайлик, Кауаига қайтиб келганмиз. Нима учун биз бу ерга қайтиб келар эдик? Сиз нима деб ўйлайсиз? Чунки биз Кауаини севамиз. Биз шу ерда туғилдик, шу ерда яшадик. Худди шу ерда... агар орамизда қўрқоқлар бўлмаса, шу ерда ўламиз. Қўрқоқлар бизга керак эмас. Унақангиларнинг жойи Молоканда. Орамизда шундай кишилар бўлса, кетсин. Эртага қирғоққа солдатлар тушади. Қўрқоқларни улар дарров Молокаига жўнатадилар. Биз-чи, биз бўлсак шу ерда қолиб курашамиз. Лекин қўрқманглар, биз ўлмаймиз. Бизнинг милтиғимиз бор. Сиз сўқмоқ йўлнинг жуда тор эканлигини биласиз. Икки томондан бир-бирига қарши келган икки киши ўтиб кетолмайди. Мен бир вақтлар Ниихауда ёввойи бу-

[1] Фавн — қадимги Рим мифологиясида — ўрмон худоси.



қа ов қилган Кулау бўламан, бир ўзим мана шу сўқмоқни минглаб душмандан қўриқлай оламан. Мана Капалеи судья эди, ҳурматли одам эди, энди-чи, энди худди сиз билан биз каби чексиз хўрланган бир одам. У доно йигит, унинг гапига қулоқ солинглар.

Капалеи ўрнидан турди. Бир вақтлар у судья эди. У Пунахоудаги коллежда ўқиганди. У жаноб хўжайинлар ва бошлиқлар билан, савдогар ва миссионерларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ажнабий давлатнинг юқори мансабли вакиллари билан бир дастурхон атрофида ўтириб зиёфатлар еганди. Ўтмишда Капалеи ана шундай одам эди. Ҳозир-чи, ҳозир у, Кулау айтганидек, чексиз таҳқирланган, хўрланган киши. У ҳозир қонундан ташқари одам, у шу қадар даҳшатли бир махлуққа айланганки, ҳозир ҳар қандай қонундан қуйи деса ҳам бўлади, юқори деса ҳам бўлади. Бурун ва юз ўрнида қоп-қора чуқурчалар қолган. Киприксиз кўзлари қип-қизил жиш бўлиб қолган қовоқлари остида йилтираб туради.

— Биз жанжал қўзғамоқчи эмасмиз,— деб гап бошлади у. — Бизни тинч қўйинглар деб илтимос қилдик. Бизни тинч қўймас эканлар, демак, жанжални улар бошлайдилар, шундай экан жазосини тортсинлар. Ўзингиз кўриб турибсиз, менинг бармоқларим йўқ,— деб у бошқалар кўрсин учун бармоқлари ириб кетган қўлларини юқори кўтарди. — Мана шу катта бармоғимдан бир бўғин қолган. Мен кўрсаткич бармоғим билан илгари милтиқнинг тепкисини қандай босган бўлсам ҳозир ҳам мана шу қолдиқ бармоғим билан ҳам худди ўшандай тепки боса оламан. Биз Кауаини севамиз. Шундай экан, келинглар, шу ерда яшаб, шу ерда ўлайлик, лекин Молокандаги турмага бормайлик. Бу касаллик бизники эмас. Бизда гуноҳ йўқ. Жаноб худонинг ва жаноб ромнинг одамлари бу касалликни хитой кулилари билан бирга олиб келдилар. Бу кулилар биздан ўғирлаб олинган ерларда ишламоқдалар. Мен судья эдим. Қонун ва тартибни биламан. Айтиб қўяй сизларга: қонун кишининг ерини ўғирлашга, касаллик тарқатишга, кейин ўзини умрбод турмага ташлашга йўл қўймайди.

— Умр қисқа, кунларимиз азоб-уқубат билан тўла,— деди Кулау. — Келинглар, қўшиқ айтайлик, ўйин-кулги қилиб, қўлимиздан келганча хурсандчилик қилайлик.

Қоялар орасидаги ғордан бир калабаши[1] келтирдилар, у давра айланиб қўлдан-қўлга ўта бошлади. Бу идишда ти ўсимлиги томирларидан солинган ўткир май бор эди. Мана шу суюқ олов мияга уриб, баданга тарқалгач, улар ҳамма нарсани унутиб, яна одамга айландилар. Кўз чуқурчаларидан қайноқ ёшлар оқаётган хотинда илгариги ҳис-сезги уйғонди, у гитарасининг торларини чертиб, ёввойи хонимларнинг севги ашуласини бошлаб юборди. Бу ибтидоий дунёнинг қоронғу тўқайзорларида яратилган қўшиқ эди. Унинг амирона ва ўзига тортувчи овозидан ҳаво титрарди. Бордон устида ашуланинг куйига эргашиб Қилолиана рақс тушиб кетди. Унинг ҳар бир ҳаракати муҳаббатни ифодаларди; унинг ёнида бордон устида бир хотин ўйинга туша бошлади. Унинг чиройли беллари, баланд кўкраклари касал емирган юзига ҳеч мос келмасди. Бу тирик мурдалар рақси эди, чунки уларнинг ириб-чириб бораётган вужудларида севги ҳам, истак ҳам бор эди. Кўр кўзларидан қайноқ ёш оқизаётган хотиннинг севги қўшиқлари борган сари кучлироқ янгради. Раққослар илиқ тун сокинлигида борган сари берилиб ўйнайвердилар, май идишлари борган сари тезроқ қўлдан-қўлга ўтаверди. Май ичиб олганидан ҳаммасининг миясида ўтмиш хотиралари ва эҳтирос қўзғалди.

Бордон устидаги хотин олдида нозик бир қиз рақс тушарди; унинг юзи чиройли ва тоза, лекин рақс пайтида юқори чиқиб, қуйи тушиб турган қўлларида касал аллақачон ўзининг даҳшатли изини қолдирган. Инсонликдан бутунлай чиқиб қолган бояги икки овсар эса ўзича муҳаббатни ифода этиб, хириллаб ва алланарсалар деб алжираб сал нарироқда ўйин тушардилар.

Бирдан хотиннинг севги ашуласи кесилди, май қовоқлари ерга қўйилди, рақс тугади, ҳамманинг кўзи пастга, жарликка, денгиз томонга тикилди. Ой нури тушиб турган денгиз устида ёруғ олов сочиб ракета чарақлади.

— Солдатлар,— деди Кулау.— Эртага жанг бўлади. Ухлаб, куч-қувват тўплаш ва тайёргарлик кўриш керак.

Моховлар ҳукмга итоат қилиб, уяларига ўрмалаб кириб кетдилар. Тезда Кулаунинг ёлғиз ўзи қолди. У ой ёруғида милтиғини тиззасига қўйиб, пастга — қайиқлар

[1] *Калабаши* — қовоқ идиш.



келиб тўхтаётган узоқ қирғоққа қараган ҳолда қимир этмай ўтирарди.

Бу ер, тоғ тепасидаги Кулалау водийси ишловчи бошпана эди. Агар даранинг тик деворларидаги айланма сўқмоқ йўлларни билган Қилолианани ҳисобга олмаганда, тикка тоғ чўққиларидан учиб тушмаса, бу ерга ҳеч ким ўта олмасди. Тоғ қирралари юз одимлаб узоқларга чўзилган бўлиб, эни ўн икки дюймдан ошмас эди. Лекин унинг икки томони ҳам жарлик эди. Сал тойилса борми — ўнгда ҳам, сўлда ҳам инсонни ўлим кутади. Аммо йўлнинг охирига етган одамнинг назари олдида жаннат намоён бўлади. Дарани ям-яшил кўкатлар денгизи қоплаган; тошлар устида атрофга сув кукуни сочиб, ирғиб оқаётган чашма сувлари сингари, сербарг новда тўлқинлари таралиб тушган; тоғ деворларида осилган қирқ қулоқ ва дарахтларнинг муаллақ осилган томирлари худди мана шу чашманинг сачратган кўпикларига ўхшайди. Узоқ вақтларгача Кулау ва унинг фуқаролари мана шу ўсимликлар денгизига қарши кураш олиб бордилар. Ахир бу чангалзорни чекинишга мажбур қилдилар, энди бўлса, банан, апельсин ва бошқа мевали дарахтлар озод ўса бошладилар. Қичик-қичик майдончаларда ёввойи аррорут дарахти ўсади, тупроқ қатлами пайдо бўлган ясси тошлар устига таро ва қовун экишди. Қуёш нури тушган очиқ жой борки, ҳаммасида мевадан бош эгиб папайя дарахтлари қад кўтарди.

Бу бошпанага Кулау денгиз томонидан, водининг қуйисидан келди. Агар бу ердан ҳам кетишга тўғри келиб қолса, илгаридан мўлжаллаб қўйилган бундан ҳам баландроқ бошқа жойлар, ҳайбатли тоғ чўққилари оралиқларида бошқа даралар бор. Ҳозир у ўз милтиғини ёнига қўйиб, япроқлар орасидан узоқ соҳилдаги солдатларга тикилиб ўтирарди. У солдатлар ўзлари билан бирга олиб келган тўпларни кўриб қолди. Бу оғир тўплар қуёш нурини ўзида ойнадек акс эттирарди. Худди Кулаунинг олдидан ингичка қиррали қоя сўқмоқ бошланади. Пастдан Кулау томонга келадиган сўқмоқ йўлдан майда нуқталар — одамлар ўрмалаб келмоқда. Булар солдатлар эмас, полисменлар эканини Кулау билади. Уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди, шундан кейин солдатлар ишга тушади.

У меҳр билан милтиғининг стволини сийпаб қўйди, прицелини текширди. Кулау милтиқ отишни бундан анча илгари, Ниихау оролида ов қилиб юрган чоқларида ўрганган. Унинг мерганлик шуҳратини у ердаги одамлар ҳали ҳам эсларидан чиқарганлари йўқ.

Ҳаракат қилаётган нуқталар яқинлашиб, улғайиб борди, Кулау ён томондан эсаётган шамолнинг кучини ва икки ораликдаги масофани белгилаб чиқди, шунингдек ўқ баланддан пастга отилганда, тик пастликдаги нишонга бориб тегишда учрайдиган хатоликни ҳам ҳисобга олиб қўйди. У ҳамон ўқ узмай турди. Полисменлар ўткир қиррали тош сўқмоқ йўл учига келгунча индамай турди, кейин ўзидан дарак берди. У чангалзордан бош чиқармай туриб:

— Ҳей, сизга нима керак?— деб сўради.

— Бизга мохов Кулау керак,— деб жавоб берди маҳаллий полиция отряди бошлиғи, кўк кўзли американинг.

— Қайтинглар орқангизга!— деди Кулау.

Кулау бу американикни танирди: бу одам уни Ниихауда яшашга қўймай, Кауаидан то Калалау водийсигача, кейин у ердан мана шу дарагача қувлаб келган полиция бошлиғи эди.

— Сен кимсан?— деб сўради полиция бошлиғи.

— Мен мохов Кулауман,— деган жавоб бўлди.

— Бўлмаса чиқ бу ёққа. Хоҳ ўлик, хоҳ тирик бизга кераксан. Калланг учун минг доллар мукофот белгиланган. Қочиб қутула олмайсан.

Кулау яшириниган жойида ётаркан, хахолаб кулиб юборди.

— Чиқ бу ёққа!— деб буюрди полиция бошлиғи. Лекин ҳеч қандай жавоб ололмади.

У полисменлар билан маслаҳатлашди. Кулау ҳужум қилишга қарор берганликларини англади.

— Кулау!— деб қичқирди полиция бошлиғи.— Кулау, олдингга кетяпман.

— Бўлмаса, аввал қуёшга, осмонга, денгизга бир назар ташлаб ол, чунки уларни ортиқ ҳеч қачон кўрмайсан.

— Хўп, хўп бўлади, Кулау,— деди полиция бошлиғи мулойим товуш билан.— Сен жуда яхши мерган-сан — биламан буни. Лекин менга қараб ўқ узмайсан. Мен сени ҳеч хафа қилган эмасман.



Кулау алланималар деб минғиллаб қўйди.

— Тўғриси-да,— деб таъкидлади полиция бошлиғи.— Сени ҳеч ҳам хафа қилган эмасман-ку, ёки гапим нотўғрими?

— Сен мени турмага қамаб қўймоқчисан, бу хафа қилмаганингми?— деган жавоб эшитилди.— Каллам учун минг доллар олмоқчи бўлиб, мени яна ҳам хафа қиляпсан. Агар жонинг ширин бўлса, ўрнингдан қимирлама.

— Мен олдингга боришим керак. Нима қилай, менинг бурчим бу.

— Менинг олдимга келмай туриб, жонингдан ажраласан.

Полиция бошлиғи қўрқоқ одамлардан эмасди, лекин шу ерда бир оз иккиланиб қолди. У пастга, жарликка қаради, пичоқ каби ўткир қирра тошларни бир кўздан кечирди-да, сўнг қатъий қарорга келди.

— Кулау! — деб қичқирди у.

Чангалзорда жимлик ҳукм сурарди.

Полиция бошлиғи орқасига қайрилиб, полисменларга алланарсалар деб буйруқ берди-да, хатарли йўлга қадам босди. У секин юриб келаверди. Унинг қадам босиши дорбознинг арқон устидаги юришига ўхшарди. Ҳаводан бошқа унинг ушлайдиган бирор таянчи йўқ. Оёғи остидан кўчган тошлар жарликка учиб кетаверди. Қуёш қизитиб турарди, полиция бошлиғи юзидан тер қуйиларди. Лекин у ҳамон олдинга қараб келарди. Охир у йўлнинг ярмига етди.

— Тўхта!— деб қичқирди Кулау, чангалзордан.— Яна бир қадам боссанг, отаман.

Полиция бошлиғи худди жаҳаннам кўприги устида тургандек, икки қўлини кўтарган ҳолда йиқилай-йиқилай деб тўхтади. Унинг ранги ўчиб кетди, лекин қарашида қатъийлик бор эди. У қуриган лабларини ялаб туриб:

— Кулау, мени ўлдирмайсан. Биламан, ўлдирмайсан,— деди.

У яна олдинга бир қадам ташлади. Узилган ўқ уни икки букилиб қолишга мажбур қилди. Пастга ағдарилар экан, юзида жаҳл ва ҳайронлик белгиси кўринди. «Агар тош қиррасига йиқилсам, қутулиб қолса бўлади» деб ўйлади-ю, шу ондаёқ ўлим қучоғига кирди. Бир зумда

тош усти бўшаб қолди. Шунда бешта полисмен биринкетин югуриб қирра сўқмоқдан келавердилар, қолганлари эса дарҳол чангалзорга қараб ўт очдилар. Бу ақлсизлик эди. Кулау милтиқ тепкисини шу қадар тез босар эдики, кетма-кет отилган бешта ўқ узлуксиздек қарс-қарс овоз чиқарди. Кулау ҳуштак чалиб келиб, шатир-шутур тошга урилаётган ўқлардан бошини яшириб, чангалзор орасидан мўралади. Полисменлардан тўрттаси худди ўз бошлиқлари сингари бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар, бешинчиси эса ҳали тирик ҳолда қирра сўқмоқ устида кўндаланг тушиб ётарди. Сўқмоқнинг нариги бошида қолган полисменлар ўқ отишни тўхтатиб, бир ерга тўпланишди. Мана шу яланғоч қоя тошлар орасида уларнинг аҳволи оғир эди. Кулау уларнинг ҳаммасини пастга тушиб кетишга йўл қўймай битта-битталаб жарликка ағдариши мумкин. Лекин у ўқ узмади. Қисқа кенгашдан кейин полисменлардан бири ўз устидан оқ кўйлагини ечиб, юқори кўтарди-да, байроқ ўрнида ҳилпиратди. Кейин улар икки киши бўлиб сўқмоққа қадам қўйдилар-да, ярадор шериклари олдига кела бошладилар. Кулау қимирламай ётар ва уларнинг ҳаракатини кўздан кечирарди. Улар аста орқага чекиндилар ва пастга — водига тушиб кета бошладилар, борган сари кичрайиб, қора нуқтага айланиб кетдилар.

Икки соатдан кейин Кулау бошқа бир пана жойдан қараб, бир тўда полисменларни кўриб қолди. Улар қарши томондаги водидан юқори кўтарилиб келмоқда эдилар. Ёввойи эчкилар уларни кўриб, тум-тарақай бўлиб қочавердилар. Полисменлар ҳамон юқорига тирмашиб чиқавердилар. Кулау ўзига ишонмай, Килолаинани чақириб келишга киши юборди.

— Йўқ, улар бу томондан ўтолмайдилар,— деди Килолиана.

— Эчкилар-чи?— деб сўради Кулау.

— Эчкилар қўшни водидан келган, улар эса бу ерга чиқолмайдилар. Йўл йўқ. Бу одамлар эчкилардан ақлироқ эмас. Улар жарликка ағдарилиб парча-парча бўлиб кетадилар. Мана, кўриб турамиз.

— Улар жасур одамлар,— деди Кулау.— Майли, кўрайлик-чи.

Улар гиламдай тўшалган кўкатлар устида ёнма-ён



ётиб, қўнғизга ўхшаб юқори ўрмалаб чиқаётган одамларни кўздан кечира бошладилар. Улар айтгандек бўлди: полисменлардан учтаси тойиб кетиб, тоғ қиялигигача думалаб борди-да, жарликка учиб кетди.

Килолиана илжайди.

— Улар энди бизни безовта қилишмайди,— деди у.

— Уларнинг тўплари бор,— деб эътироз билдирди Кулау. — Солдатлар ҳали ишга тушгани йўқ.

Иссиқдан тинкаси қуриган моховлар ғорга кириб, уйқуни урмоқда эдилар. Кулау ҳам ўқ солинган милтиғини тиззасига қўйиб, ўз жойида мудраб ўтирарди. Қўли майиб қиз чангалзор ичида ётар ва ўткир қиррали тошдан кўзини олмасди. Бирдан Кулау чўчиб, ирғиб ўрнидан турди: қирғоқ томондан портлаш овози эшитилди. Бир оздан кейин ҳаво парча-парча бўлиб кетгандай туюлди. Бу даҳшатли товуш Кулауни қўрқитиб юборди. Хотинлар матани тариллатиб йиртганлари сингари, худолар осмон пардаларини тариллатиб йиртаётгандай туюлди. Даҳшатли товуш тезлик билан яқинлашиб келаверди. Кулау қўрқа-писа бошини кўтариб атрофга қаради. Мана тўп ўқи тоғ тепасида портлади ва дара устида қуюқ қора тутун кўтарилди. Қоя тошлари тарс-тарс ёрилиб, парчалари тоғ ён бағрига юмалаб туша бошлади.

Кулау қўли билан тер босган пешонасини силади. Уни даҳшат босди. Кулау умрида тўп овозини эшитмаган ва унинг нақадар қўрқинчли эканлигини ҳатто тасаввур қилолмас эди.

— Бир, — деди Капалеи, нима учундир отилган тўп ўқларини ҳисоблашга аҳд қилиб. Иккинчи ва учинчи ўқ визиллаб дара устидан ўтиб, яқиндаги тоғ чўққиси оркасида портлади. Капалеи санайверди. Моховлар очиқ майдонга югуриб чиқишди. Бошда тўп ўқининг портлаши уларни қўрқитди, кейин улар тинчланиб, ўзлари учун янги бўлган бу манзарани томоша қила бошладилар. Иккала овсар камоли хурсандликдан қичқиришар ва тўп ўқи ҳавони ҳар ёриб ўтганда, қилпанглашиб ирғишлашар эди. Кулау деярли тинчланди. Тўп ўқлари зиён келтирмади. Эҳтимол, катта ўқлар билан шундай узоқ ердан милтиқдан отган каби аниқ нишонга олиш қийиндир.

Бирдан аҳвол ўзгарди. Энди тўп ўқлари улар турган жойга етмай портлай бошлади. Бир снаряд чангалзор

олдидаги тош қирралари устига тушиб портлади. Кулау ўша ерда қоровул бўлиб ётган қизни эслаб, ўша томонга югурди. У чангалзорга ўрмалаб кирганда, бутазор ҳали тутун ичида эди. Кулау турган ерида донг қотиб қолди. Шохчалар синган, эзилган. Қизни қўйиб кетган жойида чуқурча ҳосил бўлибди. Қиз тилка-пора қилиб ташланганди. Тўп ўқи келиб тўппа-тўғри қизнинг устига тушибди.

Кулау буталар орасидан мўралаб қаради-да, сўқмоқда солдатлар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, югурганича ғорга қайтиб келди. Снарядлар ғизиллаб, чийиллаб ҳуштак чалиб унинг устидан ўтар, шунда бутун дарани гумбурлаш овози қоплар ва портлашдан ер ларзага келар, титрар эди. Ғор олдида иккала телба ярми чириб кетган бармоқлари билан бир-бирларини ушлаб, севинч билан у ёқдан-бу ёққа чопишар эди. Бирдан яқин жойда қоп-қора тутун кўтарилди. Портлаш ҳалиги иккита телбани икки томонга улоқтириб ташлади. Бири қимирламай ётиб қолди, иккинчиси эса ғорга ўрмалаб кетди. Унинг оёғи ерда судралиб борар, ярасидан шариллаб қон оқарди. У қора қонига беланган бўлса ҳам худди кучукдек тишларини иржайтирарди. Капалеидан бошқа ҳамма ғорга кириб яширинди.

— Ўн етти,— деди Капалеи, кейин дарров қўшиб қўйди,— ўн саккиз.

Ўн саккизинчи снаряд ғорлардан бирининг оғзи олдида портлади. Моховлар ўз инларидан ташқарига отилдилар, лекин тўп ўқи тушган ғордан ҳеч ким чиқмади. Кулау сассиқ ва аччиқ тутундан нафаси қайтиб, ўрмалаб ғорга кирди. Абжағи чиққан тўртта ўлик ерда чўзилиб ётар эди. Уларнинг ичида кўзи кўрмас хотин ҳам бор бўлиб, кўзларидан ортиқ ёш оқмай қўйганди.

Кулау фуқаролари орасида ваҳима бошланди. Улар дарадан юқорига, тоғ чўққилари ва дараларга йўл олдилар. Яradор бўлган телба оҳиста инграб, бошқалардан орқада қолмаслик учун кучининг борича судралиб борарди. Аммо тоққа чиқа бошлашдан олдин у ҳолдан тойиб қолди, бир чангакланиб, жим бўлди.

— Уни ўлдириш керак,— деди Кулау, Капалеига қараб. Капалеи ҳамон илгариги жойида қимирламай ўтирарди.

— Йигирма икки,— деб жавоб берди Капалеи,—



ҳа, яхшиси, уни ўлдириш керак. Йигирма уч... Йигирма тўрт.

Милтиқни ўзига қаратилганини кўрган телба бақириб юборди. Кулау иккиланиб қолди ва милтиғини туширди.

— Осон иш эмас бу,— деди у.

— Аҳмоқсан. Йигирма олти, йигирма етти,— деди Капалеи, — кел, ўргатиб қўяй сенга.

У ўрнидан туриб ердан оғир бир тошни олди-да, ярадорга қараб юрди. У тошни кўтариб энди ураман деб турган эди ҳамки, бир снаряд келиб худди ўша ерга тушди. Шу билан унинг ҳаракати ҳам, қилмоқчи бўлиб турган ҳисоб-китоби ҳам тугади.

Дарада Кулау ёлғиз қолди. Фуқароларининг энг сўнгиси тўлғаниб, буралиб тоғ орқасига ўтиб, ғойиб бўлиб кетгунча Кулау улардан кўз узмай қараб турди. Кейин қайрилиб, қиз ўлган чангалзорга қараб кетди. Тўп отиш ҳамон давом этмоқда, лекин у кетмади, чунки пастликдан юқорига қараб чиқиб келаётган солдатларни кўриб қолди. Бир снаряд ундан ўн қадамча нарироқда портлади. Кулау ерга ёпишиб ётаркан, снаряд парчаларининг боши устидан ғизиллаб ўтганини эшитди. Хау ўсимлигининг туллари унинг устига ёмғирдек тўкилди. У бошини кўтариб, сўқмоқ йўлга қаради ва оғир тин олди. Уни даҳшат қоплаб олган эди. Милтиқдан отилган ўқни у писанд қилмасди-я, аммо тўп ўқи унинг капалагини учириб юборди. Ҳар тўп отилганда, у қалтираб ўзини ерга ташлар, лекин ҳар гал яна бошини кўтариб, дарҳол сўқмоқ йўлга кўз тикарди.

Отиш тўхтади. Солдатлар яқинлашиб қолган бўлсалар керак деган қарорга келди у. Солдатлар сўқмоқ йўлдан тизилиб келмоқда эдилар. Кулау санай бошлади-ю, тезда ҳисобдан адашиб кетди. Солдатлар юзга яқин эди. Уларнинг ҳаммаси мохов Кулаунинг орқасидан келган. Бир зумга унда ғурур ҳисси уйғонди. Улар милтиқ, замбарак, полисменлари билан унинг пайига тушибдилар, у эса ёлғиз ўзи, яна бунинг устига касал, майиб бўлса. Уни хоҳ тирик, хоҳ ўлик қўлга туширган одамга минг доллар мукофот ваъда қилинган. Ўзи эса умрида бундай катта пулни кўрган эмас. Бу аччиқ ҳақиқат эди. Капалеи ҳақ сўзни гапирди. Кулау ҳеч кимга ёмонлик қилмаган. Оқ танлиларга ўғирланган ерларда ишлаш учун ишчи кучи керак бўлганда, улар хитой ку-

лиларини олиб келдилар, улар ўзлари билан касал ҳам олиб келдилар. Мана шу касалликни унга юқтирганлари учун унинг баҳоси минг долларга чиққан. Лекин улар бу пулни ҳеч қачон ололмайдилар. Мана шу катта пуллар унинг чириб кетган ўлакса гавдасига ёки снаряд парчалаб ташлаган ўлигига тўланиши мумкин.

Солдатлар ўткир тош қирраларига етганларида, Кулау уларни огоҳлантирмоқчи бўлди, лекин кўзи ўлган қизга тушиб, индамади. Сўқмоқ йўлнинг бошига олтинчи солдат қадам қўйганда, Кулау ўт очди ва йўл усти тозалангунча тинмай ўқ узди. У ўқ узар, милтиғини ўқлар ва яна отар эди. Бутун эски аламлари эсига тушиб кетганди, бутун вужудини ғазаб ва қасос ўти қоплаб олганди. Солдатлар ҳам сўқмоқ йўлда кўндаланг ётиб олиб, ўқ уза бошладилар. Солдатлар сўқмоқ йўлнинг пастроқ жойида ўзларини панага олиб, яширинишга уринсалар ҳам, уларни нишонга олиш қийин эмасди. Отилган ўқлар ҳуштак чалиб, Кулау атрофидаги тошларга келиб урилар ва чарсиллаб орқасига қайтарди. Бир ўқ келиб унинг бош терисини шилиб кетди, бошқа бири курагини жизиллатиб юборди.

Бу ҳақиқий қирғин эди. Солдатларга қирғин солган бир киши — Кулаунинг ёлғиз ўзи эди. Солдатлар яродор бўлган шерикларини олиб, чекина бошладилар. Кулау ўқ узиб, солдатларни бирма-бир жарликка ағдараркан, бирдан унинг бурнига куйган гўшт ҳиди келди. У атрофтеваракка қаради, кейин тушунса, қизиган милтиқ унинг бармоқларини куйдираётган экан. Касаллик қўли нервларини ишдан чиқарган, гўшт куйганда, унинг ҳиди бурунга урган; лекин оғриқ сезгиси йўқ эди.

Кулау чангалзорда ётар ва илжаяр эди. Бирдан у замбараклари эслади. Замбараклар узоқ тинч қолмаса керак, Кулау ётиб ўқ узаётган жойни ўққа тутсалар керак. Боя кузатиб турганида, сира тўп ўқи тушмаган қоя орқасига энди яширинган ҳам эдики, тўпдан отиш яна бошланди. Кулау санаб турди: замбараклардан дарага яна олтмишта ўқ уздилар, кейин жим қолдилар. Қичик бир майдонча шу қадар ўйиб ташландики, у ерда бирор жонли нарсанинг қолиши мумкин эмас деб ўйласа бўларди. Солдатлар шундай деб ўйладилар. Улар тушдан кейин сўқмоқ йўлдан яна юкорига қараб чиқа бошладилар. Улар яна тош қирраларидан ўта олмадилар, яна денгиз томонга чекинишга мажбур бўлдилар.



Солдатлар тепаликни узлуксиз ўққа тутиб турган бўлсалар ҳам, Кулау сўқмоқ йўлни яна икки кун сақлаб турди. Учинчи кун дара устида муаллақ энгашиб турган чўққи устида моховлардан бири — Пахау деган бола пайдо бўлди-да, Киллиана одамлар очликдан ўлмасин деб эчки ов қилаётиб тоғдан йиқилиб, парча-парча бўлди, хотинлар жуда қўрқиб, нима қилишни билмаяптилар деб қичқирди. Кулау боланп пастга тушишга буюрди ва унинг қўлига запас милтиқни бериб, сўқмоқ йўлни қоровуллаш вазифасини топширди, ўзи эса фуқаролари олдига чиқди. Улар жуда умидсизликка тушиб қолгандилар. Улардан кўпчилигининг шундай оғир шароитда ўзига овқат топиб ейишга мадори етмасди, шунинг учун ҳаммалари оч қолишганди. Кулау унча оғир касал бўлмаган иккита хотин ва бир эркакни танлаб олди-да, овқат ва бордон келтириш учун дарага юборди. Қолганларга тасалли беркелтириш учун дарага юборди. Қолганларга тасалли берди, овутди, шундан кейин энг заифлари ҳам чайла қуришга кўмаклаша бошладилар.

Лекин овқат учун юборилганлар қайтиб келмадилар, шунинг учун Кулау дарага қайтиб келди. У жарлик ёқасига келганда, бирдан беш-олти ўқ бир варакайига варанглади. Бири елкасига тегди, бошқа бири тошга тегиб қайтди-да, парчаси юзини тилиб кетди. У орқасига ташланди-ю, ўгирилиб қаради. Қараса, дара ичи солдатлар билан лиқ тўла. Унинг фуқаролари хоинлик қилибдилар. Улар тўпларнинг овозларига бардош беролмай, Молокаини — турмани афзал кўрибдилар. Кулау бир неча қадам орқага чекинди-да, оғир ўқ халтасини белидан олди. У тоғ чўққилари орасида жойлашиб, жарлик устида биринчи солдатнинг калласи билан елкаси кўринган эди ҳамки, милтиқ тепкисини босди. У икки марта шундай қилди, кейин бир оз ўтгач жарлик устида одам калласи ўрнига оқ байроқча кўтарилди.

— Нима керак сизга?— деб сўради Кулау.

— Агар мохов Кулау бўлсанг сен кераксан,— деган жавоб бўлди.

Кулау хавф-хатарни унутди — ҳамма нарсани унутди, ҳеч нарсага қарамай, ўз истакларини амалга оширишга тиришган мана шу хаоле — оқ танли одамларнинг матонатига хайрон қолиб, ўз жойида ётарди. Кулау

ҳаётдан ҳам кучли бўлган ва дунёда ҳамма нарсани ўзига бўсундирадиган шу одамларнинг иродасига қойил эди. У умид қолмаганини тушунди. Оқ танлиларнинг иродаси билан олишиб бўлмасди. Уларнинг мингини ўлдирсанг ҳам, денгиз қуми сингари кўпайиб келаверадилар ва пировардида уни ҳалок қиладилар. Улар ҳеч вақт ўз мағлубиятларини тан олмайдилар. Уларнинг хатоси мана шунда, шу билан бирга, уларнинг кучи ҳам шунда. Кулаунинг фуқароларида бундай хосият йўқ. Жаноб худо билан жаноб ромнинг бир гала элчилари қанадй қилиб унинг ватанини босиб олганлари мана энди аён бўлди. Бу шунинг учун содир бўлдики...

— Хўш, қани? Мен билан борасанми?— деб сўради, қўлига байроқча ушлаган кўзга кўринмас киши. Ҳа-да у ҳақиқий хаоле, ўз мақсадига эришмоқ учун ҳеч нарсадан қайтмайди.

— Кел, бир гапиришиб кўрайлик,—деди Кулау.

Жарлик устида бир одамнинг боши, елкаси кейин бутун гавдаси пайдо бўлди. У ёшгина капитан эди. Унинг юзи мулойим, кўзи кўк, қадди-қомати келишган йигит эди. У олдинга қараб келаверди, кейин Кулау ишораси билан беш қадамча нарида тўхтади.

— Мард экансан,— деди Кулау, ўйчанлик билан.

— Сени пашшадек ўлдириб ташлашим мумкин.

— Йўқ, ўлдиролмайсан,— деб жавоб берди у.

— Нима учун?

— Чунки инсонсан, Кулау, ёмон бўлсанг ҳам, ҳар ҳолда одамсан. Сени биламан. Одам ўлдиришга устасан.

Кулау бир нарсалар деб минғиллаб қўйди, лекин зимдан хурсанд бўлди.

— Менинг одамларимни нима қилдинг?— деб сўради Кулау.— Бола қани, икки хотин билан бир эркак қани?

— Улар таслим бўлдилар. Энди навбат сеники — сени олиб кетгани келдим.

Кулау истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Мен эркин одаммам,— деди Кулау.— Мен ҳеч кимни хафа қилмадим. Фақат бир нарсани илтимос қиламан: мени тинч қўйинглар. Мен озод яшадим, умримни озодликда ўтказаман. Ҳеч қачон таслим бўлмайман.



— Демак, одамларинг сендан ақллироқ экан,— деди ёш капитан,— ана улар келишяпти.

Кулау қайрилиб қаради. Тепалик томонда мудҳиш бир манзара кўзга ташланди: Кулау қабиласидан тирик қолган одамлар оҳ-вой қилиб, инграб-сиғраб, аянчли бир кўринишда унинг олдидан ўта бердилар. Бундан ҳам оғир дақиқаларни бошдан кечириш унга қисмат қилинган экан, чунки одамлари унинг олдидан ўтаркан, Кулауни ёмон сўзлар билан сўкишарди, ҳақорат қилишарди, намойишнинг энг охирида судралиб келаётган кампир унинг олдига келиб тўхтади, йиртқич қуш панжасига ўхшаган бармоқларини чўзиб, тишларини ғижирлатиб, калласини чайқаб, Кулауга лаънатлар ўқиди. Моховлар қиррали тошлар орқасидан ўтиб келиб, бирин-кетин пистирмада ётган солдатларга таслим бўлавердилар.

— Энди кетаверсанг ҳам бўлади,— деди Кулау, капитанга,— мен ҳеч қачон таслим бўлмайман. Гап шу. Хайр.

Капитан сирғалиб, ўз солдатлари олдига тушиб кетди. Бир оздан кейин у шлемини юқори кўтарди. Кулау отган ўқ шлемни тешиб ўтди. Кечгача улар қирғоқдан туриб Кулауга қарата ўқ уздилар. Кулау юқорига қараб, ғоят баланд чўққиларга чиқиб кетгандан кейин, солдатлар унинг орқасидан тушдилар.

Улар олти ҳафтагача ўткир қиррали чўққилар орасида, ёввойи эчкилар туширган сўқмоқ йўлларда унинг орқасидан қувлаб юрдилар. У лантана ўсимлиги орасига яшириниган пайтларда, солдатлар чангалзорни ўраб олар ва худди қуён қувлагандек унинг кетидан тушардилар. Лекин ҳар гал ҳам у солдатларни адаштириб, чап бериб кетар эди. Кулауни қўлга туширишнинг ҳеч имкониятини тополмадилар. Таъқибчилар яқинлашганда, Кулау милтиғини ишга солар, солдатлар эса яродор шерикларини олиб, сўқмоқ йўллардан денгиз бўйига тушиб кетар эдилар. Солдатлар чангалзорлар орасида унинг қорача гавдасини кўриб қолиб, ўқ узган пайтлари ҳам бўлди; бир гал солдатлар беш киши бўлиб, уни сўқмоқ йўлнинг очиқ жойига суриб чиқардилар ва бор ўқларини отдилар. Лекин у жарлик ёқалаб, оқсоқлана-оқсоқлана қочиб қутулиб кетди. Кейин йўл устида қонли излар қолганини кўриб, Кулаунинг яродор бўлганлигини англадилар. Олти ҳафтадан кейин уни таъқиб қилишдан воз кечдилар. Сол-

датлар ва полисменлар Калалау водисини унинг ҳукмронлигига топшириб, ўзлари Гонолулуга қайтиб кетдилар. Шунда ҳам баъзи якка-ёлғиз одам овчилари ҳар замонда бир уни қўлга туширишга интилиб кўрардилар, аммо бу ишлари билан ўз бошларига етардилар.

Икки йил ўтгандан кейин Кулау сўнгги марта бута чангаллари орасига ўрмалаб кириб, ти ўсимлиги япроқлари ва гуллар орасида чўзилди. У озодликда умр кечирди, энди озодликда ўлимга тайёрланмоқда эди. Ёмғир сийпалай бошлади, Кулау абжағи чиққан оёқларини йиртиқ одеял билан ёпди, устига плашчини ташлади, маузерининг стволига тушган ёмғир томчиларини меҳр билан артди-да, уни кўкрагига қўйди. Милтиқни артаётган қўлларида энди бармоқ йўқ эди, шунинг учун ҳам у энди тепкини босолмасди.

У кўзларини юмди. Унинг аъзойи бадани заифлашган, миясини туман босган, шунда у умри охирлаб қолганини англади. У худди йиртқич ҳайвон сингари ўлимга тайёрлик кўриш учун чангалзорга ўрмалаб кирди. У қолган ярим-ёрти ҳушини йиғиб, баъзан алаҳлаб, Ниихауда ўтказган ёшлик чоғларини эслай бошлади. Ҳаёт чироғи сўнмоқда, ёмғир дарахт япроқларини борган сари секин ситирлатмоқда эди. Унинг хаёлида, ёввойи отларни ўргатаётгандай, икки яшар асов от унинг остида гижинглаб ўйнаб, икки оёғини осмонга кўтараётгандай бўларди. Мана, у отнинг бошини қўйиб, коралда чопиб боряпти, ёввойи отларни минишга ўргатувчилар ҳар томонга тарқалиб, ғовлар устида от сакратиб ўтиб кетяптилар. У бир зумда содир бўлган ўзгаришга ажабланиб ўтирмай, тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда ёввойи ҳўкизларни қувиб кетди-да, бўйинларига каманд ташлаб, уларни пастликка, води томонга етаклаб туша бошлади. Ҳайвонларга тамға босилаётган қўтон ичида тер ва чангдан кўз ачишар, бурун қичишар эди.

Ўлим олдидан юз берадиган сўнгги ўткир оғриқ уни ҳақиқатга қайтармагунча, соғлом ва эркин ёшлиги унинг хаёлидан кетмади. У ириб-чириб кетган қўлларини юқори кўтариб, қўлларини ҳайрон бўлиб кўздан кечирди. Нечук? Қандай қилиб у шу ҳолга келди? Қандай қилиб бир вақтлар ёш ва эркин бўлган Кулау мана шундай бадбуруш махлуққа айланди? Кейин у яна ҳақиқатга қайтдида, яна мохов Кулауга айланди. Қовоқлари солиниб, кип-



риклари бир-бирига қовушди, ёмғирнинг шитирлаши тинди, унинг бадани узоқ жимирлаб, дириллаб турди. Кейин бу ҳам тугади. У бошини юқори кўтарди, лекин шу ондаёқ боши шилқ этиб майса устига тушди. Кўзлари очилди, сўнг ортиқ ёпилмай, шу ҳолича қолди. Унинг энг сўнгги фикри милтиғи бўлди, бармоқсиз қўллари билан милтиғини қучоқлаб, кўкрагига қаттиқ босди.



МУНДАРИЖА


Шимол Одиссеяси . . . . . 3
Аёл кишининг мардлиги . . . . . 40
Ҳаётга муҳаббат . . . . . 56
Исёнчи . . . . . 78
Буюк сеҳргар . . . . . 90
Киш ўғли Киш . . . . . 113
Мексикалик . . . . . 125
Мохов Кулау . . . . . 155



*На узбекском языке*

ДЖЕК ЛОНДОН

Рассказы

Перевод с издания Учпедгиза БССР, 1955

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1958*

Редактор *С. Муҳаммаджонов*
Рассом *Н. Агапова*
Техн. редактор *Р. Старченко*
Корректор *Н. Содиқов*

Теришга берилди 6/XII 1957 й. Босишга рухсат этилди 13/XI 1958 й. Формат 84×108$^{1}/_{32}$ Босма л. 5,5. Шартли босма листи 9,02 Нашр. л. 9,46. Тиражи 15000. Индекс *н/а* ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий, 30. Шартнома № 89-57. Заказ № 159. Баҳоси 3 с. 85 т.

„Қизил Ўзбекистон", „Правда Востока" ва „Ўзбекистони Сурх" бирлашган нашриёти ва босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока" кўчаси, уй № 34.